This article discusses the uniqueness of the role of school and technology classes in the professional development of the younger generation and the importance and methods of attracting them to the profession in theory and practice.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Атажанова Д.Б.

*Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курсларининг
“Ўқув-услубий” бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи*

Таянч сўзлар: касб, ҳунар, билим, профессионал таълим, стратегия, ҳаракат дастури, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик, товар – пул муносабатлари.

Ключевые слова: профессия, род занятий, знания, профессиональное образование, стратегия, программа действий, предпринимательство, ремесла, надомный труд, бренд-денежные отношения.

Key words: profession, occupation, knowledge, vocational education, strategy, program of action, entrepreneurship, crafts, home work, brand-money relations.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишнинг аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйлаб ишлаб чиқилган стратегия ва ҳаракат дастурига мувофиқ, эркин бозор муносабатларига асосланган демократик янгиликларни замонавий техника, технологияларни самарали қўллайдиган, янги технологик усуллардан фойдалана оладиган мамлакат тараққиётида юксалиш босқичига киришган ҳозирги кунда инновацион ривожланиш талабларига тўлиқ жавоб берадиган, халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал суръатларда олға сурадиган асосий ишчи кучи бўлмиш мутахассис кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида: «Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутати. Шу сабабли биз ислохотларимиз қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижо-атли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз. Бунда, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз» каби ғоятда долзарб вазифаларни амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланиши унинг муносиб касб-корни эгаллаши жамият тараққиёти учун баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиши ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши, яъни шахснинг камол топиши назарга олинади. Комиллик сари интилиш шахснинг касбий шаклланиши билан биргаликда яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этадиган мураккаб жараёндир. Кенг маънода касбий шаклланиш деганда инсоннинг ўз ақлий қobiliятлари жисмоний имкониятлари у ёки бу соҳага бўлган лаёқатлари, кизиқиш ва интилишлари, шунингдек кадрият ва дунёқарашларига кўра бирор бир касб соҳасида таълим олиш кейинчалик шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят йиллар давомида етук ва малакали мутахассис етишиши тушунилади.

Асрлар давомида ёш авлоднинг касбий ва ижтимоий шаклланишида ҳунармандчиликка ўргатиш муҳим рол ўйнади. Чуқур миллий илдишларга эга бўлган ҳунармандчилик мамлакатимизда қатор касбларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Мамлакатимизда бошланган кичик ҳунармандчилик корхоналарининг бугунги кундаги барқарор ўсиши кадрлар тайёрлаш тизимини етарли даражада ташкил этиши тақозо этмоқда. Унинг назарий ва технологик базасини ишлаб чиқиш ҳозирги

кунда жуда долзарб илмий муаммо ва устувор амалий вазифага айланиб бормоқда, уни ҳал қилиш энг катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки у аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам беради, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Касб-хунар таълими олимлар томонидан нафақат амалий нуктаи назардан: малакали мутахассислар тайёрлаш орқали халқ ҳўжалигининг хунармандчилик тармоғига хизмат кўрсатиш, балки касбий педагогиканинг бир тармоғи сифатида ҳам кўриб чиқилади. Г.М. Романтсев хунармандчилик таълимини касбий таълимнинг шахсни таъминлайдиган мустақил тармоғи сифатида белгилайди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хунармандчилик таълимининг маъмуни, унга ёндашувлар, шакллари, амалга ошириш усуллари ва бошқа кўплаб жиҳатлари илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, ўтмиш тажрибасини аниқлаш, камчиликлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, хунармандчилик назариялари ҳамда ривожланишнинг янги моделларини асослаш, янги контсептуал тушунчаларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида касбий таълимнинг ривожланиши

* 1924-1940 йиллар таълим тизими сифатида ватанимиз касб-хунар таълимининг таркиб топиши ва ривожланиши барқарор бўлмаган даври;

* 1941-1959 йиллар сафарбарлик даври.

* 1960-1980 йиллар - эволюцион ривожланиш даври;

* 1981-1986 йиллар - сакрашсимон ўзгаришлар инкирозолди даври;

* 1987-1990 йиллар - ривожланишдаги сифат ўзгаришлар (инкироз) даври;

* 1991-1996-йиллар - инкироздан аста-секин чиқиш ва барқарорлик (мостлашиш) даври;

* 1997-2002-йиллар - кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга жорий этишнинг биринчи босқичи (янгидан ривожланиш) даври;

* 2003 йилдан ҳозирги давргача бўлган даври.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонида «Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этиш» деб белгилаб берилган. Бироқ, профессионал таълим муассасалари ва бошқа касбий таълим муассасалари олдида турган жамиятнинг юқорида баён қилинган буюртмаси етарли даражада амалга оширилаяпти деб бўлмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири бу бўлажак мутахассисларнинг касбий, маънавий, ахлоқий фазилатларини шакллантиришда миллий кадриятларнинг қайси турларидан қандай усулда фойдаланиш ҳанузгача ўз ечимини тополмаганлигидадир. Ёшларимизда маънавий-ахлоқий сифатлар албатта меҳнат тарбияси, касб-хунар билан шуғулланиши, бўш вақтларини тўғри ташкил этиши, илм олишга, хунар ўрганишга сарфлашлари орқали шаклланади.

Хўш, билим ва хунар тушунчаларининг ўзи нима? Улар қандай маъноларни англайди?

Аввало шуни қайд этиш керакки, «билим» бу –

1. Обьектив борлик ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва бошқа соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар, мажмуи;

2. Ўқимишлилик даражаси, маълумот, қобилият (эрудиция) каби маъноларни англатади.

«Хунар» сўзи эса арабча сўздан олинган бўлиб, санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб маъноларини билдиради. Ушбу сўз бир неча маъноларда қўлланилиб, биринчидан, муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот, касб маъноларини ўзида жамлайди.

У.И.Иноятов тадқиқотларида касб-хунар таълимида мутахассис кадрлар моделини ишлаб чиқишда шахс, давлат ва жамиятнинг қуйидаги эҳтиёж белгиларини, яъни муайян шахс таълим оладиган йўналиш бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари, тармоқ таълим стандартлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи талабларини эътиборга олиш зарурлиги ва албатта, ишлаб чиқилган модел битирувчининг касбий-шахсий сифатини назорат қилиш тизимини ва назорат қилиш технологиясини қамраб олиши кераклиги алоҳида таъкидланади.

Таълим тизимида иқтисодий таълимни ташкил этиш, оила тадбиркорлиги, хунармандчилик, қасаначиликни ташкил этиш шартлари, устоз-шогирд муносабатлари С.Бобоқулов, Б.Ирискулов, Х.Ж.Худойкулов, Ш.А.Эшметов, А.Қудратов ва Ш.Қувондиқовларнинг ишларида таҳлил қилинган. Академик Р.Х.Джурасев томонидан касб-хунар таълимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари тадқиқ этилган.

Р.Абдуллаева, В.Алексеев, Х.Абдулқосимов, З.Боситхонов, С.Булатов, М.Ҳайдаров, Д.А.Зоҳидова, Б.Ирискулов, В.А.Мазур, Ф.Т.Давидова, Р.Сарсенбаева, С.Салаев, Х.Усмонов, Н.Шодиев, М.Абдурахмонова, Г.Шодиева, М.Пардаева, Ф.Эргашев ҳамда Р.Қиличевларнинг тадқиқотларида хунармандчилик йўналишлари ва уларнинг тарихий ривож, миллий хунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда тарбиявий имкониятлари, турли ҳудудларда ривожланган хунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтилган.

Хунармандчилик соҳасида касбий кўникмаларни эгаллаш, ижтимоий ҳаракатчанлик, фуқаролик масъулиятини ва зарур маданият даражасини шакллантиради.

Касбий таълимни ўрганиш билан шуғullanувчи тадқиқотчилар тадқиқотнинг институционал, фанлараро, интегратив, қиёсий-тарихий, сотциал-маданий ёндашувларини ажратиб кўрсатадилар, бу эса ўрганиш объектининг мураккаблиги билан изоҳланади.

Россияда хунармандчиликни ўқитишни ташкил этиш (И.А.Галкин, Д.А.Куприков, О.Н.Силонова); замонавий шароитда хунармандчилик фаолиятини аниқлаш ва ривожлантириш хусусиятлари (Д.Э.Гаврилов, В.Коениг, А.Меер, И.В.Рязантсева, И.П.Холод); хунарманд кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ва психологик-педагогик таъминотини асослаш (Н.А.Доронин, Д.П.Заводчиков, А.П.Золников, Э.М.Локотникова ва бошқалар) бўйича бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Олимлар хунармандчиликнинг моҳияти ва мазмунининг ўзгариши, кичик бизнеснинг хунармандларни касбий тайёргарлигига қўяётган янги талаблари, хунармандчилик фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлиги, мураккаб сиёсий, ғойий ва маънавий жараёнлар, жараёнларнинг таъсирини қайд этадилар.

Хунармандчилик фаолияти – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш

бўйича фаолиятidir. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Ҳунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқди, турли ижтимоий-тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллашса борди, турли ихтисосликлар (кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мискарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўкувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасоzлик ва бошқалар)га ажралди. Ҳунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг маъжудлигига қараб, масалан, пахта ва пилла бор жойда тўкимачилик, сифатли хомашё бор жойда (масалан, Риштонда) кулолчилик, жун ва тери кўп жойда тўкимачилик ва кўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп жойда ёғочсоzлик, маъданларга бой ерларда металл ишлаб чиқариш ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва бошқалар ривож топган. Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимоти билан алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг 3 тури шаклланган:

- 1) уй ҳунармандчилиги;
- 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик;
- 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик.

Уй ҳунармандчилиги ўрта асрларда ҳунармандчиликнинг энг кўп тарқалган тури бўлди. Ҳунармандчиликнинг бу тури натурал хўжаликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шаҳарлар ривожини буюртма билан ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорга ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши билан узвий боғлиқ. Натижада ҳунармандчилик маҳсулотлари товарга айланди, товар айирбошлаш учун ишлаб чиқарилди. Давр тақозоси билан ҳунармандчиликнинг янги-янги турлари вужудга келди. Ҳунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослаша бордилар. Шаҳарлардаги маҳаллалар ҳунармандларнинг касб-кориға қараб шаклланган (масалан, 20-асрнинг бошларида Тошкентда кўнчилар, кулоллар, эгарчилар, бешикчилар, ўкчилар, косиблар маҳаллалари бўлган). Айрим маҳалла, квартал, шаҳар, ўлкалар ҳунармандчиликнинг маълум маҳсулотлари билан шуҳрат қозона бошладилар.

Ҳунармандчилик товар – пул муносабатларига кенгрок ва чуқуррок тортилганлиги сари табақалашди. Уддабурон ва серҳаракат ҳунармандлар бойиб дастлабки капитал жамғарилиши туфайли капитал соҳибига айланди ва уларнинг устахоналари негизда кичик завод ва фабрикалар вужудга келди. Шунингдек, ҳунармандчилик Европа шаҳарларида саноат ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Бироқ, ҳунармандчилик асосан ишчи меҳнатидан фарқ қилади. Фарқларнинг моҳияти қуйидагича:

1. Ҳунармандлар ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашган ишчилардан фарқли равишда ишлаб чиқариш эгаларидир. Бунда ижтимоий бойликдан улуш олиш йўли: ҳунармандчилик хизматларини кўрсатиш ёки ҳунармандчиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш орқали келиб чиқади. Шу билан бирга, ҳунармандга тўланадиган ҳақ миқдори ишчининг иш ҳақи миқдоридан ошади, лекин маҳаллий бозорда худди шундай ҳунармандчилик товарлари ёки хизматларининг нархи билан чегараланади. Ҳунарманд ва ишчи ўртасидаги фарқ нафақат

ишнинг табиатида, балки унинг мазмунида ҳамдир. Ўз ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш қобилияти хунармандга бутун ишни ўзи бажаришга имкон беради.

2. Ишлаб чиқариш. У хунармандчилик меҳнатининг мазмунидан ҳам, унинг натижаларидан ҳам бегона эмас.

Шундай қилиб, хунарманд - бу ишлаб чиқариш жараёнларининг бутун мажмуасини амалга оширишга, хунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантиришга, иқтисодий ва маданиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишга, ўзининг ижтимоий функцияларини ва фаолиятини бажаришга қодир бўлган яхлит ишчи ва шахс.

Тадқиқот жараёнида биз хунармандчиликнинг асосий хусусиятларини кўриб чиқдик, бу эса хунармандни махсус билим, қўникма, малака, компетенция ва технологиялардан фойдаланган ҳолда меҳнат (ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик) фаолиятининг мураккаб турини амалга оширадиган мутахассис сифатида тушунишга имкон берди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан бу тушунчанинг ички мазмуни ўзгаради. Биз хунармандни ишнинг юқори малакали ижрочиси деб биламиз. Бунда, биринчидан, политехник қўникмаларга эга бўлиш, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнини махсус ташкил этиш туфайли мутахассис технолог функцияларини бажаради. Технологик жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ юқоридаги функциялар билан бир қаторда, хунарманд бошқарувчи, маҳаллий бозорда маҳсулот сотишни ташкил этиш, ресурсларни макбул тақсимлаш, рақобат шароитида хунармандчиликни ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишни таъминлаш учун иқтисодчи ва маркетинг ҳам бўлиши лозим. Хунарманд кўпинча кичик бизнес ташкилотчиси функцияларини ўз зиммасига олиб, тадбиркорга теглашади, натижада «хунарманд» атамаси «тадбиркор» га айланади.

Ўқувчиларнинг иштироки касб-хунар таълими ва таълим амалга оширилган ишлаб чиқариш жараёнида шахсни мустақил хунармандчилик меҳнатига тайёрлашнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Бунда “хунарманд” атамаси сўзнинг том маънодаги “устоз шоғирд”, ўқитувчи атамасига тенг бўлади.

Бўлажак хунарманднинг касбий фаолиятга тайёргарлиги тузилишида биз тўртта компонентни аниқладик: мотивацион; когнитив; фаолият ва шахсий.

Мотивацион компонент жамиятнинг маданий, ижтимоий ва ҳуқуқий кадриятлари тизимини ўз ичига олади, улар хунармандчиликка ижобий муносабатни, унинг ижтимоий йўналишини англашни, ўқувчиларни касбий хунармандчилик фаолиятини амалга оширишга ундайди. Ижтимоий-касбий муносабатларни амалга ошириш учун қулай маданий, ҳуқуқий ва маънавий-психологик шароитлар.

Когнитив компонент билим, қўникма, малакаларни шакллантиришга қаратилган. Когнитив компонент - бу хунармандчилик фаолияти шароитида ижтимоий ва касбий ўзаро муносабатларнинг назарий ва услубий асослари ҳақидаги маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий ва ахлоқий билимлар тизими.

Фаолиятли компоненти функционал йўналтирилган бўлиб, мақсадга йўналтирилганлик - билим, қўникма, шунингдек, ижтимоий муваффақиятни таъминлайдиган ақлий ва амалий ҳаракатларни амалга ошириш усулларини шакллантиришда профессионал ўзаро таъсир. Етакчи кадрият - бу ижтимоий ва касбий ўзаро таъсирнинг умумлаштирилган усуллари.

Шахсий компонент. Бўлажак хунармандларнинг касбий фаолиятга тайёргарлиги, замонавий мутахассис-хунарманднинг касбий маҳоратининг таркибий қисми сифатида, таълим жараёнида ўқувчининг хунармандчилик фазилатларини шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

Замонавий ҳунармандчилик фаолиятида ҳунармандчилик маҳсулотини лойиҳалаш, таҳлил қилиш, тасаввур қилиш, ижодкорлик билан боғлиқ интеллектуал меҳнатнинг салмоғи ортиб бормоқда. Ҳунармандчилик корхонасида ҳам, ундан ташқарида ҳам ўрнатиладиган шахслараро ҳиссий-психологик ва ижтимоий-маданий муносабатлар муҳим рол ўйнайди. Уларга ҳунарманднинг ўзи, маълум шахслар доираси, турли ишлаб чиқариш, жамоат ва назорат қилувчи ташкилотлар қиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, “ҳунарманд” тоифаси ўзгаришсиз қолмайди, шунинг учун профессионал таълим тизимида янги йўналиш – касб-ҳунар таълимининг яратилиши илгари мавжуд бўлган кадрлар тайёрлаш ва касб-ҳунар таълими усуллари тўлиқ такрорлашни ва ҳунарманд кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Бинобарин, касб-ҳунар таълими масалаларини ҳар томонлама ўрганиш мамлакатимиз профессионал таълим тизимини модернизатция қилишда муҳим, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3393-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори.
4. Ўзбекистон ҳунармандчилиги дурдоналари 1-жилд. Тошкент 2019 й
5. Ўзбекистон ҳунармандчилиги дурдоналари 2-жилд. Тошкент 2019 й
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 13-октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4862 –сон қарори.
7. И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.309
8. “Хомашёдан тайёр маҳсулотга” Тошкент окшоми. 2017 йил. 3-феврал №24
9. Хива ипакчилик устахоналари, Ичон қалъа, Хоразм, Ўзбекистон (362) 37564/375 6883 кхивасилк @ кхива.инфо
10. Муслимов.Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.
11. Мавлонова Р.А., Санакулов Х.Р., Ходиева Д.П. Технологик ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.
12. Санакулов Х., Ходиева Д., Санакулова А. 2–3 синф. «Технологик таълим» дарслиги. – Т.: «Шарк», 2012.
13. Ксензова Г.Ю. Оценочная деятельность учителя. Учебно-методическое пособие-М; Педагогическое общество Россия, - 2001-128 с.
14. Шодиев Н.Ш. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. – Т.: «Ўқитувчи», 1987. –232-б
15. У.Махкамов. Одоб-ахлоқ сабоқлари. – Т.: Фан, 1995. 84-бет.
16. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т.: «ЎЗМЭ». 1-жилд. 679 б. Б.-260

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим тизимига янгича ёндашув асосида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг мазмунини ёритилган. Бўлажак ҳунарманднинг касбий фаолиятга тайёргарлиги, ҳунармандчилик бўйича илмий ишларнинг таҳлили ва ҳунармандчиликнинг вужудга келиши ҳақида сўз юритилди.

РЕЗЮМЕ

В этой статье описывается работа, сделанная для того, чтобы направить студентов к карьере, основанной на новом подходе к системе образования. Рассказывается о подготовке будущего мастера к профессиональной деятельности, анализе научной работы по рукоделию и зарождению ручного труда.

This article describes the work done to guide students to careers based on a new approach to the education system. It tells about the preparation of the future master for professional activity, the analysis of scientific work on needlework and the origin of manual labor.

BO'LAJAK PROFESSIONAL TA'LIM O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

To'xtayeva F.Sh.

*Pedagogika innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarni
qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutning tayanch doktoranti*

Tayanch so'zlar: raqamli texnologiyalar, raqamli savodxonlik, kompetentsiya, raqamli kompetentlik, axboriy savodxonlik, kompyuter savodxonligi, media savodxonlik.


Ключевые слова: цифровые технологии, цифровая грамотность, компетентность, цифровая компетентность, информационная грамотность, компьютерная грамотность, медиаграмотность.

Key words: digital technology, digital literacy, competence, digital competence, information literacy, computer literacy, media literacy.

Mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining zamonaviy bosqichi raqamli iqtisodiyot jarayonlarini rivojlantirish orqali raqamli jamiyatga o'tish bilan tavsiflanadi, bu esa butun ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish tizimini axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash orqali amalga oshirishni nazarda tutadi. Raqamli iqtisodiyot ishlab chiqarish jarayonida raqamli texnologiyalarni qo'llashni nazarda tutadi. Bunda eng asosiy mahorat ya'ni raqamli ma'lumotlar (big date), online xizmatlar bilan ishlay oladigan kadrlarga bo'lgan talab kuchayadi. Ba'zi kasblar o'z o'rnini boshqa yanada zamonaviy kasblarga bo'shatib bersa, ba'zilari avvalgi kasbiy mahorat bilan bir qatorda raqamlashtirilgan olamda faoliyat olib borish uchun axborot texnologiyalaridan foydalanish mahoratga ham ega bo'lish zaruratiga duch keldilar(1-rasm).

Raqamlashtirilgan jamiyatga o'tish davrida o'qituvchi ham o'z ustida ishlashi yangi texnologiyalarga oid bilimlarni o'zlashtirib borishi talab etiladi, bu bilan u ham, ta'lim oluvchiga aylanadi. Bu ta'lim tizimi uchun yangi, ikki sohaga oid bilimlarga ega mutaxasislarni tayyorlash vazifasini belgilaydi. Ikki sohaga oid deganda biz ma'lum bir sohaga oid an'anaviy (buxgalteriya, iqtisod, loyihalash) ga oid bilimlar bilan bir qatorda, ushbu sohaga oid texnologiyalarni qo'llay oladigan mutaxasislarni tayyorlash zaruratini na'zarda tutmoqdamiz. Hususan maxsus kompetentlik bilan bir qatorda raqamli kompetentlikga ega mutaxasislarni tayyorlash va ularning tayyorgarlik darajalarini aniqlash masalasi e'tborimiz markaziga chiqadi.

Endi o'z – o'zida savol tug'iladi raqamli kompetentlikni qanday shakllantirish mumkin bu savolga aniqlik kiritish maqsadida biz olimlarning ishlariga murojaat qildik xususan raqamli savodxonlik



atamasi ilk bora 1997-yil Pol Gilister tomonidan ishlatilgan bo‘lib u bu atamani quyidagicha izohlaydi “Internetga kirish, qidirish, boshqarish va raqamli axborotni tahrirlash qobiliyatlari to‘plami; aloqa bilan shug‘ullanish va onlayn axborot-kommunikatsiya tarmog‘ida muloqot qilish. Raqamli savodxonlik-raqamli resurslarni, vositalarni va xizmatlarni to‘g‘ri ishlatish va baholash va ularni hayot davomida o‘qitish jarayonlarida qo‘llash qobiliyati”. Hozirgi kunda texnologiyalar rivojlanishi natijasida fanga turli yangi texnologiyalar kirib kelishi yangi atamalarni paydo bo‘lishiga olib kelmoqda “axboriy savodxonlik”, “kompyuter savodxonligi”, “mediasavodxonlik”, “multimedia savodxonligi” kabi atamalar fanga kirib kelib ularning barchasi raqamli texnologiyalardan professional va hayotiy vaziyatlarda unumli foydalanishga qaratilgan. Raqamli texnologiyalarga oid savodxonlik bu texnologiyalar rivoji bilan uzviy bog‘liq, rivojlanuvchi va kengayib boruvchi tushunchadr. Borthwick va Hansenlar “pedagogik ta’limda raqamli imkoniyatlarni rivojlantirishga qaratilgan an’anaviy yondashuvlar o‘quvchilarning “raqamli savodxonligini” ilgari surishga qaratilgan” deydi o‘z ishlarida. Raqamli savodxonlik - kompyuterlar yordamida turli xil formatlarda taqdim etilgan ma’lumotlarni tushunish va ulardan keng ko‘lamda foydalanish qobiliyati.[4] Tahlillar natijasi o‘quvchida avval raqamli savodxonlik so‘ng raqamli kompetentlik shakllanishi ko‘rsatdi.

Kompetentlik – o‘quvchida tarkib topgan shaxsiy sifatlar va berilgan sohadagi faoliyati bo‘yicha to‘plagan minimal tajribasi.

Kompetensiya - bu bilim, ko‘nikma va munosabatlarning kombinatsiyasi, boshqacha qilib aytganda, ular tushunchalar va faktlardan (ya’ni bilim), ko‘nikmalar tavsiflaridan (masalan, jarayonlarni amalga oshirish qobiliyati) va munosabatlardan (masalan, xulq-atvor, harakat qilish uchun fikrlash) iborat.


Raqamli kompetentlik so‘ziga ta’rif keltirsaq raqamli kompetentlik bu – bilim olish, ishlash va jamiyatda ishtirok etish uchun raqamli texnologiyalardan ishonchli, tanqidiy va mas’uliyatli foydalanish va ular bilan o‘zaro ta’sir qilishni o‘z ichiga oladi. U axborot va katta ma’lumotlar bilan ishlash savodxonligi, aloqa va hamkorlik, media savodxonligi, raqamli tarkibni yaratish (jumladan dasturlash), xavfsizlik (raqamli farovonlik va kiberxavfsizlik bilan bog‘liq kompetensiyalar), intellektual mulk bilan bog‘liq savollar, muammolarni hal qilish va tanqidiy fikrlashni o‘z ichiga oladi.

Raqamli kompetensiya beshta asosiy yo‘nalishga birlashtirilgan 21 ta kompetensiyaning kombinatsiyasi sifatida belgilanadi (2- rasm).

- axborot va axborot savodxonligi;
- aloqa va hamkorlik;
- raqamli kontent yaratish;
- xavfsizlik;
- muammolarni hal qilish

2-rasm. Raqamli kompetentlikni rivojlantirish konseptual modeli.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki pedagog bu jamiyatni tarbiyalovchi unda zamon talabiga mos bo‘lgan barcha hususiyatlar



mujassam bo'lishi kerak. Bo'lajak o'qituvchilarda raqamli jamiyatda faoliyat olib borishi va o'z sohasiga oid bilimlarni mustaqil egallashi, o'sib kelayotgan "Z", "alpha" avlodni zamonaviy texnologiyalardan va ta'lim metodlaridan foydalangan holda o'qita olishi uchun ular raqamli kompetentlikka ega bo'lishlari zarur.

Adabiyotlar:

1. Borthwick, A., & Hansen, R. (2017). Digital literacy in teacher education. Are teacher educators competent? Journal of Digital Learning in Teacher Education, 33(2), 46-48.
2. Gilster, P. (1997). Цифровая грамотность. Нью-Йорк: Wiley.
3. Иванов Д.И. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании/ Д.И. Иванов// журнал Воспитания Образование Педагогика" 2007. №66 (12).–С.32
4. Теоретические подходы к определению понятия цифровой грамотности. Шариков Александр Вячеславович: Всероссийская научно-практическая конференция «Интернет и социокультурные трансформации». Москва, 21–22 апреля 2015 г. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http:// www. ifapcom. ru/files/ 2015/ iscf/ presentations/ sharikov.pdf](http://www.ifapcom.ru/files/2015/iscf/presentations/sharikov.pdf)

РЕЗИОМЕ

Ushbu maqolada bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarining raqamli texnologiyalardan foydalanishga oid bilim, ko'nikma, malakalarni shakillantirish muammolari o'rganilgan. Raqamli savodxonlik va raqamlik kompetentlik atamallari ularning bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarining professional faoliyatidagi o'rni o'rganilgan.

РЕЗИОМЕ

В этой статье рассматриваются проблемы мотивации знаний, умений, навыков будущих учителей профессионального образования в отношении использования цифровых технологий. Термины цифровая грамотность и цифровая компетентность изучены их роль в профессиональной деятельности будущих педагогов профессионального образования.

SUMMARY

This article discusses the problems of motivation of knowledge, skills, and skills of future teachers of vocational education in relation to the use of digital technologies. The terms digital literacy and digital competence have been studied for their role in the professional activities of future teachers of vocational education.

ЖАМОАВИЙ-ЛИДЕРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Рашидова Н.Р.

*Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда,
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти, таянч докторанти (PhD)*

Таянч сўзлар: лидер, жамоавий-лидерлик, компетенция, компетентлик, лидерлик компетентлиги, жамоавий-лидерлик компетентлиги, профессионал таълим.

Ключевые слова: лидер, командное - лидерство, компетентность, лидерская компетентность, командно-лидерская компетентность, профессиональное образование.

Key words: leader, team-leadership, competency, leadership competency, team-leadership competency, vocational education.

Жаҳонда глобallasув даврида катта микдордаги ахборот, шиддат билан ўзгараётган ташқи муҳит, рақобатбардошликни сақлаб қолишнинг мураккаблашиши таълим ташкилотларида бошқарув жараёнини мураккаблаштиради. Бундай шароитда эса жамоа бўлиб фаолиятни олиб бориш муаммоларни бартараф этишнинг энг осон усули ҳисобланади. Шу боис таълим тизимидаги ислохотлар педагог кадрларнинг рақобатбардошлилигини таъминлашда уларнинг билими, шахсий ғазилати

ва энг аввало унинг касбий тайёргарлигига катта талаблар қўймоқда. Президентимиз Ш.М Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ёшларимизнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш интеллектуал салоҳиятини ва ташкилотчилик қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.”

Педагог кадр ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ доимий равишда ўз билимларини тўлдириб бориши, чуқурлаштириши, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштириши, шунингдек рақобатбардош кадр бўлиши учун касбий кўникмаларни мукамал эгаллаши, лидерлик компетенциясига ҳос ташаббускорлик, шижоатлилик, ўзига ишонувчанлик, мақсадга интилувчанлик, фаоллик каби фазилатларни ўзида шакллантириши лозим.

Педагог кадрларда лидерлик компетенцияларини ривожлантиришнинг муҳимлиги унинг меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларда ҳам мана шу хислатни шакллантиришидир.

Шунингдек лидерлик компетенцияси ўз-ўзини шакллантиришга, ўз устида ишлашга, маъсулиятли бўлишга, жамоада фаолият юритишга ундайди. Жамоа фаолиятини ва ўз фаолияти билан боҳлик равишда режалаштириш қобилияти педагог кадр учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиришни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш-бу ўзига ҳос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарсасининг қанчаллик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир.

Лидерлик компетенцияси тўғрисида Россия олимларидан Спивак В.А., Гряднева М.А., Петров М.А., Шавалеева Ю.Ш, Татосян Е.А, Оболенский Ю.В, Илковская И.М ва бошқаларнинг тадқиқотлари лидерликка бағишланган. Хорижий олимлардан У.Деминг, М.Мескон, Ф. Котлер ташкилотларда кадрларнинг лидерлик компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

У. Деминг лидерлик компетенциясини сифат фалсафасининг 14 элементидан бири сифатида таърифлаб, «ташкилотда лидерликни жорий этиш» деб атайди. Лидерлик компетенциясининг назарияларидан маълумки, у гуруҳлар ва командалар билан ишлашнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. М. Мескон лидерлик компетенциясини ташкилотнинг ички омиллар гуруҳига, “одамлар” кичик тизимига киритган. Шундай қилиб лидерлик фалсафа, менежмент тизими ва жойлардаги иш жараёнида учрайдиган тушунча ҳисобланади. Умумий ҳолда лидерлик компетенцияси барча тизимлар билан ишлашда ва барча жараёнларда инсонлар билан муносабатларни амалга оширишда қўлланилади.

И.М.Илковскаянинг фикрига кўра, таълим соҳасидаги фаолиятида лидерлик компетенциясининг аҳамиятини кўллаб олимлар лидерлик кўникмаси, малакаси ва қобилиятларини таълим муассасаси педагогининг касбий компетентлигининг мажбурий таркибий қисми деб ҳисоблайди. Ушбу фикр Н.А.Бозина, М.Н.Савина, И.Д.Чечель, И.М.Филинова ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар нуқтаи-назаридан қўллаб қувватланади. Хусусан, И.Д.Чечель лидерлик компетенцияни касбий компетентлигининг таркибий қисми деб ҳисоблайди, шу жумладан, меҳнат фаолиятида ўзини, бошқаларни ва атрофдаги оламни, ижтимоий мулоқот қобилиятларини, низоли вазиятларда стратегик ёндашувлар ҳақидаги психологик билимлар тизimini акс эттиради.

Лидерлик компетенциясига А.Н Митин қуйидагича таъриф беради: “Лидерлик компетенцияси - бу янги натижаларни излаш ва амалиётга тадбиқ қилиш, янги ғоялар,

қарашлар, кадриятлар, муносабатлар, шунингдек бошқарув фаолиятининг усуллари ва методлари, хулқ-атвор нормаларидир”.

Профессional таълим муассасаларида меҳнат фаолиятини сифатли амалга оширишда ҳам педагог кадрнинг лидерлик компетентлигини тизимнинг асосий юритувчи механизми сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Сифат менежментига онд адабиётларда ҳам лидерлик компетенцияси ташкилот тизимининг барча компонентлари учун зарурлиги таъкидланади.

Олимларнинг тадқиқотларини таҳлил қилиб шундай хулосага келдик лидерлик компетенциясининг ривожланиш нафақат раҳбар кадрларда, балки жамоанинг барча аъзоларида шаклланиши лозим. Бу борада эса раҳбар олдига ўз жамоасида жамоавий-лидерлик компетенциясини шакллантириш вазифаси қўйилади. Жамоавий-лидерлик компетенцияси шаклланган педагог кадрларни таълим муассасасининг стратегиясини амалга оширишда самарали натижа беради.

Жамоавий-лидерлик тушунчасига илк маротаба 90 йилларда хорижий олимлардан Р.М. Белбин асос солган. Р.М. Белбин лидерликнинг икки хил кўринишини айтиб ўтади: индивидуал ва жамоавий. Жамоавий-лидерликнинг индивидуал лидерликдан фарқи жамоа бўлиб фаолият олиб боришида, индивидуал лидер эса жамоа номидан иш юритишидандир.

Жамоавий – лидерлик асосида фаолият олиб боришда ташкилотдаги ҳар бир шахс ташкилот бошқарувида, назорат қилишда, қўмаклашишда, мақсад ва кадриятларда биргаликда ҳаракат қилганликлари сабабли, ҳар бир жамоа аъзосининг индивид бўлиб шаклланишида жамоавий маъсулиятни ҳис қилади.

Хорижий олимларнинг назарий тадқиқотларини таҳлил қилиб ҳар қандай ташкилот, жумладан профессионал таълим муассасасида ҳам жамоанинг ҳатти-ҳаракатларига таъсир этишда, самарадорликка эришишда педагог кадрнинг жамоавий-лидерлик компетентига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Профессионал таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохотларни амалда самарали тадқиқ этишда педагог кадрларнинг меҳнат фаолиятини жамоавийлик асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тизимга киритилаётган янги ахборот оқими ўзлаштириш, қабул қилиш натижада муваффақиятга эришиш жамоавийлик фаолиятига янада эҳтиёжни орттиради. Жамоа бўлиб ишлаш ҳар қандай ташкилот самарадорлигини ошириш воситаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида ҳам меҳнат фаолиятида жамоавий салоҳиятдан фойдаланиш педагог кадрларнинг фаолият самарадорлигини сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келади. Жамоада педагог кадрлар ёши, жинси, маълумоти, маданияти, эътиқоди ва кадриятлари фарқланиши мумкин, лекин бир жамоа бўлиб ишлаш педагог кадрларда жамоавий –лидерлик компетентлиги билан бирга коммуникатив, креатив, ижтимоий ва инновацион компетенцияларни ҳам ривожлантиради. Таълим ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган даврда педагог кадр бир нечта кўникмаларга эга бўлиши ва бир нечта функцияларни бажара олиш қobiliятини талаб қилади. Шунингдек, педагог кадрларнинг жамоавий лидерлик компетентлигини ривожлантириш учун фаолият моделини яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун малака ошириш жараёнларида таълим методларидан оқилона фойдаланишнинг характерли аспекти аниқлаш муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Ёшлар форумидаги нутқи, 2020 й <https://uz.uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi> 197662
2. Бозина Н. А. Теоретические основы развития профессиональной компетентности руководителей

образовательных учреждений / Н. А. Бозина, М. Н. Савина // Инновационные проекты и программы в образовании. – 2013. – № 6. – С. 67–70.

3. Деминг У. Лидерство. Книга 1 - Перс.с. англ. //Тольятти: 1998-332 с.

4. Ильковская И. М. Профессиональная компетентность руководителя образовательной организации: определение и особенности / И. М. Ильковская // Вестник СГТУ. – 2014. – № 1. – С. 127–131.

5. Мескон М., Алберт М. Основы менеджмента: Перс. англ. // Дело М., 1998- 542 с.

6. Митин А.Н Культура управление: учеб.пособ// Урал. акад.гос.службы –Екатеринбург 2015-526 с

7. Нежеленко Е.В., Ясенюк С.Н. КОМАНДОБРАЗОВАНИЕ И ЛИДЕРСТВО -2012 г, 62 стр, 115 стр.

8. Оболонский Ю.В. Универсальный образ аутентичного лидера//Лидерство и менеджмент-2015 с 251-264

9. Спивак В.А., Гриднева М.А., Петров М.А Совершенствование профессиональных стандартов руководителей на основе учета лидерских компетенций./ Российское предпринимательство-2018-Том 19-с

10. Татосян Е.А Применение коучинга как новой модели развития руководителей органов государственной власти-2017. С 154

11. Филинова И. М. Профессиональные компетенции руководителя образовательной организации среднего профессионального образования / И. М. Филинова // Вестник ТвГУ. Сер. «Педагогика и психология». – 2015.

12. Хайитов О.Э Психология управления: Учебник / О.Э. Хайитов; Ответственный редактор Д.Н. Арзикулов; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. – Чирчик: УзГУФКС

13. Чечель И. Д. О компетентностном подходе к деятельности руководителей общеобразовательных учреждений / И. Д. Чечель // Инновации в образовании. – 2012. – № 3. – С. 46–51.

14. Шавалеева Природа лидерства в управление компании и концепции роста лидерских качеств сотрудников//Лидерство и менеджмент- 2018 – Том 5-№ 1 с 43-53

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада лидер ва жамоавий-лидерлик тушунчаси, жамоавий – лидерлик компетентлиги, жамоавий-лидерлик компетентлигига асос солган хорижий олимлар, ҳамда профессионал таълим тизими педагог кадрларнинг касбий фаолияти самарадорлигида жамоавий-лидерлик компетентлигини ўрни ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается понятие лидерства и командного лидерства, компетенции командного лидерства, зарубежных ученые которые основали компетенцию командного - лидерства, также подчеркивается роль компетенции командного лидерства в эффективности профессиональной деятельности преподавательского состава в профессиональном образовании.

SUMMARY

This article deals with the development the concept of leadership and team leadership, team – leadership competence, foreign scientists who founded the competence of team leadership, the role of team leadership competence in the effectiveness of professional activity of teaching staff in vocational education is also highlighted.

ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ KAIZEN VA POPS FORMULANI INNOVACION TAЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

Бегимқулова В.Қ.

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтини бош мутахассиси

Таянч сўзлар: Кайдзен, ПОПС, АКТ, ЯПТ, инновация, профессионал, сусен.

Ключевые слова: Кайдзен, ПОПС, АКТ, ЯПТ, инновации, профессионал, сусен.

Key words: KAIZEN, POPS, ICT, YAPT, innovation, professional, susen.

Хозирги кунда профессионал таълим сифати ва самарадорлигини ошириш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб, меҳнат бозорида талаб юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурлигини акс

эттиради. Жумладан, KAIZEN ва POPS formula каби инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларни касбий билим, кўникма ва малакаларни чуқур эгаллашларига замин бўлади.

Инновацион таълим бу –шундай инновацион таълим технологиялари дастурлари, унда тарбиячи инновацион фаолият натижаси бўлиб ўқитилаётганлар инновацион ғояларни яратувчи (генерация) ҳисобланади.

Ўқувчиларга инновацион усуллардан фойдаланиб, экологик-гигиена билимлар билан таълим ва тарбия беришни тўлдириши зарур.

Инновация- (инглизча) янгилик киритиш деган маънони ифодалайди, технология эса юнунча “технос”-санъат, маҳорат ва “логос”- фан сўзларидан олиниб инновацион технология таълим –тарбия шакллари, методлари ва усулларига янгича ёндашиш деган маънони билдиради. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритишидир. Инновацион технологиялардан фойдаланишда тарбиячига қуйидаги билимларни билиш талаб этилади.

- АКТ бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлиш;
- ЯПТ(янги педагогик технология) бўйича хорижий тажрибалардан бохабар бўлиш;
- Талим жараёнини ташкил этишда дидактик ўйинлардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш маҳорати;
- Илғор педагогик технология бўйича билимларни ўзлаштириб бориш;
- Таълим ва тарбия жараёнида ҳаракатли ўйинлардан унумли фойдалана билиш;
- Ўз устида тинмай ишлаши, ҳар соҳага оид янгиликларни кузатиб бориши ва бошқалар.

Тарбиячи инновацион технологияларга асосланиб таълим ва тарбия берар экан, турли техник воситалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Тарбиячининг фаолиятида инновациялар қанчалик кўп бўлса мазмун шунчалик ошади. Таълимда инновационлик ҳақидаги тасаввурлар барқарор ва мукамал шаклга эга эмаслигини ҳам эътироф этиш керак. Ҳар бир тарбиячи таълим ва тарбияга индивидуал тарзда янгилик киритиши мумкин.

Ўрганиб чиқилган илмий ишларнинг аксариятида инновацион фаолият тушунчасига тариф берилган бўлсада, бу соҳада ҳаммага маъқул келадиган ва инновацион фаолиятнинг тўлиқ мазмунини очиб берадиган ягона таъриф яратилмаган, шунингдек бу фаолиятни шакллантириш жараёнига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Инновационлик – инсоннинг таълимда ўз - ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун самарали методика ҳисобланади. Кайдзен технологияси (японча: кай – ўзгартириш ва zen – яхши) ҳар бир муҳитда янгилик яратиш, мавжуд ғояларни такомиллаштиришга доимий интилиш назарда тутати. Кайдзен фалсафасига кўра, муаммолар айнан уларга ечим топиш учун ҳам берилади. Японияда “кайдзен” – ишлаб чиқариш жараёнига мунтазам равишда қўлланилиб, унда соҳадаги муаммолар аниқланади ва уларга мавбўл ечимлар тақдим этилади. Ҳар бир инсон натижаларни баҳолаш, ўз фаолият усулларини танлашга комплекс ёндашишга қодир бўлиши зарур. Профессинал таълим тизимида қатор касблар борки, уларни ўргатишда ижодий-конструкторлик фаолияти тажрибасини шакллантириш зарур. Бўлажак педагогларни ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб уларни касбий тайёргарлигини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирда технологик таълимга асос қилиб олинган профессинал таълим тизими ўқувчиларини ўқитиш бўйича касбий фаолиятга тайёрлашда урта асосий вазифа белгиланди:

- фан-техника ютуқларини нафақат ўзлаштириш, балки педагогик фаолиятида қўллашга қодир бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал салоҳияти, таълим ва касбий даражасини ошириш;
- ўқувчиларнинг билиш имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимини шакллантиришга ижодий ёндашувни таъминлаш;
- ўқувчини касбий фаолиятда муваффақият қозонишга қодир шахс сифатида тарбиялаш.

«KAIZEN» технологияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:



Мавзу баёни:

Жаҳонда ахборот ривожланишининг динамикаси ижтимоий институт сифатида таълимга янги юқори талабларни қўяди. Шахсни тез ўзгарувчан дунёда ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялашни таъминлаш, мутахассисларнинг яхлит дунёқараши ва муносабати, функционал саводхонлиги ва ижодий касбий маҳоратини шакллантириш зарур. Жанубий Корея таълим тизими таълим ва фан интеграциясига йўналтирилган бутунжаҳон тамойилини амалга оширади. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Замонавий Корея таълим тизимида бошланғич мактабларнинг роли муҳим. Кореяда бошланғич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳуқуқли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг руҳсатномасини олиши лозим бўлади. Ўқув йили эса 1 март Корея республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич

таълимдан кейинги «зинапоё» вазифасини ўрта таълим бажаради. Ўрта таълим Корея республикасида 3 йил давом этади. Ўрта таълим ҳам мажбурий бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Ўрта таълим мактабларида давлат тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусиқа, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд. Булар қаторига ахборот, чет тили (қўпинча немис, француз, испан, хитой, япон, рус, араб тиллари) кабиларни киритиш мумкин. Ўрта мактаб тугатилгач юқори мактабларда (профессионал таълим) таълим давом эттирилади. Юқори мактаблар бир неча турларга бўлинади: давлат юқори мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради), Умумий юқори мактаблар (Ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади), хусусий юқори мактаблар. Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига қўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот), махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари. Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади. Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда 97-98 % корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш анча мураккаб имтиҳонларни топширишни талаб этади.

Профессионал коллежлар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахассислик берилмайди, балки уларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди. Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрокультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали қўра, ҳар бир ўқувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган. Жанубий Кореяда касб-ҳунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23% да техник касб эгалари етиштириб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга қорхоналар оталиқ кадилар. Жанубий Корея “Таълим ҳақидаги қонун” талабларидан бири ҳам шудир.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6.5% бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган профессионал коллежлар мавжуд бўлиб, ҳар бир вилоят ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “сусен” деб номланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари-имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Сусен 3 та асосий секция фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак олий ўқув юрти талабалари боғча ёшидан тайёрланишни бошлашади. Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга сурилган ўқувчиларни “чесусенлар” деб аташади.

Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- профессионал коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);

- индустриал университетлар;
- педагогика институтлари;
- сиртки университетлар;
- оқик университетлар.

Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашдир. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетнинг иккинчи ёки учинчи курсига кириш учун ҳаракат қилиши мумкин. Шу билан бирга махсус ўқиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам кириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда: Жанубий Кореяда профессионал таълим тизимини жорий этиш бўйича олиб борган кичик таҳлилимиз натижасида, Ўзбекистонда профессионал таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кун сайин ортиб бормоқдалигини кўришимиз мумкин. Профессионал таълим муассасаларининг моддий таъминотининг яхши таъминланганлиги, амалий ва лаборатория хоналарининг тўлиқ жиҳозланганлиги, назарий ва амалий билимларнинг ҳамоҳанг тарзда олиб борилиши таълим сифатини ошириш билан бирга етуқ кадр етиштириб чиқарилишига замин бўлади.

Адабиётлар:

1. Korea Tourism Organization homepage (<http://english.visitkorea.or.kr/enu/index.kto>)
 2. Bank of Korea Economic Statistics System KRIVET(2012).
 3. Vocational Education and Training in Korea. Ministry of employment and labor (2013).
 4. <https://www.oecd.org/education/learningforjobs>
- Brief of Local & Industry Customized HRD System. Ministry of employment and labor (<http://upgrade-utistory.com>)

РЕЗЮМЕ

Мамлакатимизда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга самарали тайёрлаш, профессионал таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш асосида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб педагогика коллежи ўқувчиларини инновацион таълим технологиялари асосида ўқитишга қаратилган бўлиши лозим.

РЕЗЮМЕ

В нашей стране важно осуществлять подготовку будущих специалистов на основе эффективного обучения, профессионального образования и интеграции производства. Таким образом, педагогический колледж должен ориентироваться на обучение студентов на основе инновационных образовательных технологий.

SUMMARY

In our country, it is important to implement the training of future professionals on the basis of effective training, professional education and integration of production. Thus, the pedagogical college should focus on teaching students on the basis of innovative educational technologies.

КРЕАТИВ ЎҚИТИШ: МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Мухамедова Г.Б.

Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг 1-босқич таянч докторанти

Таянч сўзлар: замонавий таълим, методика, креатив таълим, педагогика, кадрлар.

Ключевые слова: современное образование, методика, творческое образование, педагогика, кадры.

Key words: modern education, methodology, creative education, pedagogy, personnel.

Билим олиш – бу мақсад эмас, балки ҳаётда мақсадга айланган стратегияни амалга оширишга қаратилган воситадир. Замонавий жамиятда олий таълим муҳим рол ўйнайди. Исталган давлатни тезликда ривожланиши асосий ва инкор этиб бўлмайдиган интеллектуал имкониятлар таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали амалга ошади. Фуқароларнинг саводхонлигини ошириш орқали давлат иқтисодиёти ва жамиятда яшаш тарзи даражасини юксалтиради, ривожланаётган технологиялар эса олий таълимни жаҳон бозорларида нақадар зарурлигини кўрсатади. Креативлик кундалик профессионал фаолиятга қўпроқ қиради ва нафақат яқка тартибдаги корхоналарнинг, балки мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ривожлантириш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамиятнинг таълим тизимининг асосий вазибаларидан биридир. Қўйилган вазибага ғақатгина креатив таълим методикасини мақсадли адекват (мос, ўхшаш) ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради. Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда креатив таълимни креатив ривожланиш шакли сифатида тадқиқотчи-педагоглар томонидан фаол ўрганилиб келинмоқда. Маълумки, дастлаб психологияга “креативлик” (creativity) атамасини 1922 йил Рей М.Симпсон «American Journal of Psychology» журнализда америкалик мактаб ва коллеж ўқувчиларини креатив фикрлашини аниқлашга бағишланган тадқиқот ишида берган. А.Х. Маслоу креативлиқни 2 турга бўлади: истеъдоднинг креативлиги ва шахснинг ўз-ўзини актуаллаштириш креативлиги. Шахснинг ўз-ўзини актуаллаштириш креативлиги шахс билан узвий боғланганлиги сабабли биз унга кундалик ҳаётда ва касбий фаолиятнинг кўп соҳаларида дуч келишимиз мумкин. А.Х. Маслоу креативликда ўз-ўзини актуаллаштиришнинг икки даражасини келтириб ўтган: биринчиси– «ихтиёрсиз креативлик, бунда шахс бирдан ақлига келиш, руҳланиш, кийин кечинмаларга эга бўлади», «иккинчиси–ихтиёрий, оғир меҳнат билан боғлиқ, узлуксиз таълим, камолотга интилувчанлик». «Креативлик» ва «таълим олиш» тушунчаларини умумлаштириб, биз «креатив таълим» тушунчасини қуйидагича таърифлаймиз: бу шундай таълим турики, педагог ва таълим олувчи ўртасидаги муносабат, ўзаро таълим 102 олувчи ёки маълум бир восита орқали таълим олувчи орасидаги жараён бўлиб, у шахс креативлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Олий таълим педагоглари ўзини фанини яхши билиши ва талабаларга етарли даражада етказиб бера олса бўлди, фикр юритишни эса вақтлар ўтиб ўзи ўрганиб олади деган фикр яқин вақтларгача ҳам бор эди, лекин ҳақиқий амалиёт шундан далолат берадики, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Бугунги кунда талаба ўз ижодини англаш ва ассимиляция қилишдан кўра, ўз даврининг кўп қисмини, шу жумладан ўз мустақил ишларини интернетдан кидириш ва юклаб олиш учун ўтказади. Креатив таълимнинг моҳияти шундаки, ўқув жараёни нафақат барча талабаларнинг ижодий қобилиятларни ошқор қилиш орқали билиш жараёнида иштирок этиши билан эмас, балки улар ўзлари билган, ўйлаган, бажара оладиган нарсаларни тушуниш ва акс эттириш имкониятига эгадирлар. Билиш жараёнида креатив ҳамкорлик фаолияти янгиликларни ўзлаштириш, яъни ҳар бир талаба бу жараёнга ўзининг ўзгача индивидуал хиссасини қўшади, фаолиятнинг усули, ғояси, илми билан алмашинуви натижасида янги ғоялар, янги билимлар ва янги муносабатлар пайдо бўлади. Креатив таълим ўқув жараёнига таълим олувчини юқори даражада қамраб олиш билан ҳарактерланади, яъни уларнинг қўйилган вазибани ечишга ижод қилиш ва англаш фаолиятини фаоллаштиради. Креатив таълимни фикрни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, таълим олувчини ўз ҳоҳишига қарамасдан узок вақт давомида фаол

бўлишга мажбурлиги, ўқув тадқиқот жараёнига жалб қилиниши, ижодий томондан мустақил фикр қабул қилиши, юкори даражадаги мотивация ва эмоционалликка эга бўлиш билан фаркланади. 104 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчилари креатив қобилияти ортади, агар: 1) Креатив таълим учун махсус ташкилий–педагогик талаблар яратилса; 2) “Инновацион таълим технологиялари ва компетентлик” модули дарсларида информатика ўқитувчилари креативлигини ошириш методикаси ишлаб чиқилса. Ташкилий-педагогик талаблар деганда биз муайян методологияни қўллаш самарадорлиги билан боғлиқ бўлган зарур ва старли даражада муҳим талаблар мажмуини назарда тутмоқдамиз. Талабларнинг зарурлиги психологик-педагогик адабиётлар таҳлили, олий ўқув юртида иш тажрибаси ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бўйича олиб борилади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларида креатив таълимни амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий–педагогик талаблар керак:

1) Информатика ўқитувчиси сифатида илмий–педагогик мотивация қўллашни аниқлаш;

2) Ўқув жараёнини педагогик ғоя, сайт, блог ва х.к.лар, яъни реал педагогик лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган ишни аниқлаш кўринишидаги аниқ маҳсулотни олишга йўналтирилганлик;

3) Дарс машғулотларини олиб боришда интерфаолликдан ва креативликни ривожлантирувчи методлардан, шунингдек ижодий муҳитни яратишда дизайн–фикрлашдан фойдаланиш;

4) Узлуксиз ўз рухий ҳолати ҳақида фикр юритиш (рефлексия);

5) Ўқув–методик таъминотни яратиш учун педагогик инновация ва инновацион фаолият натижасини қўллаш. Юкорида берилган ҳар бир ташкилий–педагогик талабларга алоҳида тўхталамиз. Биринчи шарт. 105 Мотивация бу ҳар бир фаолиятга, жараёнга, ҳаракатга сабаб бўлган туртки. Шунинг учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган информатика ўқитувчиларини креативлигини ошириш учун уларнинг профессионал креативлигини ривожлантиришда мотивация алоҳида ўрин тутади. Ўқитувчи тингловчиларни мотивацион соҳани фаоллаштиришнинг турли усулларида фойдаланиб, креативликнинг ривожланиш даражасини ўстиришга ундашлари керак. Ҳар бир дарсда тингловчининг ижобий ҳис-туйғуларга дуч келиши муҳимдир, шундагина у ўзига бўлган ишончга эга бўлади ва таълимга бўлган кизиқиши ортади. Иккинчи шарт. О.Лебедев таъкидлаганидек, компетентли ёндашув- таълим мақсадларини аниқлаш, таълим мазмунини танлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашга қаратилган умумий тамойиллар мажмуидир. Шундай тамойилларга қуйидаги қоидалар киради:

1) Таълимнинг аҳамияти - таълим олувчиларда ўз тажрибасига асосланиб ижтимоий тажрибани қўллаганда турли соҳалардаги ва фаолиятдаги муаммоларни мустақил ечишни ривожлантириш;

2) Таълим мазмуни - билим, мафкуравий, ахлокий, сиёсий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг дидактик тарзда мослаштирилган ижтимоий тажрибаси.

3) Ўқув жараёнини ташкил этишнинг маъноси талабаларнинг таълим мазмунини ташкил этувчи билим, мулоқот, ташкилий, маънавий ва бошқа муаммоларни мустақил ҳал қилиш тажрибасини шакллантириш учун шартшароитлар яратишдан иборат.

4) Таълим натижаларини баҳолаш ўқувчиларнинг муайян босқичда олган таълим даражасини таҳлил қилишга асосланган. Компетентли ёндашув лойиҳа методидан фойдаланишни талаб этади. Тингловчиларни гуруҳда ишлаган ҳолда креатив

ғояларини шаклланиши учун педагогик лойиҳалар бажарилади, яъни ўзларининг методик ишларини 106 тақдимот шаклида (PowerPoint, Ispring ва б.). MindMapда яратилган ақлий хариталар, видеофильмлар ва видеоклиплар, блоглар, ўқув-услубий дастурий маҳсулотлар ва бошқалар ёрдамида намоиш этадилар. Учинчи шарт. Креативлиқни ривожлантириш учун машғулотларни интерфаол турларидан, креативлиқни ривожлантириш методларидан ва ижодий таълим муҳитини яратиш учун дизайн-фикрлашдан фойдаланиш лозим. Бундай муҳит қулай вазият, ҳар қандай ижодий маҳсулотни қабул қилиш, рағбатлантириш билан характерланади. Бундай креатив таълимда асосий ўринни информатика ўқитувчилари гуруҳи эгаллайди, улар ўз қизиқишларини муҳокама қилиш, муҳокамаларда иштирок этиш, баёнот ва ҳатти-ҳаракатларда бир-бирларини рағбатлантириш ва фаоллаштириш каби фаолиятни амалга оширадилар. Тўртинчи шарт. Фикрлаш - бу онг, ҳулқ-атвори, ички ақлий ҳаракатлар ва давлатлар, ўз тажрибаси, шахсий таркиби мавзусида ўз-ўзини таҳлил қилиш жараёни ва натижаси. Фикрлаш орқали, шахс ўз ҳаракатларини таҳлил қилади (муваффақиятли ёки муваффақиятсиз). Бунда ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини назорат қилиш механизмлари акс эттирилган. Қуйидаги каби саволлар беришни тавсия қиламиз: нима қилдингиз(натижа)? Қандай қилиб бун қилдингиз (техника, воситалар, усуллар, технологиялар)? Муаммони ҳал қилишда қандай қийинчиликлар пайдо бўлди? Энг яхшиси нима бўлди? Сизнинг фикрингизча, ўқитувчининг ёрдамидан иборат бўлиши керакми? Муаммони ечишда қандай янги нарсалар олдингиз? Муаммонинг мазмуни ва ечими сизнинг профессионал манфаатларингиз ва имкониятларингизга мос келадики? Фикрлаш ёрдамида таъсирнинг қанчалик изчил, мақсадга мувофиқ ва самарали эканлиги ва олдиндан режалаштирилган натижага қанчалик эришилганлиги аниқланади.

Адабиётлар:

1. B.Jeffrey, A.Craft) [Jeffrey B., Craft A. Teaching creatively and teaching for creativity: distinctions and relationships // Educational Studies. - 2016. - Vol.
2. Issue 1. - P. 77-87. DOI: <https://doi.org/10.1080/0305569032000159750> 30. Rinkevich J. Creative Teaching: Why it Matters and Where to Begin, Journal The Clearing House // A Journal of Educational Strategies, Issues and Ideas. - 2011. - Vol. 84, Issue 5. - P. 219-223. DOI: <https://doi.org/10.1080/00098655.2011.575416>
3. Glăveanu V., Sierra Z., Tanggaard L. Widening our understanding of creative pedagogy: a North-South dialogue // Journal Education 3-13, International Journal of Primary, Elementary and Early Years Education. - 2015 - Vol. 43, Issue 4. - P. 360-370. DOI: <https://doi.org/10.1080/03004279.2015.1020634>
4. Maslow, A. The Farther Reaches of Human Nature NY: Viking, 1971. Harmondsworth, Eng: Penguin Books, 1973. Contents.
5. Xolodnaya M. Intelligence, Creativity, Learning Capability: Resource Approach (on Development of V.N.Druzhinin's Ideas) // Psychological Journal. - 2015. - T.36. - №5. - C.5-14. URL: <https://library.ru/item.asp?id=25447757>
6. Soon Ye Hwang. Rethinking creativity: Present in expression increative learning communities // Educational Philosophy and Theory. - 2017. - Volume 49, Issue 3. - P. 220-230. DOI: <https://doi.org/10.1080/00131857.2016.1225559>
7. Ilyin E. Psychology of creativity, creativity, giftedness. - St. Petersburg: Peter, 2012. - 448 p. URL: <https://library.ru/item.asp?id=25320341>
8. Antonova E. Pedagogical creativity as a major component of pedagogical endowment structure // Pedagogical education and science. - 2008. - № 12. - P.92- 9. URL: <https://library.ru/item.asp?id=17062443>

РЕЗЮМЕ

Замонавий таълим қайси соҳада бўлмасин инсонга ўзи ва уни ўраб турувчи олам ҳақида билим берувчи, яшашни ўргатувчи, ушбу билимлар асосида жамият тараққиёти учун эгаллаган қасбини мукамал билишга ундовчи ва ривожлантирувчи каби ягона мақсадларга эга. Мақолада креативлик ва креатив таълим тушунчаси, креатив таълим моҳияти, анъанавий ва креатив таълим ва унинг самаралари ҳақида ёритилган.

Современное образование в любой сфере имеет единственную цель - познавать людей о себе и окружающем мире, учить их жить, побуждать и развивать их к овладению своей профессией для развития общества на основе этих знаний. В статье рассматриваются понятия творчества и творческого образования, сущность творческого образования, традиционного и творческого образования и его эффекты.

SUMMARY

Modern education in any field has the sole purpose of educating people about themselves and the world around them, teaching them to live, encouraging and developing their profession for the development of society on the basis of this knowledge. The article covers the concept of Creativity and Creative Education, the essence of Creative Education, Traditional and Creative Education and its effects.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КРЕАТИВЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Юсупова К.

ПИКХТБХПКҚТ ва УМОИ таянч докторанти

Таянч сўзлар: креативлик, компетенция, профессионал таълим, замонавий таълим, муамли-метёрий, функционал-оператив, муаммоли-дидактик, муаммоли-евристик.

Ключевые слова: креативность, компетентность, профессиональное образование, современное образование, проблемно-нормативное, функционально-операционное, проблемно-дидактическое, проблемно-эвристическое.

Key words: creativity, competence, vocational education, modern education, problem-normative, functional-operational, problem-didactic, problem-heuristic.

Кириш: Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнлари ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, каби сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятни ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Тадқиқот методологияси: Педагог ўз-ўзидан креатив бўлиб қолмайди. Унинг креативлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун ўқувчилик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини-ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга.

Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод

махсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради.

Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда. Шу ўринда касб-таълим йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг маъсулияти каттарок, чунки улар ўқувчиларда шахсий сифатлар билан бир қаторда касбий маҳорат, билим, кўникма билан бирга ижодий тафаккурни ҳам шакллантирадилар. Шунинг учун ҳам бу жараён бир оз муаммоли ҳисобланади.

Бўлажак мактабгача таълим муассасаси педагогларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги бўлажак педагогларнинг ўз устида ишлаш усулларини шакллантиришга асосланган педагогик таълим жараёнини ташкил этишга интилишдан келиб чиқади, бу эса уларнинг ижодий салоҳиятини очиб беради. Уни амалга ошириш учун ташкилий-педагогик шарт-шароитлар тизимини илмий асослаш зарур. Шу ўринда 2- босқич ўқувчиларининг креатив компетенцияларини таҳлил этиш ижобий самара беради, сабаб ушбу босқичдаги ўқувчиларда компетенция маълум даражада шакланган бўлиб, синов тажриба натижаларига асосан уларни такомиллаштириш талаб этилади.

Битирувчиларни ҳаётнинг замонавий истикболлари, ўз- ўзини англаш, бўлажак мутахассисни иш фаолиятларида тўлақонли ижодий фаолиятга тайёрлаш вазифасини долзарблантиради. Бугунги кунда энг юқори потенциалга эга педагоглар деб қуйидаги талабларга жавоб берадиган кадрларга айтилмоқда:

- Мураккаб муаммоларни ҳал қила оладиган;
- Муаммоларни ўртага ташлайдиган;
- Таълим ислоҳотининг ўзгарувчан шароитида тубдан янги ижодий ечимларни топа оладиган;

Таълим тизимини ислоҳ қилиш бўлажак педагогларда креативлик компетенциясини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш педагогнинг касбий фаолияти учун янги шарт - шароитлар яратади

- У янги шаклдаги методларни ишлаб чиқади, муаллифлик дастурларини яратади, ўқув материални танқидий идрок этади, коммуникатив ижодкорлик кўрсатади, ностандарт педагогик техникадан фойдаланади.
- Ўзига хос янги “махсулот” -шакланган ўқувчи шахсини «яратади».

Юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат ижодкор педагог ижодкор ўқувчини тарбиялай олади, шунинг учун доғматик таълимдан бўлажак педагогнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган таълимга ўтишни ўз ичига олган таълим кўрсатмаларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Професионал таълим педагоги, педагоглик ишининг мукамаллиги ҳақида гапирганда кўп киррали билимли мутахассисни, дарс жараёнини турли воситалар тизими билан уйғун ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлган кадрни шакллантиришни назарда тутамиз.

В. А. Кан-Калик ва Н. Д. Никандров «Педагогик ижод» китобида педагогик идеалнинг ахлоқий жиҳати алоҳида эътибор беради. Китобда «Ижод жараёни- педагоги-

када доимий пайдо бўлаётган педагогик муаммоларни ҳал этиш жараёнидир» деган фикрни илгари суради (4.45). Шу тушунчалар асосида хулоса қилиш мумкинки, педагогик амалиёт жараёнида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш педагогик жараёнда махсус усуллардан фойдаланиш, янги тамойиллар асосида унумли ижодий фикрлашни ташкил этишни ўз ичига олади. Юртимизда педагогика йўналишида бир қатор олимлар самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар ва уларнинг амалий аҳамияти бугунги педагогика ривожига салмоқли, аммо креатив фикрни шакллантириш бўлажак мутахассиснинг (қайси йўналишида фаолият олиб бормасин) кучли шахс сифатида камол топишида уни болакадан креатив фикрловчи этиб шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу сабли ҳам, профессионал таълим тизим педагогика коллежларида тахсил олаётган “ёрдамчи тарбиячи” касби ўқувчиларининг креатив қобилиятларини шакллантириш орқали педагогик жараёни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб боришни лозим топдик.

Таҳлил ва натижалар: Креативлик компетенциясини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш педагогик жараёнда интерактив методлардан фойдаланиш, янги тамойиллар асосида унумли ижодий фикрлашни ташкил этишга эришиш мумкин. Таъкидлаш керакики, ҳар йили педагогика коллежларининг минглаб битирувчилари Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасаларида фаолиятини бошлайдилар. Шу билан бирга педагог шахси ва фаолиятига қўйиладиган талаблар билан педагогик таълим муассасалари битирувчиларининг ўз педагогик вазифаларини бажаришга тайёрлигининг ҳақиқий даражаси ўртасида, анъанавий педагог тайёрлаш тизими билан фаолиятининг яқка тартиб ва ижодий характери ўртасида айрим зиддиятлар мавжуд.

Профессионал таълими асосий дастурининг ажралмас қисми бўлган ўқувчиларнинг педагогик фаолияти ўқувчиларни тайёрлаш ва бўлажак педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга тизимли-фаолият ёндашувини таъминлайди, замонавий таълим жараёнининг яхлит кўринишини шакллантиради. Шу ўринда жамият тараққиётининг замонавий шароитида фаол ижтимоий мавқега эга, касбий фаолиятида тезкор ўзгаришларга тайёр ва ўзи ҳам ўзгартиришга қодир, инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга салоҳиятли ностандарт фикрловчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Инновацион контекстда педагог фаолиятини белгиланган стандарт ҳолатда олиб бориш бугунги кун замонавий шахсини тарбиялаш учун етарли натижани бермайди. Бу муаммони ҳал этиш бўлажак педагоглар ўртасида креатив компетентликни шакллантиришга ёрдам беради. Бизнинг назаримизда, педагог компетентлиги таркибидаги креатив компетентлик касбий (педагогик) фаолиятнинг турли босқичларида педагогнинг ижодий ютуқларини акс эттиради ва ижодий қобилиятларини иш фаолиятларида қўллаш орқали янги касбий маҳсулотлар яратиш имконияти пайдо бўлади. Бўлажак педагогнинг педагогик фаолияти ижодий маҳсули хусусиятлари ғайриоддий, янги, фойдали қарорлар ҳамда фаолиятни оптимал ташкил этишда ифодаланадиган педагогик фаолиятнинг умумий маҳсулдорлиги ҳисобланади.

Креативликга бағишланган тадқиқотлар сони салмоқли, лекин компетентлик сифатида креативлик тушунчаси деярли кўриб чиқилмаган, шу билан бирга бу муаммога «ёндош» бўлган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Қуйидаги олимларнинг ишлари креативлик ва креатив фикрлашни ўрганишга бағишланган (Д. Б. Богоявленская, М. Воллакх, Д. Guilford, В. Н. Дружнин, М. М. Кашапов, А. М. Матюшкин, С. Медник, В. И. Панов, Я. бир. Пономарев, Е. Торренс, Д. В. Шадриков, ва ҳоказо).

Юқорида келтириб ўтилган ишларнинг салмоғи юқори, педагогика йўналишида информатика, санъат йўналишларида фаолият юритаётган педагогларнинг креатив компетенцияларини такомиллаштириш бўйича илмий ишлар амалга оширилган аммо, айнан барча таълим йўналишидаги педагогларга тўғри келадиган креативлиги ва креатив фикрлаши муаммоси ўрганилмаган.

Креативликнинг энг юқори кўрсаткичларини таълим жараёнида нафақат ўқувчининг ривожланиш жараёни, балки, ўзи ҳам креатив фикрловчи педагоглар кўрсатадилар. Бундай педагоглар томонидан тарбияланувчилар билан мулоқот креативлик сифатида қабул қилинади.

Замонавий психологик-педагогик адабиётларда педагогнинг ижодий тафаккурини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга турли ёндашувлар баён этилган. Бу ёндашувларнинг педагогга ижодий компетентликни шакллантиришда аҳамияти катта. Ижодий педагогик фикрлашни такомиллаштиришнинг оператив даражаси ҳам ўқув ишларининг муҳим қисмидир. Бу даражада муаммоли вазиятларни қайта тиклашни кўзда тутувчи кўникмаларни ривожлантириш мавжуд. Бундай кўникмаларни ривожлантириш педагогик вазиятларни ва таклиф этилган ечимларни таҳлил қилиш усулларини ўргатиш жараёнида амалга оширилади. Бу даражанинг ўзига хос хусусияти қўлланиладиган таълим воситаларининг мунтазамлиги ва меъёри, ҳамда, мавзу тафаккурида янги ҳосилаларнинг пайдо бўлиши учун зарур бўлган қисқа даврдир. Бу даражанинг натижаси ижодий педагогик тафаккур даражасини оширишдир.

Бу даражада қўлланиладиган асосий йўналишларга қуйидагилар киради:

- муаммоли-меъёрий;
- функционал-оператив;
- муаммоли-дидактик;
- муаммоли-евристик;

Ижодий фикрлашни такомиллаштириш жараёнида асосий эътибор муаммоли-евристик йўналишга қаратилади, бу ерда креативлик кўрсаткичи педагог ёки педагогнинг мураккаб педагогик воқеликдаги муаммони аниқлай олиш қобилиятидир. Педагогларнинг касбий фаолиятини ташкил этишга ўргатишнинг самараси уларнинг ташаббускорлигини, мустақиллигини ошириш, ўз муаммоларини ижодий аниқлаш ва уларни ҳал этишдан иборат.

М. М. Кашаповнинг таъкидлашича, ижодий фикрлашнинг шаклланиши бир қатор босқичлардан ўтади:


- профессионал муҳим (излаш, танлаш ва тўплаш);
- ижодий тафаккур;
- муқобил- касбий фикрлаш таркибини барқарорлаштириш турли таркибий қисмлар ва алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлган ажралмас тузилмани шакллантиришга асосланган;
- таҳлилий- касбий фикрлаш тузилмасининг қўллаши, унинг ривожланиш ҳолатидан муайян вазиятда фойдаланиш ҳолатига ўтиши

Ҳар бир босқичда, ижодий жараённинг қуйидаги қисмларини амалга ошириб борилади: янги ғоя, кенгайтириш муаммолари, техник тўғри аниқ ечимлари, ижодий компетентлик учун эҳтиёж. Касб -таълими йўналишида таҳсил олаётган

ўқувчиларнинг касбий компетентига нималар киради, улар қандай касбий ва шахсий сифатларга эга бўлишлари керак?, қуйида улар билан танишиб чиқамиз:

МТМ педагоги профессионал компетентлиги тузулмаси

Жадвалда ўзаро бири бири билан боғлиқ жараёни кўришимиз мумкин унга кўра тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячи педагогининг шахсий сифатларини креатив касбий фаолиятига йўналтиради ва у орқали профессионал ҳаракатларнинг диагностика ва бошқарув тизимини шакллантиради. Тизим ҳар бир педагогда педагогик дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари ва касбий интегратив билим ва кўникмаларининг педагогик тафаккурга мослашганлик даражасига боғлиқ бўлади.



1-расм: МТМ педагоги профессионал компетентлиги тузулмаси

Хулоса ва таклифлар:

Педагогнинг шахсий сифатларини бевосита касбий билим ва кўникмалари билан уйғунлашуви профессионал фаолиятни ташкил этишига асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараён педагог касбий фаолиятида салмоқли ўрин эгаллайди ва ўз устида мунтазам ишлаши натижасида тизим кенгайиб доимо янгиланиб боради.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш керакки, Мактабгача таълим муассасаси ёрдамчи педагогининг креатив компетентлигини шакллантиришда ижодий касбий тафаккурни ривожлантириш методларидан фойдаланишга асосланиш ва педагогик муаммоларни вазиятларни ҳал этишга таяниши мумкин. Шунингдек, креативликка кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратиш ва ижодга тўсқинлик қилувчи факторларни бартараф этиш муаммолари ўз ечимини топиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ–4939-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМ 466-сонли Қарори
5. Каримова Н.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. автореферат. / Н.Н. Каримова -Т., 2018.
6. Turg'unov S.T. Ta'lim muassasalarini boshqarishda innovation faoliyat./uzluksiz ta'lim.-T./2006.-№4.B.3-6
7. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. автореферат. / Г.Н. Ибрагимова.-Т., 2017.
8. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш: Автореф./А.Р.Арипджанова.-Т.,2017.

9. Ибрагимов Г.Н. Интенфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: Автореф./Г.Н. Ибрагимов.-Т., 2017

10. Щаб А.В. Развитие креативного мышления у подростков в условиях основного и дополнительного образования//А.В.Щаб, „Scientific Cooperation Center “ Interactive plus”/- г. Самара., 2013.

11. А.В. Тутолмин Формирование и развитие креативной компетентности будущего учителя в процессе профессионального педагогического образования// вестник Удмуртского университета, 2012, №2 стр 49-58.

РЕЗЮМЕ

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга аънанавий ёндашишдан фаркли янги ғояларни яратиш, бир қолида фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, каби сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради. Мақолада ёрдамчи тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда креативлик компетенцияларини шакллантиришнинг аҳамияти бу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ривожлантириш усуллари ва тақлифлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Творческие качества воспитателя направляют его личные способности, природный и социальный потенциал на качественную, эффективную организацию профессиональной деятельности. Обладание творческими качествами педагогов, работающих в системе профессионального образования, способствует формированию у них новых качеств, таких как нестандартность мышления, неординарность, инициативность, в отличие от традиционного подхода к организации образовательного процесса. В статье представлены значение формирования творческих компетенций при подготовке ассистентов воспитателей к профессиональной деятельности, методы и предложения по развитию исследований в этой области.

SUMMARY

The creative qualities of the educator direct his personal abilities, natural and social potential to a high-quality, effective organization of professional activities. The possession of creative qualities of teachers working in the system of vocational education contributes to the formation of new qualities in them, such as non-standard thinking, originality, initiative, in contrast to the traditional approach to organizing the educational process. The article presents the importance of the formation of creative competencies in the preparation of educators' assistants for professional activities, methods and proposals for the development of research in this area.

ШИМОЛИЙ НИШОН КОНИ УЧУН ГАЗ ФИЛЬТРАЦИЯСИНИНГ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА ПАРАМЕТРЛАР ЎЗГАРИШИНИ ҲИСОБЛАШ

Ergashev B.B. dost.

Latipov J.T

magistrant (NamMTI va ADU)

Таянч сўзлар: тизимли таҳлил, параметр, ҳисоблаш, газ фильтрацияси, оптималлаштириш, кон, технологик жараёнлар, мураккаб тенгламалар.

Ключевые слова: системный анализ, параметр, расчет, фильтрация газа, оптимизация, добыча полезных ископаемых, технологические процессы, комплексные уравнения.

Key words: system analysis, parameter, calculation, gas filtration, optimization, mining, technological processes, complex equations.

Бундай мураккаб системаларни ишлаб чиқишни бошқариш жараёнлари бошланғич, чегаравий ва ички шартларни қаноатлантирувчи хусусий ҳосилаларни чиқиш ва чиқиксиз мураккаб тенгламалар системалари билан, шунингдек, натижада ишлаб чиқиш объектларини иқтисодий-математик моделларини қуришга асосланган оптималлаштириш масаласига олиб келадиган узлуксиз ёки дискрет жараёнлар учун мос келувчи чекли-айирмалли тенгламалар билан ифодаланади. Бундай моделларни

қуриш жуда ҳам қийин масала бўлиб, катта ўлчамдаги мураккаб тенгламалар системасини ечиш, кўп даражали системада ўзига хос технологик жараёнларни ифодалаш ва бундай системаларнинг глобал оптималлигини излаш жуда ҳам мушкул.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик ва чет эллик олимлар томонидан газ конларини ишлаб чиқишнинг турли шартлардаги масалаларини ечиш имконини берувчи математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалар яратилган. Шунга қарамай, оптимал бошқариш, башоратлаш ва таҳлил қилиш учун яратилган математик моделлар ҳамда ҳисоблаш алгоритмлари асосида замонавий компьютерлар ёрдамида объектли дастурий муҳитни яратиш муаммолари батамом ҳал қилинмаган бўлиб, математик аппаратлар ва дастурлаш тизимларидаги етишмовчиликлар ҳали ҳам тадқиқотнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.


Қатлам шароитида юз берувчи мураккаб жараёнларни бошқариш, объект ҳолатини башоратлаш, ҳаракат таҳлилини амалга ошириш учун газ конидан фойдаланиш суръатини турли шартларда назорат қилиш имконини берувчи ахборотли қурилмани яратиш зарур. Ҳозирги кунгача мавжуд ишларнинг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар қўламини жуда катта. Айниқса, ҳақиқий вақт режимида алгоритмлар ўта тез ва ишончли ишлаши талаб этилади. Булар, асосан, ҳақиқий газ конлари режимида ишлайдиган замонавий инфорацион технологиялар ва алгоритмларни яратиш ҳамда қўллаш масалаларига тегишлидир.

Нотурғун газ фильтрацияси ёки қатламдаги суёқлик ҳаракати жараёнлари параболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенглама кўринишида ифодаланади. Кўп ўлчовли параболик типдаги дифференциал тенгламалар учун ҳисоблаш масалаларнинг аналитик ечимини олиш имкони йўқлиги сабабли кейинги йилларда турли хил сонли ҳисоблаш усуллари яратилди. Бу эса тезкор ЭХМларнинг яратилиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Сонли усуллар ва шахсий компьютерлар ҳозирги вақтда кўп ҳисобланувчи амалий масалалар, шунингдек, параболик типдаги кўп ўлчовли дифференциал тенглама кўринишидаги масалаларни ечиш имконини беради. Нефть ва газ конларини ишлаб чиқишни назарий таҳлил қилиш ҳамда амалиётга қўллаш учун параболик типдаги икки ўлчовли тенгламани сонли ечиш усулида қараш етарли. Аслида табиий газ конларини ишлаб чиқишда қатламда ҳосил бўладиган фильтрация жараёнлари вақт бўйича уч ўлчовли эвклид фазода тавсифланади. Лекин уч ўлчовли фильтрацион оқимни қараш учун жуда ҳам катта геологик-физик маълумотлар талаб қилинади. Бундай маълумотларни олиш эса мураккаб масалаларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда сув таъйиқидаги газ конларини ишлаб чиқиш жараёнларини моделлаштириш ва тизимларни бошқариш назарияси бўйича мавжуд ҳамда аниқ физик асосга эга параметрларни бошқариш асосида яратилган усуллар ва дастур мажмуалари ихтиёрий шу типга оид масалаларни тадқиқ қилиш имконини беради.

Бу илмий тадқиқот иши табиий газ конларидаги ишлаб чиқиш кўрсаткичларини аниқлаш, математик моделини қуриш, замонавий инфорацион технологиялар асосида ҳисоблаш алгоритмларини яратишни кўзда тутди. Шу билан бирга газ-сув чегараларининг оптимал силжишини тизимларда бошқариш моделлари асосида асосий параметрлар ўзгаришини башорат қилиш ва мураккаб объектларни автоматлаштириш ҳамда оптимал бошқаришнинг назарий ва амалий томонлари учун ижобий натижалар олиш ҳамда олинган натижалар бўйича қарор қабул қилиш, шунингдек, янги амалий ишлар учун кенг имкониятларни очиб берувчи бошқариш масалаларини тадқиқ қилади.

Кон ҳақида маълумот. Шимолий Нишон конининг маъмурий идораси Ўзбекистон



таси (№2, 3, 4, 8, 9) унумли қисмга, яъни саноат газ иқомига тўғри келган, биттаси (№10) эса ер остидаги қучли емирилувчи ишқорли мухит ҳисобига унумли қисмга етиб бормаган, қудуқларнинг еттитаси (№1, 5, 6, 7, 11, 12, 13) эса газли соҳа чегарасидан ташқарига тушиб қолган.

“Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси 2005 йил май ойида Швейцарияда рўйхатга олинган Zeromax GmbH компанияси билан биргаликда “Gissarneftgaz” Ўзбекистон-Швейцария ОАЖ қўшма корхонаси номи билан иш бошлашди. 2005 йил май ойида иккита лицензияли майдон Тагам-Шимолий Тандирчи зонаси Гиссар региони, ўлаштирилиши қийин бўлган конлар Шимолий Нишон, Қамаш, Бешкент, Шимолий Гузар ва Шакарбулок Бухоро-Хива нефть газ зонаси регионлари корхонага расмий топширилди. Ҳар иккала лицензияли майдон Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятини жанубий-ғарбида жойлашган. Шимолий Нишон конининг йиллик ишлаб чиқиш қуввати лойиҳа бўйича 2010 йилга бориб 2 млрд.кубометрга етади. Ҳаммаси бўлиб, 30 млрд.кубометр табиий газ, 1 млн. тонна газоконденсат ва 500 минг тонна нефть қазиб олиш режалаштириляпти.

2007 йилда қўшма корхона Ўзбекистонда нефть-газ конларини кузатиш ва қазиб олиш учун 60 млн. \$ инвестиция ажратди. Умумий лойиҳа бўйича Швейцария инвестицияси 25 йилга 400 млн. \$ ажратишни кўзда тутган.

Шимолий Нишон конининг асосий кўрсаткичларини башоратлаш учун кондан керн таҳлиллари асосида олинган бошланғич маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Шимолий Нишон конида биринчилардан бўлиб №2-қудук очилган, 1981-йилда ушбу қудукда ўтказилган синовлар натижасида конденсатли саноат газ оқими олинган. 1977 йилдан 1991 йилгача конда олиб борилган ишлар натижасида 13 та қидирув ва кузатув қудуклари қазилган. Улардан беш-


Кондаги газоконденсат уюмларининг асосий параметрлари

№	Параметрларнинг номлари	Ўлчов бирлиги	Параметр қиймати
1	Узунлик	км	11
2	Кенглик	км	5.0
3	Баландлиги	м	400
4	Ёпишқоклик коэффициенти	миллидарси	232
5	Ғоваклик коэффициенти		0.092
6	Газга тўйинганлик коэффициенти		0.72
7	Қатлам босими	кг/см ²	550
8	Қатлам ҳарорати	°C	127,4
9	Критик параметрлар - Р _{кр} - Т _{кр}	кг/см ² К	47,665 206,61
10	Зичлик - газ - конденсат	кг/м ³ кг/м ³	0,669 0,8112
11	Газ уюмининг жойлашиш чуқурлиги	м	3640
12	Уюмнинг унумли соҳасининг кенглиги	м	28,8
13	Қатламдаги депрессия	кг/см ²	150
14	Кудукларнинг йил давомидаги иш вақти	сутка	330
15	“Қатлам-кудук” тизимларининг филтрацион ва гидравлик қаршилиқ коэффициентлари a b	$\frac{\text{кг} / \text{см}^2}{\text{минг} \cdot \text{м}^3 / \text{сут}}$ $\frac{\text{кг} / \text{см}^2}{\text{минг} \cdot \text{м}^3 / \text{сут}}$	311,5 0,622
16	Лойихалаштирилган кудуклар миқдори	бирлик	35

Коннинг ўтказувчанлик, ғоваклик ва баландлик параметрларини аниқлаш учун қурилган функционал боғлиқликлар асосида бутун майдон бўйича қийматларини ҳисоблаш.

Шимолий Нишон газ конининг функционал боғлиқликларини куриш учун маълум горизонтдаги юқори чегараларининг жойлашиш чуқурлигига оид маълумотлар керак. Бу маълумотлар кудуклар бўйича ўлчанади. Танланган параметр бўйича тенг чизикларни чизиш учун уларнинг ҳар бир тугун нуктадаги қиймати керак бўлади.

Икки ўлчовли тўр учун ўтказувчанлик $k(x,y)$ ва ғоваклик $m(x,y)$ коэффициентларининг функционал боғлиқликларини куришда тажрибавий маълумотларни текислаш бўйича функционал боғлиқликларни идентификациялаш учун таҳлил ва синтезга янгича усулларда ёндашилади. Ўтказувчанлик, ғоваклик ва баландликларни



2-расм. Шимолий Нишон
конининг қудуқлар мажмуаси

қайта ишланмасдан киритилади. Бундан ташқари, уларнинг қийматлари тўр ҳудуднинг ҳар бир тугунида бериб борилиши керак. Ишлаб чиқарувчилар бундай маълумотларга эга эмас. тўр ҳудуднинг ҳар бир тугунида параметрларнинг қийматларини топиш учун интерполляция формулалардан фойдаланилди. Интерполляция назариясини қўллаш орқали ўрганилаётган параметрларни (ёпишқоқлик, ғоваклик, баландлик) декарт координатасининг абсциссаси ва ордината ўқларига функционал боғлиқликлари тузилади. Тузилган функционал боғлиқликка кўра тўр ҳудудининг ҳар бир тугунига мос келувчи параметрларнинг майдони яратилади.

2-расмда компьютерда яратилган дастурий таъминот натижалари келтирилган, улар берилган вақтда республиканинг ихтиёрий қони учун шунга ўхшаш харитани яратишга имкон беради. Дастурнинг алгоритм блок схемаси 7-иловада келтирилган.

Ишлатиладиган қудуқларнинг координаталари конининг структурали харитасидан аниқланади. Геологик ҳисоботларда қудуққа оид ҳар қандай маълумот аниқланган рақамдаги қудуққа бериб қўйилади, у эса қудуқлар координаталарининг ўрнини белгилайди. Уларнинг ойлик ёки квартал (айрим пайтларда ҳаттоки кунлик) қийматлари эса қонни бошқариш геологик бўлимининг йиллик ҳисоботларида бериб борилади.

Шимолий Нишон қонидаги мавжуд қудуқларда аниқланган ўтказувчанлик ва ғоваклик коэффицентларининг қийматлар 1-жадвалда келтириб ўтилди. Бу маълумотлар белгиланган тартибда **gov_yop.brl** файлида жойлаштирилган. Конининг қудуқлар координаталари эса берилган **kh, mh** майдонини функционал боғлиқлик бўйича қуриш дастури **kh_mh.pas** модул файлида жойлашган бўлади. Дастур бир қатор дастурлар тўплами билан биргаликда, лекин маълумотларни тайёрлаш пайтида автоном равишда ишлайди. **kh_mh1.pas** модулида бир неча модулли дастурлар қўлланилади. Филтрацион параметрларнинг функционал боғлиқликларини яратиш пайтида ишлатилган модулли дастурларнинг номини ва вазифаларини қуйида келтириб ўтамиз.

Бошқарувчи дастур **kh_mh.pas** модулида **main.pas** номи билан жойлашган. Бу модулда жойлашган модулли дастурларга мурожаат **kh_mh1.pas** билан бажарилади. **funk_zav** қисм дастури эса параметрларнинг боғлиқлигини яратишга мўлжалланган бўлиб, унга мурожаат **ml.pas** ёрдамида амалга оширилади.

mpl процедураси ажратилган майдоннинг ҳар бир нуктасида параметрларни ҳисоблайди. **ml.pas** модули дастурдан эса тенгламалар системасини Гаусс усулида ечишга мўлжалланган **gauss** қисм дастурига мурожаат

ифодаловчи тенг чизикларни қуриш қудуқларни ўрганиш ва кери таҳлиллари бўйича олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Албатта, бу ерда мутахассиснинг геологик, геофизик, гидродинамик ва бошқа билимлари нуктаи назаридан қаралади. Буларнинг ҳаммаси шу параметрлар қийматларининг майдонини қуришда ҳисобга олинади. Харитада қудуқлар уларнинг сонли қийматлари билан берилади (2 - расм).

Бу параметрлар компьютерга

килинади [4]. **quduq** процедраси **koord.brl** маълумотлар тўпламидан олинган кудукларнинг координаталарини тайёрлашга қаратилган. Фактик қийматлар бўйича интерполяциялаш дастурининг ишлаши натижасида тўр соҳанинг барча тугун нукталаридаги ўтказувчанлик ва ғоваклик коэффициентларининг қийматлари аниқланади. Натижалар эса 3- ва 4-расмларда келтирилган. **maydon_k.nat** – ўтказувчанлик майдонининг қиймати, **maydon_m.nat** – ғоваклилик майдонининг қиймати.

Адабиётлар:

1. Коновалов А.Н. Задачи фильтрации многофазной несжимаемой жидкости.- Новосибирск: Наука, 1988.- 166 с.
2. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики.-М.: Недра, 1977.-456 с.
3. Катковник В.Я. Непараметрическая идентификация и сглаживание данных.-М: Наука, 1985.-408 с.
4. Жакбаров О.О. Модели и оптимальные алгоритмы управления фильтрационных систем: Дис....канд. техн. наук.–Тошкент:АНРУз ИК, 2004.–138 с.
5. Эргашев Б.Б., Эргашев Б.С., Ниязова Н.А. Шимолий Нишон қонида газ-сув чегарасини эффектив силжишини таъминлашда қарор қабул қилиш
6. Информатика ва энергетика муаммолари. – Ўзб.журнали -№2, 2009.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada Shimoliy Nishon maydonining o'tkazuvchanligi, g'ovakligi va qalinligi parametrlarini aniqlash uchun funktsional bog'liqlik asosida butun maydon bo'yicha olingan natijalar keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены полученные результаты по целого поля на основе функциональной зависимости для определения параметров проводимости, пористости и мощности месторождения Северный Нишон.

SUMMARY

In given article the received results on the whole fields on the basis of functional dependence for definition of parameters of conductivity, porosity and capacity of a deposit Northern Nishon are resulted.

O'QUV JARAYONINI BOSHQARISHDA FANLARARO INTEGRASIYA ASOSIDA TALABALARINI RAQOBATBARDOSHLIGINI RIVOJLANTIRISH

Ergashev B.B.

Namangan muhandislik-texnologiya instituti

Mamatov Sh.M.

Андижон Давлат Университети

Tayanch so'zlar: oliy ta'lim, gorizontal integratsiya, vertikal integratsiya, bitiruvchi, raqobatbardosh kadr, ta'lim tizimi, pedagogik strategiya.

Ключевые слова: высшее образование, горизонтальная интеграция, вертикальная интеграция, выпускник, конкурентоспособный кадр, система образования, педагогическая стратегия.

Key words: high education, horizontal integration, vertical integration, graduate, competitive personnel, education system, pedagogical strategy.

Mamlakatimizdagi barcha jabhalarni tez suratlarda o'zgarishi, dunyo hamjamiyati tomonidan yuksak e'tirof etilmoqda. Bu ayni paytda ilm-fanni rivojlantirish, ta'lim sohasini isloh etish, ilmiy va innovasion faoliyatni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilgan keng ko'lamli islohotlar samarasidir.

Butun dunyoda bo'lgani singari yurtimizda ham ta'lim maqsadlari sohasida kechayotgan o'zgarishlar, insonning ijtimoiy olamga kirishini ta'minlashga qaratilgan global masalalarga mos keladi. Xususan, ta'lim tizimini takomillashtirish hujjatlarida kompetentli yondashuv ta'lim mazmunini yangilashning muhim bir konseptual holati sifatida e'lon kilinmoqda. Ta'lim tizimida kompetentli yondashuvni amalga oshirish uchun real hayotda va kasbiy amaliyotda asosiy kompetentligini ko'llash qobiliyatiga ega bo'ladigan kasb ta'limi yo'nalishi kadrlarini tayyorlash va qayta tayyorlash zarur. Mamlakatimizda uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilinishi, ya'ni ta'lim standartlari asosida ta'lim va tarbiya jarayonini qayta tashkil etishga kirishilgan bir paytda o'qituvchi faoliyatiga, uning pedagogik mahoratiga alohida e'tibor berilmoqda, chunki aynan o'qituvchi murabbiygina barkamol avlod bunyodkori sanaladi [2-4, 330,625,7-betlar].

Ushbu ishlarni amalga oshirishda ya'ni, kasb ta'limi yo'nalishi talabalarini raqobatbardoshligini rivojlantirishda:

- ▶ oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi sohasida zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlashga qaratilgan yagona davlat siyosatini amalga oshirish;
- ▶ zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalari va chet tillarini chuqur o'zlashtirgan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashning yuqori darajasi va sifatini ta'minlash;
- ▶ oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish, o'quv-pedagogik va ilmiy-uslubiy rahbarlikni amalga oshirish, mutaxassislar tayyorlash sifati, ta'lim mazmuni va darajasini davlat ta'lim standartlari va malaka talablariga mosligini ta'minlash;
- ▶ ta'limning yangi pedagogik texnologiyalari va o'qitish uslublarini joriy etishning xalqaro amaliyotga muvofiq ta'lim jarayonini tashkil etish, o'quv rejalari va fan dasturlarini takomillashtirish, o'qitishning zamonaviy shakllari va axborot-kommunikasiya texnologiya vositalarini joriy etgan holda o'quv jarayonini sifat jihatidan yangilash;
- ▶ zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini joriy etish orqali talabalar, o'qituvchilar va yosh tadqiqotchilarning jahon ta'lim resurslari, ilmiy adabiyotlar elektron katalogi va ma'lumotlar bazasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish;
- ▶ ish beruvchilarning ehtiyojlari va takliflari, ilg'or xorijiy tajriba, iqtisodiyotning real sektoridagi tarkibiy o'zgarishlarni hisobga olgan holda kasb-hunar kollejlarda mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan mutaxassislarni tayyorlash uchun o'quv rejalari va dasturlar ishlab chiqilishini tashkil etish;
- ▶ o'quv va ilmiy laboratoriya bazalarini modernizatsiya qilish, zamonaviy asbob uskunalar bilan jihozlash, sport sog'lomlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish kabilarni amalga oshirish zarur bo'ladi.

Tadqiqotimiz davomida biz 5111000- Kasb ta'limi – (5330200-Informatika va axborot texnologiyalari) bakalavriat ta'lim yo'nalishi talabalarining raqobatbardoshligini rivojlantirishni amalga oshirdik. 5111000- Kasb ta'limi – (5330200-Informatika va axborot texnologiyalari) ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlar kasbiy faoliyatlarining sohalari quyidagilar: kasbiy faoliyati sohalari bo'yicha o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim muassasalarida informatika va axborot texnologiyalari mutaxassisligiga oid fanlarni o'qitish, davlat va nodavlat korxonalar, muassalar va davlat boshqaruv organlari axborot kommunikasiya texnologiyalari sohasida kompyuter va ta'lim bo'yicha kompleks

masalalarni yechish, ilmiy tashkilot va boshqa ta'limga oid markazlar, ilmiy ishlab chiqarish birlashmalarida ilmiy tadqiqot ishlarida ishtirok etishni o'z ichiga oladi (malaka talablari).

Kasbiy faoliyatlarining ob'ektlari:

- * o'quv-tarbiya jarayoni axborot texnologiyalariga oid jarayonlar, axborot kommunikasiya tizimlariga tegishli dasturlar, ularning matematik, axborot va dasturiy ta'minoti, axborot kommunikasiya tizimlari va multimedia texnologiyalari, ilmiy tadqiqot jarayonlari;
- * ta'lim sohasi texnik va dasturiy vositalarini loyihalash, sozlash ishlab chiqarish va amaliyotga tadbqiq qilish jarayonlari;
- * ta'limni avtomatlashtirilgan loyihalash tizimlari;
- * ta'lim tizimida qo'llaniladigan qo'shimcha vositalar va tizimlar;
- * axborot ta'lim vositalarini ishlab chiqarish jarayonida texnika va texnologiyalar.

Talim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlar kasbiy faoliyatlarini turlari:

- * pedagogik (o'rta maxsus, kasb-hunar talim tizimida);
- * ma'naviy –marifiy;
- * tashkiliy boshqaruv;
- * ilmiy tadqiqotni o'z ichiga oladi.

Kasbiy faoliyatlariga qo'yiladigan malaka talablari:

- Pedagogik faoliyatda (umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimida);
- o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimining ta'lim muassasalarida tayyorgarlik yo'nalishida nazarda tutilgan o'quv fanlari bo'yicha ixtisoslik fanlardan zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalardan foydalanib nazariy xamda amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish;
- o'quv jarayonini tashkil etish va o'tkazilishiga ko'maklashish, tadqiqotlarda ishtirok etish, ma'lumotlarni to'plash, umumlashtirish va tahlil etish;
- o'qitilayotgan fanlar bo'yicha dars mashg'ulotlarini o'tkazish uchun zarur bo'lgan o'quv-metodik xujjatlarni shakllantirish, tuzish va ularni tadbqiq etish;
- o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi sohalarini faoliyatini tahlil qilishi;
- mustaqil ta'lim va ijodiy tadqiqot natijasida o'qitilayotgan fan hamda pedagogik faoliyat sohasidagi metod na vositalar o'z-o'zini muntazam takomillashtirib borish qobiliyatlariga bo'lishi lozim.

Ilmiy-tadqiqot faoliyatida:

- ✓ ilmiy-tadqiqot institutlari va ilmiy markazlarda ta'lim yo'nalishlaridagi informatika va axborot texnologiyalari bo'yicha fanlar va ularni o'qitish metodikasiga oid mavzularda tadqiqot olib borishda ishtirok etish;
- ✓ internet tarmog'ida eng yangi ilmiy yutuqlar xaqidagi ma'lumotlarni, maqsadga yo'nalgan holda qidirish va topish, ta'lim yo'nalishlaridagi informatika va axborot texnologiyalari fanlariga oid ilmiy to'plamlar, maxalliy va chet el ilmiy-tadqiqot yutuqlarini o'rganish;
- ✓ ilmiy-tadqiqot ishlanmalarini tayyorlash;
- ✓ ma'lumotlarni jamlash, qayta tayyorlash, mavzu bo'yicha ilmiy malumotlarni tizimli tahlil qilish va tadqiqot natijalari hamda ishlanmalarini tatbiq etishda ishtirok etish.

Tashkiliy-boshqaruv faoliyatida:

- informatika va axborot texnologiyalari sohasi faoliyati sifatini boshqarish jarayonlarini ishlab chiqish va tatbiq qilish;
- informatika va axborot texnologiyalari sohasida jarayonlarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan resurslarni rejalashtirish;
- axborot texnologiyalar tizimini yaratish va ulardan foydalanish bilan bog'liq bo'lgan

jarayonlar monitoringi va sifatini baholash metodlari hamda mexanizmlarini ishlab chiqish;

- o' informatika va axborot texnologiyalari sohasida faoliyat yuritish va ular faoliyatining xalqaro hamda milliy talablarga mos kelishi borasida ishlab chiqarish jarayonlarini nazorat qilish;
- o' kasbga oid muammolar yechimlarini amaliyotga tatbiq etish;
- o' bajarayotgan faoliyati bo'yicha ish rejasini tuzish va uni bajarishni nazorat qilish va amalga oshirilgan ishining natijalarini baholash;
- o' informatika va axborot texnologiyalari sohasining xalqaro hamda milliy mosligini monitoring qilish;
- o' o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimiga innovasion ta'lim va boshqaruv texnologiyalarini joriy etish qobiliyatiga ega bo'lishi kerak.

YUqoridagilardan kelib chiqqan holda talim sifatiga qo'yiladigan talablar va mehnat bozori kon'yunkturasini tez o'zgarayotgan sharoitda bakalavriat ta'limi yo'nalishlari bo'yicha o'quv reja va fanlar dasturlarining moslashuvchanligini taminlash lozim.

Kasb ta'limi yo'nalishi malaka talablari asosida Oliy ta'lim muassasasi (OTM) kasbiy ta'lim yo'nalishi bitiruvchisining riqobatbardoshligini rivojlantirishda fanlararo integratsiyani amalga oshiramiz.

O'quv rejaga asosan fan bloklari tarkibidagi fanlarni fanlararo gorizontol integratsiyasini ishlab chiqamiz (1-rasm).

Texnika OTM kasb ta'limi yo'nalishi tadabalariga oliy matematika fanini o'qitishdan maqsad – o'quv rejalari va malaka talablariga mos holda ta'lim berish sifatini qo'llash, ajdodlarimiz boy milliy merosini ta'lim jarayoniga qo'llashdir.


Oliy matematika fanini o'qitishning vazifasi – talabalarga matematik nazariyaga oid bilimlar berish, olgan nazariy bilimlarni amaliyotga qo'llay olishni o'rgatish va natijada ularni yo'nalishga mos jarayonlar matematik modelini tuzish va tekshira olishga o'rgatishdir.

Kasbiy pedagogika fanini o'qitishdan maqsad – talabalarda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limini tashkil etish va boshqarish, ushbu jarayonlarda ta'lim sifatini ta'minlash borasidagi bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish orqali ularning bo'lajak kasbiy pedagogik faoliyati samaradorligini ta'minlashdan iborat.

Kasbiy pedagogika fanining vazifalari – talabalarga O'zbekiston Respublikasida kasbiy ta'limni rivojlanish tarixi, ta'limning uzluksizligi va davomiyligi, uzluksiz ta'limning maqsadi, mazmuni, tuzilishi, uzluksiz kasbiy ta'lim tushunchalarini, o'rta maxsus kasbiy ta'limni tashkil etish va boshqarish to'g'risidagi asosiy normativ hujjatlar, o'rta

maxsus, kasb ta'limi mazmuniga qo'yiladigan talablar, professional ta'limni boshqarish tizimi, talabalarga pedagogik-psixologik bilimlarni umumkasbiy va maxsus fanlarni o'qitish jarayonida tatbiq etishni o'rgatishdan iborat.

Kasb ta'limi metodikasi fanini o'qitishdan maqsad – talabalarda kasb-hunar kollejlarda yutiriladigan me'yoriy hujjatlarni tuzish va ular bilan ishlashni o'rgatish, uzluksiz ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini tashkil etish va



1-rasm. Fanlararo gorizontol integratsiya [5-6, 2841 b.]

o'tkazilishiga ko'maklashish, umumiy o'rta, professional ta'lim muassasalarida o'quv mashg'ulotlarini o'tish, zamonaviy texnologiyalarni egallash va tadbiq etishni bilishi kerak.

Dasturlash texnologiyalari fanini o'qitilishdan maqsad – talabalar dasturlarni ishlab chiqish bosqichlarini, ularni ishlab chiqilishi va foydalanilishining amaliy

ko'nikmalarini olishi, dasturiy mahsulot haqidagi tushunchaga ega bo'lishi, dasturiy vositalarni ishlab chiqish va testdan o'tkazish usullarini qo'llay olishdan iboratdir.

Dasturlash texnologiyalari fanini vazifalari – dasturiy ta'minotga qo'yiladigan asosiy talablarni o'rganish va ularni amalga oshirish yo'llari hamda dasturiy ta'minot ishlab chiqishning zamonaviy texnologiyasini usul va uslublarini o'zlashtirish va ulardan foydalanishdan iborat [7-8, 249, 568 betlar].

Yuqorida keltirib o'tilgan fanlarning maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, texnika OTM kasbiy ta'lim yo'nalishi talabalarini raqobatbardoshligini rivojlantirishda fanlararo vertikal integratsiyani amalga oshiramiz (2-rasm).


Hulosa o'rinda shuni aytamizki olib borilayotgan tadqiqotlar OTM bitiruvchilarining raqobatbardoshligini rivojlantirishda pedagogik strategiya orqali ta'lim jarayonini metodik modellashirishning konseptual asosini ishlab chiqish orqali takomillashtirilgan va rivojlantirishni ko'rsatadi hamda nazariy va uslubiy asosi ilmiy yondashuvi bo'lgan texnika OTM talabalarining raqobatbardoshligi yaxlit pedagogik konsepsiyani, uzviylik-uzluksizlik tamoyillarini bosqichma-bosqich amalga oshirishni ta'minlovchi strategiya ishlab chiqish va asoslash orqali takomillashtirilgan keltirib chiqaradi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoev S.H.M. Oliy majlisga va O'zbekiston xalqiga murojaatnomasi. T.: 29.12.2020 y.
2. Эргашев Б.Б. Качество образования как критерий конкурентоспособности выпускников вуза на рынке труда // Наманган Давлат Университети Илмий Аxborotnomasi.-Наманган, 2020.-№12.-Б.329-333.
3. B.Ergashev. Innovation texnologiyali ishlab chiqarish sohalarida xodimlar salohiyatini shakllantirishga klasterli yondashuv. NamDU ilmiy axborotnomasi - 2021 yil 6-son. 622-627 b.
4. B. ergashev. Professional ta'lim tizimida raqobatbardosh bitiruvchilarni shakllantirish strategiyalari. Xalq ta'limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. 2021 y. № 3, 6-8 b.
5. D.O. Khimmataliev, K.T. Olmova, R.M.Abdullaeva, B.B. ergashev, K.T. CHulponova. Mechanisms of professional competence development in future teachers based on pedagogical and technical knowledge // PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(1): Pp. 2838-2844 ISSN: 00333077
6. Ergashev B.B. Design Tasks As A Method Of Training Specialiss - Future Informatic Teachers // The American Journal of Social Science and education Innovations (ISSN – 2689-100x). 31.03.2021. Pp: 446-449 Doi:<https://doi.org/10.37547/tajssci/Volume03Issue03-68>.
7. Ergashev B. Formation Of Management Competencies On The Basis Of The Designed Project 75-79
8. Ergashev B. Monitoring employers' Requirements to quality of Training Higher education Specialiss: Functions and Structure // eastern european Scientific Journal- Ausgabe 1-2019. S.145-150.

PE3IOME

Texnika oliy ta'lim muassasalarida fanlararo integratsiya asosida kasb ta'limi yo'nalishi talabalarini raqobatbardoshligini rivojlantirishda, fanlararo vertikal integratsiyani amalga oshirish va asoslashdan iborat.



2-rasm. Fanlararo vertikal integratsiya [5-6, 2842 b.].

Реализация и обоснование вертикальной междисциплинарной интеграции в развитии конкурентоспособности студентов профессионального образования на основе междисциплинарной интеграции в технических вузах.

Implementation and substantiation of vertical interdisciplinary integration in the development of competitiveness of students of vocational education on the basis of interdisciplinary integration in technical universities.

ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МИКДОР ВА СИФАТ ТАҲЛИЛЛАРИ

Эргашев Б.Б.

Наманган муҳандислик-технология институти

Ниязова Н.А.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Таянч сўзлар: педагогик тажриба синов, микдор, сифат, рақамли технология, педагогик стратегия, педагог олимлар, талабаларнинг касбий-педагогик фаолияти, продуктив даража, репродуктив даража.

Ключевые слова: проверка педагогического опыта, количество, качество, цифровые технологии, педагогическая стратегия, ученые-педагоги, профессионально-педагогическая деятельность студентов, продуктивный уровень, репродуктивный уровень.

Key words: verification of pedagogical experience, quantity, quality, digital technologies, pedagogical strategy, scientists-teachers, professional and pedagogical activity of students, productive level, reproductive level.

Жаҳон микёсида таълим парадигмаларини рақамли технологиялар асосида такомиллашиб, янгиланиб бораётганлиги таълимда янги педагогик стратегияларни қўллашни ва стратегик тактикаларни аниқ белгилаб олишни тақозо этмоқда. Бунда, фан ва ишлаб чиқариш секторларининг интеграцияси, илмий-техник ахборотлар, илмий-инновацион ғоялар, стартап лойиҳаларнинг шиддат билан ривожланиши ва янги босқичга кўтарилиши, касбий фаолиятнинг турлари кенгайиши ва касбий стандарт талабларини тобора такомиллашиб бориши ҳамда мунтазам динамик ўзгариши намаён бўлмоқда. Таълимда янги педагогик стратегияларни қўлланиши бўйича АҚШ, Европа, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Япония каби давлатларнинг таълим тизими жаҳон рейтингда етакчилик қилмоқда. Шу боис, TOP-1000 таликка кирган етакчи олий таълим муассасаларининг мутахассислари рақобатбардошлилиги, ишлаб чиқариш соҳаси, ўзининг мутахассислиги бўйича зарурий компетенцияларга эгаллиги билан халқаро меҳнат бозорида талабгорлиги билан алоҳида ажралиб туриши аҳамиятлидир.

Дунёда педагог олимлар ва амалиётчиларнинг педагогик назарияларига кўра, олий профессионал таълимда талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришда таълимнинг узвийлиги-узлуксизлиги, мантикийлиги ва эҳтиёжга асосланганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Таълим тизими фаолиятининг самарадорлиги таълим олувчининг педагогик-психологик, иқтисодий-ижтимоий, индивидуал қобилиятларини инобатга олган ҳолда билим беришнинг турли ҳилдаги усул, воситаларини қўллаш орқали унинг яширин қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун техника-технология, ижодий муҳит ва таълим маконини яратиш амалий аҳамият касб

этади. Шу сабабли, профессионал таълимда ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш, ўқув-билиш жараёнларини ривожлантириш ва ихтисослик фанлар мазмунини амалий кўникмаларга йўналтиришни тақозо этади. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун албатта педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда натижаларнинг сифат таҳлилларини кўриш зарур бўлади.

Тажриба синов ишларида кўзда тутилган мақсадлардан бири талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини сифат жиҳатидан баҳолашдир. Ушбу муаммонинг ечимларидан бири, бизнинг фикримизча, эксперт ва аналитик баҳолаш учун дастурий воситалардан комплекс фойдаланиш имкониятларини ўрганишдир.

Педагогик тажриба-синов ишида касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини аниқлаш учун мезон ва кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари

Компонент	Мезонлар	Кўрсаткичлар
Касбий	Мазмуний-жараёний	Юқори даражадаги таълим; фундаментал касбий тайёргарлик (билим, кўникма ва малакалар); компетенциялар: умумкасбий ва касбий.
	Ижтимоий	Юқори даражадаги иш қобилияти; ташкилотчилик фаолияти (менеджерлик кўникмаси); гуруҳли ишлаш маҳорати; ли-дерлик сифати; касбий ва ҳаётий карьерасини режалаштириш маҳорати; шахсий қадриятларини тиклай олиш.
Шахсий	Мотивацион	Шахсий мотивация; касбий фаолиятда мотивация; муваффақиятга интилиш (касбий ўсиш мотивацияси); касбий онгининг узлуксиз ривожлантириш (касбий маҳорат мотивацияси).
	Коммуникатив	Коммуникативлик (шахслараро мулоқотда касбий киришувчанлик); гуруҳда ишлаш маҳорати; ўз ёндашувини амалга ошириш қобилияти.
	Когнитив	Мобиллик; қатъиятчилик; ташаббускорлик; ижодий қобилият (ижодий тафаккур); стратегик ва аналитик тафаккур; инновацияга интилиш (инновацион тафаккур); фаоллик ва мустақиллик; мослашувчанлик; жавобгарлик.
	Рефлексив	Ривожланишга интилиш; стрессга чидамлик ва меҳнатни енга олиш; келажакдаги ўз касбий фаолиятини кура олиш; касбий фаолиятда ўзини субъектив тутиш.

Талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотларни инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш, курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва малакавий амалиётни бажариш ҳамда ҳимоя қилишда якуний баҳолаш амалга оширилади. Касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини баҳолаш учун профессионал таълими йўналишлари учун ижодий машқлар ва муаммоли топшириқлар аниқланади,

гуруҳлар ва даражаларга ажратилади. Шунингдек ижодий машқлар ва муаммоли топшириқлар акс этган мутахассислик фанларидан амалий машғулотларни бажариш учун услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш тажриба-синов ишларини сифатини оширади.

Машғулотлар жараёнида бериладиган билимларнинг ўзлаштирилиши даражасига ва уларда рақобатбардошлик даражаларининг ривожланганлигига қараб сифат ва миқдорий жиҳатдан даражалар шакллантирилади ва қуйидагича таъриф берилади:

- репродуктив даража (паст) – режалаштирилган топшириқларни, яъни билимларни, тушунчаларни, қонунлар ва формулаларни паст даражада тушуниб етганлиги ҳамда аудиторияда мустақил ишларни ўқитувчи раҳбарлигида бажара олишлари билан белгиланади;
- продуктив даража (ўрта) – талабаларнинг эгаллаган билимлари асосида ноодатий топшириқларни педагогик-технологик фаолиятда бажара олиш ҳамда аввал бажарган ҳаракатларни аудиториядан ташқари ҳам мустақил бажара олиш компетенциялари билан белгиланади;
- креатив даража (юқори) – ижодий топшириқларни бажара олиш ҳамда намуна асосида ҳаракат қилиш, янги билимларни эгаллаш ва мустақил ўрганиш компетенциялари эътиборга олинади.

Педагогик тажриба-синов давомида биз томонимиздан профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган педагогик стратегияни амалий самарадорлигини аниқладик ва педагогик стратегиядан фойдаланиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқдик ва тадбиқ этдик.

Педагогик тажриба-синов давомида олинган натижаларни муайян жараёнлар, педагогик воситалар, тажриба-синов гуруҳларида тегишли ташкилий ва педагогик шарт-шароитларни самарали амалга ошириш, йўл харитасини амалга ошириш асосида касбий компетенцияларни ривожлантириш жараёнини технологиялаштириш, педагогик ўзаро муносабатлар, мавзуй муносабатлар, ҳамкорлик ва профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ҳамкорлик асосида қўлай касбий таълим маконини яратиш орқали амалга ошириш, талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишни таъминлаш, яъни ҳамкорликда ўқитиш усуллари, интерфаол технологиялар ва бошқалардан самарали фойдаланилди.

Педагогик стратегияни амалга оширишнинг технологик харитаси ва биз томонимиздан ишлаб чиқилган умумкасбий ва ихтисослик фанларини интеграциясини таъминлаш асосида ўқитиш методикаси НамМТИда тажриба синовдан ўтказилгандан сўнгра олинган натижалар сон ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди.

2-жадвал

**НамМТИда тажриба ва назорат гуруҳлари
талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари**

НМТИ профессионал таълим йўналиши талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳ			
	62 та талаба				63 та талаба			
	Аниқловчи босқич		Шакллантирувчи босқич		Аниқловчи босқич		Шакллантирувчи босқич	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%

Юқори	10	16,1%	20	32,3%	10	15,9%	12	19,0%
Ўрта	23	37,1%	39	62,9%	24	38,1%	24	38,1%
Паст	29	46,8%	3	4,8%	29	46,0%	27	42,9%



3-расм. НамМТИда тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлик даражалари диаграммаси.

Ушбу жадвал ва диаграмма тажриба гуруҳидаги техника олий таълим муассасаси Касб таълими йўналиши талабаларининг рақобатбардошлигини барча даражаларида муҳим ўзгаришлар мавжуд тажриба гуруҳи устун деган хулосага келиш имконини беради. Кейинги илмий тадқиқот ишларимизда олинган натижа таҳлилларини кўриб ўтамыз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.
2. Исмаилова З.К., Химматалиев Д.О. Муаммоли таълим орқали талабанинг илмий-иждоий қобилиятларини шакллантириш // Ирригация ва мелиорация. - №1.-Б. 103-105.
3. Эргашев Б.Б. Профессионал таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик стратегиясини лойиҳалаштириш. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. – 74 б.
4. Ergashev B.B. Design Tasks As A Method Of Training Specialiss - Future Informatic Teachers // The American Journal of Social Science and education Innovations (ISSN – 2689-100x). 31.03.2021. Pp: 446-449 Doi:<https://doi.org/10.37547/tajssei/> Volume 03Issue 03-68. <https://theamericanjournals.com/index.php/tajssei/article/view/920/867>
5. Ergashev B.B. The concept of developing the competitiveness of graduates of higher education institutions on the basis of pedagogical strategy // Asian Journal of Multidimensional Research. 7. July. 2021. ISSN (Online) 2278 – 4853. Pp. 75-85. <https://www.tarj.in/images/download/ajmr/ajmr-july-2021-full-journal.pdf>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабаларни касбий компетенцияларини ривожлантиришда педагогик тажриба-синов ишларининг микдор ва сифат таҳлиллари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье проводится количественный и качественный анализ педагогической экспериментальной работы в развитии профессиональных компетенций студентов.

This article provides a quantitative and qualitative analysis of pedagogical experimental work in the development of students' professional competencies.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Гуломова К.М.

*Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти таянч докторанти*

Таянч сўзлар: ахборот технологиялари, Интернет, медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентлик.

Ключевые слова: информационные технологии, Интернет, медиаграмотность, медиакультура и медиакомпетентность.

Key words: information technology, Internet, media literacy, media culture and media competence.

Мамлакатимизда таълим тизimini ривожлантиришнинг асосий бўгинларидан бири бу профессионал таълим тизими ҳисобланади. Мамлакат аҳолисини меҳнат бозорида муносиб иш ўринлари билан таъминлашда ушбу тизимда кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда. Шу боис, Республикаимизда миллий малака тизими, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандарти ва дастурлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” ги 287-сонли қарор асосида ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкаси” нинг асосий мақсади меҳнат бозори билан таълим соҳаси интеграциясини таъминлашдан иборат. Шу асосда таълим сифатни ҳамда самарадорлиги ошириш, “Қора меҳнат бозори” ни йўқотишдан иборат.

Миллий ва жаҳон меҳнат бозорининг кадрларга бўлган асосий талабларидан бири уларда ахборот коммуникацияси ва чет тили билимларининг талаб даражасида эгалланганлиги ҳисобланади. Айнан “Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти” да ҳам асосий мақсадлардан бири сифатида “Давлат таълим стандартининг мақсади ўрта махсус таълим тизimini мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, белгиланган талабларга жавоб берувчи, маънавий баркамол, меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат” деб таъкидланган.

“Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизimini тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 466-сонли қарорида “меҳнат фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш”, “иқтисодиёт соҳа ва тармоқларидаги зарур соҳавий касб-ҳунар бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга

бўлган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллай оладиган мутахассислар тайёрлаш” асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш каби йўналишлар белгиланиб, бу борада профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитига асосланган ахборотлаштирилган жамиятнинг таркибий қисмлари – бу медиа, тил ҳамда маданиятдир. Айнан, биз яшаётган дунёнинг тили ва маданиятини инсондаги медиакомпетентлик ташкил этади. Дунёда медиакомпетент-ликнинг аҳамияти турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО ташкилотининг тавсияларида алоҳида таъкидланган. Медиакомпетентлик умумий кўринишда шахснинг турли кўринишдаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади. Шунинг учун, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш масаласи бугунги кунда касб-хунар таълими педагогикаси олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Масалан, М.Вахобов “Ҳозирги ахборот алмашинуви жадаллашган асрда ўқувчи-ёшларда медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентликини ривожлантириш орқали турли ахборот хуружлари, бузгунчи ёғ гоялардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, – дея таъкидлаган.

Ҳозирги вақтда педагогикада турли хил мутахассисларда медиакомпетентликини ривожлантириш бўйича маълум даражада тажриба тўпланган.

Медиакомпетентлик тушунчаси (media competence) таълимга кириб келаётган янги ағам ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади. Германияда медиакомпетентлик деб, медиага нисбатан малакали, мустақил, ижодий ва ижтимоий-маъсулиятли муносабат тушунилади.

Медиакомпетентлик — шахс медиамаданиятининг узвий қисми сифатида гавдаланиб, кадриятли, технологик ва шахсий-ижодий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган ҳамда ўзаро таъсирлашув субъектларининг ривожланишига олиб келадиган ахборот ҳамжамияти билан ўзаро таъсирлашувнинг диалог усули сифатида тушунилади.

Медиакомпетентлик умумий кўринишда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медианинг фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида тушунилади.

Медиакомпетентлик-медиясаводхонлик (media competence/media literacy – турли шакллардаги хабарларни (messages) қўллаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва узатиш қобилияти.

Медиакомпетентлик юқори даражасига эга бўлган шахс учун куйидаги хусусиятлар характерли бўлиб ҳисобланади: янги маълумотларни олиш учун ҳаракат қилиш (интилиш); ҳаётининг турли соҳаларида ўз шахсий компетентлигини ва ҳар турдаги медиамаданият дунёсига интилиш; ўқиш учун зарурий илмий материаллар излап топиш; медиа маҳсулотлар билан - доимий мулоқотда бўлиш; медиа оламида

мустақил равишда медиаматнларни шакллантириш ва тарқатиш (мустақил ёки гуруҳ билан биргаликда тайёрлаш) малакасига эга бўлиш; медиага боғлиқ бўлган (ўйинбоп, бадиий, тадқиқот ва. ҳ.к) ёрқин фаолият юрита олиши.

Бугун инсоният шиддат билан ўзгариб бораётган ахборот асрида яшамоқда. Инсон тафаккурининг махсули бўлган ахборот технологиялари фан, техника ва ишлаб чиқаришни таракқиётга хизмат қилдириш билан бир қаторда, инсоният ўзи яратган маънавий ва моддий қадриятларни, тузим ва тизимларни вайрон қилиш учун ҳам қўлламоқда. Ахборот технологиялари инсон қўлида ё яратувчанлик, ё вайронкорлик кузолига айланиб, унинг мақсадига қараб қўлланиши мумкин. Замонавий техника ва технологияларни эзгу мақсадларда ишлатиш, яратувчанлик ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш каби фазилатларни шакллантириши лозим.

учинчи минг йилликнинг ижтимоий-маданий моҳияти жаҳон иктисодиятининг глобаллашуви, жамиятни ахборотлаштириш, илму фан, техника, турли хил оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг жадал ривожланиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизга бекиёс таъсирини ҳар жабҳада кузатиш мумкин. Шубҳасиз, ахборот технологиялари инсонлар ҳаётига шу даражада чуқур кириб бормоқдаки, уларни умуммаданий контекстдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Шунинг билан бирга эътироф этиш лозимки, медиаахборотни унинг истеъмолчиларига бўлган нафақат ижобий, балки салбий таъсири ҳам ошиб бормоқда.

Ахборот технологияларнинг жадал ривожланиши дунё бўйича йирик ахборотлашган жамиятни вужудга келтирди. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда. Ахборотлашган жамият шароитида ҳар бир ўқувчи ўзининг онгли ҳаётининг илк даврларидан бошлаб керакли ахборотларни мустақил равишда излаш, медиаканаллари орқали кўрган, ўқиган ва эшитганларига нисбатан ижодий муносабатда, медиаматнларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозимдир. Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган даврда Интернет истеъмолчилари сони кун сайин тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йиллар мобайнида Интернет глобал тармоққа айланиб улгурди. Бунинг натижасида дунёда нафақат ахборотлашган жамият юзага келди, балки жаҳон ҳамжамятида глобаллашув жараёнлари тезлашиб кетди. Ягона ахборот маконини яратиш медиаахборотни қабул қила олиш ва медиалашган мулоқотни амалга ошира билишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда медиакомпетентлик шахснинг муҳим сифатларидан биридир, уни шакллантириш эса – умумий педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Компьютерларнинг асосий вазифалари ахборотлар устида амаллар бажариш ҳисобланиб, жамиятда ахборот ҳам билим манбаи, ҳам энг асосий мулоқот воситаси бўлиб ҳисобланади. Ҳар ким ҳар доим бирор ишни бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун албатта ахборотдан фойдаланади. Агарда инсон кундалик ахборотлар ва янгиликлардан хабардор бўлмас экан, у жамиятдан узилиб қолиши муқаррардир. Лекин шунга таъкидлаб ўтиш жоизки, компьютер технологияларидан фойдаланишда ўқувчилар кўпинча фойдалироқ маълумотлар олиш ўрнига фойдасиз маълумотларга чуқур берилиб кетишлари, айниқса, интернетдаги маълумотларга қизиқишлари кундан кунга ортиб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, ахборотларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳам эътибордан қолдирмаслик керакдир. Ахборотларнинг ижобий томони шундан иборатки, ўз вақтида олинган тўғри ва сифатли ахборот инсонлар, айниқса, ёшларнинг дунёкарашини бойитиши, билим олиши, замонавий

билимлар эгаси бўлиши имконини беради. Ахборотларнинг салбий томони шундан иборатки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган бизнинг миллий кадриятларимизга ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини заҳарловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Айниқса, бундай маълумотлар интернет тармоғи орқали кенг тарқалмоқда. Интернет ва СМС хабарлар орқали тарқалаётган жамиятимизга, кадриятларимиз ва аъёнларимизга, давлатчилигимизга зид бўлган ноҳўя ахборотлар ёшларнинг онгини заҳарлаши ва уларни нотўғри йўللарга бошлаши мумкин. Шунинг учун таълим берувчи ташкилотлар, айниқса профессионал таълим муассасаларида медиатаълим асосида вужудга келган медиакомпетентлик тушунчасига эътибор беришга эҳтиёж зарурлиги ойдинлашиб бормоқда. Медиакомпетентликнинг йўналишларидан бири бўлган телевидение орқали ахборот қабул қилишда кўплаб телеканаллардаги медиаклиплар ва томошаларни намойиш қилиниши, ундаги ёшларнинг кийиниш одоби, қўшқларнинг маъносизлиги ва савиясининг пастлиги, кўрсатувни олиб борувчиларнинг ўзини тутиши ва улар томонидан фойдаланадиган сўзлар миллий кадриятларимизга зид келиб, ёшларга салбий таъсир кўрсатади.

ЮНЕСКО нинг тахлилий материалларида қайд этилишича, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти давомида ўртача 3 миллиондан зиёдроқ рекламаларга дуч келаркан. Ушбу рекламаларни биз телевидение, радио, газета, журналлар, Интернет орқали кўришимиз мумкин. Реклама бугунги кунда инсонлар онги учун курашда энг кучли таъсир воситасига айланган. Ҳозирда реклама саноати шу даражада ривожландики, унда инсонлар онгини манипуляция қилишнинг тасаввур қилиб бўлмайдиган усул ва воситаларидан фойдаланилади. Интернет тармоғи орқали борган сари тарғиб этилаётган миллий аъёнларга ва урф-одатларимизга ҳамда ахлоқ нормаларига умуман тўғри келмайдиган фильм ва клиплар ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатиб, оила деган муқаддас тушунчаларни парчаланишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, кўп ҳолларда бундай салбий ҳолатлар таълим муассасаларида ҳамда талаба-ўқувчилар ўртасида ҳам содир бўлмоқда. Кўплаб ахборотли таҳдидларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда ана шу жараёнларни психологик таҳлил қилиш ва ёшларимизни бундай таҳдидлардан муҳофаза этишнинг йўллари излаб топиб, ҳаётга жорий этиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда медиакомпетентликни ривожлантириш, унинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ҳамда педагогик шароитларини аниқлаш керак.

Ҳозирда илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот технологиялари борасидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни шакллантириш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозим. Мутахассис Евгений Морозовнинг таъкидлашича ижтимоий тармоқлар беғам ва эринчоқ одамлар авлодини тарбияламоқда. Таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқларнинг доимий мижозлари вербал мулоқотга киришиш кўникмасини йўқотади, масалан, суҳбат чоғида улар суҳбатдошининг кўзларига қарай олмайди. Демак, ижтимоий тармоқларга мурожаат этаётган ўсмирга, энг аввало, ёшларга Интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш керак.

Медиатаълим ёшларимизни замонавий оммавий ахборот воситалари билан хавфсиз ва самарали мулоқот қилишга тайёрлайди, уларда медиа огоҳликни, медиа саводхонликни, медиамаданиятни ва медиакомпетентликни шакллантиради. Нима учун бугунги кунда таълимга бундай атама керак бўлиб қолди? Чунки медиатаълим ҳар бир ўқувчи-талабаларда медиа махсулотлар ва ахборотлар билан ишлашда ижодий ёндашувни, мулоқот қилиш кўникмасини, танқидий фикрлашни, ахборотлар орқали узатилаётган асосий мақсадларни ва яширин ғояларни аниқлаш, медиамахсулотларни

танкидий таҳлил қилиш ва баҳолаш, ахборотларни филтрлаш каби кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади. Медиа таълим ёшларда медиамаданиятни ва саводхонликни шакллантириб, маънавий эстетик ва интеллектуал жиҳатдан уларнинг нутқини, мулоқот қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради. Бугунги ахборотлашган жамиятда интернет тармоғи ёрдамида турли саҳифалардан, жумладан, Youtube, Mytube, Facebook, Telegram, Instagram, WhatsApp, Twitter каби ахборот узатиш воситаларидан олинаётган турли хил кўринишдаги ахборотларни ёпиш ва тақиқлаш, узатилаётган турли сюжетларни чегаралашнинг имконияти камроқ бўлганлиги сабабли, катта саҳнада медиа таълим тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг келажакда таълим соҳасида ривожланиши имкониятларини янада орттириб юборади.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга қуйидаги бир қатор ижтимоий ва инфорацион омиллар ўз таъсирини ўтказди.

Ижтимоий омиллар:

- 1) ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қила олиши;
- 2) Мулоқот маданиятининг даражаси;
- 3) Фаолият мотивацияси;
- 4) мамлакат тақдири, унинг ривожланиши учун жавобгарликни ҳис қила олиши, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;
5. Касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саҳоватли бўлиш.

Ахборотли омиллар:

- 1) журналлар, илмий-оммабоп манбаалар;
- 2) Интернет ресурслари;
- 3) Оммавий ахборот воситалари;
- 4) Электрон дарслик ва кўргазма материаллари;
- 5) Ахборот хавфсизлигини таъминловчи барча медиахизматлар.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, барча таълим муассасалари, шу жумладан профессионал таълим муассасаларида медиакомпетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ўқувчи медиа билан ишлай оладиган фаол иштирокчи сифатида қаралади. Медиакомпетентлик эса медиа таълимни ташкил этиш жараёнида шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам медиа таълим профессионал таълимда жамиятнинг ижтимоий буюртмаси сифатида битирувчининг таянч тайёргарлигининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиши лозим. Бунинг учун эса, дарсларда танкидий фикрлашни ривожлантириш технологиясидан фойдаланиш, ўқитишни эса интегратив ёндошув асосида ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республи-касини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 2020 йил, 15 майдаги 287-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил, 7 августдаги 466-сон қарори

4. Бабаджонов С.С. Ёш авлодни вояга етказишда ахборот технологиялари ва медиакомпетентликнинг роли. – Т., —Халқ таълими илмий-методик журнали. 2016 йил 6-сон, 126 б
5. Вахобов М.М. Глобаллашув шароитида ёшларни медиасаводхонлигини ошириш. Республика илмий-амалий семинари материаллари. (Биринчи китоб) Наманган, 2015. 77 б.
6. Коновалова Н.А. Развитие медиакультуры студентов педагогического вуза. Дис....канд. пед. наук. – Вологда, 2004. – С.9.
7. Никитина Е.Ю., Милютин А.А. Формирование медиакомпетенции младших школьников на уроках русского языка. Монография. – М., 2015. 202 С.
8. Охунова. Г., Маннопова Ш. Информационный тахдидларга қарши курашишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари. —Илмий-педагогик ва ўқувметодик нашрлар орқали информациявий тахдидларга қарши курашиш: профилактика, технология, механизм республика илмий-амалий конференция тўплами. – Т.: 2017, 65
9. Психология общения. Энциклопедический словарь [Электронный ресурс] // 2016
10. Федоров А.В. Медиаобразование в зарубежных странах. Монография // – Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. – С. 238. 97.
11. Ҳамидова М. Информацион тахдидларга қарши курашишда ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти. Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий тахдидларга қарши курашиш: профилактика, технология, механизм республика илмий-амалий конференция тўплами. – Т., 2017. 24 б
12. Kubey, R. (1997). Media Education: Portraits of an Evolving Field. In: Kubey, R. (Ed.) Media Literacy in the Information Age. 2 p.
13. <http://infosec.uz>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълими рақамлаштириш шароитида ўқитиш самарадорлиги ошириш омили сифатида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида медиакомпетентликни ривожлаштириш ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрена идея совершенствования медиакомпетентности у студентов профессиональных образовательных учреждений как фактора повышения эффективности обучения в условиях оцифровки образования.

SUMMARY

This article discusses the idea of improving media competence among students of professional educational institutions as a factor in increasing the effectiveness of learning in the context of the digitization of education.

INNOVATSION FAOLIYAT VA INNOVATSION YONDASHUVNING ZAMONAVIY O'QUV-TARBIYA JARAYONIDA TUTGAN O'RNI

Agaliyeva X.N.

*Pedagogika innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi boshqaruvi hamda pedagog kadrlarini
qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutining tayanch doktorani*

Tayanch so'zlar: ta'lim, innovatsion faoliyat, o'quv-tarbiya, pedagogika, innovatsion.

Ключевые слова: образование, инновационная деятельность, образование, педагогика, инновации.

Key words: education, innovation activity, education, pedagogy, innovation.

Bugungi kun talablariga mos intellektual salohiyatli pedagoglarni yetishtirish davr talab bo'lib qolmoqda. Har bir jamiyat o'z o'rnida kuchli va raqobatbardosh bo'lishi uchun ta'lim tarbiya sifatini oshirishi kerak. Bunda yetarli darajada pedagogik shart-sharoitlar, uslubiy qo'llanmalar, zamonaviy innovatsion yondashuv asosidagi ko'rgazmali xonalar talab doirasida yaratilishi kerak. Agar pedagogda yetarli darajada qobiliyat va salohiyat bo'lsada, shuning bilan birga tayanch kompetensiyasi ham rivojlangan bo'lsa bu uni kelajakda yuksak nom haqiqiy pedagog sifatida tan olinishiga katta yordam bo'ladi. Ayni damda zamonaviy xa'et, ta'lim taraqqiyotiga yangi yo'nalish – innovatsion pedagogikani maydonga olib

chiqdi. «Innovatsion pedagogika» termini va unga xos bo'lgan tadqiqotlar G'arbiy Evropa va AQSHda 60-yillarda paydo bo'ldi. Innovatsion faoliyat F.N.Gonobolin, S.M.Godnin, V.I.Zagvyazinskiy, V.A.Kan-Kalik, N.V.Kuzmina, V.A.Slastenin, A.I.Sherbakov ishlarida tadqiq etilgan. Bu tadqiqotlarda innovatsion faoliyat amaliyoti va ilg'or pedagogik tajribalarni keng yoyish nuqtai nazardan yoritilgan, D.Gamelson, N.Gross, R.Karlson, M.Maylz, D.Chen ishlarida innovatsion jarayonlarni boshqarish, ta'limdagi o'zgarishlarni tashkil etish, innovatsiyaning «hayoti va faoliyati» uchun zarur bo'lgan shart-sharoitlar masalalari tahlil qilingan.

Yangilik kiritishning sotsial-psixologik aspekti amerikalik innovator E.Rodgers tomonidan ishlab chiqilgan. U yangilik kiritish jarayoni qatnashchilarining toifa(tip)lari tasnifini, uning yangilikka bo'lgan munosabatini, uni idrok qilishga shayligini tadqiq etadi.

Innovatsiya (inglizcha innovation) – yangilik kiritish, yangilikdir. Innovatsiya deganda muayyan ijtimoiy birlikka tashkilot, aholi, jamiyat, guruhga yangi, nisbatan turg'un unsurlarni kiritib boruvchi maqsadga muvofiq o'zgarishlarni tushunadi. Bu innovator faoliyatidir.

Tadqiqotchilar innovatsion jarayonlar tarkibiy qismlarini o'rganishning ikki yondashuvini ajratadilar: yangilikning individual mikrosathi va alohida-alohida kiritilgan yangiliklarni o'zaro ta'siri mikro sathi. Birinchi yondashuvda hayotga joriy etilgan qandaydir yangi g'oya yoritiladi. Ikkinchi yondashuvda alohida-alohida kiritilgan yangilarning o'zaro ta'siri, ularning birligi, raqobati va oqibat natijada birining o'rnini ikkinchisi egallashidir. Olimlar innovatsion jarayon mikro tuzilmasini tahlil qilishda hayotning davriyligi konseptsiyasini farqlaydilar. Bu konsepsiya yangilik kiritishga nisbatan o'lchanadigan jarayon ekanligidan kelib chiqadi.

Ta'lim tizimida innovatsion faoliyatning subyekti o'qituvchi va uning shaxsiy imkoniyati hisoblanadi. Bunda o'qituvchi shaxsining ijtimoiy-madaniy, intellektual va axloqiy imkoniyatlari yuksak ahamiyatga molik bo'ladi.

S.M.Godninning ishlarida talabaning shaxsiy xislatlari pedagogik jarayonning subyekti sifatida yoritiladi. Unga quyidagilarni kiritadi:

o'qitishning hozirgi va kelgusi bosqichlari uchun qabul qilingan o'quv - tarbiya jarayonining maqsadi, vazifasi va ko'rsatmalarini anglay bilish;

intellektual mehnatning yangi tadbirlarini egallash;

maqsadga muvofiq kasbiy o'z-o'zini tarbiyalash va mustaqil tahsil olish, qiyinchiliklarni a'lo darajada eng bilish, o'sish va mustahkam o'rin egallashning kengayotgan intellektual va kasbiy imkoniyatlari, istiqbollari bilan qoniqish, o'zining sotsial roli funktsiyasini bajarishida faol munosabatda bo'lish.

Innovatsion pedagogik jarayonning muhim unsurlari shaxsning o'z-o'zini boshqarishi va o'zini-o'zi safarbar qila olishi hisoblanadi. Uning eng muhim yo'nalishlaridan bilan talabalarining bilish faoliyatini rivojlantirish.

Bunday yo'nalish talabalarining o'quv ishlarini faollashtirish, ularning kasbiy ixtisoslashishini aniqlab olish faolligini o'z ichiga oladi.

Tayanch yo'nalishlar - ta'lim, fan va ishlab chiqarishning integratsiyalashuvi, ularning o'zaro aloqalarida yangi tamoyillarga o'tish. Shunday qilib, innovatsion faoliyat omillari nazariyasi tahlili uning eng muhim yo'nalishi gumanistik aksiologiya ekan, degan xulosaga olib keladi.

Innovatsion faoliyatga aksiologik yondashuv insonning o'zini yangilik yaratish jarayoniga baxshida qilishi, uning tomonidan yaratilgan pedagogik qadriyatlar jamul-jamini anglatadi.

Aksiologiya insonga oliy qadriyat va ijtimoiy taraqqiyotning birdan-bir maqsadi sifatida

qaraydi. O'qituvchining innovatsion faoliyatiga yaratuvchilik jarayoni va ijodiy faoliyat natijasi sifatida qaraladi.

V.A.Slastenin o'qituvchining innovatsion faoliyatini tuzishda unga akmeologik jihatdan yondashadi. Akmeologiya (akte) - yunoncha oliy nuqta, o'tkir, gullagan, etuk, eng yaxshi davr degan ma'nolarni bildiradi.

Ko'plab tadqiqotchilar kasbiy faoliyatning samarasini oshirish bilan yo'g'rilgan inson hayotining eng ijodiy davrlari, etuklik bosqichlari to'g'risida fikr yuritadilar. Ular etuk insonlarning professionalizmi, shaxs rivojlanishining gullagan davridagi psixik qonuniyatlari, professionalizmga etishdagi balandliklardan ota olish masalalari bilan shug'ullanganlar.

V.A.Slastenin akmeologiyaning yuksak professionalizmga, mutaxassisning uzoq ijodiy umr ko'rishiga olib keladigan sub'ektiv va ob'ektiv omillarini asoslab berdi. Ob'ektiv omillarga olingan ta'limning sifatini, sub'ektiv omillarga esa insonning iste'dodi va qobiliyatini, ishlab chiqarish vazifalarini samarali hal qila olishidagi ma'suliyatini, mutaxassislarga yondashuvini kiritadi.

Ijodiy individuallikni xarakterlaydigan samarali o'z-o'zini anglash quyidagilarni qamrab oladi:

- o'zini boshqalarga qiyos qilish asosida o'z shaxsining betakror ekanligini anglay olishi;
- o'zi to'g'risidagi kreativ ko'rinishlar va tasavvurlari to'plami;
- individual kreativ o'ziga xosliklarning bir butunligi va uyg'unligi, ichki birligi;
- shaxsning o'z rivojlanishidagi dinamiklik va doimiylik jarayoni va uning ijodkor sifatida shakllanishi;
- shaxs o'zini namoyon qila olishi va o'zining muayyan ishlarni amalga oshirishga hozir turganligi;
- ijodkor sifatida o'zini baxshida qila olishi va shaxsiy hamda ijtimoiy vaziyatlarda o'zining o'rmini anglay olishi.

Innovatsion faoliyat tuzilmasi tahlilida akmeologik yondashuv o'qituvchining kasbiy mahorati cho'qqilariga erishuvida uning shaxsi rivojlanish qonuniyatlarini ochish imkonini beradi.

O'qituvchi innovatsion faoliyatining eng muhim tavsifi kreativlikdir. Kreativlik termini angliya-amerika psixologiyasida 60-yillarda paydo bo'ldi. U individning yangi tushuncha yaratishi va yangi ko'nikmalar hosil qilish qobiliyati, xislatini bildiradi.

J.Gilford kreativlikni tavsiflaydigan qator individual qobiliyatlarni ko'rsatadi:

- fikrning ravonligi;
- fikrni maqsadga muvofiq yo'llay olishi;
- o'ziga xoslik (originallik);
- qiziquvchanlik;
- farazlar yaratish qobiliyati;
- hayol qila olish, fantastlik (fantaziya.)

M.N.Gnatko kreativlikni kishining ijodiy imkoniyati, sotsial – ijodiy faollikni namoyon qila olish qobiliyati bilan shartlangan kishi individlarining qandaydir maxsus xislati deb qaraydi.

Ijod tushunchasini belgilashda u jarayon – natija tavsifidan, kreativlikni belgilashda esa subyekt - shartlilik tavsifidan foydalanadi.

Ijod mezonlari, uning psixologik mexanizmlari, ijodiy tafakkurning rivojlanish texnikasi V.A.Kan-Kalik, S.Yu.Stepanov va boshqalarning ishlarida tadqiq etilgan.

D.B.Bogoyavlenskaya ishlarida ijod tahlili birliklari belgilab berilgan. Bunday birlik sifatida muallif intellektual faollikni ko'rsatadi hamda uning uchta bosqichini ajratadi:

- shaxsning bu bosqichiga, unga tashqaridan berilgan vazifalarni tashabbusiz qabul qilish xarakterlidir;
- intellektual faollikning evristik bosqichi. Bu bosqichda o'z faoliyati tarkibi va tuzilmasini tahlil qilish davom etadi, yangilik ochish oqilona hal qilishga imkoniyat beradigan ayrim vazifalar qiyoslanadi;
- intellektual faollikning kreativ bosqichi. Bu bosqichda qo'lga kiritilgan empirik qonunlar kelgusi tadqiqotlar uchun maqsad bo'lib qoladi.

O'qituvchi faoliyatidagi kreativlikning bir necha bosqichlarini belgilash mumkin:

- birinchi bosqichda tayyor metodik tavsiyanomalar ko'chiriladi;
- ikkinchi bosqichda mavjud tizimga ayrim moslamalar (modifikatsiyalar), metodik usullar kiritiladi;
- uchinchi bosqichda g'oyani amalga oshirish mazmuni, metodlari, shakli to'la ishlab chiqiladi;
- to'rtinchi bosqichda esa o'qitish va tarbiyalashning o'z betakror kontsepsiyasi va metodikasi yaratiladi.

O'qituvchining innovatsiya faoliyati tuzilmasidagi eng muhim komponent bu refleksiyadir. Refleksiya o'qituvchining o'z ongi va faoliyatini belgilash va tahlil qila olish deb qaraladi.

Pedagogikaga oid adabiyotlarda reflektiv jarayonlarni izohlashning ikki an'anasi mavjudligi aytiladi

- obyektlar mohiyatini izohlashga va ularni konstruksiyalashga olib keladigan ongning reflektiv tahlili;
- shaxslararo muloqot ma'nosini tushunish refleksiyasi.

Bu bilan bog'liq ravishda pedagog olimlar quyidagi reflektiv jarayonlarni farqlaydilar:

- o'z-o'zini va boshqalarni tushunish;
- o'z-o'ziga va boshqalarga baho berish;
- o'z-o'zini va boshqalarni izohli tahlil qilish.

Refleksiya (lotincha reflexio- ortga qaytish) sub'ektning o'z (ichki) psixik tuyg'u va holatlarini bilish jarayoni sifatida qaraladi.

Adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyev. Asarlar. 1-Jild. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 2020.
2. Shavkat Mirziyoyev. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz" 2020.
3. Inoyatov U.I., Muslimov N.A., Usmonboyeva M., Inog'omova D. Pedagogika: 1000 ta savolga 1000 ta javob / Metodik qo'llanma. - T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2012.
4. Mavlonova R. va boshqalar. Umumiy pedagogika. Darslik. - T.: «Navro'z» nashriyoti, 2016.
5. Pedagogik atamalar lug'ati. - T.: «Fan», 2008.
6. Toxtaxodjayeveva M.X. va boshqalar. Pedagogika nazariyasi. OTM uchun darslik. - T.: «Iqtisod-moliya», 2010.

РЕЗЮМЕ

Maqolada oliy ta'lim pedagogining innovatsion faoliyati, oliy ta'lim pedagogikasining bosh muammolaridan biridir. Shu jihatdan ushbu bobda pedagog shaxsiy innovatsion faoliyatining shakllanish konsepsiyasi, innovatsiyaning ijtimoiy-madaniy va hayot-faoliyati aspektlari haqida yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье инновационная деятельность педагога высшей учебной заведения является одной из основных проблем педагогики. В связи с этим в данной главе описывается концепция формирования индивидуальной инновационной активности педагога, социокультурные и жизненные аспекты инновационной деятельности.

In the article, the innovative activity of a higher education system pedagogies is one of the main problems of higher education system pedagogy. In this regard, this chapter describes the concept of the formation of individual innovative activity of a teacher, socio-cultural and life aspects of innovative activity.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КИМЁ ФАНИНИ ИННОВАЦОН МЕТОДЛАР ОРҚАЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Шарифов А.Э.

*Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш,
педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
институтининг 1-босқич таянч докторанти*

Таянч сўзлар: кимё, компетенция, ўқитиш, инновацион, дидактика, креативлик, ақлий ҳаракат, идрок.

Ключевые слова: химия, компетентность, обучение, новаторство, дидактика, творчество, мыслительная деятельность, восприятие.

Key words: chemistry, competence, teaching, innovation, didactics, creativity, mental movement, cognition.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши ва унинг амалга оширилиши эвазига кадрларнинг тайёргарлик даражаси долзарблик касб этди. Кадрларнинг тайёргарлик даражаси замон талабларига жавоб бериши учун таълимни ислоҳ қилиш зарурати келиб чиқди. Шунинг учун 1997 йилда Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Уларда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш бош мақсад қилиб белгилан.

Кимё ўқитишнинг асосий вазифалардан яна бири кимё асосларини ўрганиб бориш жараёнида ўқувчиларнинг билимларини ривожлантириб бориш ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш босқичларида таълим муассасалари ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланди, таълим соҳасини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган моддий техника базаси яратилди. Таълимни ислоҳ қилишнинг замонавий вазифасига фаол педагогик технологияларни жорий қилиб ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишдир. Шунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кимё ўқитиш методикаси фанининг назарий ва амалий асоси қилиб олинди. Мухим кашфиётларни амалга оширишда, фан олдида қўйилган муаммони тез ҳал қилишда, ишни бажариш методикаси алоҳида муҳим роль ўйнайди. Тўғри, метод билан бажарилган илмий текширишлар олимларни буюк кашфиётларга олиб келган. Масалан, спекрал анализ методининг кашф этилиши табиатдаги кўп элементларни кашф қилишига олиб келди. Электрокимёвий текшириш методларининг яратилиши фан ва саноатдаги муҳим муоммаларни тез ҳал қилиш имкониятини туғдирди.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида, жумладан кундан-кунга илмфан, санъат, техника-технологиялар ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожланаётган юртимизда ҳам, таълимнинг асосий бошланғич бўғини саналган умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча фанлар, хусусан табиий фанлар сирасига кирадиган, замона-

вий ишлаб чиқаришнинг ва кундалик ҳаётимизнинг асосини ташкил этадиган кимё фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, дарсларда янгича инновацион технологиялар ва илғор таълимий методларни қўллашда муҳим аҳамият касб этмокда. Кейинги йилларда жаҳоннинг бир қатор тараққий этган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Хитой, Россия, Корея, Буюк Британия, Ҳиндистон, Япония каби давлатларда барча табиий фанлар қаторида кимё фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, назария ва амалиётни уйғун тарзда олиб бориш, “Билиш – тушуниш – амалиётда қўллаш” кетма-кетлиги узвийлиги асосида ўқитишни ташкил қилиш, дарсларни қизиқарли тарзда олиб бориш ва мотивацияни ривожлантириш учун ўқувчи ёши ва қизиқишларига мос тарзда танланган дидактик ўйинлардан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган ишларда ўз аксини топмокда. Кимё фанининг илмий асосларини чуқур ўрганган ва мукамал биладиган авлодни тарбиялаш натижасида келажакда қўллаб экологик, технологик, озиқ-овқат ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги қатор муаммолар ўз ечимини топишига олиб келади. Шундай экан, ўқув фанларининг интеграциясига асосланган таълимий технологияларнинг дидактик имкониятларидан фойдаланиш жараёнини яхшилаш натижасида ўқувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш кимё фанини ўқитиш жараёнинини яхшилашга хизмат қиладиган энг асосий муаммолардан биридир. Кимё фанини ва унинг бўлимларини ўқитишда дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳақида, кимё таълимини самарали ташкил қилиш ва бошқариш усуллари, кимё фанини ўқитишда алгоритмлар ва дастурлардан фойдаланиш, кимё таълимини ташкиллаштириш шакллари, кимё ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги, кимё дарсларида инновацион методлардан фойдаланишнинг назарий асосларини ўрганиш бўйича чет эл олимларидан Э.Г.Полупаненко, В.А.Кузурман, И.В.Задорожний, Э.Е.Минченков, М.С.Пак, Д.К.Бондаренко, С.С.Космодемьянская, С.И.Гилманшина кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир. Рус мактабларида кимё ўқув курсининг шаклланишида Г.М.Черноблская ва Н.Е.Кузнецованинг хизматлари бекиёсдир. П.А.Оржековскийнинг фикрича: “Ривожланиш-фаол ва онгли фаолият натижасида пайдо бўладиган қабул қилиш, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотира каби шахснинг билиш жараёнининг ижобий ўзгаришларидир.” Ривожлантирувчи таълимнинг асослари, жумладан олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш жараёнида ривожлантирувчи таълимнинг аҳамияти машхур психолог Л.С.Виготский томонидан изоҳлаб берилган.

Педагогик тадқиқотлар натижасида шахс манбани ўзи мустақил ўқиганида 10%, маълумотни эшитганда 20%, содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўрганида, улар тўғрисида маълумотларни эшитганда 50%, маълумотларни ўзи узатганида 80%, ўзлаштирилган билимларни ўз фаолиятига тадбиқ этганида 90% маълумотларни ёдда сақлаш имконини бериши аниқланган. Бу ҳолат умумий, барча фанлар учун бўлиб, айнан кимё фани учун таҳлиллар олиб борилмаган. Кимё фанининг мураккаб фанлигини инобатга олсак, жараён янада чуқурроқ таҳлил қилинса зарар бўлмасди. Ҳозирда таълим жараёнида энг устувор саналган технологиялардан, муаммоли таълим технологияси асосан ўқувчиларга мавзуларни қизиқарли тарзда тушунтириш, мустаҳкамлашга имкон беради. Бироқ ўқувчи билимини тезкор ва ёппасига баҳолаш жараёнида тест усуллари жуда самарали саналади. Кимё фанини ўқитиш жараёнида тестларнинг янгича кўринишларини ишлаб чиқиш, мавжуд тестларни такомиллаштириш, тестларни вазиятли, муаммоли, расмли, жадвалли топшириқлар билан узвийлаштириш лозим. Юқорида тақлиф этилган методлар орасида ҳозирда энг аҳамиятлиларидан бири – бу “Интеллект харита” методидир. Ушбу методдан

янги мавзуни тушунтиришда, ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда бирдек фойдаланиш мумкин. Хаританинг ўртасида “Марказий тушунча” қўйилади, кейин ундан марказий тушунча моҳиятини асослай оладиган бирламчи тармоқлар, зарур бўлганда бирламчи тармоқда келтирилган фикрни изоҳлайдиган иккиламчи тармоқлар қизиқарилади. Ушбу методда диққатни яхшироқ тўплаш учун имкон қадар турли хил ранглардан фойдаланилади. Бу методнинг образли кўринишини янада кучайтириш мақсадида турли расмлар, белгилардан фойдаланиш мумкин. Юқори даражада кўргазмалилик хусусиятига эга бўлган, ўзига хос эстетик жиҳатдан эътиборни торта оладиган ушбу метод инсон онгида мавжуд тушунчалар кетма-кетлигини тартибли кўринишда жойлаштирилган ижодий лойиҳавий ишдир.

Адабиётлар:

1. Омонов Х.Т., Хаттабоев М.Б. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Тошкент: (Иқтисод - Молия), 2016 – 200 б.
2. Пак М.С., Бондаренко Д.К. Дидактический материал в обучении химии. - Санкт-Петербург: (Осипова), 2013 – 45 б.
3. Кузурман В.А., Задорожний И.В. Методика преподавания химии. - Владимир: (ВЛДУ), 2017 – 88 б.
4. Seirbhis Tacaiochta, Dara Leibseal. Using Graphic Organisers in Teaching and learning. (Castello Print Navan), SLSS 2008. 64 p.
5. Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013. 1page 34
6. Ў.Х.Мухамедов, М.Х.Усмонбоева, С.С.Рустамов “Таълими ташкил этишда замонавий интерфаол методлар” ўқув услубий тавсия Тошкент 2016, 45 бет
7. К. Е. Долгань Инновации и современные технологии в обучении химии Часть I Учеб, пособие // Калинингр. ун-т. - Калининград, 2000. - 66 с.
8. Jacjbsen D.A., Eggan P. Kauchak D. Methods for teaching. (Pearson). 2009, 114 p.
9. Хасанова Х.Н. Органик кимёни ўқитиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: РТМ, 2019.- 180 б.
10. Pedagogy and practice: Teaching and learning in Secondary schools. Crown copyright – 2004, - 579 p.

РЕЗЮМЕ

Кимё дарсларининг самарадорлигини оширишда инновацион усуллардан фойдаланиш муаммоси хорижий ва юртимиз педагоглари томонидан жуда кенг ўрганилган бўлиб, шу йўналишда турлича ютуқларга эришилган. Шу билан бирга, шу кунгача яратилган методлар ва технологияларни замон талабига мослаштириш учун уларни биров ўзгартириш, такомиллаштириш лозим. Мақолада профессионал таълим муассасаларида кимё фанини инновацион методлар орқали ўқитишни ташкил этиш мавзуси кенг ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Проблема использования инновационных методов повышения эффективности занятий химии широко изучается зарубежными и отечественными педагогами, и в этом направлении достигнуты различные достижения. В то же время необходимо несколько изменить и усовершенствовать созданные к настоящему времени методы и технологии, чтобы приспособить их к потребностям времени. В статье широко освещена тема организации преподавания химии инновационными методами в профессиональных учебных заведениях.

SUMMARY

The problem of using innovative methods to increase the effectiveness of chemistry lessons has been widely studied by foreign and domestic teachers, and various achievements have been made in this direction. At the same time, the methods and technologies created to date need to be slightly modified and improved in order to adapt to modern requirements. The article deals with the organization of teaching chemistry in vocational education institutions through innovative methods.

ПЕДАГОГИК ВА ТЕХНИК БИЛИМЛАРНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рахимов С.И.

Урганч давлат университети «Транспорт тизимлари» кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: Ўзбекистан Республикаси, ҳатти – ҳаракат, корхона, кадрлар, ташкилот.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, поведение - движение, предприятие, персонал, организация.

Key words: republic of Uzbekistan, behavior - movement, enterprise, personnel, organization.

Ўзбекистан Республикаси меҳнат ресурсларини бошқариш тизимида кадрлар сиёсати амалга оширишда персонали бошқариш масалаларини ҳал қилиш одатда ташкилий ҳатти – ҳаракат менежмент ва персоналнинг муносабатлари ва ҳатти-ҳаракатига оид тор маънода олиб қаралади. Лекин инакчилик тармоғи бошқа қатнашчилари - акциядорлар, инвесторлар ва хаказоларнинг ҳам ҳатти – ҳаракати билан боғланган ташкилий ҳатти – ҳаракатнинг кенгроқ жиҳатини ҳам кўра олиш керак, у корпоратив бошқарув доирасида батафсил кўриб чиқилади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, акциядорлар ҳатти – ҳаракатидаги ўзгаришлар тармоқ бошқаришнинг муҳимомили бўлади. Ахир акциядорлар (ва потенциал инвесторлар) корпорация менежерларининг ҳаракатлари ва уларнинг иш натижаларига қараб корпорацияга ўз муносабатларини ўзгартириб, биринчи навбатда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Ўз навбатида бу менежментнинг четлатилиши ёки корпорациянинг молиявий ресурсларни бой беришига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли корхона раҳбарияти кадрларгина эмас, балки корпорация бошқа қатнашчиларининг ҳам ҳатти – ҳаракатларини бошқариши лозим, бу эса, хусусан, кадрларни бошқариш масалаларини ҳал этишга ҳам муайян чекловларни қояди. Шундан сўнг ҳатти - ҳаракат асосан персонали бошқариш учун анъанавий бўлган тушунча бўйича қаралади.

Тармоқдаги ташкилий ҳатти - ҳаракат кадрларни бошқаришга оид мамлакатдаги адабиётларда кам ёритилган энг мураккаб масалалардан биридир. Тармоқда кадрлар канчалик кўп сонли, тузилмаси эса мураккаб бўлса, тармоқ ичида шунчалик мураккаб бошқарув ва кадрларга оид жараёнлар, ижтимоий - руҳий ўзаро муносабатлар юзга келади, ташкилий ҳатти - ҳаракатни фаоллаштириш ва бошқариш шунчалик қийинлашади.

Ташкилий ҳатти - ҳаракатни ўрганиш тармоқ тузилмасининг ичида ташкилий функция қандай амалга оширилиши, одамлар ташкилот ичида, яқка тартибда ва гуруҳларда қандай ҳаракат қилишлари, ўзларини қандай тутишларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Шу сабабли, ташкилий ҳатти - ҳаракатни бошқариш бошқарув психологияси муаммоларини ҳал қилишдан иборат бўлиб қолмайди.

Ташкилий ҳатти - ҳаракат хусусиятлари ташкилий функцияларни амалга ошириш услубиятлари ҳар хиллиги оқибатида айни турли миллий корпоратив тузилмалар ва маданиятларда еркин намоён бўлади. Коллегиал ёки индивидуал бошқарув жавобгарлиги омили бунга мисол бўла олади. Чунончи, Германияда корпорациянинг бўлим раҳбари АКД1 ташкилотларидагидек биргина бош менежер олдида эмас, балки таркибига турли ТОНқиявий раҳбарлар қирадиган қўмита олдида ҳисоб беради. Улар биргалашиб бошқа соҳаларнинг зарарига бирор - бир ёки бир неча соҳанинг фойдасига қингайишларга йўл қуймайдилар.

Шу сабабли умуман менежерлар ва хусусан кадрлар бунича менежерлар ходимларнинг ҳатти - ҳаракатини қўнғилдагидек йуналишга солиш учун зарурлар. Бинобарин, улар ташкилий ҳатти - ҳаракат табиатини таҳлил қилиш ва унга ташхис қўйиш кўникмаларига эга бўлишлари керак. Шунингдек, менежер (хусусан, менежерлик ҳаракатлари асосида) ҳатти - ҳаракат қандай ўзгара боришини олдиндан айтиш учун

расмий ва норасмий тузилмаларни, ҳатти - ҳаракат табиатини тушуниш қобилиятига ҳам эга бўлиши ҳамда ушбу билимларидан бўлгуси ҳатти - ҳаракатни ва менежерлар қарори ва ечимларининг оқибатларини олдиндан кўра билиш ва назорат қилиш учун фойдаланиши лозим. Самарали бошқарув ҳаракатлари менежердан унинг ўзи ишлайдиган тизимга ташхис қуйиш қобилиятини талаб қилади.

Персонал буинча менежерлар ташкилий ҳатти - ҳаракатга ташхис қуйиш учун ташкилотлар ва ишларни лойиҳалаштириш, самарали ташкилотлар ва ходимларни ривожлантириш, ўзгаришлар ва низоларни бошқариш, шахслар ёки гуруҳларнинг муаммолари устида ишлашни мотивациялаш усулларида фойдаланишлари керак.

Ташкилотдаги ҳатти — ҳаракатлар ходимларнинг шахсий сифатларига ҳам, улар ишлайётган вазиятга ҳам боғлиқ бўлади. Муҳит ва вазият омиллари бажариладиган иш тури, ташкилотдаги маданият, иқлим ва бошқарув усуллари; шахслар ишлаб турган ижтимоий гуруҳларни; шахслар, масалан, хизматчилар тоифаларининг иш шароитларини таққослаш учун фойдаланиладиган референтлар гуруҳларини ўз ичига олади.

Одамларнинг ишдаги ҳатти — ҳаракатлари уларнинг ўзларини ҳам тавсифлайди. Бу ҳатти - ҳаракатга шахслар ўртасидаги муносабатлар, фрустрация (вахима) ва агрессия (тажовуз), стресс (тахлика) ва ўзгаришларга қаршилик қилиш каби омиллар таъсир этиши мумкин. Ушбу омилларнинг ўзаро таъсири ҳатти - ҳаракат таҳлили ва башоратини қийинлаштиради.

Шу сабабли таҳлил қилиш қобилияти менежернинг асосий касбий сифати ҳисобланади, корпорациядаги ходим, гуруҳдор, кадрларнинг ҳатти ҳаракати, ташкилий коммуникациялар ва маданият эса таҳлилнинг энг мураккаб объектлари бўлади.

Нималар ва қай йўсинда қилиниши кераклиги кўплаб ташки ва ички омилларга, шу жумладан, тармокнинг атроф - муҳит ва тарихига боғлиқ бўлади. Ташкил этиш жараёни мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тизимини лойиҳалаштириш, ривожлантириш ва сақлаб бориш жараёни сифатида тавсифланиши мумкин. Кадрлар раҳбарият туфайли барча томонидан тушуниладиган ва қабул қилинадиган мақсадлар йўналишида уюшқоқлик билан ишлайди. Ушбу таърифда «тизим» сўзи асосий сўз бўлади. Ташкилотлар атроф - муҳитдагиларнинг таъсирида бўлиши мумкин бўлган тизим бўлиб, улар ҳам расмий, ҳам норасмий элементларни ўз ичига оладиган тузилмага эга бўлади. Барча ташкилотлар Чейлд томонидан «барча реал ва мунтазам намоён бўладиган, аъзоларининг «ҳатти - ҳаракатини» шакллантиришга қўмаклашадиган хоссаларга эга бўлган тузилма деб таърифланган тузилмага эга бўлади. Ташкилотларнинг, ташкилотлар турли моделларининг тузилмасига таъсир этадиган омилларни қисқача кўриб чиқамиз. Ушбу умумий тасаввурлар корпорациялар ва ишларни лойиҳалаштириш бажарилишидаги асосларни тушуниш учун керак. Ташкилотлар мураккабликлари жиҳатидан хилма - хил бўлади, лекин ҳар Қандай ҳолда ҳам уларни мувофиқлаштириб бориш ва назорат қилиш учун бошқариш умумий вазифасини фаолиятнинг кўплаб турларига бўлиш лозим. Бу жараён анъанавий расмий тузилманинг ривожланишига олиб боради, бундай тузилма ўрталарида ҳокимият ва коммуникацияларни амалга оширишни, ахборот айирбошлашни ўз ичига оладиган ўзаро муносабатлар мавжуд бўлган бўлинмалар ва позициялардан иборат бўлади. Ташкилотни ҳам чекловлар қуядиган, ҳам имкониятлар берадиган атроф - муҳитнинг вужуд бўлиши, ўсиши ва ривожланишини

таъминлаш учун шакллантирилган вазифалар ва инсоний ўзаро муносабатлар тузилмаси (норасмий тузилма) деб ҳам қараш керак.

Шу сабабли, корхона менежерлари ташкилотларни лойиҳалаштириш ва ривожлантиришда қатнашишлари зарур. Улар ўз ишларини ўзларининг ташкилотларини шакллантирадиган кучларни тушуниш асосида олиб боришлари лозим. Бундай қилиш учун уларга кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашга кумаклашадиган инструментлар керак. Ушбу инструментлар қатор илмий мактаблар ривожлантирган «моделлар» шаклида берилади (классик мактаб, инсоний муносабатлар мактаби, бюрократик модел, тизим ва конъюнктура мактаблари; ҳозирги моделлардан мослашувчанлик ва командавий иш моделлари шу жумлага қиради). Бунда турли мактаблар моделларини кўриб чиқиш имконияти йўқ, лекин улар билан кейинги публикацияда батафсилроқ, танишиш мумкин. Тўқимачилик саноти тизимида кадрлар сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштиришда ташкилотни лойиҳалаштириш ва ривожлантириш режалари алоҳида ўрин тутди. Корпорацияни тузиш ёки қайта ташкил қилиш унинг таҳлилидан, самарали ташкилотни лойиҳалаштириш ва ривожлантириш режаларидан бошланади. Ташкилий таҳлил атроф - муҳит ва ички муҳитнинг шарт - шароитларига қараб берадиган ташкилотнинг миссияси, қадриятлари, стратегияси муаммолари, мақсадлари, фаолияти ва тузилмасини аниқлашларни ўз ичига олади. Одатда таҳлил корпорациянинг менежменти томонидан амалга; оширилади. Бундан ташқари, персоналга маслаҳатлар бериб бориш ва, зарур бўлса, мустадил қарашга эга бўлган ва ўзгаришларни олга суришда ёрдам ўра оладиган ташки маслаҳатчиларни жалб этиш тавсия этилади.

Ташкилий лойиҳалаштириш ташкилотнинг бутун тузилмаси билан: ваколат ва жавобгарликни тақсимлаш, фаолият ва ишларнинг хилма-хил турларини гуруҳлаштириш, коммуникация каналлари ва бошқариш соҳаларини белгилаб олиш билан боглик бўлади. Индивидуал иш уринларини ташкилот мақсадларига эришиш учун бажариладиган ишларнинг барчаси билан қушиб идрок этиладиган тарзда лойиҳалаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Адабиётлар:

1. «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 7 май 1993 йил.
2. «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 25 май 2005 йил.
3. «Республика иқтисодиётининг чарм-пойафзал тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 феврал 2000 йилдаги №ПФ-2552-сонли фармони.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада педагогик ва техник билимларни интеграциялаш асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик тизимини такомиллаштириш мавзусида бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг ходимлар билан бўладиган мулоқотлари талаб ва истаклари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена совершенствованию методической системы подготовки студентов к профессиональной деятельности на основе интеграции педагогических и технических знаний, а также описывает потребности и желания предприятий и организаций в общении с сотрудниками.

SUMMARY

This article focuses on improving the methodological system of preparing students for professional activities on the basis of the integration of pedagogical and technical knowledge, and describes the needs and desires of enterprises and organizations to communicate with employees.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ

Рахматова Ф. М.

*Ислом Каримов номидаги ТДТУ «Энергия машинасозлик ва касб таълими»**кафедраси катта ўқитувчиси***Таянч сўзлар:** малака, профессионал таълим, кластерли ёндашув, таълим.**Ключевые слова:** квалификация, профессиональная подготовка, кластерный подход, обучение.**Key words:** qualifications, professional training, cluster approach, training.

Малака тизими ривожланган давлатларда синовдан ўтган, меҳнат бозори, профессионал таълим, касбга ўқитишда кластерли ёндашув ва ўргатиш тизимининг уйғунлашуви сифатида муваффақият қозongan. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам жорий йилдан бошлаб илк бор миллий ва тармоқ ихтисослашув тизими, касб ва мутахассисликлар бўйича профессионал стандартлар ҳамда табақалаштирилган таълим стандарти ва дастурлари жорий этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозори билан таълим соҳаси интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис, профессионал таълим тизимида мутахассисларга юқори малака бериш бош мақсадга айланиши керак. Жуда кўп мамлакатларда замонавий миллий малака тизими жорий этилган, корхоналарнинг профессионал стандарт талаблари асосида ишга қабул қилини қатъий белгилаб қўйилган.

Малака — халқаро таълим бозорида ихтисослашув деб ҳам аталади, бу иш берувчи томонидан ходим (ёланувчи, иш ўрнига даъвогар, бўш иш ўринлари танловида қатнашувчи, ишчи ёки хизматчи)га қўйилган талаб ва юклатилган вазифалар мажмуидир.

Малака ўзида ходимнинг меҳнат фаолиятига қўйиладиган масъулият, касбий тажриба, маҳорат ҳамда рағбатни мужассамлаштиради. Иш берувчи томонидан мутахассис, ишчи ходимга қўйилган малака талаблари профессионал таълим стандартларида акс этиши шарт. Акс ҳолда, таълим ва ишлаб чиқариш, битирувчи малакаси ва иш берувчи талаблари ўртасидаги узвийлик йўқолади.

Профессионал стандарт - иш берувчининг ҳар бир иш ўрни ёки унга даъвогар бажарадиган меҳнат вазифалари тафсилоти, тажриба, касбий маҳорати тавсифи, таснифи (меҳнат фаолияти натижасида етиштираётган, ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳамда кўрсатаётган хизматларининг сифати) белгиланган меъёрий ҳужжат. У ўзида ходимнинг билим, кўникма ва имкониятларини акс эттиради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, профессионал таълим стандартида ходимнинг малака даражаси аниқ белгиланган бўлади. Энг асосийси, ана шу малака даражаси ходимнинг ўсиши ва кейинги ихтисослашув даражаси юксалишига пиллапоя бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган давлатлар, жаҳонга машҳур гигант компанияларда бу жуда кучли мотивация, тўғри йўналтирувчи ва рағбат берувчи омил ҳисобланади. Чунки бунда ходимнинг нуфузи босқичма-босқич юқорилаб бориши учун зарур тизим ва молиявий рағбатлар кўзда тутилган. Бу тизим, ўз навбатида, ходимнинг рақобатга доим тайёр туришини, малакасини ошириб боришини ва келажақда муваффақиятга эришишини кафолатлайди. Масалан, электр устаси касбининг бир нечта малака даражаси мавжуд. Лекин шу пайтгача уларнинг барчасига бир хил ҳужжат берилган, унда бугунги меҳнат бозори талаблари шакллантирилмаган ва баҳолалмаган. Бу эса

шу дипломга эга шахснинг чет элда ўзига мос иш топишига имкон бермаган. Чунки унинг малака даражасини тартибга соладиган тизим мавжуд эмас эди.

Ўзбекистонда энди янги профессионал таълимда биринчи марта ҳар бир мутахассиснинг халқаро меъёрларга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган ҳужжат - Миллий малака тизими қабул қилинди. Иктисодиётнинг ҳар бир соҳаси бўйича тармоқ малака тизимлари белгиланди.

Айни пайтда ҳар бир иш ўрни ва лавозимнинг вазифалари, таснифи ва уни самарали, муваффақиятли бажариш учун лозим бўлган кўникма, билим ва лаёқатлилиқ ёритилган малака талабларининг янги форматдаги меъёрий асослари яратилмоқда. Энди профессионал таълим дастурларининг мазмуни, таълим натижалари, таълимнинг сифати шу меъёрий асосларга мувофиқ шакллантирилади. Бу тизим биз тайёрлаётган мутахассисларнинг ҳам маҳаллий, ҳам хорижий меҳнат бозори ўзгаришларига мослаша олишига имконият яратади. Устига-устак, айни пайтда меҳнат бозорида рақобат муҳити анча кескинлашган, корхоналарнинг ишчи ёки мутахассис ёллаш тизимлари такомиллашган, талаблар мутлақо ўзгарган.

Бу ҳолатни оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, энди иш берувчи фақат диплом билан қифояланмаяпти. Қўлингдан нима келади, бошқалардан нима устунлигинг бор, деб сўраляпти. Агар расмий тилда ифода этсак, иш берувчи тасдиқланган малака даражаси, баҳоланган лаёқатлилиқни талаб қиляпти. Қолаверса, бугун меҳнат бозорида рақобатнинг асосий шарти ҳам шу.

Бугунги иш берувчи ҳар бир ходимни ишга танлов асосида қабул қилади. Даъвогарлар иш берувчига ўзи ва малакаси ҳақида маълумот, малака сертификатини тақдим этади, ундан сўнг суҳбат асосида лаёқатлилиги баҳоланади.

Шу боис, бир иш ўрнига бир нечта даъвогар бўлиб турган ҳозирги ҳолатда иш берувчи ишга олиш учун нималарни ўлчов, меъёр ёки баҳолаш мезони қилади, деган саволга бугунги замонавий таълим тизимида аниқ жавоб бўлиши керак.

Бу ўринда иш берувчи корхона билан таълим муассасаларининг муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу муносабат ва мақсадлар уйғунлаштиришнинг ягона формати бўлган профессионал таълим стандартларида ўз аксини топади. Иш берувчи профессионал таълим тизимида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи вазифасини бажариши керак. Чунки профессионал таълим стандарти иш берувчи томонидан қўйиладиган малака талабларининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Бир сўз билан айтганда, иш берувчи таълим берувчига ишончли ҳамкор бўлиши керак.

Айни шу маънода сифатсиз профессионал таълим стандарти самарасиз профессионал таълимга сабаб бўлиши мумкин. Бундан хулоса шуки, мукамал профессионал таълим стандарти аслида таълим сифатига буюртма демакдир.

Иктисодиётни ривожлантириш учун молиявий, техник, технологик ва, албатта, инсон ресурслари зарур. Ана шу ресурслар қанчалик қувватли бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ёшлар, хотин-қизлар, камбағалликни қисқартириш ва мигрантлар каби долзарб масалаларга доир янги сиёсатни амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пировардида иктисодий юксалиш билан боғлиқ жиддий сиёсий вазифалар ўз ечимини топиши назарда тутилмоқда.

Миллий малака тизимининг қабул қилиниши, профессионал таълим стандартларининг жорий этилиши ёшларимизнинг профессионал ўсиш йўналишларини бел-

гилаб олишларига имкон яратади, ўз истикболини юксалтириш, умуман айтганда, эртанги кунга қатъий ишонч пайдо қилади. У, айниқса, инвестиция дастурлари асосида янги технологиялар кириб келаётган соҳалар, корхоналар, меҳнат мигрантлари сифатида хорижга кетаётган ёшларимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, Миллий малака тизими ёшларимиз потенциалини оширади, меҳнат бозоридаги имкониятларни кенгайтиради, рақобатбардошликни таъминлайди.

Бугун профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг истикболи, самара ва натижаси иш берувчи ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлигига, ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнининг узвийлиги, миллий малака тизимининг муваффақиятли жорий этилиши, мукаммал профессионал стандарт ва сифатли таълимга боғлиқ. Бу тизимнинг муваффақиятли жорий этилиши яқин истикболдаги тараққиётимиз жадаллашувини ҳам белгилайди. Ҳозирги кунда дунёнинг қўлаб мамлакатлари турли тармоқларида кластерлар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Россия Федерациясида тегишли давлат тузилмалари 2011 йилда ҳукумат топшириғига кўра жамоавий уйғунлашув асосида ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантириш дастурига киритиш учун лойиҳаларнинг икки босқичли танловини ўтказган. Давлат ва ҳўжалик органлари, етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилигининг 100 дан ортиқ мутахассисларини жамлаган махсус ишчи гуруҳ лойиҳаларни саралашга жалб этилган. Натижада давлат томонидан қўлаб-қувватланган, жаҳонда рақобатбардош, ўзида илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини мужассамлаштирган, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги билан ажралиб турадиган, мулкчилик туридан қатъий назар соҳадош кичик корхоналарнинг кооперациялашувини таъминлаган (биринчи босқичда 37 та, иккинчи босқичда 25 та) ҳудудий кластер лойиҳаларини жорий этилишига эришиб, ҳудудларнинг тезкор юксалишига замин яратган. Илмий изланишлар натижаси иқтисодиёт тармоқларида кластерлаштириш билан боғлиқ жараёнлар давлат ва ҳўжалик органлари, мос етакчи фан ва олий таълим муассасалари ҳамда бизнес жамоатчилиги жамоавий уйғунлашуви билан масалаларга комплекс ёндашувда шакллантирилиши мақсадли эканлигини кўрсатди. Чунки ушбу фаолиятда пайдо бўладиган ҳудудий, тармоқ ёки унинг айрим соҳасига хос назарий, услубий ва амалий муаммолар “инсон капитали”, яъни инсонларда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар заҳирасидан соҳа ва соҳалараро ички, ташқи интеграциялашувнинг кучайиши билан пайдо бўлган инновацион муҳитда “илм орқали билим” тамоийли қонуниятига кўра концентрациялашган билимлардан ўз ўрнида фойдаланиш билан тасдиғини топади. Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга тўғри келади, бу борадаги илмий-амалий ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарорида юклатилган

вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини ва реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган тизимни ўзида қамраб олган, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака ва билимларини мужас-самлаштирувчи “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚҚ, “ParaglideLTD” ҚҚ ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан дастлабки инновацион “Пахта - тўқимачилик кластери” мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан эса кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланди. Қолаверса, ҳужжат 3-илоvasи билан пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия таркиби тасдиқланди.

Адабиётлар:

1. А.Маршалл. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993 г.
2. Б.Ш.Усмонов, О.Раджабов. Изучение опыта развития и управление инновациями в кластерах. Т.: Fan va texnologiya, 2017 г.
3. А.А.Мигранян. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров. // Вестник КРСУ. 2002., №3. (www.krsu.edu.kg/vestnik/2002/v3/a15.html.)
4. О проекте перечня пилотных программ развития инновационных территориальных кластеров. <http://www.economy.gov.ru>
5. Б.Ш.Усмонов, Ф.Х.Рахимов. Билимлар, инновациялар ва инсон капитали ривожига асосланган иқтисодиётнинг шакллантириш. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 81-87 б.
6. М.А.Рахматов, Б.З.Зарипов. Истеоддлий инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Ли Куан Ю ҳикматлари. Т.: “Zamin Nashr”, 2019.
7. А.Ш.Бекмуратов и Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Ўзбекистана. Кластерный подход. Ташкент, 2006.
8. А.Солиев, Х.Кодиров. Кластеризация экономики – важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 104-108 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарор.
10. М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr”, 2018.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола профессионал таълим тизимида кластерли ёндашув бўлиб, кластер тушунчаси профессионал таълим тизими ва халқаро андозалар, янги таълим тизими ва янги ёндашувлар ҳақида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья представляет собой известный подход в системе профессионального образования, понятие кластера описывается в системе профессионального образования и международных стандартах, новой системе образования и новых подходах.

SUMMARY

This article is a well-known approach in the vocational education system, the concept of a cluster is described in the vocational education system and international standards, the new education system and new approaches.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ВА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

Хусанов Ф.О.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Таянч сўзлар: бўлажак ўқитувчи, профессионал тайёргарлик, ташхислаш, мониторинг, олий педагогик таълим, педагогик амалиёт, педагогик кўникмалар, лаёқат, қобилият, касбий компетентлик, рефлексив фаолият.

Ключевые слова: будущий учитель, профессиональная подготовка, диагностика, мониторинг, высшее педагогическое образование, педагогическая практика, педагогическое мастерство, компетентность, умение, профессиональная компетентность, рефлексивная деятельность.

Key words: future teacher, professional training, diagnosis, monitoring, higher pedagogical education, pedagogical practice, pedagogical skills, competence, ability, professional competence, reflexive activity.

Илм-фаннинг тезкор таракқиёти, педагогика ҳамда ижтимоий соҳаларда жадал рўй бераётган ўзгаришлар бўлажак мутахассислар тайёрлашда даврий ўзгаришларни инобатга олиш, фан янгиликларини таълим мазмунига сингдириш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш асосида талабаларда ўз танлаган касбига нисбатан масъулиятли муносабат тажрибасига эга бўлишларига эришишни мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Мазкур вазифаларни ҳал этишда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини ташхислаш ва педагогик мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, бу йўналишни тадқиқ этишнинг зарурий шартлари таълим жараёнининг шахсга йўналганлиги ва индивидуаллаштирилиши, таълим муассасаларининг хилма-хиллиги ва ижтимоий буюртмаларнинг янгиллиги, инновацион жараёнларни фаол қўллаб-қувватлаш ва жамиятнинг таълими ривожлантиришда фаол иштироки саналади.

Инсон тарбияси доимо мураккаб вазифа бўлиб келган. Ҳаттоки, жамият ривожланишининг табиий, мўътадил босқичларида ҳам, ўсиб келаётган авлодни тарбиясида турли хил муаммолар вужудга келиб туради. Давлат сиёсати йўналишининг ўзгаришлари даврида муаммолар янада жиддийлашади ва салбий ҳолатларга олиб келувчи шиддатли хиссий жунбушларнинг манбаи бўлиши мумкин. Бугунги куннинг ижтимоий муаммолари (ишсизлик, жиноятчилик, ноқонуний ва зарарли дори воситалари, жумладан наркотиклардан фойдаланиш, жинсий ахлоқсизлик, шахсий ва касбий мақсадларнинг йўқлиги, кадриятларнинг ўзгариши ва ҳоказо) тарбия жараёнини янада қийинлаштирмоқда.

Бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини мустаҳкамлаш имконини беради, уларда касбий билимдонликни таркиб топтиради. Профессional соҳадаги компетенцияларни чуқур ўзлаштиришлари учун қулай педагогик шароит яратади.

Бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, таълим соҳасига сезиларли ўзгаришлар, янгилиklar ва ўқитишнинг инновацион технологияларини олиб кириш имкониятини яратди. Бундай янгилиklarнинг ўқув жараёнига кириб келиши унинг мазмунини ҳам бойитишни тақозо қилмоқда. Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам

интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Ушбу концепцияни амалиётга тадбиқ этиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини таъминлаш, таълимдаги ислохотлар моҳиятини тушунишлари, англаб етишлари ва ўз фаолиятларида ундан фойдаланишлари учун қулай педагогик муҳит яратиш талаб қилинмоқда.

Бугунги кунда педагогик амалиётнинг асосий вазифаси анъанавий таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуниятларни модернизациялашдан иборат. Бўлажак ўқитувчиларнинг илғор билимларни ўзлаштириш, ижодий фаоллик кўрсатиш ҳамда фикрлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш зарурияти кучаймоқда. Бунда олий педагогик таълим мазмуни, методлари, ташкилий шакллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши назарда тутилади.

Шунингдек, давлат ва жамият томонидан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига янги ижтимоий талаблар қўйилмоқда. Бу талаблар, авваламбор, узлуксиз таълим тизимида шахс ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги масаласига алоқадордир.

Айни вақтда таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири – бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларда мустақиллик, ташаббускорлик ва профессионал тайёргарликка эга бўлишларини таъминлашдан иборат. Бу масалани ҳал қилиш учун олий таълим муассасалари битирувчилари, яъни, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги ўзида бир қатор ҳолатларни мужассамлаштириши керак. Жумладан:

- “касбий компетентлик”, “профессионал тайёргарлик” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини асослаш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини диагностика қилиш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш кабилар.

Академик Р.Х.Джурсев томонидан “компетентлик” ҳамда “компетенция” тушунчалари назарий жиҳатдан шарҳланган. Чунончи, “компетенция” атамаси луғавий жиҳатдан “ўз билимларини тинмай бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, шу кун ва давр талабларини ҳис этиш, янги билимларни излаб топиш маҳорати, уларни қайта ишлаш ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қиладиган” қобилият эканлиги эътироф этилган бўлса, компетентлик тушунчаси “шахснинг доимо ўсиб боровчи таснифи бўлиб, реал ҳаётини вазиятларда юзага келган муаммоларни ечиш қобилияти, ўз билими, ўқув ва ҳаётини тажрибалари, қадриятлари ва кизикишларини унга сафарбар этиш имкониятлари” дея кўрсатилган.

А.Х.Махмудов “Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш” номи тадқиқот ишида компетентли ёндашувнинг таянч атамаларидан ҳисобланган “компетентлик”, “компетенция” тушунчаларига

аниқлик киритиб, “компетенция шахсининг муайян предмет ва жараёнларга хос ўзаро алоқадор сифатлари мажмуини қамраб олса, компетентлик маълум соҳада самарали фаолият олиб бориш учун ўз имкониятлари (билим, кўникма, тажриба, шахсий сифатлари)ни амалга ошириш лаёқатига мос келади”, – деб таъкидлаган.

Эдинбург университети (Шотландия) профессори, психология фанлари доктори Джон Равен, компетентлиликка ўзига хос “муайян соҳада аниқ конкрет ҳаракатларни самарали бажариш учун зарур бўлган ва тор мутахассисликка оид билимлар, алоҳида аниқ малака ва кўникма, фикрлаш усуллари, шунингдек, қилган ҳаракатлари учун жавобгарликни тушунишни қамраб олган ўзига хос қобилият”, деб таъриф беради.

Н.А.Муслимов ва бошқалар компетентлиликни қуйидагича таърифлайдилар: “... фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”.

Таниқли америкалик тадқиқотчи Р.Мейерс компетентлилик тушунчаси деганда, “нафақат маълум фаолиятга оид категорияларга мос келишликни, балки шаклланган кўникмаларни ишлаб чиқариш жараёнида намоён қилишни” ҳам назарда тутди.

Муаллифлар касбий компетенцияга эга бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва усуллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб, қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танкидий кўз билан қараш каби кўникмаларга эга бўлиши зарур деб ҳисоблайдилар.

Бизнингча, “бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги» тушунчасини аниқлашга ягона тўғри ёндашувни ажратиш мумкин эмас, чунки у интегратив тушунча ҳисобланади ва турли томонлардан қаралиши керак.

Профессионал тайёргарлик (лот. professio – касб.) – бўлажак мутахассиснинг танланган соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва касбий компетентлиги йўналишида умумий бўлган масалаларни ҳал этишда муваффақиятли фаолият юритишни таъминлайдиган, ташкилий-педагогик чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олган индивидуал тайёргарлиги.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги асосан педагогика олий таълим муассасалари, олий таълим муассасалари доирасида амалга оширилади. Профессионал тайёргарлиkning муҳим таркибий қисми педагогик амалиётдир.

Профессионал тайёргарликка оид назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш бўлажак ўқитувчининг ўзгаришларга қобилиятлиги, педагогик маҳоратининг ўсиши ва унинг шахсий ривожланиши учун самарали фаолият юритишидаги мобиллик мазкур ҳодисанинг прагматик компонентини илмий англашга қўмаклашди. Бугунги кунда жамиятнинг ўзи мобиллиkning заруратини кўрсатади ва профессионалнинг модернизациялашган идеалига доимий мувофиқликни талаб этади. Таълимдаги ўзгаришларга маънавий-психологик жиҳатдан тайёрлик педагогнинг муҳим шахсий тавсифига айланмоқда.

Профессионал тайёргарлиkning прагматик компоненти бўлажак ўқитувчиға педагогик инноватиканинг муайян тактика ва стратегиясидан фойдаланишга, янги мураккаб педагогик вазиятда ишлаш ва уни бошқаришга имкон беради.

Профессионал тайёргарлиkning структуравий хусусиятларини ўрганиш бўлажак ўқитувчиға касбий фаолиятнинг муайян мақсадига эришиш учун қўлланиладиган айрим педагогик стратегияларни амалга ошириш нуктаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчининг профессионал тайёргарлигининг муҳим компоненти – инновацион педагогик кўникмалар. Улар педагогик инноватикани жорий этиш

вазиятида педагог ҳуққининг хусусиятларини белгилловчи унинг шахсининг муҳим структуравий компоненти сифатида қаралади. Бўлажак ўқитувчининг инновацион компетентлигига инновацион фаолиятни шакллантиришнинг натижаси сифатида қаралади.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг профессионал фаолиятида урғу бериладиган жиҳат амалий билимлар унинг фаолиятини ривожлантириш учун тақдим этишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчининг профессионал тайёргарлигини педагогик таххислаш ва мониторинг қилиш асосида унинг фаолиятини кўпфаолиятлиликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга йўналтириш бугунги кунда алоҳида долзарб касб этмоқда. Шундагина бўлажак ўқитувчилар қуйидаги педагогик вазифаларни ечишга қодир бўла оладилар:

- таххилий-рефлексив; бу яхлит педагогик жараён сифатида яхлит педагогик жараёни таххил қилиш ва назарий жиҳатдан асослаш, вужудга келадиган қийинчиликларни аниқлаш;
- конструктив-башоратловчи; яхлит педагогик жараёнинг қурилиши, уни режалаштириш, таълим натижаларини башорат қилиш, қабул қилинган қарорларнинг натижаларини тасаввур этиш;
- ташхилий-фаолиятли; ўқув-тарбия жараёнининг турли вариантларини амалга ошириш, педагогик фаолиятнинг ҳар хил турларини уйғунлаштириш;
- баҳоловчи-ахборотли; педагогик тизимнинг ҳолати ва ривожланиши учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва сақлаш, уни баҳолаш;
- тузатувчи-бошқарувчи; педагогик жараённинг боришини яхшилаш, зарур коммуникатив алоқаларни ўрнатиш, бу жараёни бошқариш ва қўллаб-қувватлаш.

Мазкур вазифаларни ечишнинг самарали йўли бўлажак ўқитувчининг юқори даражада профессионал тайёргарликка эришиш учун таълим олишини таъминлайди. Талабанинг умумий маданияти, тажрибаси, ўзига ҳослиги ўз шахсий тажрибасига ижодий муносабати, бошқаларнинг тажрибалари унинг профессионал тайёргарлигини оширишга манба бўлиб хизмат қилади.

Бўлажак ўқитувчи тимсолини моделлаштиришда қуйидаги сифатлар уйғунлаштирилади: профессионаллик, маънавиятлилик, ахлоқийлик. Бу учта ўзаро уйғун ҳодиса билимли шахс ёки мутахассис ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундай шахс ўзининг касбий шаклланиш йўлига эга.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
2. Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси / Маъсул муҳарр. Р.Х.Джурев. - Т.: "Фан ва технологиялар" нашриёти, 2012. - 80 б. Б.6.
3. Махмудов А.Х. Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш: педагогика фанлари доктори (DSc) даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф. Тошкент. – 2017.- 69 б.
4. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация Пер. с англ. В.И. Белопольского. – М.: Когито-Центр, 2002. – 6 с.
5. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари – Тошкент, 2015. – 93 б.
6. Development and implementing local educational standards / Ed. by Meyers R. ERIC. – Clearing House on Assessment and Evaluation, 1998. – P. 15.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини таххислаш ва мониторинг

килишнинг педагогик имкониятлари, ёндашулар таҳлил қилинган. Шунингдек, “профессионал тайёргарлик” тушунчасининг мазмуни педагогик жиҳатдан очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются педагогические возможности, подходы к диагностике и мониторингу профессиональной подготовки будущих учителей. Также педагогически разъясняется понятие «профессиональная подготовка».

SUMMARY

This article analyzes the pedagogical possibilities, approaches to diagnosing and monitoring the professional training of future teachers. The concept of «professional training» is also pedagogically explained.

МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИК ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Бегимқулов Ҳ.Ш.

Педагогик инновациялар институти 2-босқич таянч докторанти

Таянч сўзлар: медиакомпетенция, ахборот, ахборот хуружи, жамият, рақамлаштириш, рақамли технологиялар, Янги Ўзбекистон, ижтимоий тарқмок.

Ключевые слова: медиакомпетенция, информация, информационная атака, общество, оцифровка, цифровые технологии, новый Узбекистан, социальная дезинтеграция.

Key words: mediacompetence, information, information attack, Society, digitization, digital technology, new Uzbekistan, social interaction.

Мамлакатимизни 2017–2021–йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонун, тўрт мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қонунларда берилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили ишлаб чиқилган бўлиб у, 2022 – 2026–йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилиниши кенг маънода келтирилган ишларни босқичма-босқич амалга оширишда рақамли технологияларнинг роли муҳимлигини таъкидлайди.

“Тараққиёт стратегияси”ни тўлиқ амалга оширишдан кўзланган мақсадларнинг нақадар эзгу эканлигини инобатга олсак, бугунги кунга келиб ўқитиш тизимларининг ҳар бир жабҳасида рақамли технологияларни жорий этиш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳаммамизга маълумки, таълим тизимига рақамли технологияларнинг жалб этиш тобора ортиб борапти. Буни қўллаб таълим муассасалари мисолида кўришимиз мумкин, айтилиши вақтда улардаги ўқув жараёнини, масалан, билим олиш самарасини ўзгартиришга сарфланадиган вақтнинг кескин қисқариши ва билимларни хотирада олиб қилишнинг кескин ортишида рақамли технологиялар воситаларининг ўрни бекиёсдир.

Ҳозирги рақамлаштириш даврида теран фикрли инсон воқеа ҳодисаларни ҳар томонлама, чуқур билимга эга. Бу борада қўллаб мамлакатлар қатори юртимизда ҳам қўллаб ишлар амалга оширилмоқда.

Берилган маълумотлар бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солишда “Ахборотлаштириш тўғрисидаги”, “Электрон рақамли имзо тўғрисидаги”, “Электрон ҳукумат тўғрисидаги”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги

тўғрисидаги”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги”ги қонунлар ва бошқа Хукумат қарорларининг аҳамиятини айтиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳар бир инсон ахборот олиши, тўплаши ва тарқатиши қонунларимизда кафолатланган, аммо олаётган ва тарқатилаётган ҳар қандай ахборот ишончли, хавфсиз ва ҳолис бўлиши, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги керак.

Маълумки, анъанавий усулдаги ахборот хуружи воситаларидан қадимги даврлардан бугунги кунгача кенг фойдаланиб келинмоқда. Дастлаб дипломатлар, жарчилар орқали ахборотлар етказилган бўлса бугунги кунга келиб бу ишни рақамли технологиялар орқали амалга оширилмоқда. Инсонлар ўртасида ахборот алмашинувининг замонавий воситаларидан бири-бу медиадир. Медиадан фойдаланиш учун инсонларда медиакомпетенцияларни ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади.

Мулоҳазалар асосида биз медиакомпетентликни юқоридаги назарий- илмий жиҳатдан таҳлилини кўриб чиқиш лозим деб топдик.

Медиакомпетентлик ҳамма давлатда ҳар хил талқин қилинади. Масалан: Германияда медиакомпетентлик деб, медиага нисбатан малакали, мустақил, ижодий ва ижтимоий-маъсулиятли муносабат тушунилади.

Медиа тушунчаси борасида биз И.В.Жилавскаянинг нуқтаи назарига қўшиламиз, у “медиа” маъноли қўшимчасига эга бўлган кўп сонли янги ҳосил бўлган сўзлар кўпинча ички ўзаро қарама-қарши лингвистик, баъзан ҳеч қандай маънога эга бўлмаган машқларни ифодалайди, деб ҳисоблайди. Адекват тил шаклини излаб топишнинг қийинлигининг сабаблари аввал мавжуд бўлган ахборот муҳитидан тамойилан фарқ қиладиган медиамуҳитни тадқиқ қилувчиларнинг олдига қўйилган вазифаларнинг янгилиги ва тутуриқсизлигидадир. У «медиум» атамаси ўрта асрларда “маъжусийлар руҳонийси”, “жодугар”, “шаман” каби тушунчалар билан боғлиқ бўлганлигини, бугун эса турли Европа мамлакатларида “восита”, “воситачи”, “таъсир ўтказишга осон бериладиган” деган маънони билдиради. Шунингдек бизга “медиа”нинг И.В.Жилавская тақриф қилган таъриф кўпроқ ёқади. У «медиа» – бу ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борадиган, жамиятни кўринадиган ва кўринмайдиган иплар билан мустаҳкамлайдиган ҳамда индивид учун айнан унинг учун қулай бўлган ахборот фаолиятининг конфигурациясини яратадиган яшаш муҳитидир” деб таъкидлайди.

Америкалик медиолог Д.Рашкофф медиамуҳитни иносфера деб атайди. Унинг фикрича, медиамуҳит кўп сонли ахборотни узатиш ва модификациялаш воситаларини ўз ичига олади.

“Медиакомпетентлик” умумий кўринишда шахснинг турли кўриниши, жанр ва шакллардаги медиаматни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, медиани фаолияти мураккаб жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзда тушунилади.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар таълим тизимини ҳам четлаб ўтмаяпти, “хаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида таълим олиш, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида профессионал таълим тизимини ташкил этилиши, жамиятга “плаймер” кадрлар тайёрлашни мақсад қилган.

Юқоридаги жараёнларни амалга ошириш албатта фидоий профессионал таълим педагог кадрлари зиммасига тушади. Келтирилган таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб биз профессионал таълим педагогининг медиакомпетентлигини ривожлантириш омилларига тўхталиб ўтдик (1-расм).

Биз профессионал таълим педагог кадрларини медиакомпетентлигини ривожлантиришни тўрта омилга ажратдик. Булар: рақамли технологиялар, ахборот хавфсиз-

лиги, ўз-ўзини ривожлантириш ва инновацион фаолият.

Медиакомпетентликни ривожлантиришнинг **рақамли технологиялар** омили – бунда профессионал таълим педагог кадрлари рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш уни таълим жараёнига тадбиқ эта олиш компетенцияларида намоён бўлади. Рақамли технологияларга: мультимедиа, булутли, Web технологиялар, интернет, элестрон ҳукумат, элестрон рақамли имзолар, суний интеллект, виртуал лабораториялар, SMART аудитория, масофавий таълим платформалари ва бошқалар кирази.

Медиакомпетентликни ривожлантиришнинг **ахборот хавфсизлиги** омили педагог кадрларнинг ахборотларни тўғри талкин қилиши, ижобий ва салбий ахборотларни ажратиб, ижобий ахборотларни таълим жараёнига тадбиқ этиб дарс жараёнини самардорлигини оширишида намоён бўлади.

Ўз-ўзини ривожлантириш омилида замонавий рақамли технологиялар воситаларидан фойдалана олишни ўрганиш ва ўз педагогик фаолиятида қўллай олиш кўникмасида намоён бўлади.

Профессионал таълим педагогининг **инновацион фаолият** омили бу омил медиакомпетентияларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб бунда педагог кадрларнинг янги замонавий педагог технологияларни рақамли технологияларга боғлаб дарс машғулотларини ташкил этишида намоён бўлади.

Келтирилган омилар ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики медиакомпетентлик бу таълим жараёнини ташкил этишда замон талаби ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда бўлаётган ахборот хуружларидан жамиятни ҳимоялашда медиакомпетентияларни аҳолини медиа билан ишлаш маданиятини шакллантириш орқали, инсониятни турли ахборот хужумларидан ҳимоя қилиш ҳамда, ахборот майдонида мувозанатни сақлаш учун инсон мустақил онг ва фикрга эга бўлиши лозим

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони.
2. Федоров А. В. Медиаобразование в зарубежных странах Монография// – Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. – С. 238
3. Жилавская, И.В. Медиаповедение личности: учебное пособие / И.В. Жилав-ская. – М.: РИЦ МГТУ им. Шолохова, 2012. – 91 с.

РЕЗЮМЕ


Мақолада жамиятни рақамлаштириш бўйича қилинаётган ишлар, рақамли технологияларни ҳаётимизга кириб келиши ва улардан фойдаланиш, медиакомпетентлик ҳақида сўз юритади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о проводимой работе по оцифровке общества, внедрению и использованию цифровых технологий в нашей жизни, медиакомпетентности.

SUMMARY

The article talks about the work being done on the digitization of society, the penetration and use of digital technologies into our lives, mediacompetence.



1-расм: Профессионал таълим педагогининг медиакомпетентлиги ва унга таъсир этувчи омилар

TABAQALASHTIRILGAN TA'LIM DASTURI: MUVAFFAQIYATLI TAJRIBA

Gaffarov L.X.

*Pedagogik innovatsiyalar kasb-hunar ta'limi boshqaruv hamda pedagog
kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini
oshirish instituti tayanch doktranti*

Tayanch so'zlar: professional ta'lim, tabaqalashtirilgan ta'lim dasturlari, Milliy malaka tizimi, Kasb-kor, Ma'lumotlilik, xalqaro tasniflagich.

Ключевые слова: профессиональное образование, дифференцированные образовательные программы, Национальная рамка квалификаций, профессиональное образование, международный классификатор.

Key words: vocational education, differentiated educational programs, National Qualifications Framework, Vocational, Education, international classifier.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida» 2019 yil 6 sentabrdagi PF-5812-son farmonida professional ta'lim dasturlari YuNESKO tashkiloti tomonidan qabul qilingan Ta'limning xalqaro standart tasniflagichi (MSKO) darajalari bilan uyg'unlashmaganligi, o'quv jarayoniga O'zbekistonning Milliy kvalifikatsiya tizimi to'laqonli joriy etilmaganligi, tayyorlanayotgan kadrlarning mehnat bozorida munosib o'rin egallashlariga to'sqinlik qilayotganligi aytib o'tildi.

Davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida mamlakatimizda 2020-2021 o'quv yilidan boshlab raqobatbardosh kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirishda xalqaro mehnat bozori talablariga moslashtirish maqsadida Milliy malaka tizimini ishlab chiqish, bo'yicha aniq vazifalar belgilab berilgan edi.

Joriy etilayotgan yangi tizim xalqaro andozalarga to'la mos bo'lishi uchun 14 ta xalqaro tashkilot bilan hamkorlikda rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg'or tajribalari o'rganildi.

Germaniya, Shveysariya, Koreya, Turkiya va Xitoy hamda YuNESKO, Britaniya Kengashi, Germaniya xalqaro hamkorlik jamiyati, Osiyo taraqqiyot banki, Yevropa ta'lim fondi, Turkiya hamkorlik agentligi, Xitoyning Universitetlar uyushmasi kabi qator xorijiy davlat va tashkilotlardan 200dan ortiq nufuzli xalqaro ekspertlar jalb etildi va ulardan salmoqli xulosalar olindi.

Yuqoridagi vazifalardan kelib chiqib O'zbekistonda endi yangi professional ta'limda birinchi marta har bir mutaxassisning xalqaro me'yorlarga mos malaka darajasini belgilab berishga asos bo'ladigan hujjat — Milliy malaka tizimi qabul qilindi. Iqtisodiyotning har bir sohasi bo'yicha tarmoq malaka tizimlari belgilandi.

Professional ta'lim tizimida kadrlar tayyorlash Xalqaro tasniflagich darajalari bilan uyg'unlashgan va tabaqalashtirilgan ta'lim dasturlari joriy etiladigan professional ta'lim muassasalarida amalga oshiriladi.

Xalqaro tasniflagich 9 ta darajadan iborat bo'lib, 0-, 1-, 2-daraja maktabgacha ta'lim va umumiy o'rta ta'limga, 3-, 4-, 5-daraja professional ta'limga, 6-, 7-, 8-daraja oliy va oliy ta'limdan keyingi ta'limga mos keladi.

Tabaqalashtirilgan ta'lim dasturi nima?

Tabaqalashtirilgan ta'lim dasturi — Xalqaro tasniflagichning tegishli darajalariga muvofiq boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus professional ta'limda kadrlar tayyorlash uchun kasb yoki mutaxassisliklarning murakkablik darajalari, o'qitish muddatlari bir-biridan farq qiladigan ta'lim dasturi.

Mazkur dastur kollejlarda ta'limning xalqaro standart tasniflagichining 4-darajasiga mos keluvchi, kasblarning murakkablik darajasidan kelib chiqib, 2 yilgacha bo'lgan muddatlar davomida o'qitishga mo'ljallangan ta'lim dasturlari asosida o'rta professional ta'lim mutaxassislari tayyorlanadi.

Bu o'quvchilarning turli ehtiyojlarini qondirish uchun moslashtirilgan dastur. Mutaxassislarning so'zlariga qaraganda "Tenglik hammaga bir xil o'rgatish emas, balki hammaga teng o'rganish imkoniyatini berish demakdir". Darhaqiqat, bu o'qituvchiga o'z vaqtini ko'proq o'quvchilar bilan samarali o'tkazish imkoniyatini yaratadi. Natijada o'quvchi o'z qiziqqan kasbi bo'yicha chuqur bilim ko'nikma va ma'lakani egallab qiziqishi doirasida tegishli ma'lumotga, kasb-kor kompetentlikga hamda yuksak ahloqiy fazilatlarga ega bo'ladi.

Tabaqalashtirilgan ta'lim dasturini amalga oshirish va ta'lim dasturlarini loyihalashtirish uchun N.V.Bordovskaya va A.A.Rean tomonidan ta'limning quyidagi asosiy komponentlari ajratib ko'rsatilishi ahamiyatli bo'ldi.

Ma'lumotlilik darajasi – bu o'z-o'zini takomillashtirishga intilishdan ifodalanadigan shaxsning xossasidir.

Yoshlarning ma'lumotlilik darajasi ham yangilanish davrida ta'sir ko'rsatuvchi muhim omillardan biri hisoblanadi. Agar o'smir yoki o'spirinda ilk yoshlikdan kitobga, bilimga mehr tarbiyalanmagan bo'lsa va uning bilim hamda tushunchalari doirasi tor bo'lsa, u sog'lom g'oyani nosog'lomdan, dunyoviylikni dahriylikdan, ziyoni jaholatdan farqlay olmaydi. Shuning uchun ham Prezidentimiz yoshlarimiz bilim olishlari uchun, ular iqtidorining rivoji uchun barcha shart-sharoitlarni yaratishga e'tiborni qaratmoqdalar, bunga javoban yoshlar faqat tinimsiz izlanishlari, o'qishlari, ilm sirlari mukammal egallashlari shart. Zero, Hadisu sharifda ham zikr etilganidek, "Ilm o'rganish har bir musulmon uchun farzdir". Ilg'or g'oyalar egasi bo'lish uchun tafakkurni shunday mashq qildirish lozimki, toki uning yordamida kundalik dolzarb masalalarga, xalq manfaatiga xizmat qiluvchi solih ishlarni amalga oshirish choralari borasida turli-tuman fikrlarni yuritish imkoniyati bo'lsin. Bu holat har qanday g'ayri-tabiiy fikrlarga o'z o'niga aql-idrok bilan munosib javob berish, taraqqiyotimizga g'ov bo'luvchi yot va zararli fikrlarga nisbatan immunitetni shakllantirish, turli xil dogmatik qarashlarga ega bo'lgan shaxslar bilan asosli va tanqidiy munozaralar olib borib, o'z nuqtai nazarining to'g'riligini to'la asoslash qobiliyatini o'stiradi.

Kasb-kor kompetentlikning o'zi nima?

Kasb-korlik – bu o'quvchi tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalda yuqori darajada qo'llay olish texnikasidir.

"Kompetentlik" tushunchasi ta'lim sohasiga psixologik izlanishlar natijasida kirib kelgan. Shu sababli kompetentlik "noan'anaviy vaziyatlar, kutilmagan hollarda mutaxassisning o'zini qanday tutishi, muloqotga kirishishi, raqiblar bilan o'zaro munosabatlarda yangi yo'l tutishi, noaniq vazifalarni bajarishda, ziddiyatlarga to'la ma'lumotlardan foydalanishda,



izchil rivojlanib boruvchi va murakkab jarayonlarda harakatlanish rejasiga egalik”ni anglatadi.

Kasb-kor kompetentlikga ega bo'lgan o'quvchilar faoliyatlarini ta'lim olish bilan bir qatorda egallagan bilimlarini amalda qo'llash uchun bir qator nomutanosibliklar vujudga kela boshladi. Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagi 163-son “Professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish chora-tadbirlari haqida” qarori ushbu muammoni amaliy yechimi sifatida xizmat qildi.

Dual ta'lim – ixtisoslashgan ta'lim turi bo'lib, o'quvchi nazariy bilimlarni ta'lim muassasasida, amaliy ko'nikmalarini esa bevosita ish joyida, ya'ni tashkilotda olish imkoniyatini yaratib beradi. Dual ta'limining asosiy maqsadi ta'lim muassasasi va ish beruvchilarning sa'y-harakatlari amaliy mashg'ulotlarning asosiy omili sifatida birlashtirib, talabalarning kasbiy tayyorgarlik sifatini oshirishdan iborat.

dual ta'lim dasturi — professional ta'lim muassasasi va tashkilotda ta'lim oluvchining muayyan kasb yoki mutaxassislik bo'yicha kasbiy faoliyatini va mehnat vazifalarini bajarishiga qaratilgan davlat ta'lim standarti, o'quv rejas, o'quv dastur (modul)lari, o'quv va ishlab chiqarish amaliyoti dasturlaridan iborat hujjatlar to'plami;(163 son)

Hujjatga muvofiq, o'quvchilar professional ta'lim muassasalaridagi o'quv jarayonlarida haftada kamida ikki kun ishtirok etadi. Qolgan ish kunlarida tegishli tashkilotlarda amaliy mashg'ulotlar bilan birga mehnat faoliyati olib boradi.

Bizning oliy maqsadimiz-O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirish, yirik va kichik biznes subyektlarida aholi, ayniqsa yoshlar va xotin-qizlarning bandligini ta'minlash hamda kambag'allikni qisqartirish uchun mehnat faoliyati bilan ta'limni uyg'unlashgan holda tashkil etish orqali malakali kadrlar tayyorlash hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar maxkamasining «Professional ta'lim muassasalarining boshqaruv hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2021 yil 26 fevraldagi 106-sonli Qarori
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining “O'zbekiston Respublikasida kasbiy malakalar, bilim va ko'nikmalarni rivojlantirish milliy tizimi faoliyatini tashkil etish choralari to'g'risida” 2020 yil 15 maydagi 287-sonli Qarori
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Malakalarni baholash tizimini tubdan takomillashtirish va mehnat bozorini malakali kadrlar bilan ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida” 2020 yil 31 dekabrda PQ-4939-sonli Qarori
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida» 2019 yil 6 sentabrda PF-5812-son Farmoni
5. Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagi 163-son “Professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish chora-tadbirlari haqida” qarori.

РЕЗЮМЕ

Maqolada professional ta'lim muassasalarida tabaqalashtirilgan ta'lim dasturlarining asosiy vazifalar va erishiladigan ijobiy natijalar ketma-ketligi, tabaqalashtirilgan ta'lim dasturlari bo'yicha o'quvchilarni o'qitishda asosiy talablarini hamda ta'lim dasturlarini joriy etish orqali yuzaga keladigan muammolar va ularning yechimlari.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены основные задачи и последовательность положительных результатов дифференцированных образовательных программ в учреждениях профессионального образования, основные требования к обучению студентов по дифференцированным образовательным программам и проблемы, возникающие при внедрении образовательных программ и пути их решения.

SUMMARY

The article presents the main tasks and the sequence of positive results of differentiated educational programs in vocational education institutions, the main requirements for teaching students in differentiated educational programs and the problems encountered through the introduction of educational programs and their solutions.

YOSHLAR VA XOTIN QIZLARNING O'Z O'ZINI BANDLIGINI TA'MINLASH ORQALI TADBIRKORLIKKA JALB ETISH BOSQICHLARI

Raxmatullayeva D.R.

Pedagogik innovatsiyalar instituti dotsenti, PhD., loyiha rahbari

Tayanch so'zlar: yoshlar, xotin qizlar, tadbirkorlik, tadbirkorlik faoliyati, o'z o'zini band qilish, bandlik, ish bilan band qilish, iqtisod.

Ключевые слова: молодежь, женщины, предпринимательство, предпринимательская деятельность, самозанятость, занятость, занятость, экономика.

Key words: youth, women, entrepreneurship, entrepreneurial activity, self-employment, employment, employment, economy.

Kirish. Bugungi kunda mamlakatimizda ishsiz yoshlar va xotin-qizlar bandligini ta'minlash masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Davlatimiz rahbari deyarli har bir ma'ruzalarida bu masalaga alohida to'xtalib, ularni talab yuqori bo'lgan kasblar va tadbirkorlikka o'qitish, o'z biznesini yo'lga qo'yishda moliyaviy va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash lozimligini ta'kidlamogda.

Mamlakatimizda rasman ish bilan band bo'lmagan 1 million 400 mingga yaqin xotin-qizlar va yoshlar bo'lib, respublika aholisining 12-15 foizi yoki 4-5 million kishi kambag'allik darajasida kun kechirmogda. Iqtisodiy faol aholining 9,0 foizi yoki 1,4 millionga yaqin kishi ishga muhtoj, xotin-qizlar va yoshlar o'rtasida ushbu ko'rsatkich mos ravishda 12,5 va 14,9 foizini tashkil etmokda.

Mamlakatimizda yoshlar va xotin-qizlar ga g'amxo'rlik qilish, ularning bandligini ta'minlash bo'yicha muvofiqlashtirilgan ishlarni amalga oshirish, bandlik dasturlarini ishlab chiqishda zamonaviy yondashuvlarni kengaytirish kabi masalalarga alohida e'tibor qaratilmogda. Bu esa mamlakatimiz aholisini, ayniqsa, yoshlar va xotin-qizlarni tadbirkorlikka o'rgatish, kasbiy malakasini oshirish orqali kambag'allikni kamaytirish eng asosiy masala hisoblanadi. Shuningdek, kambag'allik darajasidan o'rta sinf darajasiga oshirish uchun kambag'al va ishsiz shaxslarni zamonaviy kasb-hunar va tadbirkorlik kompetensiyalarini rivojlantirish, shu asosda ular uchun doimiy daromad keltiradigan mehnat va tadbirkorlik faoliyatiga jalb qilish o'ta muhimdir. Mamlakatimizda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish orqali xalqning turmush darajasini yaxshilash, aholining real daromadlarini oshirish va yoshlar hamda xotin qizlarning bandligini ta'minlash bugungi kunning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi. Shu bois, yoshlar va xotin qizlarni, jumladan aholini tadbirkorlikka keng jalb etish, ularda ishbilarmonlik sifatleri va moliyaviy savodxonligini shakllantirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev tomonidan "Kambag'allikni kamaytirish oylik yoki nafaqa miqdorini ko'paytirish, yoppasiga kredit berish, degani emas. Buning uchun, eng avvalo, aholini xotin kizlarni, yoshlarni kasbga o'qitish, moliyaviy savodxonligini oshirish, odamlarda tadbirkorlik hissini uyg'otish orqali o'z o'zini bandligini ta'minlash lozimligi" ta'kidlab o'tildi va o'z o'zini bandligini ta'minlash maqsadida tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha keng ishlar amalga oshirilmogda.

Tadbirkorlik faoliyati xotin qizlar va yoshlarning faol imkoniyatlarini namoyon qilinadigan soha bo'libgina qolmay, ish o'rinlarini ham yaratishning asosiy manbalaridan biri bo'lib hisoblanadi. Zero, mamlakatimiz aholisining 18,9 mln. nafari yoki 54 foizini 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar va bolalar tashkil etadi; bugungi yoshlar-ertangi kunimiz, kelajagimiz bunyodkorlaridir; bozor iqtisodiyotining asosini tashkil etuvchi tadbirkorlik faoliyati o'z mohiyatiga ko'ra, tavakkalchilik, harakatchanlik, ishbilarmonlik sifatlarini

taqozo etadiki, bularning aksariyati ko'pincha yoshlarda mujassamlashgan bo'ladi. Barcha mamlakatda yoshlar va xotin qizlar masalasi asosiy kun tartibidagi va dolzarbligini yo'qotmaydigan masaladir. Har qanday davlatda yoshlar va xotin qizlar bilan ishlashni yaxshi yo'lga qo'yish-millat kelajagini yaxshi yo'lga qo'yishdir.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Mazkur muammo bo'yicha bir qancha olimlar tadqiqotlar o'tkazgan bo'lsalarda, biroq haligacha to'liq o'z yechimini topmagandir.

Z.Xusanova "Jahon iqtisodiyotida xotin-qizlar tadbirkorligi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning muhim omiliga aylangan bo'lib, uzoq muddatli davrda biznes yuritish sohasini barqarorligini ta'minlashida xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirish zaruriyati yuqori hisoblanadi" deb ta'kidlaydi.

A.S. Abritalina fikriga ko'ra, milliy iqtisodiyotga ayollar va yoshlarning rolini oshirish va i o'rinlari yaratish juda zarur bo'lib, ayollarning tadbirkorlik faolligi yuqori bo'lgan mamlakatlarning moliyaviy inqirozga moyil darajasi kamroq bo'lib, iqtisodiy o'sish sur'atlarining yuqori ekanligini ta'kidlaydi.

G'arbda taniqli iqtisodchi olimlaridan hisoblangan E.Giddens, G.Sillaste, T.Parsonning ilmiy ishlarida xotin-qizlar mehnatining rolini oshirish bo'yicha ilmiy nazariy yondashuvlar, amerikalik sotsiolog olimlar L.Vard V.Tomos, A.Kante va G.Spenserlar o'z ilmiy qarashlarida xotin-qizlar mehnatidan samarali foydalanish va buning natijasida iqtisodiyotning rivojlanishiga turtki beruvchi g'oyalarni yaratganlar. A.V.Alimpieva ayollarning biznesdagi xulq-atvor strategiyalarini, shuningdek, tadbirkorlikning oila faoliyatiga ta'sirini tahlil qiladi va jamiyat rivojida xotin qizlarni tadbirkorlikka jalb etish muhimligini ta'kidlaydi. A.V.Orlova, R.I.Semenov va Z.I.Raimanovalar ayollar tadbirkorligini rivojlantirish, ayollar tadbirkorligini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan bir qator to'siqlarni ko'rib chiqadilar va uning metodologiyasini tahlil qilgan.

Yoshlarni tadbirkorlikka jalb etish bo'yicha Z.Xudoyberdiev, A.Nizamov, N.Murodova, M.Artiqovalar bir qancha ilmiy tadqiqotlar olib borilgan. R.Xakimov esa yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirishda turli xil tanlovlar o'tkazish lozimligini ta'kidlaydi.

Yoshlarni biznes faoliyatiga tayyorlash bu iqtisodiy kompetensiyaning asosiy komponentlaridan biridir. Ana shu sababli yoshlarni biznes faoliyatiga tayyorlash, ularda ishbilarmonlik sifatlarini shakllantirishga ta'lim-tarbiya jarayonining tarkibiy asosi sifatida qarash lozim.

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

Bugunga kunga qadar ishsiz aholi va bo'sh ish o'rinlari o'zaro uyg'unlikda ko'rilmagan. Hozirda xotin qizlar va yoshlarni band etishda ishga solinmagan ko'plab imkoniyatlar mavjud bo'lib, ular yordamida muammolarga ijobiy topish mumkin. Ushbu muammo va to'siqlarni bartaraf etish maqsadida hamda xorijiy tajribalar tahlili asosida uydan chiqmasdan turib internet orqali masofadan, ularning tadbirkorlik savodxonligini rivojlantirish kerak. Buning uchun "Yoshlar va xotin-qizlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirish va o'z o'zini bandligini ta'minlashga qaratilgan yagona elektron ma'lumotlar bazasini (onlayn veb-portal) yaratish" ilmiy-innovatsion loyihasi ishlab chiqildi.

Ushbu loyihaning maqsadi: Yoshlar va xotin-qizlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirish va o'z o'zini bandligini ta'minlashga qaratilgan yagona elektron ma'lumotlar bazasini (onlayn veb-portal) yaratishdir.

Loyihaning vazifalari: yoshlar va xotin qizlarni tadbirkorlik savodxonligini oshirish orqali kasbga yo'naltirish va o'z o'zini bandligini ta'minlash uchun yaratilgan saytlarni o'rganish va ularni tahlil qilish; yoshlar va xotin qizlarni tadbirkorlik tafakkuri va


savodxonligini oshirish, biznes g'oyalar va biznes rejalar ma'lumotlar bazasi (banki)ni yaratish; yoshlar va xotin qizlarni tadbirkorlik savodxonligi hamda ularning motivatsiyasini oshirishga qaratilgan masafadan o'qitish kursining o'quv metodik ta'minotini yaratish; yoshlar va xotin qizlarda "freelancerlik va o'z o'zini bandligini ta'minlashga qaratilgan soft skills, hard skills va self menejment kompetensiyalarini rivojlanishiga qaratilgan elektron metodik vositalar bazasini ishlab chiqish. Yoshlar va xotin-qizlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirish va o'z o'zini bandligini ta'minlashga qaratilgan yagona elektron ma'lumotlar bazasini (onlayn veb-portal) tashkil etish; "Yoshlar tadbirkorligi" nomli elektron mobil o'quv qo'llanma ishlab chiqish.

Mazkur vazifalarni bajarishda quyidagi funksiyalarni amalga oshirish lozim:

- tadbirkorlik faoliyatini boshlamqchi bo'lgan ayollar ro'yxati tuziladi;
- internet orqali ayollar tadbirkorligini rivojlantirish bo'yicha platforma yaratiladi;
- platformaga tadbirkorlik faoliyatiga oid va ma'lumot va metodik ta'minot joylashtiriladi;
- ma'lum muddat davomida ayollar internet orqali o'qitilib, tadbirkorlik savodxonligi shakllantiriladi (bunda davlat ro'yxatidan o'tkazish, kredit olish tartibi va imtiyozlari, binolarni izlash va reklama usullarini qo'llash, tadbirkorlik shakllari va turlari bo'yicha);
- tadbirkorlik bo'yicha savol javoblar internet orqali amalga oshiriladi (vaqti tejaladi);
- kredit olmoqchi bo'lganlarga kredit olish tizimi tashkil etiladi;
- o'qishni tugatgach sertifikat bilan taqdirlanadi.

Ushbu bosqichlar natijasida tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish istagidagi yoshlar va xotin qizlar o'z tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yishga erishadi hamda jamiyatdagi ishsiz yoshlar va xotin qizlarni ish o'rni bilan ta'minlashga sharoit yaratiladi.

Mazkur muammo bo'yicha ilmiy adabiyotlarning tahlili shuni ko'rsatadiki, axborot va kompyuter texnologiyalarining rivojlanishi hamda iqtisodiyotga va umuman butun jamiyatga axborot jarayonlarining ta'siri kuchaya borishi bilan turli xil voqea-hodisalarni aks ettiruvchi nazariy konsepsiyalarning mazmuni qaytadan ko'rib chiqilishi ro'y beradi. Ushbu vazifalarni amalga oshirishda yoshlar va xotin-qizlarni o'z o'zini bandligini ta'minlashga yo'naltirish, frilanserlikka jalb etish, tadbirkorlik shakllarini tanlay olishga o'rgatish, hududining ehtiyojlarini aniqlash va ehtiyojga mos holda tadbirkorlik g'oyasini



1-rasm. Yoshlar va xotin-qizlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirish va o'z o'zini bandligini ta'minlash bosqichlari

shakllantirish hamda joriy etish, biznes-rejalarni tuzishga o'rgatish, o'z o'zini tadbirkorlik faoliyatini yuritishda zarur bo'lgan kasbiy va shaxsiy kompetensiyalarini rivojlantirish zarurdir. Buning uchun esa, ularni onlayn shaklda tadbirkorlik savodxonligini oshirish yuqoridagi muammolarni bartaraf etishga xizmat qiladi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Dunyo tajribasida ham ko'rish mumkinki, xotin-qizlarning mehnat bozoridagi ulushi va ularni tadbirkorlik faoliyatidagi ishtiroki kun sayin ortib bormoqda.

Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning xorijiy tajribasi shuni ko'rsatadiki, aksariyat mamlakatlarda davlatning maqsadli dasturlari asosida tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashda xotin-qizlar va yoshlar tadbirkorligi yetakchi o'rinni egallaydi. Bu turdagi dasturlar doirasida tadbirkorlik faoliyatini boshlash ko'p holatlarda oilaviy tadbirkorlik shaklida o'z aksini topadi. Tadbirkor xotin-qizlar oilaviy biznesni rivojlantirishda bor imkoniyatlarini ishga solishlari amaliyotdan barchaga ma'lum bo'lgan holat hisoblanadi. Tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, xotin-qizlar tadbirkorligi faoliyatini rivojlantirish mamlakatlarning ijtimoiy iqtisodiy rivojlanish ko'rsatkichlarini barqarorligini ta'minlashga sezilarli darajada ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Mehnatga layoqatli yoshdagi xotin-qizlar ning o'z biznes faoliyatini yuritayotgan qismi Ruminiyada – 45 foizni, Polshada – 27 foizni, Sloveniyada – 16 foizni va Bolgariyada – 11 foizni tashkil etadi. Xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishga qaratilgan dasturlar Fransiya, Germaniya, Avstriya kabi mamlakatlarda ham amal qilgan holda, ushbu mamlakatlarda ham xotin-qizlar tadbirkorligi faoliyati ko'proq kichik biznes sohasida oilaviy tadbirkorlik shaklida o'z aksini topadi.

Bugungi kunda jahonda AQSh iqtisodiyoti ham bozor iqtisodiyoti sharoitida xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda yetakchilik qilmoqda. Ushbu vaziyatni inobatga olgan holda xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishning AQSh tajribasini o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, xotin-qizlarga tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va uni boshqarish bo'yicha ta'lim berish markazlari, Xotin-qizlar biznes markazlari faoliyatini tashkil etish, tadbirkor xotin-qizlar ga o'z faoliyatiga turli konsultativ xizmatlar ko'rsatish bo'yicha markazlarni tashkil etilishi shular jumlasidan.

AQSh iqtisodiyotida tadbirkor xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlashga katta e'tibor qaratiladi. Xususan, hukumatning veb-saytlari orqali har yili, tadbirkor xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan, 800 dan ortiq maqsadli dasturlar e'lon qilinadi. Hukumat portallari orqali e'lon qilingan maqsadli dasturlarga tadbirkor xotin-qizlar tomonidan taqdim etilgan va tanlovdan o'tgan biznes loyihalar "Kichik biznes boshqarmasi (SBA)" tomonidan moliyalashtiriladi.

AQSh iqtisodiyotida tadbirkor xotin-qizlar ni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan dasturlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, mamlakatda xotin-qizlarning korxona faoliyatini tashkil etish va uni boshqarish jarayonidagi bilim va ko'nikmalarni shakllantirishga, ularni tizimli ravishda rivojlantirib borishga ham e'tibor qaratiladi. Jumladan, "Xotin-qizlar biznes markazlari (Women's Business Centers)", "Tadbirkor xotin-qizlar Milliy Assotsiatsiyasi (National Association of Women Business Owners)" tashkilotlarida tadbirkor xotin-qizlarni o'z biznes rejasini tuzish, korxona faoliyatini tashkil etish va uni boshqarish, biznes yuritish bo'yicha konsultativ xizmatlar ko'rsatish ishlari amalga oshiriladi. Xususan, mamlakatda ko'plab tadbirkor xotin-qizlarning notijorat tashkilotlari faoliyati yo'lga qo'yilgan bo'lib, ushbu tashkilotlarda tadbirkor xotin-qizlar o'zaro birlashgan holda, korxona boshqaruvi, tovar va xizmatlar ishlab chiqarish jarayonlarini yanada rivojlantirish bo'yicha tajriba alishishadi, korxona faoliyatini kengaytirishga qaratilgan kichik turdagi grantlarni ishlab chiqishadi. Jumladan, "Girl Geek Dinners", "Coffee and Coded", "Women 2.0", "Financial Women's Association" kabi tashkilotlarda tadbirkor xotin-qizlar korxona boshqaruvi, biznes

yuritish usullari va biznes hamkorlikni kengaytirish bo'yicha o'zaro tajriba almashadilar. Shu bilan bir qatorda, ushbu tashkilotlar tomonidan mamlakatga ko'chib kelgan va o'z biznesini boshlash maqsadida bo'lgan xotin-qizlar uchun ham turli maslahatlar berish bilan ham shug'ullanadilar.

Aholining kambag'allik darajasi yuqori va turmush farovonligini oshirish muammosi mavjud bo'lgan Afrika va Janubiy Amerika mamlakatlarida xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirish asosida aholi daromadlari bazasini mustahkamlash orqali turmush farovonligi darajasini oshirish va kambag'allik darajasini qisqartirishga erishish maqsad qilib belgilanganligini kuzatishimiz mumkin. Ushbu holat xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda ijtimoiy yondashuvga ustuvorlik qaratilganligidan dalolat beradi.

Markaziy Osiyo mamlakatlarida ham xotin qizlar tadbirkorligini rivojlantirish orqali ularning iqtisodiy jihatdan mustaqilligini ta'minlashga erishish maqsad etib belgilangan. Ushbu mamlakatlarda xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda gender tengligi yondashuvi yetakchi o'rin egallaydi.

Rossiyada ham ayollar tadbirkorligini rivojlantirish dasturi juda ham ko'p bo'lib, ular moliyaviy xizmatlar - kredit, kafolat, lizing masalalarini o'z ichiga oladi. Ulardan biri "Xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirish" dasturi - konsalting va ta'lim ko'magi, ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish va modernizatsiya qilish, bozorlar va eksportga ko'maklashishda yordam ko'rsatadi. Shushningdek, ushbu mamlakatda ijtimoiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun turli xil grantlar ajratiladi. «Tadbirkor ona» dasturi esa tug'ruq ta'tilidagi ayollar, voyaga etmagan bolalarning onalari, shuningdek, bandlik xizmatida ro'yxatdan o'tgan ayollar uchun mo'ljallangan, va eng muhimi, u o'z biznesini yaratishga va yolg'iz o'zi amalga oshira olmaydigan biznes g'oyani hayotga tatbiq etishga yordam berishga qaratilgan.

Demak, tahlillar shuni ko'rsatdiki, yoshlar va xotin-qizlar o'rtasida tadbirkorlikni rivojlantirishi global tendensiyadir. Ko'pgina davlatlar yoshlar va ayollar tadbirkorligini rivojlantirishni rag'batlantirmoqda, undan iqtisodiyotni mustahkamlash vositasi sifatida foydalanmoqda. Yoshlar va xotin-qizlarning iqtisodiyot va jamiyat hayotida to'liq ishtirok etishi mamlakatda iqtisodiy yuksalishda va farovonlikka erishishda bevosita xizmat qiladi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Xotin qizlar va yoshlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirish va o'z o'zini bandligini ta'minlash uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

uzoq muddat bola parvarishlash ta'tilida bo'lgan, mushkul iqtisodiy ahvolga tushgan xotin qizlarni mehnat bozorida talab etilayotgan kasblar bo'yicha qayta tayyorlash va ularning ishga joylashishiga ko'maklashish;

tadbirkorlik bilan shug'ullanish istagini bildirgan xotin qizlar va yoshlarni tadbirkorlik faoliyatini tashkil etishga ko'maklashish va o'z o'zini band qilish faoliyat yo'nalishlariga jalb etish;

xotin qizlar va yoshlarning o'z biznesini tashkil etish va yuritish ko'nikmalarini shakllantirish, biznes g'oyalarini tayyorlashda konsultativ yordam berish, shu jumladan, loyiha biznes-rejasini tayyorlash, soliqqa tortishning turli rejimlarini tanlash va qo'llash, buxgalteriya hisobini yuritish, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish va boshqa yo'nalishlar bo'yicha o'qitishni tashkil etish;

tadbirkor xotin qizlar va yoshlarga va tadbirkorlik bilan shug'ullanish istagini bildirgan xotin-qizlar va yoshlarga o'z biznesini tashkil etishda zarur maslahatlar berish va amaliy yordam ko'rsatish;

norasmiy faoliyat yuritayotgan hunarmand xotin-qizlar va yoshlarga ro'yxatdan o'tishda ko'maklashish, "Hunarmand" uyushmasiga a'zo bo'lish orqali soliqlar va boshqa turdagi imtiyozlardan foydalanishda hamda imtiyozli kredit olishda amaliy yordam ko'rsatish.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 8 oktabrdagi Jamiyatda ayollar va yoshlarning rolini oshirish hamda bandligini ta'minlash chora-tadbirlari muhokamasi yuzasidan o'tkazilgan videoselektor yig'ilishi.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning 2020 yil 27 fevral kuni tadbirkorlikni rivojlantirish orqali kambag'allikni qisqartirishga qaratilgan chora-tadbirlar bo'yicha videoselektor yig'ilishi.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 27 martdagi "Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish ijtimoiy dasturlari doirasida amalga oshiriladigan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5041-sonli qarori
4. Raximova N.X. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. Дис ... док. экон. наук 08.00.10. — Т.: 2008.
5. Malyshevskaya Yu.Yu. Особенности формирования социальной группы «женщины-предприниматели» // Социалнополитические науки. М.: — 2013. — №4. — С. 27
6. Alimpieva A. V. Women's entrepreneurship in the Belarusian and Russian public discourse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). P. 19–30. [Alimpieva A. V. Zhenskoe predprinimatel'stvo v belorusskom i rossiyskom publicnom diskurse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). S. 19–30] – (In Rus.)
7. Orlova A. V. Organization of analytical work in studies of women's entrepreneurship // Economics. Business. Finance. 2018. № 2. P. 17–21.
8. Semenov R. I. Development of women's entrepreneurship in Russia // Quality of science – quality of life. 2018. № 11. P. 72–75. [Semenov R.I. Razvitiye zhenskogo predprinimatel'stva v Rossii // Kachestvo nauki – kachestvo zhizni. 2018. № 11. S. 72–75] – (In Rus.)
9. Pervyy forum jenshin-predprinimateley v Jeneve. [Elektronnyy resurs]. Rejim dostupa: <http://www.owl.ru/win/infolist/2001/tonchu.htm>
10. <https://www.forbes.ru/forbes-woman/366627-damskiy-koshelek-kak-v-ssha-podderzhivayutzhenshchin-predprinimateley>

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada xotin qizlar va yoshlarni o'z o'zini banligini ta'minlash orqali tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish masalalari, milliy va horijiy tajribalari keltirilgan. Zero, mamlakatimizda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish orqali xalqning turmush darajasini yaxshilash, aholining real daromadlarini oshirish va yoshlar hamda xotin qizlarning bandligini ta'minlash bugungi kunning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы вовлечения женщин и молодежи в предпринимательство через самокупаемость, отечественный и зарубежный опыт. Ведь одним из приоритетов сегодняшнего дня является повышение уровня жизни населения за счет развития предпринимательства в нашей стране, увеличения реальных доходов и обеспечения занятости молодежи и женщин.

SUMMARY

This article discusses the issues of involving women and youth in entrepreneurship through self-sufficiency, domestic and foreign experience. After all, one of the priorities of today is to improve the standard of living of the population through the development of entrepreneurship in our country, increasing real incomes and providing employment for young people and women.

IXTISOSLIK FANLARDAN ZAMONAVIY O'QUV MATERIALLARINING O'QUV JARAYONIDAGI AHAMIYATI VA AFZALLIKLARI

Xudoyberdiyeva S.N.

Buxoro muhandislik texnologiya instituti

Tayanch so'zlar: kasb – hunar , ixtisoslik, xorijiy tajriba, o'quv materiallar, tadqiqotchi, umumkasbiy, qo'llanma, darslik, oliy ta'lim.

Ключевые слова: профессия, специальность, зарубежный опыт, учебные материалы, научный сотрудник, общее, учебное пособие, учебник, высшее образование.

Key words: profession, specialty, foreign experience, educational materials, researcher, general, textbook, textbook, higher education.

Kirish. Hozirgi davrga kelib iqtisodiyotimizning barcha jabhalaridagi kabi ta'lim tizimidagi tub o'zgarishlar ham o'zining ijobiy natijasini ko'rsatmoqda. Ayniqsa O'zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan ta'lim tizimida mustaqil va ijodiy fikrlay oladigan kadrlar tayyorlashga katta e'tibor berilmoqda.

O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi oliy ta'lim tizimida yuqori malakali, mustaqil faoliyat yuritadigan kadrlarni tayyorlash vazifasini qo'yadi.

Oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanayotgan bo'lajak mutaxassislar bozor iqtisodiyoti talablarini inobatga olgan holda tayyorlanishi, ular tanlagan ixtisosliklari bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirilishi, amaliy faoliyatda mustaqil ravishda harakat qila olishlari ta'minlanishi kerak. SHuningdek, oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil qilish, uni boshqarish hamda rivojlantirishning yangicha yondashuv va zamonaviy usullari asosida ilmiy asoslangan tizimini ishlab chiqishga erishish zarur.

Oliy ta'limi tizimi oldida turgan dolzarb vazifalardan biri ta'lim jarayonini zamonaviy o'quv – materiallari bilan ta'minlash hamda ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan tashkil etishdan iboratdir.

Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimi uchun zamonaviy o'quv materiallarini ishlab chiqish va ular bilan o'quv jarayonini ta'minlashga oid bir qator O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari e'lon qilindi, Vazirlar Mahkamasi qarorlari qabul qilindi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi buyruqlari chiqarildi.

Bugungi kunda Respublikamizda yangi avlod o'quv materiallarini ishlab chiqish, nashr qilish, ular bilan ta'lim muassasalarini ta'minlash bo'yicha qator ibratli ishlar olib borilmoqda. Kasb-hunar kollejlari uchun zamonaviy o'quv materiallarining yaratilishi va nashr etilishi tahliliga ko'ra bugungi kunda umumkasbiy va maxsus fanlarning darsliklar va o'quv qo'llanmalar bilan ta'minlanganlik talab darajasi 50-70 % ni tashkil etadi. Kasb-hunar ta'limida ixtisoslik fanlardan o'quv materiallarini etishmasligining asosiy sabablaridan biri kasb-hunar kollejlarning respublikamiz mustaqilligini qo'lga kiritgandan so'ng tashkil qilinganligi hisoblanadi. Bugungi kunda kasb-hunar kollejlarda o'quv materiallariga bo'lgan talab yuqori, yaratilish jarayoni esa sekin kechmoqda. Asosiy muammolardan biri bu maxsus fanlardan o'quv materiallarini ishlab chiqish jarayonini to'g'ri tashkil etish va uni boshqarish hamda monitoringini olib borish hisoblanadi.

Tadqiqotchilar fikricha, yangi o'quv materialini ishlab chiqishdan maqsad o'qituvchi va talaba (talaba) o'rtasida fikrlarning mantiqiy bayoni jarayonida o'zaro bog'liqlikni ta'minlash, talabani mustaqil fikrlashga o'rgatish, ularning tafakkurini rivojlantirish, faoliyatida ijodiy yondashish ko'nikmalarini hosil qilish va zamonaviy bilim asoslarga ega bo'lishini ta'minlashga qaratilishi kerak.

Shuningdek, darsliklarda berilgan matn, mashq va masalalarni illyustrativ materiallar, jadvallarni tanlashda o'quv-biluv faoliyatini boshqarish, ya'ni dars jarayoniga rahbarlik qilish, darslik materiallari vositasida talabalarning bilim, ko'nikma, malakalari, egallagan shaxsiy sifatilarini nazorat qilish mexanizmini ishlab chiqish lozim.

O'quv materialini tashkil etuvchi barcha tarkibiy qismlar o'zaro bog'lanishli va axborot munosabatlarida bo'ladi. Shu sababli yozishga kirishish va o'z maqsadlarini ifodalashdan oldin muallif o'quv materialini ishlab chiqishning dastlabki bosqichida kitobning predmet sohasini, muayyan kitobxon toifasi, o'qitish maqsadlari va sharoitlariga bog'langan holda aniq belgilab olishi va uning mo'ljallanayotgan tarkibini aniqlab olishi maqsadga muvofiq.

O'quv materiallarini ishlab chiqish jarayoni boshqa barcha turdagi materiallarni ishlab chiqishdan shunisi bilan farq qiladiki, o'quv materiali ma'lum ma'noda loyihalashtiriladi,

hamda bunda o'quv nashri o'quv jarayonining tarkibiy qismi ekanligi hisobga olinadi va ma'lum bilim yoki faoliyat sohasini aks ettiradi. Shu sababli o'quv materiallarining mazmuni ta'lim oluvchilarga pedagogik ta'sir ko'rsatishni nazarda tutishi, zarur ma'lumotlar maxsus tanlanishi va nashring vazifalaridan kelib chiqqan holda qayta ishlanishi lozim.

Bugungi kunda ixtisoslik fanlardan o'quv materiallar zamonaviy avlodini ishlab chiqish jarayonini tashkil etish va boshqarish texnologiyalari, metodikalari ishlab chiqilmaganligi va ilmiy-tashkiliy jihatdan asoslanmaganligi ham muammo bo'lib turibdi.

Biz tomondan o'tkazilgan so'rovnomalar natijalari va kasb-hunar kollejlari maxsus fan o'qituvchilari bilan olib borilgan suhbatlar asosida sifatli o'quv-uslubiy materiallarini ishlab chiqish borasida quyidagi takliflar olindi:

Mualliflar maxsus fanlardan yaratiladigan darslik yoki o'quv qo'llanma o'quv materiallari matnlarini yozishda talabalarning o'qish va tushuna olish saviyasi hamda qiziqishlarini hisobga olishlari zarur.

O'zbekistonning hududiy va milliy xususiyatlarini, shuningdek talabalarning ta'lim olish sharoitlari inobatga olinishi kerak.

O'quv material matnlarining tushunuvchanligi oliy ta'lim talabalarining yoshiga mos kelishi kerak.

O'quv materiallari kasb-hunar kollejlari o'qituvchilari va oliy ta'lim muassasalari olimlari hamkorligida yozilishi maqsadga muvofiq.

1. Maqsadlarni belgilash va mualliflar jamoasini tanlash.

O'quv materiallarini ishlab chiqish jarayonini tashkil etish va boshqarish maqsadlarni belgilash hamda mualliflar jamoasini tuzishdan boshlanadi. Mualliflar jamoasi ishini boshqarish sifati, uning aniqligi va maqsadliligi muhim ahamiyatga ega.

Bu bosqich juda qiyin va ma'suliyatlidir, chunki bo'lajak yangi darslik yoki o'quv qo'llanmaning sifati mualliflarning pedagogik va kasbiy mahoratiga, ularning bilimdonligiga bog'liq bo'ladi.

Dastlab darslik yoki o'quv qo'llanma oliy ta'limning qaysi yo'nalishi va maxsus fani uchun mo'ljallanganligini aniqlash, namunaviy o'quv dasturining mazmuni bilan tanishish tavsiya etiladi. Va albatta talabaning yoshi va matnni tushunish qobiliyat darajasi inobatga olinishi lozim. Darslik yoki o'quv qo'llanma bilan birgalikda o'qituvchi uchun uslubiy qo'llanma, talaba uchun amaliy topshiriqlar yoki laboratoriya ishlari to'plami, talabalar bilimini baholash uchun testlar to'plami ishlab chiqilishini ham o'ylab ko'rish va aniq qaror qabul qilinishi lozim.

So'ngra yoziladigan darslik yoki o'quv qo'llanmaning o'quv maqsadlari belgilanishi lozim. O'quv materiallardagi har bir bo'lim yoki bobning o'quv maqsadlari kasbiy faoliyatga qo'yiladigan maxsus talablar, bilim va ko'nikmalardan kelib chiqqan holda ishlab chiqilishi, hamda talabalar harakatida ifodalanadigan va o'lanadigan natijalar orqali belgilanishi kerak. Nazariy va amaliy o'quv materiallari esa bob yoki mavzuni o'zlashtirishda aniq maqsadga yo'naltirilishi lozim. Bu jarayonlar avvaldan belgilangan muayyan o'rganish maqsadlariga erishish uchun olib boriladi. Agar o'quv maqsadlari belgilanmasa, u holda o'quv materialining mazmuniy va didaktik tuzilishi buziladi.

Biz ixtisoslik fanlar bo'yicha o'quv materialini ishlab chiqish konsepsiyalarini ishlab chiqish va mualliflar guruhini tuzish bo'yicha kurslarni, markazlarni tashkil qilish zarur deb hisoblaymiz. Bizning fikrimizcha, ixtisoslik fanlar bo'yicha darslik va o'quv qo'llanma yozishda mualliflik jamoasi tarkibiga kasb-ta'lim yo'nalishlari bo'yicha bakalavrlar tayyorlaydigan oliy ta'lim muassasalari etakchi olimlari yoki pedagoglari, kasb-hunar kollejlarning o'qituvchilari yoki ishlab chiqarish ta'limi ustalari, hamda soha mutaxassislari kiritilishi kerak. Hozirgi paytda kun sayin o'zgarib borayotgan texnika va texnologiyalarning

so'nggi yutuqlaridan foydalanish uchun ishlab chiqarish maxsus sohasi mutaxassislari jalb etilishi o'quv materialining zamonaviyligini ta'minlaydi.

Bizning nazarimizda, mualliflar birinchi navbatda yaratiladigan darslikning konsepsiyasini yozma ravishda tavsiya etishlari, reja tuzishlari, mazmuniy-uslubiy tizimni bayon qilishlari, boblar va mavzular orasidagi o'zaro integratsiyani joriy qilish yo'llarini izohlashlari va shu bilan birga o'zlarining ijodiy qobiliyatlarini namoyish etishlari kerak. Qo'shimcha ravishda xuddi xorijiy davlatlardagi kabi mualliflarning o'quv materialini yozish bo'yicha tajriba va malakasini aniqlash uchun test sinovidan o'tkazish mumkin. Agar yuqoridagi barcha jihatlarni va talablarni umumlashtirsak, «mualliflarni tanlab olish shartlarini» ishlab chiqish imkoniyatiga ega bo'lamiz. Xorijiy davlatlarda «mualliflarni o'quv materialini yozishga o'rgatish» ishiga juda ma'suliyatli yondashadilar. Darsliklarni ishlab chiqish va takomillashtirishga doir seminarlar va o'qishlar tashkil etilishi tavsiya etiladi.

Mualliflar jamoasi ixtisoslik fanlar bo'yicha o'quv materiallarini ishlab chiqishda quyidagi to'rtta asosiy qoidaga amal qilish bu maqsadga erishishni osonlashtiradi:

Talabani o'zida mavjud bo'lgan bilimni qo'llashga undaydigan tushunarli va o'qish uchun qulay matn yozish.

Talabaga yangi g'oyalarni tushunishda va bilimlarni o'zlashtirishda yordam beradigan mavzuga aloqador qiziqarli hamda hayotiy bo'lgan rasmlar, chizmalar, sxemalar, diagrammalar va jadvallar kiritish.

Talabaning o'rganayotgan sohada chuqur bilim, malaka va ko'nikmalarini shakllantirish uchun topshiriqlar, amaliy mashqlar va nazorat savollari kiritish.

O'qituvchining yaratilayotgan darslik yoki o'quv qo'llanmadan samarali foydalanishi uchun uslubiy maslahatlar va ko'rsatmalar berishni inobatga olish kerak.

Xalqaro tajribalar shuni ko'rsatadiki, ikki yoki undan ortiq kishidan iborat bo'lgan mualliflar guruhi yakka tartibda ishlaydigan mualliflarga ko'ra sifatliroq o'quv materialini yaratadi.

Bir necha kishidan iborat mualliflar birgalikda o'quv materialini ishlab chiqishda quyidagi imkoniyatlar yaratiladi:

O'zaro fikr almashish uchun tez-tez uchrashish orqali shaxsiy munosabatni o'rganish;

barcha ish rejalarni tuzish va muhim qarorlarni birgalikda qabul qilish;

vazifalarni mantiqiy va maqsadli taqsimlash;

o'quv materialini ishlab chiqish muddatlarini belgilab olish va ularga amal qilish;

yagona yondashuvni saqlab qolish uchun boblar va bo'linmalarining shakl va tuzilmasini belgilab olish.

Bizning nazarimizda, xorijiy davlatlar tajribalarini respublikamizda qo'llash va joriy qilishga e'tiborni qaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

2. Izlanish va materiallarni to'plash bosqichi

Ushbu bosqichda muayyan fan bo'yicha boshqa mualliflar tomonidan mazmunan o'xshash o'quv materialining mavjudligi yoki yozilayotganligi to'g'risida ma'lumotga ega bo'lish lozim. Mualliflar tomonidan maxsus fanga oid dastlabki o'quv materiallari yig'iladi. Albatta fanga tegishli so'nggi ilmiy yutuqlar, yangi texnika va texnologiyalar bo'yicha materiallarni to'plashga alohida e'tibor qaratilishi kerak.

Ushbu bosqichda yoziladigan maxsus fan o'quv materiali tuzilishi va mazmuni bo'yicha o'tkazilgan so'rovnomalar natijalari, kasb-hunar kollejlari o'qituvchilari va boshqa mualliflarning fikrlari ham inobatga olinishi kerak. SHuningdek maxsus fan o'quv materiallarini ishlab chiqishda ularning mazmuniga qo'yiladigan uslubiy va didaktik talablarni e'tiborga olinishi kerak.

O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi bo'yicha maxsus fanlar darsliklarini ishlab chiqishda mualliflar mavjud darsliklar tuzilmasi, uslubiy echiimi, loyihalanishi va rasmiylashtirilishi hamda ularning alohida komponentlarini o'rganishi, nafaqat ularning pedagogik imkoniyatlarini aniqlash va ulardan foydalanishga, balki darslikning boshqa tashkil etuvchi qismlarini takomillashtirishga, butunlay uning sifatini oshirishga yordam beradi.

Izlanishlar natijasi bo'yicha to'plangan materiallarni qayta ko'rib chiqish va unga tegishli o'zgartirishlar kiritish mumkin. Fanga oid materiallarni to'plash jarayonida mualliflar qo'shimcha yangiliklar va yangi g'oyalar bera oladigan manbalarga ega bo'ladilar.

3. O'quv materialini yozish jarayonini rejalashtirish va amalga oshirish

To'plangan materiallar bo'yicha fanning o'quv dasturiga muvofiq o'quv materialining umumiy tuzilishi aniqlanadi va boblar, bo'limlar hamda mavzular bo'yicha mundarija tuziladi.

Boblar va paragraflarning mazmuni bo'yicha mavzuning asosiy g'oyalari, mashqlar va amaliy mashg'ulotlar mazmunini, bobning qisqa bayoni, tekshirish uchun savollar va testlarning to'la yoritilish darajasiga erishish lozim.

O'quv materialini yozishdan oldin albatta o'quv dasturi bilan yaqindan tanishish lozim. O'quv materiali hamkorlikda yozilayotgan bo'lsa har bir muallif aniq o'z ish rejasini belgilab olishi kerak bo'ladi. Mualliflar va nashriyotchilar rejalashtirilgan umumiy ishni amalda bajarilgan ish bilan taqqoslab borishlari kerak. Agar ish belgilangan muddatdan kech qolsa, hammualliflar birgalikda tez qaror qabul qilishlari zarur. Mualliflardan biri o'z zimmasiga olgan majburiyatni bajara olmasligi natijasida qiyinchilik tug'ilishi mumkin. Bunday holda hamma mualliflar birgalashib, bir-biriga yordam bergan holda muammoni hal etishlari lozim.

Keyingi yillarda to'plangan tajribalar shuni ko'rsatdiki, o'quv jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etishdan yuqori samaradorlikka erishish uchun elektron ta'lim resurslaridan foydalanish va kompyuterli o'qitish texnologiyalarini qo'llash orqali erishish mumkin. Kompyuterdan o'qitish texnologiyasida talaba ta'lim jarayonida markaziy figura hisoblanadi. Ammo kompyuter o'qituvchi o'rmini bosa olmaydi, faqat unga qo'shimcha didaktik vosita bo'lib xizmat qiladi.

Shuni ta'kidlash kerakki, kompyuter texnologiyasi dasturlashtirilgan o'qitish g'oyasini rivojlantiradi. Kompyuterli o'qitish texnologiyasi – ta'lim oluvchiga kompyuter orqali informatsiyani (axborotni) tayyorlash va uzatish jarayonidir.

A.A.Abdugodirov “Ta'limning kompyuter texnologiyasi - kompyuter texnikasi, telekommunikatsiya aloqasi, shuningdek, axborotlarni ifodalash, uzatish va yig'ish, bilish faoliyatini nazorat qilish va boshqarishni tashkil etish bo'yicha o'qituvchining vazifalarini modellovchi interfaol dasturiy mahsuloti asosida ishni pedagogik sharoitini ishlab chiqishning metod, usul va yo'llari yig'indisi” deb ta'riflaydi.

Xorijiy tadqiqotchilar fikricha kompyuterli o'qitish texnologiyasi quyidagi 3 variantda amalga oshiriladi.

Kiruvchi texnologiya – fanning alohida bo'limlarni o'rganish yoki didaktik topshiriqlarni bajarishda kompyuterdan foydalaniladi.

Asosiy texnologiya – fanni to'liq kompyuter yordamida o'qitishda amalga oshiriladi.

Monotexnologiya – o'quv jarayonini tashkil etish va o'qitish kompyuterlar yordamida amalga oshiriladi.

Kompyuterli o'qitish texnologiyasini qo'llash orqali ta'limni tashkil etish, nazorat qilishning yangi – sifat bosqichiga o'tiladi. Unda o'qituvchi va talaba munosabatidagi bog'lanish, aloqalar tubdan o'zgaradi, ta'lim mazmuniga pedagogik ishlov berish metodikasi yangilanadi, o'quv materialini to'liq o'zlashtirish davri boshlanadi, teskari aloqa mohiyati

jihatidan yangilanadi, ta'limga qo'shimcha yoki o'zgartirish kiritish, zaruriy paytlarda uni takrorlash imkoniyatlari oshadi.

Xulosa va takliflar. Oliy talim muassasasi ta'limida ixtisoslik fanlardan o'quv-uslubiy materiallarni ishlab chiqish jarayonini tashkil etish va boshqarishni metodikasini ishlab chiqishda ta'limni boshqarish tamoyillari hamda qonuniyatlari e'tiborga olindi.

Ixtisoslik fanlardan ishlab chiqiladigan zamonaviy o'quv materiallari qiziqarli va o'ziga jalb qiluvchi bo'lishi talabaga o'z malakasini, bilimini, tushunchalarini va dunyoqarashini takomillashtirishga imkoniyat ishlab chiqishi; rasmiy o'quv dasturida talab etilgan materialni o'z ichiga olishi; tushunarli va o'qishga qulay bo'lishi va talabalarning yoshi va imkoniyatiga mos ravishda yozilishi; turli saviyadagi talabalar va o'qituvchilarga yordam berishi va ularning barchasi uchun mashqlar berilishi; talabaga o'tayotgan mavzusini tushunishda yordam beradigan misollar, masalalar, hayotiy holatlar va amaliy mashg'ulotlar bilan ta'minlanishi; nazariy g'oyalarni tushuntirishda yordam beradigan rasm va diagrammalar mavjud bo'lishi; respublikamizning milliy va madaniy an'analari hamda milliy qadriyatlarini hamda xorijiy ilg'or tajribalarni hisobga olishi zarurligi; bakalavriatda o'qitiladigan fanlar bilan uzviylik ta'minlanishi kerakligi tavsiya etildi.

Biz tomondan ishlab chiqilgan o'quv materiallarini ishlab chiqish jarayonini tashkil etish va boshqarish metodikasi amalda joriy etilganda yanada sifatli darslik va o'quv qo'llanmani ishlab chiqishga erishishi mumkinligi asoslandi.

Adabiyotlar:

- 1 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi-yana rivojlanirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. www.lex.uz.
- 2 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlanirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-sonli qarori. www.lex.uz.
- 3 Abduqodirov A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – Toshkent: Iste'dod, 2008. – 180 b.
- 4 Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. - Toshkent: O'zbekiston, 1992. - 160 b.
- 5 Babanskiy YU. K. Optimizatsiya uchebno-vospitatelnogo protsessa. Metodicheskie osnovy. – M.: Pedagogika, 2005. – 193 s.
- 6 Begimkulov U.S.H. Oliy pedagogik ta'lim tizimiga zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-pedagogik asoslari. Ped.fan. doktori dis. – Toshkent: TDP, 2007. – 250 b.
- 7 Gayduchenok I.A. Slovo o lichnosti: Filosofskoe esse // Minsk: Nauka i tekhnika, 1990. – 157s.
- 8 Djuraev R.X., Taylakov N.I. Sozdanie elektronnykh uchebnikov: teoriya i praktika. - T.:O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2007. - 192 s.
- 9 Djuraev R.X. Organizatsionno-pedagogicheskie osnovy intensivatsii sistem professionalnoy podgotovki v uchebnykh zavedeniyakh professionalnogo obrazovaniya: Avtoref. diss. ... dok.ped.nauk. - SPb.: 1995. – 43 s.
- 10 Djo'raev R.X. Ta'limda interfaol texnologiyalar.–Toshkent, 2010.-87 b.
- 11 Dolgorukov, A.M. Metod case-study kak sovremennaya tekhnologiya professionalno-orientirovannogo obucheniya. – Rejim dostupa: <http://evolkov.net/learn/methods/case.study.html>.
- 12 Muslimov N.A. Kasb ta'limi o'qituvchisini kasbiy shakllan-tirishning nazariy-metodik asoslari. Ped.fan. dokt. ... diss. –T., 2007.-349 b.
- 13 Nuridinov B.S. Kasb ta'limi o'qituvchilari malakasini oshirishda faol o'qitish metodlaridan foydalanishning ilmiy-metodik asoslari: Dis. ... ped. fan. nozd. –Toshkent: O'MKHTTKMO va UQTI, 2002.–128 b.
- 14 Ojegov S.I., SHvedova N.YU. Tolkovnyy slovar russkogo yazyka / S.I.Ojegov, N.YU. SHvedova. -M.: 1992. - 960 s.
- 15 Olimov Q.T., Mirzaxmedov.B.M. Kasb-hunar ta'limi tizimida maxsus fanlardan o'quv adabiyotlarning yangi avlodini yaratish muommolari // Uzluksiz ta'lim.-2004.- №5.-B. 22-26
- 16 Olimov Q.T., M.S. Sayidaxmedova, D. F. Jalolova, M. Q.Bozorova, M.L.Boltaeva, A. A. Alimov. Pedagogik texnologiyalar o'quv qo'llanmasi. –T.: «Fan va texnologiya», 2011, 300 bet.

РЕЗЮМЕ

Ixtisoslik fanlardan zamonaviy o'quv materiallarini ishlab chiqish jarayonini tashkil etish bosqichlari ilmiy jihatdan asoslab berildi. Ixtisoslik fanlardan elektron o'quv materiallar ishlab chiqish va takomillashtirish bo'yicha o'tkazilgan izlanishlar, hamda ularni o'quv jarayonida foydalanish davomida olib borilgan kuzatuvlar va tahlillar

natijasida elektron o'quv materiallar o'quv materialini bosma o'quv materiallariga nisbatan induktiv yondashish, eshitish va emotsional xotiralarga ta'sir qilish yo'llari bilan etkazish orqali talabalarning tushunishini engillashtiradi. Elektron o'quv materiallar talabalarining tayyorgarlik darajasiga, intellektual imkoniyatlariga moslashtirilgan bo'lib, maxsus fanning mohiyatiga diqqatni jalb etgan holda ko'p sondagi ma'lumotlarni va topshiriqlarni qarab chiqishi va boshqarishiga imkon yaratishi ko'rsatib berildi. Elektron o'quv materiallar talabalarga bilimlarini tekshirib ko'rish, ishini chiroyli va aniq rasmiylashtirishlariga va uni o'qituvchiga fayl yoki qog'ozga chop etgan holda topshirishiga imkon beradi.

Ixtisoslik fanlardan xorijiy tajribalarga asoslangan zamonaviy o'quv-uslubiy materiallar ishlab chiqish jarayonini tashkil qilish va uni amalga joriy etish metodikasi ishlab chiqildi hamda uning samaradorligi asoslandi.

РЕЗЮМЕ

Научно обоснованы этапы организации процесса разработки современных учебно-методических материалов по предметам специальности. В результате исследований по разработке и совершенствованию электронных учебных материалов по предметам специальности, а также наблюдения и анализа их использования в образовательном процессе, электронные учебные материалы индуктивный подход к печатным учебным материалам, облегчает понимание студентами путем общения путем воздействия на слуховые и эмоциональные воспоминания. Было показано, что электронные учебные материалы адаптированы к уровню подготовки и интеллектуальным способностям учащихся, что позволяет им просматривать и управлять большим объемом информации и заданий, сосредотачиваясь на сути конкретного предмета. Электронные учебные материалы позволяют учащимся проверить свои знания, аккуратно и четко выполнить работу и сдать ее учителю в файле или на листе бумаги.

Разработана методика организации и реализации процесса разработки современных учебно-методических материалов на основе зарубежного опыта по профильным дисциплинам и обоснована ее эффективность.

SUMMARY

The stages of organizing the process of developing modern educational and methodological materials on specialty subjects are scientifically substantiated. As a result of research on the development and improvement of e-learning materials in specialty subjects, as well as observation and analysis of their use in the educational process, e-learning materials, an inductive approach to printed learning materials, facilitates students' understanding through communication by influencing auditory and emotional memories. It has been shown that e-learning materials are adapted to the level of training and intellectual abilities of students, which allows them to view and manage a large amount of information and tasks, focusing on the essence of a particular subject. E-learning materials allow students to test their knowledge, accurately and accurately complete the work and hand it over to the teacher in a file or on a piece of paper.

A methodology for organizing and implementing the process of developing modern educational materials based on foreign experience in specialized disciplines has been developed and its effectiveness has been substantiated.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

To'xtayeva Z.

*Buxoro muhandislik-texnologiya instituti "Tikuvchilik sanoatida innovatsion
texnologiyalar" kafedrası mudiri p.f.d. professor*

To'raqulova M.

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti tayanch doktoranti

Таянч сўзлар: техник ижодкорлик қобилиятлари, иқтидорли талабалар, стратегия, танқидий, Social Media Marketing (SMM), подкаст, Tedtalks.

Ключевые слова: технического творчества, одаренные студенты, стратегия, критика, Social Media Marketing (SMM), подкаст, Tedtalks.

Key words: technical creativity skills, talented students, strategy, SCAMPER, method, critical, Social Media Marketing (SMM), подкаст, Tedtalks.

Кириш. Олий таълим тизимида ижодкорона ёндашувни самарали амалга ошириш учун талабаларнинг ижодкорлик қобилиятларини фаоллаштирадиган қоидалар, тушунчалар, фактлар ва мустақил таълим шаклларида когнитив ва креатив вазибаларни очиб берадиган асосий жиҳатлар, ғояларни акс эттирувчи махсус ўқув дастурини яратиш керак. Ижодкорона ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш орқали ўқув мавзулари ва фанлар ўртасидаги турли хил дидактик алоқаларнинг ўзаро таъсирида тизимлиликни таъминлашга эришилади. Иктидорли талабаларнинг ижодкорлик қобилиятларининг ривожланишига янгича назар билан қаралаётган, замонавий таълим шароитида фанларни ижодкорона ёндашув асосида ўқитишда ўқув мақсадларини белгилашга алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда аффектив соҳа ҳам янада катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва риволантириш асосида таълим сифати ва самарадорлигига эришиш мақсад қилиб белгилади. Бу мақсадни амалга оширишда техник ижодкорликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларига аввало иктидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва танлаш каби масалаларни яъни талабалар иктидорли техник ижодкор талабани анкета, тест ҳамда техник ижодкорлик қобилиятларини аниқлашда ёрдам берувчи топширишлар орқали амалга оширилади.

Иктидорли талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятлари дарсда ва дарсдан ташқари ўқув-услубий методик ишларни ташкил этиш орқали шакллантирилади.

- Дарсда техник ижодкорлик қобилиятини шакллантириш технологиясини яратишда:
 - техник ижодкорликни шакллантирувчи методлардан фойдаланиш;
 - тақдимот-намоишлар қилиш;
 - онлайн ва офлайн семинар тренинглар;
 - амалий кўчма машғулотларни ташкил этиш (ишлаб чиқариш корхоналарида);
 - индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлаш;
 - топшириқлар ва муаммолар тизимини ишлаб чиқиш;
 - ўқув-амалий тренинглар ўтказиш орқали эришилади.

Техник ижодкорликни шакллантирувчи методлардан фойдаланиш самарали ўқув жараёнини ташкил этиш меъзонларидан биридир. Хусусан, “Critical thinking development” методи, “SCAMPER” стратегияси, “Violent attack of thoughts” ва “Paradokslar”, “Classic couple strategy”- методлари шулар жумласидандир.

“Critical thinking development technology” («Танкидий фикрлашни ривожлантириш технологияси») методи мазмуни шундан иборатки, ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёнидир. Бироқ танкидий фикрлаш – билиш фаолиятининг юқори даражаси сифатида талабаларда матн билан ишлаш қўникмасини ривожлантиришга, оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашга, мазкур матн бўйича курсдошлари билан биргаликда ҳаракатда бўлишига қаратилган педагогик технология. Танкидий фикрлаш – ўқув аудиториясидаги руҳиятни ўзгартира оладиган стратегиялар мажмуидир, яъни машғулот педагог ва талабаларнинг ижодхонасига айланади.

“Violent attack of thoughts” (“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”) методи – ижтимоий, гуманитар ва мутахассислик йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин. Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади.

“Фикрларнинг шиддатли ҳужуми” методини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;
- вақтни тежаш;
- ҳар бир ўқувчи-талабани фаолликка ундаш;
- уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш мумкин.

SCAMPER мнемоник схемаси substitute (алмаштирмак/ўзгартирмак), combine (бирлаштирмак), adapt (мослаштирмак), modify (ўзгартирмак/бошқа шакл бермак), maximize/minimize (максималлаштирмак/минималлаштирмак), put to other uses (бошқа соҳа/усулда қўллаш), eliminate (олдини олмак) ва rearrange (қўлланилишини ўзгартириш) каби стратегиясини қўллаш асосида талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантиришга эришдик.

Парадокс (- юнонча “paradoks” «кутилмаган; ғалати», - юнонча “para” “қарши, зид” ва - юнонча “doks” «фикр; тахмин») кенг маънода – умумий қабул қилинган фикрдан ажралиб турадиган ва мантиқсиз ёки ажлга зид кўринадиган (кўпинча факат юзаки тушунча билан) янги баён, фикр, мулоҳаза каби тушунчаларни англатади. Парадокслар методи мазмуни педагог маърузани олиб бориш жараёнида талабаларнинг қарама-қаршилиққа (тушунчалардаги, билимлардаги) дуч келишларини таъминлайди. Бундай вазият асосан талабанинг тушунчаларидаги адашишлар ва хатоликлар билан боглиқ. Демак, бу муаммоли вазият талабаларнинг олдинги фикр, тушунчалари ва хулосаларига қарама-қарши, парадоксал бўлган вазиятдир. Ижодий фикрлай оладиган талаба амалларнинг бажарилиши жараёни эмас, балки мазкур амалнинг ўзи хато эканлигини аниқлай олади (бундай талаба топилмаса, ўқитувчининг ўзи бунни ошқор қилишига тўғри келади).

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). “Classic couple strategy” (“Классик жуфтлик стратегияси”) методи – ҳамкорлик таълими технологиясининг кўриниши ҳисобланади. У ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳлар ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим бўлиб:

- унинг асосий ғояси ўқув топшириқларини жуфтликда биргаликда, ўзаро ҳамкорликда бажаришдан иборатдир. Унинг моҳияти:
- таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирлиكنинг қарор топишига эришиш билан ифодаланади.

Мазкур метод талабаларда интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний қобилият, кизикиш, мотивларни ривожлантириш асосида дунёқарашни ҳосил қилиш мақсадини илгари суради. “Classic couple strategy” методида таълимнинг устувор тамойиллари қуйидагилар:

1. Жуфтликнинг ўзаро бирлиги, унга кўра таълим жараёнида ўқув материаллари жуфтликнинг ўзаро бирликдаги ҳаракатлари асосида ўзлаштиради, педагог яхлит ўқув материални жуфтликни шакллантириш асосида улар томонидан самарали, пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитни яратиб беради.

2. Жуфтликда ҳар бир аъзонинг шахсий ҳамда ҳамкорликдаги муваффақияти учун жавобгарлиги таълим олувчиларнинг ўзаро, биргаликда таълим олишини таъминлаш билан бирга ҳар бир талабанинг жуфтликда ўзининг ички имкониятини тўла рўёбга чиқара олиши учун қулай муҳитни яратиб беради. Классик жуфтлик ишининг уму-

мий баҳоланиши, натижа учун жавобгарлик, муваффақиятга эришиш учун масъулияти унинг стратегик аҳамиятли жиҳатларидир.

3. Классик жуфтликда ҳамкорликка асосланган ўқув-билиш фаолиятининг ташкил этилиши, бунда талабалар ўқув-билиш фаолиятини жуфтликка бириккан ҳолда ташкил этилиши назарий ҳам амалий характерга эга машғулотларда ҳам бирдек таъминланади. Назарий машғулотларда талабалардан таркиб топган жуфтликка нисбатан мураккаб бўлмаган ва қисқа муддатда ечиш мумкин бўлган ўқув топшириқлари берилса, амалий машғулотларда эса бир қадар мураккаб вазифалар берилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам талабалар жуфтликда имкониятларни ягона нуқтага тўплаган ҳолда ўқув топшириқларини самарали бажариш, ўқув материални пухта ўзлаштиришга эътиборни қаратади.

4. Жуфтлик ишининг умумий баҳоланиши. Ҳамкорлик таълимига кўра жуфтликда ишлаган барча талабаларнинг фаолияти бевосита шергининг умумий фаолияти негизида баҳоланади. Бу ҳолат ҳар бир талабада масъулиятни янада оширишга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир талабанинг фаолияти, ёндашуви, фаоллиги жуфтлик фаолияти самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Тақдимот ва намоёнликлар ўрганиладиган мавзу моҳиятини компютер хизматларидан фойдаланилган ҳолда слайдлар ёрдамида очиб берилишини таъминлайди. Уни қўллашда мавзунинг асосий ғоялари, таянч тушунчалари, муҳим хусусиятлари кичик матн, жадвал, расм, схема ва диаграммалар асосида ёритилади. Тақдимот ва намоёнликлар талабалар онгида мавзунинг образли яхлит тарзда шаклланиб ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда кўмаклашади.

Амалий кўчма машғулотларни ташкил этиш (ишлаб чиқариш корхоналарида) талабаларда техник ижодкорлик қобилиятларни бевосита шаклланиб, такомиллаштиришда ўзининг муҳим аҳамиятига эгадир. Бундай кўчма машғулотлар талабанинг назарий олган билим ва кўникмаларини бир-бирига боғлаб, ижодий онгни кенгайтириб мустаҳкамлайди.

Дарсдан ташқари талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятини ривожлантирувчи методик ишларни ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқишда тўғарақлар ва “Technical creativity center” “Техник ижодкорлик маркази” фаолиятини йўлга қўйиш, талабаларнинг илмий амалий-анжуманларда иштирокини таъминлаш, халқаро ва Республика инновацион танловларда иштироки, фан олимпиадаларда иштироки кабиларни ташкил этиб, улар орқали техник ижодкорлик кўникма ва малакаларни шакллантиришга эришиш мумкинлигига амин бўлди.

Иқтидорли талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида таълим сифати ва самарадорлигига эришиш учун қатор вазифаларни бажаришни талаб этади техник ижодкорлик, креативлик, изланувчанлик, танқидий фикрлаш, когнитивлик, мантикий фикрлашни шакллантириш билан бир қаторда замонавий касблар (IT smm pro, дастурлаш ва лойиҳалаш, мнемоника) ни ўрганиш, техник ижодкорлик қобилиятларни тўла юзага чиқариш учун шахсий фазилятларни ривожлантириш.

SMM атамаси Social Media Marketing сўзларининг бош ҳарфидан ташкил топган. Бу соҳа ижтимоий тармоқларда маркетинг билан шуғулланишни англатади. Ҳар қандай ижтимоий тармоқда сайт, маҳсулот ёки хизматни оммалаштиришга қаратилган ҳаракатлар SMMга мисол бўлиши мумкин. SMM Pro курси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: маркетинг назарияси, Дигитал маркетинг йўналишининг дастлабки кўникмалари, чуқурлаштирилган SMM стратегияси, турли платформаларда ишлаш учун техник кўникмалар, Google сервис хизматларидан фойдаланиш, кучайтирилган

таргет сабоқлари, жамоа билан ишлаш ҳамда назорат қилиш, инфлуенсе маркетинг ҳамда PR, YouTube маркетинг.

Дастурлаш электрон машиналарда масалаларни ечиш ҳамда уларда ҳар хил ақлий меҳнат турларини бажариш назарияси ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан бўлиб, алгоритмлар назариясининг амалий бўлими, инсоннинг машина билан алоқа қилиш воситаси. Асосий вазифаларидан бири электрон машиналар учун программа (дастур) тузиш усуллари, уларни текшириш ва такомиллаштиришдан иборат. Ечилиши лозим бўлган масала алгоритми дастурлашда „машина тили“га ўтказилади.

Техник ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришда талабаларнинг лойиҳалаш кўникмаларини эгаллашлари муҳимдир. Лойиҳалаш мўлжалланган объектлар (аппарат ва асбоблар, бино ва иншоотлар, йўл ва кўприклар, машина ва жихозлар, самолёт ва космик кемалар, радиоприёмник ва телевизорлар, телефон ва компьютерлар, кийим-бош ва пойабзаллар, мебеллар ҳамда бошқа турли-туман маҳсулотларнинг янги хиллари ва намуналари)ни қуриш ва яратиш учун уларнинг лойиҳаларини тузиш ва чизиш жараёни. Лойиҳалаш фан ва техниканинг барча соҳаларида қўлланилади. Лойиҳалаш ишлари иқтисодий ва техникавий ҳисоб-китоб, смета тузиш, чизмачилик ва чизмаларни кўпайтириш амалларини ўз ичига олади, чизмалар асосида кўпинча объект (бино, машина ва б.)нинг макети тайёрланади. Бирор бир объектни индивидуал (якка тартибда) ва типавий (оммавий тартибда) лойиҳалаш мумкин. Лойиҳалаш ишлари соҳалар бўйича ёки ихтисослаштирилган тарзда бўлиши мумкин. Бирор объектни лойиҳалашда стандартлаштирилган деталлар, агрегатлар, узеллар ва меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилади.

Ҳозирги кунда талабалар ўртасида хотира сустиги жуда кўп учрамоқда. Аслида эса, уларда хотира эмас, балки қузатувчанлик қобилияти яхши ривожланмаган. Талаба ёшлар, умуман олганда барча инсонлар учун ҳам қузаатиш зарур. Бу хотирани яхшилашнинг бир усули, десак ҳам бўлади. Хотирани мустаҳкамловчи яна бир асосий омиллардан бири бу овоз чиқариб ўқишдир. Линкольн онгига керакли маълумотни акс эттирмоқ учун икки ҳис-туйғу аъзосидан фойдаланган. У “Мен қачон овоз чиқариб ўқисам, фикр иккита ҳис этиш аъзоси орқали қабул қилинади. Биринчидан, нимани ўқисам, ўшани кўраман, иккинчидан, мен уни эшитаман, шунинг учун жуда яхши эслаб қоламан,” деган. Шундай экан талабаларда техник ижодкорликни шакллантиришда мнемоника (эслаб қолиш санъати)ни ривожлантириш орқали самарали натижага эришиш кўзда тутилади. Мнемоника сунъий ассоциациялар ҳосил қилиш йўли билан эсда қолишни осонлаштирувчи ва хотира ҳажмини кенгайтирувчи усуллар тизими бўлиб, бунда сўзларни эслаб қолиш учун уларни бош ҳарфларини бирлаштириб, сўз ясаб уудалай олиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, юксак хотирага эга бўлиш уудалаб бўлмас иш эмас. Аслида у жуда осон: қузатувчанлик, диққатни жамлашни ўрганиш, саналарни ёдда сақлаб қолиш учун суратлар билан боғланиш, исми эсда сақлаш учун унинг маъносини билиш, қандай ёзилишига эътибор бериш, дарсликларни қайта-қайта такрорлаш орқали эсда қолдириш.

Техник ижодкорликка ёндашилган ўқув жараёнини ташкил этишда турли хил электрон, матнли, визуал каби таълим воситаларидан биргаликда фойдаланиш таълим сифатини оширади. Электрон воситалар аудио ва видео, подкаст, Tedtalks, дастурлар

Подкаст - бу аудио файл. Бу серверда Интернет орқали хоҳлаган вақтингизда тингланиши мумкин бўлган тарзда жойлаштирилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда, уни Интернетга эҳтиёж сезмасдан хоҳлаганча тинглаш учун уни компютерга юклаб олиш имконияти мавжуд (одатда Мр3 форматида амалга оширилади). Подкастларнинг икки тури мавжуд: аудио ва видео.

Таълимда техник ижодкорликнинг тутган ўрни бекиёс бўлиб, жумладан инглиз олими (педагог), ижодкорлик бўйича эксперт ҳамда ижодий фикрлашни ривожлантириш бўйича маърузачи ва маслаҳатчи Кен Робинсон птаълим соҳасида ижодкорлик зарурлигига бағишланган маъруза (TED Talks)лари бутун дунё талабалари учун фойдали қўлланмадир.

TED Talks – бу ўзини қизиқтирган ва мутахассиси бўлган соҳадаги долзарб мавзу ҳақида кенг аудиторияда маъруза ўқиш. TED Talksнинг кучи асл ғоялар, тушунарли, фойдали контент ва таъсири тақдирот кўникмаларидан иборатдир. Бу эса талабаларда ижодкорликка бўлган қизиқиш ва мотивацияни оширади.

Талабаларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш таълим жараёнини баҳолашда репродуктив, ижодий-изланиш, creativ-project, фаолиятли-leadership мезонлар қўлланилади. Талабаларнинг техник ижодкорликка тайёргарлик даражаси эса репродуктив (соҳага оид ахборот билан ишлаш), фаолиятли-leadership (касбий фаолиятда лидерликни амалга ошириш), илмий-изланишли (тадқиқот ишлари олиб бориш), креатив-project (касбий фаолиятда ижодий лойиҳалаш) масалаларида намоён бўлади. Баҳолашни талабалар ижодкорлигининг тайёргарлик даражасига қараб даражаларга ажратдик. Улар қуйидагилар: репродуктив (паст даража) да иқтидорли талабаларнинг фанга ва соҳага оид ахборотлар тизими билан ишлаш қобилиятларини баҳолаш мумкин бўлади. Ижодий – изланиш (ўрта даража) бунда талаба ёшлардаги берилган топшириқга асосланган изланувчанлиги, адабиётлар таҳлили билан ишлаш қоидаларига риоя қилинганлиги, ҳар бир илмий изланишда ижодкорона таҳлилнинг мавжудлиги билан баҳоланади. Креатив – project (юқори даража) албатта юқорида таъкидланганлардан фарқли равишда талаба ўрганилаётган мавзу доирасидан мустақил техник ижодкорлик намуналарини лойиҳалаш имконини берадиган даража ҳисобланади. Фаолиятли – lidership (ўта юқори даража) бу ўз номидан келиб чиққан ҳолда иқтидорли талаба шахсини камол топанлиги яъни репродуктив, ижодий-изланиш, креатив-project каби фаолиятнинг натижасида иқтидорли техник ижодкор лидер талаба шахсининг шаклланиб камол топиши билан баҳоланади. Лидерлар ўзлари техник ижод махсулотларни эркин ярата оладилар.

Техник ижодкорликка ёндашилган ўқув жараёнини самарали ташкил этилиши натижасида иқтидорли талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятларининг шакллانганлиги ва ривожланганлигига эришилади.

Талабаларни соҳага оид кўникма ва малакаларга ўргатишда нефт ва газкимё саноати технологияси ихтисослик фанлари бутунлигича шу касб хусусиятига мос тушиши, фаолият турлари тўлиқ ёритилиши учун фаннинг давоми сифатида ўқитилиши ва ундан олинган билим бу учун асос вазифасини бажариши керак. Узлуксиз таълим тизимида талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни амалга оширишда умумкасбий ва ихтисослик фанларидаги ўқув материалларини таълим турлари ва курслар ўртасида тўғри

тақсимлаш ҳамда уларда техник ижодкорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда олий таълимнинг босқичлари ва курсларида билимлар мантиқий жиҳатдан бир-бирини тўлдириб бориши, ўқув предметлари мазмуни (ўқув режаси, фан дастури) ижодкорликни таъминлашга қаратилиши, ўқув материалларининг баёнида маълум кетма-кетлик, яхлит тизим бўлиши лозим.

Адабиётлар:

1. М.Қ.Тўрақулова “Самарқанд вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика Илмий - амалий анжумани материаллари Самарқанд –2020. – 248 б
2. М.Қ.Тўрақулова “Иктидорли талабалар билан ишлашда таълим турлари ва воситаларини танлаш”. Pedagogik mahorat. Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 5-son, Vuxoro 2019-yil. 104-108 б
3. Курсовая работа по теме: «Особенности творческих способностей студентов технических и гуманитарных специальностей» Сарычева М.П..5-7ст Таганрог 2011
4. Сарычева М.П. Особенности творческих способностей студентов технических и гуманитарных специальностей. Таганрог, 2011. – Стр. 7.
5. Афанасьева И.В. Вопросы интеграции науки и образования. Таълим технологиялари. – № 4. Тошкент, 2007. – С. 24-25.
6. Winner E. The origins and ends of giftedness // American Psychologist. 2000. V. 52. P. 159
7. Алдер Г. IQ или Мускулы творческого интеллекта. М., 2004. – С.10
8. Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. : Питер; спб.; 2009
9. Kanalda salud de mapfre «Kognitiv buzilish nima va uning turlari qanday?»
10. Шаров А.С. Творчество: истоки, механизмы, концепция // Гуманитарные исследования: Ежегодник. Омск, 1998. Вып. 3.
11. Шаров А.С. Ограниченный человек: значимость, активность, рефлексия. Омск, 2000.
12. Холодная М.А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. СПб.: 2002.
13. Холодная М.А. Перспективы исследований в области психологии способностей // Психологический журнал. 2007. – № 1. – С. 28–37.
14. Филимоненко Ю.И., Торопова О.Б. Интуиция: проявления и психологические факторы // Ананьевские чтения: Материалы научно-практической конференции. СПб.: 2007. – С. 250–251.
15. Фор М.В. Динамика интеллекта и креативности в период взрослости // Ананьевские чтения, 2007: Материалы научно-практической конференции. СПб., 2007. – С. 252–253.
16. Фаттахова А.Т. Психологические факторы интуиции (на примере атрибуции личностных качеств): Сборник статей по материалам лучших дипломных работ выпускников факультета психологии СПбГУ 2006 г. СПб.: 2007. – С. 136–141.
17. Сулейманов Р.Ф. Психологические основы профессионального мастерства музыканта-инструменталиста. СПб.: 2003.
18. Сусоколова И.А. Трудности тестирования креативности: Материалы IV Всероссийского съезда Российского психологического общества. – М., 2007. – Т. 3. – С. 221.
19. Степаносова О.В. Современные представления об интуиции // Вопросы психологии. – М., 2003. № 4. – С. 133–143.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада иктидорли талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда фойдаланиладиган ўқув-услубий ҳамда илмий асослари келтирилган бўлиб амалиётга татбиқ этилган стратегиялар ёритиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлены учебно-методические и научные основы, используемые при формировании навыков технического творчества у талантливых студентов, и выделены стратегии, применяемые на практике.

SUMMARY

In this article, the educational-methodical and scientific bases used in the formation of technical creativity skills of talented students are presented and the strategies applied to practice are highlighted.

БЎЛАЖАК МЕНЕЖЕРЛАР КАСБИЙ МОБИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Низамова М.Н.

Наманган давлат университети, “Таълим менежменти” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мобиллик, касбий мобиллик, бўлажак менежерлар, функциялар, тузилма, ҳаракатчанлик, академик, касбий, шахсий, коммуникатив, инновацион, ахборот, когнитив.

Ключевые слова: мобильность, профессиональная мобильность, будущие менеджеры, функции, структура, мобильность, академическая, профессиональная, личностная, коммуникативная, инновационная, информационная, познавательная.


Key words: mobility, professional mobility, future managers, functions, structure, mobility, academic, professional, personal, communicative, innovative, informational, cognitive.

Таълим сифати ва педагогларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талабларнинг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ўқитувчининг ўз фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ташкиллаштиришни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуктаи назардан, Олий таълим муассасаларида бўлажак менежерлар касбий мобиллигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда замонавий мутахассис нафақат ўзининг касбий маҳорати, юқори малака даражаси, балки интеллект, инновацион жараёнлардаги фаол иштироки, ахборотларни тезкор топиш, қайта ишлаш, ҳаракатчан ва ташаббускор бўлиши зарур. Мазкур талаблар барча соҳа мутахассисларидан узлуксиз равишда ўқиш, билимларини ривожлантириш, ўзгаришларга тезкор мослашиш ва қарорлар қабул қилиш, миссиясини ростлаши ҳамда доимий фаол бўлишини ифодаловчи касбий мобилликни ўзида ривожлантириш заруриятини белгилайди.

Сўнги йилларда таълим жараёнида мобиллик атамасидан кўп фойдаланилмоқда ва у истеъмолдаги тушунчага айланиб бўлди. Дастлаб «мобиллик» сўзининг маъносига тўхталсак. “Мобиллик” атамаси латинчада “mobilis” – ҳаракатчан, кўзгалувчан, “ҳаракатчан, тезкор ҳаракатга, кўзғалишга лаёқатли”, “ҳиссий ҳолатларнинг алмашиши, тафаккур тезлигининг намоёйиши, енгил ва тез-тез ўзгарувчан, бир жойдан иккинчи жойга тезкор кўчишга лаёқатли бўлиш” каби маъноларни англатади.

Демак, лугавий изоҳларга таянган ҳолда, ўз-ўзини доимий ривожлантириб бориш, ўзгаришларга, янги ва қутилмаган вазиятларга тезкор муносабат билдириш ва мослашиш қобилиятига эга касб эгасига нисбатан мобил тушунчасини қўллашимиз мумкин экан. Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлган бўлажак менежерлар ўзининг бош ғоясини тўла англайди, келажақда менежерлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини онгли равишда таҳлил қилади, касбий фаолликни намоёйиш қилади ва амалий ҳаракатларга киришувчан бўлади. Таъкидлаш жоизки, мобилликни фақатгина шахснинг жисмоний ҳаракатчанликка бўлган қобилияти эмас, балки унинг психологик хусусиятлари, фикрлаши ва ҳиссий жараёнлардаги ҳаракатчанлиги сифатида ҳам изоҳлашимиз лозим.

Мобиллик тушунчаси дастлаб ўтган асрнинг бошларида америкалик социолог олим П.А.Сорокин тадқиқотларида учрайди. Унинг фикрича мобиллик “инсоннинг ёки ижтимоий объектнинг маълум бир ижтимоий вазиятдан бошқасига кўчиши”ни



1-расм. Мобиллик турларининг шаклланганлиги

алмашиши, тилларни ўрганиши, маданиятлараро кўникмаларини ривожлантириши орқали ҳаётда ўз ўрнини топиши ва иш жойи билан таъминлай олиш даражасида кўмак беришига эътибор қаратдилар. Улар, мобиллик тушунишчасига – таълим воситаси, шарти ёки омили сифатида қараш имкони эканлигини таъкидлайди.

Таълим соҳасига мобиллик атамаси “академик мобиллик”, “касбий мобиллик” тушунчалари шаклида амалиётга кириб келди. Мобиллик тушунчаси педагогик амалиёт ва тегишли адабиётлар таҳлилида қуйидаги кўринишларда шаклланганлиги ҳамда ривожланганлигини эътироф этиш мумкин: академик, касбий, шахсий, коммуникатив, инновацион, ахборот, когнитив (1-расм).

Таълимда мобиллик турларининг мазмунига аниқликлар киритамиз ва улар қуйидагича:

Академик мобиллик – талаба ёки ўқитувчиларнинг мамлакатдаги ёки хориждаги Олий таълим муассасаларида келишув асосида маълум муддат ўқиш ёки дарс беришини англатади.

Касбий мобиллик – «профессионал мобил қобилият» - бу шахснинг тез ва муваффақиятли ишлаш қобилияти ва тайёрлиги лекин янги техника ва технологияни ўзлаштириш, этишмаётган билимларни эгаллаш янги касбга йўналтириш самардорлигини таъминлайдиган билим ва кўникмалар фаолияти.

Шахсий мобиллик – шахсий ҳаракатчанлик ишда индивидуал хусусиятларга (фаоллик, пластика, мослашувчанлик, мослашувчанлик, юқори энергия) асосланган интеграл шахсий сифат сифатида белгиланади ва субъектнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятида мақсадлилиқ, мустақиллик, янги тажрибага очиқлик шаклида намоён бўлади. Ижодкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш учун мотиватсия, тезкор қарор қабул қилиш.

Коммуникатив мобиллик – бу ҳар қандай нутқий вазиятда тез ва адекват жавоб беришга қодир бўлган шахснинг хусусиятлари. Бироқ, нутқ ҳолатлари орасида чет тилини билишни талаб қиладиган ҳолатлар, яъни чет тил маконидаги нутқ вазиятлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, замонавий мутахассис турли хил ижтимоий ва, албатта, касбий вазиятларда эркин ҳаракат қилишга, тегишли жавоб беришга ва чет тилида мулоқот ҳаракатини бажаришга тайёр бўлиши керак.

Инновацион мобиллик – ўқитувчининг инновацион ҳаракатчанлиги - бу нафақат «инноватсиялар ўртасидаги», балки «инноватсиялар доирасидаги» космос-

ифодалайди. Тадқиқотчи индивидуал ва гуруҳли ижтимоий мобилликни тадқиқ қилиш асосида уларни вертикал ва горизонтал турларга ажратади. Мазкур тушунчанинг вужудга келишини дунё миқёсида инсон мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган жараёнлар сифатида ифодалаш зарурияти, деб қайд этади.

Сорокиннинг тадқиқотлари кейинчалик кўплаб социолог олимлар томонидан давом эттирилди ҳамда мобилликнинг инсон капиталининг бойишига, унинг шахсий ривожланиш, янги билимларни эгаллаши ва

даги ҳаракатчанлиги, нафақат касбий фаолиятда янги нарсаларга ўтиш ёки индивидуал инноватсион лойиҳаларни амалга ошириш, балки ушбу соҳада ишлаш қобилиятидир. янгини анъанавий билан бирлаштирган жамоа, янги шароитларда анъанавий тажрибани яхшилаш имкониятларини кўринг.

Ахборот мобиллик – жамиятнинг ахборот ҳаракатчанлигини сезиларли даражада оширади, бу эса капитал ва ишчи кучининг самаралироқ тармоқларга оқибини тезлаштиради ва шу билан бутун иктисодиётни янада самаралироқ қилади. Компютерлаштириш хусусий секторда ҳам, давлат секторида ҳам меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширади.

Когнитив мобиллик – бўлажак мутахассиснинг бошқарув фаолиятидаги ўзгарувчан вазиятларда муаммоларни ўз вақтида ва конструктив ечимини топишга доир тайёрлиги ва қобилиятини таъминловчи шахсий, эҳтиёж-мотивли, мазмунли-фаолиятли, креатив, коммуникатив ва ахборот компонентларидан иборат бўлган интегратив касбий-шахсий хусусиятидир.

Таъкидлаш мумкинки, бир қатор рус олимлари мобиллик бўйича тадқиқот ишларини олиб борган ва улар томонидан ушбу тушунчага изоҳлар ва таърифлар бериб ўтилган. Жумладан, Л.В.Горюнова касбий мобилликнинг назарий моделини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, касбий мобиллик модели шахснинг таълим соҳасида касбий компетенциялардан иборат яхлитлик, ўзгаришларга тайёрлик ва фаоллик каби сифатлардан таркиб топишидир. Тадқиқотчи замонавий дунёнинг “юқори даражадаги турбулентлик” шароитида ўқитувчи учун узлуксиз ўқиш ва қайта ўқиш, ўзгаришларга тезкор мослашиш, мустақил равишда ўз мавқеини ошириб боришни бошқариш имконини берувчи тузилма ва қобилиятларнинг муҳимлигини асослайди.

Рус педагог олимларидан Е.А.Поддубскаянинг фикрича, тушунчанинг моҳиятини таълим олувчиларнинг ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида бирлашган ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган компонентларнинг мураккаб тизимини ифодаловчи таълим жараёни нуқтаи назарида педагогик ҳодиса сифатида таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқотчи когнитив мобилликни педагогик ҳодиса сифатида талқин қилар экан, уни қадриятли-мазмунли, ривожлантирувчи-баъзоратловчи, тартиблаштирувчи-коррекцион ва рефлексив-рағбатлантирувчи функциялари орқали ёритиш мумкинлигини эътироф этади. Мазкур функцияларни белгилашда когнитив мобилликнинг ифодаланиш даражаси сифатида педагогнинг касбий-шахсий тавсифи ҳамда таълим мақсадлари унумдорлигига эришилиши орасидаги маълум қонуниятларга асосланган алоқалар инобатга олинган.

Тадқиқот таҳлиллари асосида касбий мобиллик моҳиятини ифодаловчи функцияларга қуйидагича ёндошилди:

Қадриятли-мазмунли функция. Муқаррар равишда касбий турғунликни вужудга келтирувчи адаптив хатти-ҳаракатлар моделига қарши ўлароқ бўлажак менежерларнинг эркин танлов шароитида онгли равишда касбий ривожланиш имконини афзал кўриши ва қўлдан бой бермаслигини ифодалайди. Бўлажак менежерларнинг узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириши ва ўз фаолиятини лойиҳалаштиришга йўналганлигининг таълимий ва ижтимоий-маданий муҳитдаги доимий ўзгаришлар

вазиятида заруриятга айланиши. Бўлажак менежерларнинг касбий-шахсий ривожланишида шахсий ва ижтимоий муҳим бўлган мазмуннинг яратилишига, маданий-маънавий тажрибанинг сақланиши ва бойишига кўмаклашади.

Ривожлантирувчи-башоратловчи функция. Бўлажак менежерлар учун касбий фаолиятнинг мўлжалланган моделларини лойиҳалаштириш ва уларни амалга ошириш учун истикболли дастурларни ишлаб чиқишни ифодалайди. Бўлажак менежерларнинг таълим жараёнини тизимли таҳлил қилишга нисбатан турли даражаларда вужудга келадиган зиддиятларни қайд қилиш, кузатиш, ўрганиш ва ташхис қилиш имконини беради. Бу вазиятларда конструктив счим: бўлажак менежерларнинг таълимга доир эҳтиёжлари ва ўқитувчининг вазиятни ўзгартиришга тезкор муносабати ўртасидаги номувофиқлик; шахсий аҳамиятга эга бўлган билимни лойиҳалаш устуворлигининг шаклланиши ва мутахассисда ахборотлар билан мустақил ишлаш кўникмасининг етарли эмаслиги; касбий фаолият давомида вазиятга ва унинг оқибатларига таъсир кўрсатиш ҳақида ахборотга эга бўлмаслик.

Тартиблаштирувчи-коррекцияловчи функция. Бўлажак менежерларнинг ўз касбий фаолиятини бошқаришга ўргатиш, аввалдан режалаштирилган стратегиялар ва тактикаларни тартибга солиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишида турли хил ижтимоий-психологик омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш имконини ифодалайди. Тартиблаштирувчи-коррекцияловчи функция бўлажак менежерларнинг келажакда бошқарув фаолиятида назорат қилиш, моделлаштириш ва башорат қилишда яққол намоён бўладиган ички аниқловчи вазифасини бажаради.

Рефлексив-рағбатлантирувчи функция. Бўлажак менежерларнинг ўзини шахс ва ўз касбининг устаси сифатида узлуксиз ижодий қайта тиклашга мотивацион тайёрлигини шакллантириш омили бўлиб, касбий ва шахсий ривожланишда эгалланган даражасини тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва рағбатлантиришни ифодалайди. Рефлексияга бўлган эҳтиёж, шахсий фаолиятида унумдор бўлмаган натижаларини қайд қилиш кўникмаси бўлажак менежерларда доимий касбий изланишда бўлишга рағбатни пайдо қилиш ҳамда ўзини педагогик воқелик субъекти, деб билиш ва таълим жараёнини бутун ҳодиса сифатида англашга хизмат қилади.

Бўлажак менежерларнинг касбий мобиллиги унинг фаолияти мазмунини ўзгаришига тезкор мослашиш имкониятини яратади. Яъни, Бўлажак менежерларга касбий мобиллиқни ривожлантириш – шахсининг маълум қобилиятининггина эмас, балки касбий фаолиятини ташкил қилиш, ривожлантириш, мослашувчан тафаккурга эга бўлиш, янгиликларни қабул қилиш ва уларни жараёнга самарали сингдиришнинг уйғунлигини ифодалайди.

Бўлажак менежерларда касбий мобиллиқни ривожлантириш жараёни қуйидагича: ўқув-тарбиявий фаолиятга тайёрлиги, янги шароитларга мослашиши ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти, касбий фаолиятига оид билимларни ўзлаштиришда бир даражадан юқорисига моҳирлик билан ўтиши, соҳа таълимига доир инновацияларни ўзлаштириши ҳамда касбий ривожланиш суръатини ифодаловчи интеграл сифат шаклида эътироф этилади. Касбий мобиллик шахснинг турли муаммоли вазиятларга нисбатан таъсирчанлиги самарасини ифодаловчи асосни, шунингдек, атроф-муҳит ва руҳиятида кечаётган ўзгаришларга бўлган мустаҳкам шахсий манбаини ташкил қилади.

Касбий мобилликнинг асоси мустақил таркиблардан ташкил топади (1-жадвал).
1-жадвал

Касбий мобилликнинг таркиби

Ўзгаришларга тайёрлик	Фаоллик
– ўзгаришга хошиш; – шахсий ҳаёти ва фаолиятига ўзгаришлар киритишга тайёрлик; – креативлик; – тезкор қарорлар қабул қилиш; – кўп ўқишга лаёқат; – атроф-муҳит ҳолатини кузатиш ва тўғри баҳолаш кўникмаси.	– нотаниш касбий шароитларга мослашиш ва уларни ўзгартира олиш қобилияти; – эришиладиган мақсадларни мустақил қўйиш ва уларни амалга ошириш қобилияти; – турли хил ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш кўникмаси; – натижаларни олдиндан кўриш ва интенсив фаолиятни тартибга солиш.

Касбий мобиллик деганда касбий фаолиятга доир ўзгарувчан шароитларда ўз-ўзини ривожлантириш, муайян вазиятларда тезкор счим топиш, касбий эҳтиёжларини англаш ва замонавий талабларга мослаштиришга тайёрлик қобилиятини ривожлантиришни ифодалайдиган интегратив хусусиятини тушунамиз. Шунингдек, бўлажак менежерларда ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия муҳити ва касбий фаолиятига оид тушунчаларни билиш фаоллиги, ўзгарувчан вазиятларни бошқариш, тезкор мослашиш, мақсадга интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, ахборотлар билан ишлаш, ҳамкорлик мазмунини тушунишга оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш зарурлигини ифодалайди. Мазкур жараённинг яхлитлиги бўлажак менежерларда ақлий фаолият, рефлексия, мақсадни аниқлаштириш ва амалга ошира олиш кўникмаси ҳамда муҳит, вазият ўзгаришидан қатъий назар ўз имкониятларини рўёбга чиқаришни назарда тутати.

Хулосада шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда педагогика соҳасида олий таълим муассасаларида бўлажак менежерлар касбий мобиллигини ривожлантириш долзарб аҳамият эга бўлган масалалардан ҳисобланади. Касбий мобиллик бўлажак менежерларга алоҳида ёндашувни ҳосил қилиш, қўйилмаган ҳолатлар ва ўзгаришларга тезкорлик билан мослашишга оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш имконини беради. Талабаларнинг юқори мотивацияси, билимдонлиги, ўзгаришларга очиқлиги, турли вазиятларга мослашувчанлиги, фикрлаш тезлиги, қизиқувчанлиги, ижодкорлиги ва фаоллиги каби хусусиятлари уйғунлигини ифодаловчи ички тайёрлигини шахсий интегратив сифатлар ташкил этади. Шахсий интегратив сифатлар уларнинг мукамал кифасини ҳосил қилади ва дунёқарашни, тафаккур даражаси, фаолияти маҳсулини ҳис қилиши асосида касбий мобилликни ривожлантиради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. – Б.39.
2. Горюнова Л.В. Составляющие профессиональной мобильности современного специалиста // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. – 2007 – № 1 – С. 63-68.
3. Sorokin P.A. Social and Cultural Mobility. The free Press of Glencoe, Illinois. – 654 p. – URL: <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.275737>.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жид / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев ва б., ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 – 672 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак менежерлар касбий мобилигини ривожлантиришнинг долзарблиги, мобилик тушунчага шарҳлар, унинг амалиётга кириб келиши, қўлланилиши, мазмуни, моҳияти ва тузилмаси келтирилган. Шунингдек, таълимда мобилик турларининг мазмуни ҳамда касбий мобилик моҳиятини фидолловчи функциялар ёритиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен обзор развития профессиональной мобильности будущих менеджеров, комментарии о понятии мобильности, ее реализации, применении, содержании, сущности и структуре. Также освещается содержание видов мобильности в образовании и функции, составляющие сущность профессиональной мобильности.

SUMMARY

The article provides an overview of the development of professional mobility of future managers, comments on the concept of mobility, its implementation, application, content, essence and structure. The content of types of mobility in education and the functions that represent the essence of professional mobility are also covered.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ РАЎБАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИКЛАРИНИ ШАҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Махмудов О.С.

Тошкент вилояти ЧДПИ магистранти

Таянч сўзлар: таълим сифати, самарадорлик, бошқарув, тизимли ёндашув, комплекс ёндашув, таркибий ёндашув.

Ключевые слова: качество образования, эффективность, управление, системный подход, комплексный подход, структурный подход.

Key words: quality of education, efficiency, management, systemic approach, integrated approach, structural approach.

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5538-сонли фармонида таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш, умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофлик даражаси, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Тадқоқотни олиб бориш жараёнида таълим сифати ва унинг самарадорлигини оширишдаги педагогик муаммоларни аниқлаш, бошқарув бўйича таълим сифатининг мазмун моҳияти, фалсафий – педагогик таҳлили, ривожланиш босқичлари ҳамда унинг самарадорлигини таъминловчи бошқарув бўйича ижтимоий компетентлик тушунчаларни таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб таълим берадиган маскан бўлиши билан бирга тарбия ва барчамиз учун юксак маънавият-маърифат бешиги, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳдир. Бино барин мактаб раҳбаридан ижтимоий компетентликини ривожлантиришга онд қуйдагилар талаб этилади:

- ишда инновацион ғоялардан фойдалинишда тўғри йўлни танлай олиш, вазиятни педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил қила билиш, вазиятдан тўғри

чиқа билиш, ҳар бир ишга ижодий (креатив), инновацион, илмий ёндашиш, ўзининг шахсий ибрати, ишга бўлган муносабати билан педагогик жамоани эргаштира билиш;

- бошқарувда таълим тарбия юқори маданиятли, ҳалол, ҳар қандай муносабатларда намунали ўз феъл-атворининг қатъиятлиги ва шу билан бир пайтда мулоҳазали, ҳар томонлама қобилиятга ва чуқур билимга эга бўлиш;
- педагогик-психологик маҳорат ва бошқара олиш маҳорати, фан, тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш, янги ғоялар, ички имкониятларни кидириб топиб, уни амалиётга татбиқ этиш;
- таъимда бўлажак раҳбар ўз ғояларини илгари сурувчи, балкий уни амалга ошириш қобилиятига эга, унинг кучли ҳамда ожиз томонларини топувчи, бажарилган ишни баҳолай олиш қобилиятига эга назоратчи бўлиш;
- педагогик маданиятга ҳозирги замон педагогика, психология соҳасига оид янгиликлардан хабардор бўлиш, инновацион технология, дидактик билимлардан боҳабарлик, кучли педагогик қобилиятни эгаллаш;
- ташкилотчи бўлиш, ҳар бир педагог ходимга унинг характери, имкониятлари ва эҳтиёжидан келиб чиқиб вазифа бериш, муомала маданиятига амал қилиш. Жамоа ишончига кириш, айтилган фикр, таклиф, қабул қилинган қарорнинг ўз вақтида бажарилишига эришиш. Педагогик жамоа, мактаб олдида турган инновацион вазифалар, мақсадлар, истикболни аниқ белгилаш;
- коммуникативлик қобилиятига эга бўлиш, самимий муносабат ўрнатиш, мулоқотга киришиш, жамоани ишонтира билиш, амалий ёрдам бериш, ходимлар кайфиятини кўтариш, ихтиёрий-мажбурий ўз орқасидан эргаштириш;
- ақлан етукликка интилиш, жамоанинг ҳар бир аъзосини, ўқувчини, ота-онани эътибор билан эшита билиш, ҳар бир ишнинг муқобил вариантларини эътиборга олиш ва амалга оширишдир.

Педагог олимлардан Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг таълим бошқарувида оид билдирган фикрларида қуйидагиларни таъкидлайди: “унумдорлик – бу, қандайдир вақт ичида олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир”. Бунда унумдорлик таълимни бошқаришга нисбатан билдирилмоқда. Унумдорликка берилган юқоридаги изоҳдан келиб чиқиб, таълим сифати самарадорлигига таълим жараёнидаги унумли бошқарувни амалга ошириш орқали эришиш мумкинлигини англаш мумкин. Шу билан бирга таълим муассасалари раҳбарлари иш фаолиятининг самарали олиб боришлари зарур:

- изланувчан, янгиликка интилувчи, илғор ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиб, педагогик жамоа аъзоларига ҳам ўргата олиши;
- дунёқараши кенг бўлиши, ўзининг сиёсий-мафқўравий, илмий-методик ва раҳбарлик малакасини мунтазам ошириб бориши;
- мактаб жамоаси, ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик ўртасида етарлича обрўга эга бўлиши;
- мактаб доирасида барча соҳалардаги ишларни чуқур ўрганиши, танқидий таҳлил этиб, уни яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар белгилай олиши ва амалга оширишни таъминлаши;
- фидойилик, масъулиятлилик, поклик, қатъийлик, журъатлилик, жамоаси манфаати йўлида жонқуярлик кўрсатиш, меҳнат севарлик, адолатли, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик кўрсатиб, барчага намуна бўлиши;
- умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларини тайёрлаш тизимининг илмий-

назарий ҳамда методик жиҳатдан асослаш, бу жараёнда илғор педагогик ва замонавий ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга эришиш;

- раҳбарнинг кучсиз ўқитувчи(ўқувчи)ларга амалий ёрдам, кучлиларига эътибор бериши учун қулай педагогик шарт-шароит яратиш;
- таълим мазмунини сифатли таъминлашда мактаб раҳбарида таълим стратегиясини белгилаш – бунга раҳбар ва унинг ўринбосарлари инновацион ва самара берадиган ғояларга эга, ташаббускор бўлиши, бу ғоялар асосида мактаб фаолиятини режалаштириши ва бу режа билан жамоани таништириш;
- технологик жараён-ишлаб чиқилган назарий йўналишдаги педагогик ғояларни амалга ошириш йўл-йўриқларини жамоа билан белгилаб бориш;
- шахсий муносабатлар ўрнатиш – бу илғор педагогик ғояларни амалга оширишга киришиш, уларни амалга оширишда педагогик жамоа, ота-оналар, ўқувчилар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ишларни ташкил этиш;
- мактаб жамоаси шаъни, обрўсини ўйлаши, жойлардаги халқ таълимини бошқарувчи органлар вакиллари мактаб жамоаси олдида унинг обрўи ва шаънига путур етказишга йўл қўймаслиги, мактаб жамоасини ҳимоя қилиши, бироқ зарур ҳолларда ўзи интизомсизликка йўл қўйган ходимларга нисбатан айрим интизомий чораларни қўллаш олиши;
- мактаб раҳбари ўз фаолиятида камчиликка йўл қўйган педагоглар билан имкон қадар яққамма-яққа суҳбат ўтказиши, танқид қилинганда ҳам ходимнинг шахсига эмас, балки унинг нотўғри фаолиятига нисбатан муносабат билдириши, шу билан бирга у ўзи танқид қилаётган ходимнинг ижобий салоҳият имкониятларини ҳам эслатиб ўтиши;
- педагогларга кўпроқ эркинлик ва мустақиллик бериши, уларнинг ҳар бир қадамини назорат қилишдан сақланиши, янгиликларни жорий қилаётганда йўл қўйган хатоларини кечириши, уларни ўзлари тўғрилаши учун вақт ва имконият бериши;
- раҳбарнинг вақтни бошқариши муаммосини малакали тарзда аниқлай олиш, мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, ходимлар ўртасида ишни тақсимлай олиш қobiliятига эга бўлиш каби хислатларини ривожлантиришдир.

Бўлажак мактаб менежерларида ижтимоий компетентликларини шакллантиришнинг, технологиялари мазмуни, хусусиятига оид фикрлар – таҳлили сифатида:

Методик технология тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. У таълим жараёнининг методик (технологик) мазмунини бошқариш технологияси, лойиҳалаш ва режалаштиришнинг мақсадга мувофиқ тизимидир. Педагогик технологияни танлаш ва уни лойиҳалаштириш ишлари қуйидаги босқичлар билан ифодаланиши мумкин:

- биринчидан – “Ўқитишнинг янги технологиясининг назарий асосланиши” тўпламини ишлаб чиқиш. Унга қуйидагилар кирadi:
- диагностика (босқичли) мақсад; ўқувчи (мактабгача ёшдаги бола)ларнинг бўлажак фаолият таҳлили;
- у замонавий шароитда илм-фаннинг ролини англаш, илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ қилувчи ҳамда уни баҳолай олувчи;
- таълим мақсади, вазифалар тавсифи, мазкур болалар гуруҳининг ёшига доир хусусиятлари;
- мақсад ва шароитларга, технология концепцияларига мувофиқ келадиган аниқ бир педагогик технологияни танлаш, уни амалга ошириш таҳминлари;

- ўқув жараёни маҳсулоти ривожланишининг аниқ бир соҳасидаги варианты.

Иккинчидан – “Мазкур дидактик модулар доирасидаги технологик амаллар” тўпламини ишлаб чиқиш. Ўқитиш технологияси жараёни тоифа бўлганлиги учун унинг таркибига меъёрий белгиланган босқичлар киради. Бу босқичларнинг кетма-кетлиги таълим жараёни технологиясининг мантиқини ташкил этади.

Дидактик модуль (ДМ) – таълим-тарбия жараёнининг босқичлари ва элементларининг вақтли кесмалари йиғиндиси сифатида оддий дастурланиши ва лойиҳалаштирилиши, унинг тўзилмаси ва вазифаларига куйидагилар киради:

- дидактик жараёнга мос келадиган ташкилий шаклларни танлаш;
- ҳар бир ўқувчи (тарбияланувчи)ни мазкур дидактик модульни ўзлаштиришга тайёрлаш;
- дидактик жараён мақсадли компонентларини шакллантириш учун материалларни тайёрлаш ва йиғиш ҳамда кейинчалик уни дидактик модуль мазмунига киритиш;
- таълимга оид билим блокларини ўзлаштириш ва мустақил билиш фаолияти орқали янги билимларга эга бўлиш;
- умумтаълим тайёргарлик сифатининг негизига етишиш учун зарур бўлган аниқ бир ўқув материални ўзлаштириш (таълим негизи ДМ доирасида бир вақтнинг ўзида бошлаб, кейин тугатишни талаб қилади);
- болаларга бериладиган таълим-тарбияни юкламасининг ҳажми ва даражасини текшириш ҳамда мазкур ДМ учун зарур бўлган ўқув вақтини гипотетик ҳисоблаб чиқиш;
- мустақил билиш йўлини белгилаб олиш ва ҳар бир ўқувчининг ўқув материални ўзлаштириши (ўқув жараёнини бошқариш учун педагогик маълумотнинг ҳолислиги).

Учунчидан – “Мазкур дидактик модуль учун педагогнинг методик воситалари” тўпламини ишлаб чиқиш. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва амалга оширишда ўқитувчининг методик воситалари (унинг дидактик ва методик бойи-тилиши, тизимлаштирилиши ва амалий йўналтирилиши)га катта эътибор берилган. Технология ўқитувчида таълим жараёнини мантикий тўзилма сингари тасав-вурларини шакллантиради. Тўзилма микромақсадлар сони бўйича гуруҳларга бўлинадиган дарс (машғулот)лар занжири сифатида намоён бўлади.

Тўртинчидан – Мазкур дидактик модульда технологик ғояни амалга ошириш натижалари ҳажмининг омиллари ва усуллари тўпламини тузиш, Амалда ушбу ҳужжатнинг мазмуни ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг у ёки бу босқичга оид билим ва кўникмаларига тегишли анъанавий дастурий талабларни режалаштириладиган технологик жараёнлар ҳолатига ўтказилади. Бунинг учун ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасининг мақсади ва баҳолаш омилларига мос келадиган билим ва фаолият намуналарини ўзлаштириш сифатини ҳолисона назорат қиладиган тест-лар тузиш зарур.

Хулоса сифатида таълим муассасаси бошқарувида янги инновация технологиялари билан ишлаш ташкил қилади, илмий кашфиётлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқдир. Таълим сифати муаммоси ечими биринчи навбатда, “сифат”, “таълим сифати”, “самарадорлик”, “таълим сифатини бошқариш” каби асосий тушунчалар моҳиятини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу таълим сифатини кўтаришда ва жамоада ижодий кайфиятини, доимий тажриба ҳамда янги технологияларни ўзлаштиришда бўлажак менежер ижтимоий компетентликни ривожланиши зарури-ятини аңлатади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5538-сонли фармони, 2018 йил 5 сентябрь.
2. Аликулова М.М. Иқтисодий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Республика илмий-назарий анжуман. II қисм ТДШИ. – Тошкент, 2017. 83-85-б.
3. Тоштемирова С.А. Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш. Монография. - Тошкент: “ISHONCHLI HAMKOR», 2021 -188 б.
4. Toshtemirova S.A., G'afforov Ya.X., Abduraxmonova J.N. Mutaxassislik fanlarini kasbga yo'naltirish metodikasi // o'quv qo'llanma. -Toshkent: “MALIK PRINT CO”, 2021 - 204 b.
5. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш / - Т.: “Турон-Иқбол”, 2006. - 590 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим муассасаларида таълим сифати даражасини кўтаришда раҳбарларга қўйиладиган асосий талаблар ва бўлажак мактаб менежерларида ижтимоий компетентликларини шакллантиришнинг технологиялари мазмуни, хусусият ҳамда таҳлиллари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны основные требования к руководителям в повышении качества образования в образовательных учреждениях и содержание, характеристика и анализ технологий формирования социальной компетентности у будущих руководителей школ.

SUMMARY

This article describes the main requirements for leaders in improving the quality of education in educational institutions and the content, characterization and analysis of technologies for the formation of social competence among future school leaders.

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВЛАР

Муртозаева М.М.

Тошкент давлат педагогика университети, п.ф.н., доцент

Таянч сўзлар: талабалар, таълим, экология, компетентция, ривожлантириш, тизимли ёндашув.

Ключевые слова: студенты, образование, экология, компетентность, развитие, системный подход.

Key words: students, education, ecology, competence, development, systematic approach.

Бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш зарурияти, мамлакатимизда олий педагогик таълимнинг модернизациялашуви, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган кадрларга бўлган талабнинг муттасил ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Ислохотлар натижалари жорий қилинаётган олий таълим тизимида педагогик кадрлар тайёрлаш бўғини муҳим ўрин эгаллайди. Олий таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари бўлажак педагогик кадрларни талабаларлар онгига янада кўпроқ таъсир қилаётган глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўқув жараёнидаги ифодасидир. Глобаллашувнинг олий таълим тизимида таъсирини маънавий, иқтисодий, ахлоқий жиҳатларини бўлажак бакалаврларга тушунтириш, инновацион материаллар асосида ўтказиладиган маърузалар ва амалий машғулотлар натижасида амалга ошириш мумкин. Бўлажак педагогларга интернет маълумотларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг янги усулларини тушунтириш лозим. “Мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён

атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ошиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас”.

Ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида малакали ва мохир педагоглар томонидан дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг Инновацион таълим технологиялар асосида, янги фикрлар киритилган ҳолда тайёрланганлигига эътибор бериш лозим. Мутахассис педагог олий таълимнинг педагогика соҳасидаги ҳар бир маъруза ва амалиёт машғулотларига пухта тайёрланиши, методик жиҳатдан апробациядан ўтган материалларни дарсларда кенг қўллаган ҳолда ўтказилишни талаб қилади. Масалага бундай ёндашув ҳозирги даврда олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг таълим олишлари жараёнида фанлардан атрофлича билим олганликларини, оила, мактаб, маҳалла институтларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида орттирган билим савияси юқорилигини қайд этиш даркор.

Таълимдаги ислохотлар ва унинг модернизациялашуви профессор-ўқитувчилардан дарс жараёнида ташаббускорликни, ижодий ёндашувни, талабалардан мустақил фикрлашни талаб қилади. Олий педагогик таълимдаги дарс – педагогик ижодкорликнинг асосий майдонидир. Педагогнинг асосий педагогик эҳтиёжи – ўргатиш, етказиб бериш – айнан дарс жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, дарс олий педагогик таълим жараёнини ташкил қилишга инновацион ва тизимли ёндашувни талаб этади.

Экологик таълимга тизимли ёндашув асосида бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришда педагогик фаолият ва назорат муҳитининг ўзаро таъсирлашуви механизмлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

Бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришнинг асосий мақсади давлат буюртмаси ва жамият талабларига мувофиқ олий педагогик таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш;

Давлат таълим стандартларида битирувчининг педагогик фаолиятида ўқитувчилик, тарбиячилик, ўқув-методик, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот вазифаларини амалга ошириши назарда тутилган.

Бўлажак педагоглар экологик компетентлигини ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, дастурлар, таълим шакли, метод, воситалари ва дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар, лаборатория жиҳозлари, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади. Талабалар келгусида педагогик фаолиятни амалга ошириш, назарий билимлар ва психомоторик ҳаракатлар асосида амалий кўникмаларни реал шароитда қўллаш мақсадида малакавий педагогик амалиёт ташкил этилади. Бунда талабалар таълим жараёнида эгалланган экологияга оид компетенцияларни намоён этиш; педагогик фаолияти жараёнида - экологик компетентликка эга, малакали кадрларнинг тайёрланганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш учун фаолият мониторинги амалга оширилди.

Натижада, бўлажак педагог кадрларнинг экологик компетенцияларни изчил ривожлантириб боришини таъминлаш; бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришда тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди ҳамда анъанавий ва компетентли ёндашувларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Экологик таълимга тизимли ёндашувлар тавсифи

№	Анъанавий ёндашув	Компетентли ёндашув	Таълим жараёнидаги элементлар
1	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш	Экологик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган	Мақсадлар
2	Давлат таълим стандартини амалга ошириш	Таълим йўналиши дастурларини ўзлаштиришга	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)
3	Аудиторияда ўқув соатлар ҳажми 60 %, аудиториядан ташқари ўқув соатлар ҳажми 40 %ни ташкил этиши	Индивидуал равишда ишлаш, жуфтликда, кичик гуруҳларда ва катта гуруҳларда ишлашга	Таълимни ташкил этиш шакллари
4	Таълимнинг синф-дарс шакли юзасидаги анъанавий методлар	Экологик компетентли ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар	Педагогик жараёни ташкил этиш ва амалга ошириш методлари
5	“Насихатгўй”, “аҳборот берувчи”, “баҳоловчи”	“Ҳамкор”, “маслаҳатчи”, “ёрдамчи”, “воситачи” ва ҳ.к.	Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари жараёнидаги ўрни
6	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотира-сида сакловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “конструктор-яратувчи”	Талабаларнинг таълим-тарбия жараёнларидаги ўрни
7	Таълим муассасаси фаолиятини юритишга йўналтирилган	Таълим муассасасини ривожлантиришга йўналтирилган	Таълим муассасасини бошқариш тузилмаси
8	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш тартиб-тариқини текширишга йўналтирилган	Талабаларнинг экологик компетентлигини ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш

Талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи объект ва субъектив омилларнинг аҳамияти муҳим ҳисоблади. Жумладан, глобаллашув туфайли экологик муаммолар мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида чигаллашганлиги кузатишмоқда. Бундай ҳолат педагогика фанлари вакилларининг зиммасига экологик масалаларни ҳал қилиш ва унинг илмий ечимини топиш муаммоси билан шуғулланиш масъулиятини оширмоқда. “Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, ўз мустақил фикрига эга, окни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз”.

Экологик муаммоларнинг ижтимоий масалалари инсон ва унинг фаолияти натижасида вужудга келаётган ижобий ҳамда салбий жиҳатларини бўлажак педагоглар ҳам чуқур таҳлил қилишмоқда. Муаммонинг долзарблиги унинг бевосита шахс баркамоллигига эришиш, жамият аъзоларининг экологияга толерант муносабатда бўлишлари,

миллий иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва мамлакатимизни жаҳондаги ривожланган давлатлар каторидан ўрин олишини таъминлаш стратегияси билан боғлиқдир.

Талабалар экологик компетентлигини ривожлантиришга таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Объектив омилларга куйидагиларни:

- а) мегаомиллар: космос, ер шари ва планетар жараёнлар;
- б) макроомиллар: мамлакат, халқ, жамият, маданият;
- в) мезоомиллар: этнос (миллат), ҳудудий шарт-шароитлар, шаҳар ва қишлоқлар, яшаш жойидаги оммавий алоқа тармоқлари;
- г) микроомиллар: оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, таълим муассасаларини ўз ичига олади.

Субъектив омилларга талабанинг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатлари мазмунини англаши киради.

Бўлажак педагоглар тайёрлашда зарур бўлган экологик таълим-тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлган тизимли ёндашувни тақозо этади (1-расм).

Профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини ва талабаларнинг экологик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган билиш фаолиятининг хусусиятларини тамойиллар белгилайди. Таълим тамойиллари фан ўқитувчилари ва талабалар фаолиятининг муҳим ички томонларини акс эттиради ҳамда турли шаклда, мазмунда ва ҳар хил йўсинда ташкил этиладиган таълимнинг самарадорлигини белгилайди [5; 482-б.]. Таъкидлаш жоизки, олимларнинг таълим тамойилларининг сони ва номи тўғрисидаги фикрлари бир – биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг мазмуни ва ўқитиш қонуниятларини тушуниш анъанаси асосан бир хилдир. Шу боис, бўлажак педагогларда экологик компетентликни ривожлантиришда таълим тамойиллари сифатида куйидагилар:

- илмийлик, натижани олдиндан кўра олиш;
- тизимлилик;
- изчиллик;
- интеграция;
- инсонпарварлик;
- мақсадга йўналтирилганлик, талабаларнинг шахсий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- фаолиятда тарбиялаш;
- назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- фанлараро, мавзулараро алоқадорликни таъминлаш, мақсади, мазмун ва уни шакллантириш методларининг бирлиги ва яхлитлиги, ижодий ҳамкорликдаги фаолият тамойилларидан иборат.



1-расм. Талабалар экологик компетентлигини ривожлантириш тамойиллари ва омиллари

Таълим тамойиллари талабаларда экологик компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ва интеграциялашган ҳар бир дарсада дидактик тамойилларнинг бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Улар экологик таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда талабаларларга экопедагогикага оид билимларни бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган кадрлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Аҳмеджонов А. ва бошқ. Комил инсон давр талаби. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. 150 б.
2. Аликулова М.М. Бўлажак педагогларнинг экологик маданиятини ривожлантириш асослари. Монография. «Fan va texnologiya» нашриёти, Тошкент – 2015. 188 б.
3. Аликулова М.М. Бўлажак мутахассисда экологик маданиятни ривожлантиришнинг педагогик омиллари. / Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. Халқаро илмий конференция. Навоий давлат педагогика институти ва Бухоро давлат университети. Навоий – 2015. 108-110 б.
4. Murtozayeva M.M. Talabalarda ekologik kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik mexanizmlarini takmorlashtirish // Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. – Namangan, 2022. – 4-son. – B. 710-714 (13.00.00; №30).
5. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алқаров И., Усманов Н.Ў. Педагогика. – Т.: Фан ва технология, 2011. 482 б.

РЕЗЮМЕ

Маколада таълимдаги ислохотлар ва унинг модернизациялашуви профессор-ўқитувчилардан олий педагогик таълим жараёнини ташкил этишда талабаларни экопедагогик фикрлашга ўргатишга инновацион, тизимли, ташаббускор, ижодий ёндашувларни талаб этиши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, бўлажак педагог кадрларнинг экологик компетенцияларни изчил ривожлантириб боришини таъминлаш, уларда экологик компетентликни ривожлантиришга тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечается, что реформирование и модернизация образования требует новаторских, системных, инициативных, творческих подходов к обучению студентов эколого-педагогическому мышлению в организации процесса высшего педагогического образования. Также обеспечивается последовательное развитие экологических компетенций будущих учителей, что отражает специфику системного подхода к развитию экологической компетентности.

SUMMARY

The article emphasizes that the reform and modernization of education requires innovative, systematic, proactive, creative approaches in teaching students environmental and pedagogical thinking in organizing the process of higher pedagogical education. It also ensures the consistent development of environmental competencies of future teachers, which reflects the specifics of a systematic approach to the development of environmental competencies.

БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МОҲИАТИ

Иброҳимов М.А.

Наманган давлат университети, “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: профессионал таълим, бўлажак ўқитувчилар, ижтимоийлик, компетентлик, ривожлантириш, тадқиқотлар.

Ключевые слова: профессиональное образование, будущие учителя, социальность, компетентность, развитие, исследование.

Key words: professional education, future teachers, sociality, competence, development, research.

Ҳозирги даврда таълим тизими ривожланишида таълим мазмуни ва методикасига, унинг самарадорлигини оширишга сифат жиҳатдан янги талаблар қўйилмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган жадал ва туб ўзгаришлар натижасида профессионал кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ёшларда ижтимоий компетентликни ривожлантириш – Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш ва дидактик имкониятларни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашни илмий, назарий ва амалий жиҳатдан асослаган педагог олимлардан Р.Х.Джуроев, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, ва Ш.С.Шарипов, З.К.Исмаилова, М.Б.Уразова ва Ж.А.Ҳамидовлар бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашда таълимни интеграциялаш, лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш, замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиялари каби илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Сўнгги йилларда ушбу муаммо юзасидан олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида ижтимоийлашув мазмун ва моҳияти изоҳланган. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили профессионал-педагогик фаолиятга тайёрлаш билан бирга унинг ижтимоийлик муаммоси нафақат фалсафа, социология, иқтисодиёт, психология каби фанларнинг, балки педагогика фанининг ҳам илмий-тадқиқот муаммоси эканлигини кўрсатди.

Шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган З.М.Махмудов томонидан шахс ижтимоийлашувининг ҳуқуқий жиҳатларига оид педагогик, ҳуқуқий таълимотлар, фикрлар, қарашлар ва уларни такомиллаштиришни тақозо этувчи омиллар мантикий кетма-кетликда, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг муҳим жиҳати шахс ижтимоийлашувини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш борасида илмий ҳулосалар, таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, шахс ижтимоийлашувида ижтимоий тарбия институтларнинг таркибий қисми бўлган маданият муассасаларининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Педагог олим Н.М.Эгамбердиева ўз тадқиқотларида педагог кадрларнинг ўз педагогик фаолиятига нисбатан ижтимоий йўналтирилмаганлиги, яъни касбий таълимни жамиятнинг аниқ ижтимоий хусусиятлари, таълим муассасаси, талабалар ва ўқитувчилар жамоасининг ўзига ҳосликларини ҳисобга олиб ташкил этишга эътибор сулғишига тўғрисида фикр билдиради. Шунингдек, касбий-амалий жиҳатдан тайёрлашнинг бир томонламаллиги ва чекланганлигини, касбий-маданий нуқтаи назарнинг шакланмаганлиги, мутахассис ва шахс сифатида ўқитувчи имкониятларини рўёбга чиқаришга ундайдиган омилларнинг етарли эмаслиги, мотивация даражасининг пастлиги каби ўзига хос хусусиятларни қайд этиб ўтади.

Сўнгги йилларда минтакавий даражада ижтимоий ҳулқнинг янги шакллари – мақсадга интилиш, прагматизм, аниқ натижага йўналганлик, рақобатбардошлик, ижтимоий-сиёсий фаоллик билан миллий менталитет хусусиятларини бирлаштириш асосида индивидуализация тамойилларининг илдиз отиши кузатишмоқда. Тадқиқотчи З.Т.Салиеванинг илмий ишларида ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш

ўқув, фаолият, мулоқот жараёнида бўлгуси касбий фаолиятга ўзаро уйғун ижтимоий-ахлоқий мослашишни таъминлаш, ижтимоий аҳамиятли маънавий-ахлоқий фази-латларни шакллантириш орқали амалга оширилиши борасида фикрлар билдирган. Шунингдек, ёш тадқиқотчилардан Д.А.Маджидова: табақалашган ёндашув асосида ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш, Г.Қ.Мардиева: ижтимоий мос-лаштириш технологиясини такомиллаштириш, Х.Х.Ҳамзаев: ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш, Д.Б.Маҳмудова: ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизими, Х.М.Тожибоева: ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишни тизимлаштириш каби тадқиқотларни тадқиқ этишган.

Ёшлар ижтимоий ривожланишини таъминлаш учун Э.Фроммнинг ғояларини илгари сурган Россиялик олим А.В.Мудрик илмий изланишларида қуйидаги “ижти-моий жараёнларнинг ижтимоий – маънавий ва руҳий асослари фавқуллодда кучли-дир”, деган фикрларни таъкидлаган ҳолда, изоҳловчи ёндашув тарафдорлари кўпинча экзистенциализм назариясига таянадилар. Экзистенция – яшашни, айна вақтда яша-ётганликни англаш ўзгараётган ва ўтаётган замонни руҳияти ва вужудида доимий ҳис этиб яшашни англатади. Экзистенциал ёндашувнинг сусайиши манфаат олиш дара-жаси юқори бўлмаган жамоаларга ўзи англамаган ҳолда қўшилиб кетишни кучайти-ради. Экзистенция шахснинг ўз – ўзига берадиган баҳоси, ўз – ўзини қадрлаш дара-жаси ҳамдир. Демак шахснинг ўзини – ўзи баҳолаш даражаси қанча паст бўлса, унинг ижтимоий фойдали бўлмаган ҳолатларга, жамоатларга интеграция бўлиши шунча юқори бўлиши ҳақидаги фикрларни билдиради.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари томонидан касбий таълим ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожланти-ришда педагогик технологияларни қўллаш, профессионал-педагогик тайёрлаш сама-радорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқотларни амалга оширган. Л.В.Андропова, И.В.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, М.И.Лукьянова, С.Н.Мироненко, В.А.Сластенин ва бошқалар томонидан бўлажак мактаб ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёргарлашда касбий компетентли-гини шакллантириш, таълим натижаларининг янги парадигмасида асосий компетен-цияларнинг ўрни, уларни диагностика фаолиятига тайёрлаш ва таълим мазмунини интеграциялаш орқали бўлажак ўқитувчининг касбий компетенциясини ривожланти-риш каби илмий-тадқиқотлар юзасидан ишлар олиб боришган.

Хорижий мамлакатларнинг тадқиқотчи олимларидан D.Gwen, C.Cameron, M.Shameer ва J.Hämäläinenларнинг илмий изланишларида ёшлар ижтимоийлашуви-нинг педагогик концепцияси ва амалий хусусиятлари ёритилган. B.Blum, R.Mohan каби тадқиқотчилар таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, профессионал-педагогик етуқлик муаммо-лари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни назарий ва амалий асослашга эътибор қаратган.

Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларини, олий таълим муассасаларида ўқитувчилар тайёрлаш жараёнини ташкил этилиши, фанларни ўқитиш, малакавий педагогик амалиёт ҳолатини таҳлил этиш шунини кўрсатдики, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида ижтимоий компетент-ликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш имконият-лари етарлича ёритилмаган, бу эса мазкур муаммони тадқиқ этиш заруратини тақозо этади. Илмий-техник тараққиёт талаблардан келиб чиққан ҳолда бўлажак профессио-нал таълим ўқитувчиларида ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг мето-дологик ва илмий-методик асослари, тамойиллари, педагогик шарт-шароитларини

аниқлаш, ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурияти тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Педагогикадаги компетентли ёндашув ва ижтимоий компетентликни ривожлантириш муаммоси қўллаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда талқин қилинган. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий фикрлаши, мустақиллиги, фаоллиги ҳамда ижодкорликларининг ривожланиб бориши, дунёқарашларининг кенгайиб бориши, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши билан характерланади.

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини мустақил излашишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш билан бирга ижтимоий компетентликни ривожлантириш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ижтимоий фаол бўлган мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда ижтимоий компетентли ёндашув асосида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Компетентли ёндашув асосида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий компетентликни ривожлантиришда педагогик фаолият ва назорат муҳитининг ўзаро таъсирлашуви механизмлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг асосий мақсади давлат буюртмаси ва жамият талабларига мувофиқ профессионал таълим йўналишларида малакали кадрлар тайёрлаш;

Давлат таълим стандартларида битирувчининг профессионал-педагогик фаолиятида ўқитувчилик, тарбиячилик, ўқув-методик, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот вазифаларини амалга ошириши кўзда тутилган. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида таянч, умумкасбий ва махсус-касбий компетенцияларни шакллантириш ва ижтимоий компетентликни ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, дастурлар, таълим шакли, метод, воситалари ва дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар, лаборатория жиҳозлари, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади. Профессионал-педагогик фаолиятни амалга ошириш ва назарий билимлар ҳамда психомоторик ҳаракатлар асосида амалий кўникмаларни реал шароитда қўллаш мақсадида малакавий педагогик амалиёт ташкил этилади. Бунда бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари таълим жараёнида эгалланган умумкасбий ва махсус компетенцияларни намоён этиш;

профессионал-педагогик фаолият жараёнида – кенг дунёқарашга эга, мустақил, фаол, ташкилотчи, қобилиятли, ижодкор, малакали кадрларнинг тайёрланганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш учун фаолият мониторинги амалга оширилди. Натижада етук, малакали кадрларнинг мустақил ва режали асосда ўз устида ишлаши, ижтимоий компетенцияларни изчил ривожлантириб боришини таъминлаш.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти аниқланди ҳамда қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Таълимга анъанавий ва ижтимоий компетентли ёндашувларнинг қиёсий тавсифи

Ҳозирга замон олий педагогик таълим муассасаларида ижтимоий компетентликни ривожлантиришга оид ўтказилаётган дарслар мониторингининг бир қанча усуллари мавжуд. Тадқиқотимиз давомида маълум бўлдики, тажрибали педагог мутахассиснинг ташкиллаштирган дарс жараёнини кузатиб, уни таҳлил этишда қуйидагиларга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: – ўқитувчининг дарсга тайёргарлик даражаси ва унинг ижтимоий компетентлик бўйича материаллар асосида асосий мавзунини тушунтира олишни

намоён этганлиги;

- ўқитувчида муайян дарсга тааллуқли ўқув режаси ва ижтимоий компетентлик бўйича ишланмаларнинг мавжудлиги, дидактик тарқатма материал, кўргазмаларни қуролларнинг тайёргарлиги;
- ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги билан юзаки (ёки дарснинг бир қисмида) танишиб чиқилмайдиган. Унинг дарсга тайёргарлигини, ижтимоий компетентлик бўйича материалларни қўллай олганлигини, уларнинг талабаларга тушунарли бўлганлиги, уларда қизиқиш уйғотганлиги даражасини бутун машғулоти мобайнида кузатиш ва таҳлил этиш лозим;
- Дарснинг мақсад ва вазифалари қўйилиш жараёнида педагог ижтимоий компетентлик бўйича материалларнинг мазмунини тушунтиришга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир;
- Педагогнинг ижтимоий компетентликни ривожлантиришга оид масалаларни ақс эттирувчи мавзунинг моҳиятини очиб бериш орқали дарсга аниқ мақсад қўйиши, ўқитувчи талабаларда ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган мақсадни тўғри изоҳлаши ва ўқитувчи ҳамда талабаларнинг вазифалари аниқ белгиланиши зарур;
- Ташкилий ишлар таҳлили давомида аудиториянинг умумий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни аудиторияда талабалар ўз жойларини эгаллаганлиги, улар диққати дарс мавзусига йўналтирилганлиги, кўргазмаларни қуроллар, компьютер техникасидан фойдаланиш орқали намоёниш этилаётган слайдлар мавжудлиги, ижтимоий компетентликни намоёниш қилинишига мўлжалланган ахборотларнинг компьютер хотира-сига олдиндан киритилганлиги;
- Машғулоти ўтказиладиган хонанинг дарсга умумий тайёргарлиги, талабаларнинг ижодий қайфияти, ўқув хонаси, столларнинг ва аудитория доскасининг тозаллиги, бўр ҳамда намлланган латтанинг мавжудлиги, компьютер техника-сининг ишга тайёргарлиги, айрим сабабларга қўра дарсда қатнашмаётган

талабаларнинг исм, шарифлари ёзилган варақчани педагог столига қўйилиши, шунингдек, педагог ва талабаларнинг ташқи киёфасига ҳам эътибор берилди.

Малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий компетентликни ривожлантиришда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл, метод ва воситалари, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли вазиятли топшириқлар, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг дарсдан бўш вақтларида ўз-ўзини такомиллаштириш борасида муттасил ишламасликлари, ахборот технологияларидан фойдаланиш компетентлиги талаб даражасида эмаслиги ижтимоий компетентликни ривожлантиришда муҳим муаммолар туғдиради. Мазкур муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда талабаларни ўқитувчи танлови асосида имкониятидан келиб чиқиб режалаштирилган дастурдан чиқмаган ҳолда, таълим берувчи хоҳлаган метод, шакл ва воситалар асосида “ўқитиш” (do teach) эмас, балки талабаларда шаклланиши зарур бўлган компетенцияларни онгли равишда ўзлаштириш иштиёқини ривожлантириш, ички ва ташқи мотивацияни сифатли билим олишга йўналтириш, яъни (do educate) тарзда (мустақил изланувчи сифатида) таълим олишга йўналтириш керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. – Б.39.
2. Зеер Э.Ф. Психология профессионального образования – М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЕК», 2003. – 480 с.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 315 б.
4. Рашидов Х.Ф. Теоретико-методологические и специально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. Дисс. ... докт. пед.наук. – Т.: 2005. – 311 с.
5. Хамидов Ж.А. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари ни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Дисс....пед. фан. док. (DSc). –Т.: 2017.

РЕЗЮМЕ

Маколада бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида ижтимоий компетентликни ривожлантириш муаммоси юзасидан олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг мазмун ва моҳияти изоҳланган. Шахс ижтимоийлашувида олий таълим муассасаларининг дидактик имкониятларини таъминлашга оид фикрлар ёритилган. Шунинг билан бирга профессионал таълим ўқитувчиларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларининг киёсий тавсифи келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается содержание и сущность исследований, проводимых учеными по проблеме формирования социальной компетентности будущих педагогов профессионального образования. Социализация личности отражает идею обеспечения дидактического потенциала высших учебных заведений. Также дается сравнительная характеристика особенностей развития социальной компетентности педагогов профессионального образования.

SUMMARY

The article describes the content and essence of research conducted by scientists on the problem of forming the social competence of future professional teachers. The socialization of the personality reflects the idea of providing the didactic potential of higher educational institutions. A comparative description of the features of the development of social competence of professional education teachers is also given.

ПЕДАГОГИК АТАМАЛАРНИНГ ШАКИЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ДОЛЗАРЪ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Одилова М.Р.

Наманган давлат университети тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: педагогика, атамалар, шарҳ, изоҳлар, педагогик энциклопедия.

Ключевые слова: педагогика, термины, комментарии, аннотации, педагогическая энциклопедия.

Key words: pedagogy, terms, comments, annotations, pedagogical encyclopedia.

Республикаимизда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танланган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишига қодир мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини давом эттириш” муҳим вазифалар ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим жараёнида педагогик атамаларнинг миқдори кўпайиб, уларни истеъмол қилувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Дастлаб «атама» сўзининг маъносига тўхталсак. «Атама» - термин ҳар бир халқ ўз тилидаги ном, атама билан юритиб келинган. Термин сўзи маълум бир соҳада қўлланса, атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносидан кенгрок бўлиб, у барча нарсалар ва ҳодисаларнинг номи сифатида тушунилади. Термин ва атама сўзлари бир-бирига яқин тушунча ифодалашига қарамай, улар айнан бир хил сўзлар эмас ва уларни алмаштириб қўллаб бўлмайди.

Таълим жараёнида педагогик атамаларни ўрганиш билан биргаликда ўзбек тилининг грамматикаси ва матн устида ишлашга ҳам катта аҳамият берилади. Педагогик атамалар луғати билан ишлашда адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Талабалар нафақат педагогик атамаларни, балки педагогикага оид масалалар юзасидан фикр билдира олиш, таҳлил этиш, баҳс мунозараларга киришиш каби кўникма ва малакаларга эга бўлишлари мумкин.

Педагогикада «атама» тушунчаси остида илмий-амалий маънода педагогик тушунчаларнинг аниқ ифодаланган шакли тушунилади. Педагогик тушунчаларни ифодалашга хизмат қиладиган сўз ёки сўз бирикмалари ўзининг аниқ дефинициялари, яъни аниқловчиларига эга. Шунинг учун ҳам бундай аниқловчилар илмий-педагогик услуб доирасига қиради. Педагогик атамалар педагогикага оид илмий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар мажмуидир. Улар педагогика фанининг муҳим тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбек тилида педагогик атамалар ўзининг узоқ муддатли ривожланиш йўлига эга. Аждодларимиз баркамол авлод тарбиясининг педагогик, маънавий-ахлоқий асосларини яратиш жараёнида қўллаб педагогик атамаларни кашф қилганлар. Биз педагогик атамаларни Шарқнинг буюк олимлари Абу Али ибн Сино, Беруний, Улугбек ва бошқа қомусий билимларга эга бўлган аллоломаларимизнинг илмий меросини ўрганишда кузатишимиз мумкин. Гарчанд, Шарқ алломалари “педагогика” сўзини

ишлатмаган бўлса-да, унга оид қатор тушунчалар асосида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бундан маълум бўладики, таълим-тарбияга оид тушунчалар, яъни педагогик атамалардан фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади десак муболаға бўлмайди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг 20-йилларида дастлабки дарслик ва қўлланмаларнинг таржима қилиниши ва яратилиши билан боғлиқ ҳолда педагогик атамалар қўлами кенгайди. Бундай атамалар ўша даврда яратилган дастлабки илмий мақола, газета ва журналларда ёритила бошланди. Бироқ педагогик атамаларни тўплаш ва луғат шаклида тартиб бериш соҳасидаги ишлар амалга оширилмади. Ўша йилларда педагогика соҳасида қўплаб янги атамалар рус тилидан ўзбек тилига кириб келиб, ўзлаштирила бошланди. Бу сўзлар рус тилидан тўғридан-тўғри қабул қилиш ва таржима қилинган ҳолда истеъмолга киритиш орқали ўзбек тили луғат бойлигидан ўрин олди.

Ўзбек педагог олимлари ҳам узок йиллар мобайнида 1925–2000 йилларда чоп этилган бир қатор луғат ва энциклопедиялардан фойдаланиб келишган. Мутахассислар XX-асрнинг 90-йилларида рус олимлари томонидан педагогиканинг алоҳида соҳалари бўйича чоп этилган луғатлардан ҳам унумли фойдаланишган. Бироқ, бу луғат яратиш соҳасида Ўзбекистонда ҳеч қандай иш амалга оширилмаган, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Узок даврлар мобайнида педагогикага оид атамалар турли луғатлар таркибида аралаш тарзда берилган.

Бугунги кунга келиб педагогикага қўплаб янги атама, тушунча ва иборалар кириб келди. Уларнинг маъноси турлича изоҳланиб, манбаларда турли-туман шаклларда берилмоқда. Мазкур атамалардан фойдаланувчиларни баъзи ҳолларда чалғитмоқда. Айрим вақтларда эса фикрнинг ёритилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам педагогик атамалар мазмунига янгича контекстда ёндашиш педагогика фани олидида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Педагогик атамалар мазмунини такомиллаштириш, янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда педагогик атамаларнинг янги мазмун-моҳиятга эга бўлишига асосланган ҳолда ёндашиш, бунда мазкур атамаларнинг бошқа тилларда қай шаклда қўлланиши ва қандай мазмун-моҳият касб этишини ўрганиш ва ўзаро қиёслаш муҳимдир.

Бугунги кунга қадар қўпгина хорижий мамлакатларда турли даврларда педагогик атамаларнинг мазмуни бўйича изланишлар амалга оширилган. Педагогик атамаларнинг аниқ таснифини белгилаш ҳамда педагогик терминологияни тизимлаштириш ва унинг таснифини янги асосларда қуришга оид масалаларни илмий жиҳатдан асослаб берган рус педагог олимларидан А.Н.Рыжов, Г.М.Романцев, В.А.Федоров, И.В.Осипова, О.В.Тарасюк, Е.А.Кошкина, А.С.Оруджалиева ва бошқаларнинг монография, диссертация ва луғатларида ёритилган. Педагогик терминларнинг шаклланиши ва тараққиёти масалалари бўйича озарбайжон, қозок, қирғиз каби педагог олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, рус тилида турли даврларда яратилган бир неча вариантдаги педагогик луғат ва энциклопедиялар мавжуд. Уларда айни бир атаманинг мазмун жиҳатдан ўзгариб кенгайганлиги тадрижий тарзда ўз ифодасини топган. Бироқ ўзбек тилида педагогик атамалар турли даврларда ҳар хил мазмун моҳиятга эга бўлиб келаётган бўлса-да, улар махсус тадқиқ этилмаган. Натижада айни бир атама мутахассислар томонидан турлича шарҳланмоқда. Аксариyat ҳолларда эса уларнинг маъноси нотўғри талқин этилмоқда. Педагогик атамалар илмий жиҳатдан тўғри тавсифланиши, уларнинг барча маънолари изоҳланиши лозим. Педагогик атамаларни

батафсир ўрганиш ва тадқиқ этиш зарурияти долзарб масалалардан биридир. Педагогика илмининг ривожланиши ва оммалашishiда мазкур тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Атамаларда педагогика фанида барқарорлашган билимлар, ёндашувлар, концепциялар ўз ифодасини топиши керак. Педагогик атамаларнинг шарҳ ва изоҳлари педагогик энциклопедия тарзида тизимлаштирилиши лозим. Педагогик энциклопедиялар илмий, ижтимоий, педагогик вазифаларни бажаради. Улар:

- мутахассисларга муайян педагогик ҳодиса ҳақида ҳар томонлама мукаммал маълумот бериш функциясига эга;
- педагогикага оид сўзлар, тушунчалар, атамалар ва уларнинг илмий моҳияти ҳамда йўналишлари билан таништиради;
- мутахассисларнинг педагогика ва таълим-тарбия соҳасидаги сўз бойлиги ҳамда билим доирасини оширади.

Бундай энциклопедиялар бугунги кунда педагогика ва таълим-тарбия соҳасида маълумот, ахборот тўплаш ҳамда уни мутахассисларга етказишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йиллари Республикамизда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Тарбия энциклопедияси» каби бир қатор энциклопедия ва

лугатлар, шунингдек, тармок лугатлари яратилди. Уларда айрим педагогик атамалар қисман шарҳланган. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан илмий муомалада учрайдиган барча педагогик атамаларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлаш мақсадида «Педагогика энциклопедия» яратилди.

Ўзбек халқининг маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлган педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялашда ушбу 3 жилдли «Педагогика энциклопедия»нинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу «Педагогика энциклопедия» педагогика фани, таълим-тарбия, педагогик психология, педагогик антропология, фалсафий педагогика, ижтимоий педагогика, педагогик диагностика, статистик педагогикага оид маълумотларни мухтасар тарзда ифодалаш билан бирга инсоният тамаддунининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар мажмуини ўз ичига олган. Педагогика ва таълим-тарбияга оид илмий маълумотлар энциклопедиянинг асосий қисмини ташкил қилади. Унда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда педагогика, таълим-тарбия соҳасидаги улкан ўзгаришлар батафсил ёритилади. Ўзбек халқининг педагогика ва таълим-тарбия соҳасидаги тарихий тажрибалари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда педагогика фанини ривожлантиришга хисса қўшган мутахассисларнинг илмий фаолияти, мазкур соҳага қўшган ҳиссалари таъкидлаб ўтилган. Унинг саҳифаларидан оила тарбияси, меҳнат тарбияси, халқ педагогикаси, таълимий кадрятлар, жохон педагогикасида эришилган ютуқлар, педагогика фанининг бугунги кундаги ҳолати, тарихи, методологик ёндашувлар, атамаларнинг шарҳлари, номлари каби маълумотлар ўрин олган. «Педагогика энциклопедия»сида мустақил Ўзбекистоннинг таълим-тарбия ва педагогика соҳасидаги халқаро алоқалари билан боғлиқ мавзулар ҳам ёритилган.

Олий таълим муассасаларида талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнларида педагогик атамаларнинг шаклланиш ва амалиётда қўлланилиши масалаларида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлса-да, тарихий ёндашувлар асосида педагогик атамаларнинг шаклланиш тарихи ва амалиётда қўлланилиши масаласи алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Ўзбекистонда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва ислохотлар жараёнида илмий-интеллектуал, илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш долзарб вазифа этиб белгиланганлиги соҳани барқарор тараққий эттиришнинг устуворлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида, тарихий ёндашувлар асосида педагогик атамаларнинг шаклланиш тарихи ва амалиётда қўллашни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Таълимнинг интеграциялашуви шароитида педагогик атамаларни тарихий ёндашувлар асосида ўрганиш ва уни амалиётда қўлланилишни ривожлантириш чуқур таҳлил қилиш билан боғлиқ. Педагогика фани атамаларнинг шаклланиш тарихи ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш муаммолари ечимини тадқиқ этиш зурур масала ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар педагогика фанини ривожланишида ҳисса қўшиши ва маънавий-маърифий соҳадаги долзарб вазифалардан биридир.

Педагогик атамаларнинг шаклланиш тарихи ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш педагогик муомаладаги кийинчиликларни бартараф этиш имконини беради. Шу билан бир каторда педагогик мазмундаги матнларни тушунишни осонлаштиради. Педагог ва тадқиқотчилар педагогик ходиса ҳамда вазиятларни тавсифлашда ушбу атамалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Ушбу атамалардан фойдаланишда уларнинг ҳар бири қандай маънода истеъмол қилинишидан қатъи назар талабалар учун қулай ва тушунарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай нуткий хатоликларни бартараф этиш ҳар доим онгли тарзда амалга ошириладиган жараён ҳисобланади. Дидактик қонуниятлар таълимнинг асосий ҳолатда тамойилларида ўз ифодасини топади. Замонавий педагогикада ранг-баранг дидактик принциплар тан олинган. Мазкур принциплар таълим ҳамда педагогик ходисаларнинг муваффақиятини таъминлаш учун хизмат қилади. Шу боис ҳам педагогик атамаларнинг шаклланиш тарихи ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштиришда илмийлик ҳамда тушунарлилик, онглилик, фаоллик, мустақиллик, тизимлилик, изчиллик, мустахкамлик ва назария билан амалиётнинг алоқадорлиги каби тамойилларига таянади.

Таълим очик характердаги ривожлантирувчи жараён. Шунинг учун ҳам уни алоҳида кўрсатмалар асосида такомиллаштириш мумкин эмас. Таълимнинг муваффақиятини таъминловчи асосий ҳолатлардан бири бу жараёнда педагогик атамаларнинг шаклланиш тарихи ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш ва улар мазмунининг таълим жараёни субъектлари учун тушунарли бўлишидир.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.
2. Кошкина Е.А. Понятийно-терминологический аппарат педагогики как предмет историко-педагогического исследования. / Образование и наука. 2012 № 5 (94) С. 83-95;
3. Оруджалиева А.С. Лингвистические особенности педагогических терминов в Азербайджанском языке: автореферат дис. ... кандидата филологических наук: 10.02.02 / Азерб. пед. ин-т. - 1990. - 19 с.;
4. Огаев С., Огаев Х. Дидактик қурсларни ўқитишнинг назарий асослари. -Тошкент, “Фан”. 2009. -251 б.
5. Педагогик атамалар лугати. Тузувчи: Р.Сафарова ва б. –Тошкент, 2016. -328 б.
6. Романцев Г.М., Федоров В.А., Осипова И.В., Тарасюк О.В. Профессионально-педагогические понятия. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2005 – 456 стр.
7. Рыжов А.Н. Генезис педагогических понятий в России в XI – XX вв. Монографии, 2012. - 290 стр.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогикада «атама» тушунчаси, унинг илмий-амалий маънода аниқ ифодаланиши, педагогик атамаларнинг кашф этилиши, дастлабки дарслик ва қўлланмаларнинг таржима қилиниши ва яратишига оид манбалар қайд этилган. Педагогик атамаларнинг шарҳ ва изоҳлари педагогик энциклопедия тарзида тизимлаштирилиши ҳамда уларнинг вазифалари таъкидлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается происхождение термина в педагогике, его научное и практическое определение, возникновение педагогических терминов, перевод и создание первых учебников и учебных пособий. Подчеркнуто толкование педагогических терминов в форме педагогической энциклопедии и их функции.

SUMMARY

The article discusses the origin of the term in pedagogy, its scientific and practical definition, the emergence of pedagogical terms, the translation and creation of the first textbooks and teaching aids. The interpretation of pedagogical terms in the form of a pedagogical encyclopedia and their functions are emphasized.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫМИ МЕТОДАМИ В УСЛОВИЯХ КОЛЛАБОРАТИВНОЙ СРЕДЫ

Болтаева З.З.

Бухарский инженерно-технологический институт

Таянч сўзлар: ижодий ҳаммуаллифлик, технологик ёндашув, эталон натижалари, процессуал ёндашув, тизимли таҳлил, индивидуал тадқиқот жараёни, ўйинли моделлаштириш, рағбатлаштириш тизими, ғояларнинг ўзига хослиги.

Ключевые слова: творческое соавторство, технологический подход, эталонные результаты, процессуальный подход, системный анализ, индивидуальный исследовательский процесс, игровое моделирование, система стимулирования, оригинальность идей.

Key words: creative co-authorship, technological approach, benchmark results, procedural approach, systems analysis, individual research process, game modeling, stimulation system, originality of ideas.

Новые социально-экономические условия развития Узбекистана предъявляют высокие требования к профессиональной подготовке конкурентоспособного специалиста, способного:

- ▶ самостоятельно ориентироваться в потоке меняющейся информации;
- ▶ получать новые знания и находить лучшие варианты их применения;
- ▶ видеть перспективы и планировать стратегии развития производства, образования и науки;
- ▶ внедрять и разрабатывать инновации.

Важным условием для овладения данных способностей является вовлечение студентов в процессе обучения в высших учебных заведениях в исследовательскую деятельность на основе создания коллаборативной среды. Именно исследовательская работа студентов способствует формированию интереса к учебно-познавательной, творческой и практической деятельности, повышает учебную мотивацию, создает условия для социального и профессионального роста, развития интереса к выбранной профессии, позволяет развить творческие и личностные качества будущих специалистов.

Проводимые сегодня в республике образовательные реформы отличаются особой масштабностью, где уделяются первостепенное значение вопросам дальнейшего совершенствования профессионально-педагогического образования.

Ключевые слова: потенциал инженерных кадров, компоненты способностей, глобализация, инженерное образование, математические знания, качество обучения, методы, традиционные, инновационные, экспериментальные, эффективность.

Key words: potential engineering personnel, ability components, globalization, engineering education, mathematical knowledge, teaching quality, methods, traditional, innovative, experimental, efficiency.

Қириш. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ривожланиши шу мамлакатда таълимнинг, илм-фаннинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Ҳозирги техника, технологиялар тезкор ривожланаётган даврда бу масала янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё мамлакатлари ривожланиш тажрибаларидан маълумки, мамлакатда таълимни, илм-фани ривожлантириш билан бир қаторда юқори салоҳиятли, ишлаб чиқаришга тез мослашувчан кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув, техника, технологиялар тезкор ривожланаётган ва ишлаб чиқаришга янги, замонавий техника ҳамда технологиялар жорий қилинаётган даврда юқори салоҳиятли муҳандис кадрларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Муҳандиснинг фаолияти ижодий характерга эга бўлиб, у янги техника ва технологияларни яратиш, мавжудларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инновацион ҳамда ностандарт қарорлар қабул қила олиши зарур. Шубҳасиз, бундай юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш мамлакатда таълимни, илм-фани ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш ислохотларнинг марказида туради. Ўзбекистонни янги тараққиёт стратегиясида ҳам таълим тизимини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистонда таълим тизимининг барча босқичларини, шу жумладан олий таълимни, илм-фани ривожлантиришга, шунингдек, замонавий талабларга мос, юқори

малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига устувор йўналишлар сифатида жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Замонавий муҳандис кадрларга қўйилаётган талаблар ва тадқиқотларимиз таҳлилларига кўра бўлажак муҳандис ўзининг мутахассислиги бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши билан бирга у мантикий математик тафаккур қилиш, математик аппаратни, математик усулларни ўз соҳасига қўллай олиш, муҳандислик масалаларини математик моделлаштириш, лойиҳа-конструкторлик ишларини бажара олиш, мутахассислиги бўйича теран ва креатив фикрлай олиш, ишлаб чиқариш жараёнига тез мослашиш каби қобилиятларига эга бўлиши зарур. Муҳандис бундай қобилиятларга эга бўлиши учун етарлича математик билимларга эга бўлиши талаб этилади.

Ҳозирги глобаллашув, ахборотлар оқими кучайган ва тезлашган, ахборот коммуникациялар, катта аниқликдаги автоматик қурилмалар, шунингдек, фан, техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши ва янгиланишида аниқ ва тезкор техник ҳамда технологик ечимларга эга бўлишда текширишларнинг математик аппарати, математик усуллари, математик моделлаштириш ва лойиҳалаш катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам муҳандис кадрлар тайёрлашда математик билимларнинг ўрни ўта муҳимдир. Шубҳасиз, муҳандис кадрлар тайёрлашда математика ва математика циклидаги фанлар ҳамда уларни ўқитилиш сифати муҳим аҳамият касб этади. Муҳандис кадрлар тайёрлашда математика фанини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида математика таълимини ҳамда математика ва унинг тадбиқларига доир илм-фанни ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Куйида ҳозирги замон муҳандисининг математик ва муҳандислик қобилияти компонентлари модели, ҳамда муҳандислик таълимида муҳим аҳамият касб этувчи математика фанининг ўқитилишидаги айрим муаммолар ва фанни ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича инновацион ёндашувлар, ўтказилган педагогик синов-тажриба натижалари ҳақида фикрлар билдирилган.

Таҳлил ва методология:

Ҳозирги замон муҳандис кадрларига ишлаб чиқаришнинг қўяётган талаблари ҳамда муҳандис кадрлар тайёрлашда математик билимларнинг ўрни ва аҳамияти бўйича ўтказилган турли илмий-тадқиқот натижалари ўрганилди ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди. Замонавий муҳандис кадрларга қўйилаётган талаблар ва ўрганилган илмий манбалар ҳамда ўтказилган тадқиқотларимиз натижаларининг таҳлилларига кўра ҳозирги давр муҳандисининг математик ва муҳандислик қобилияти компонентлари аниқлаб чиқилди ва модел сифатида тартиблаштирилди.

Ҳозирги замон муҳандисининг математик ва муҳандислик қобилияти компонентлари модели куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Математик материални формализацияланган(расмий) идрок қилиш;
- Мантикий математик тафаккур қилиш;
- Математик материални умумлаштириш;
- Математик мулоҳазаларни қўллай олиш;
- Математик тафаккурнинг қайтарилиши;
- Математик тафаккурнинг мослашувчанлиги;
- Математик тафаккурнинг рационаллиги;
- Математик белгилар ва математик тушунчалар билан ишлай олиш;
- Математик тафаккур креативлиги (ижодкорлиги);
- Математик аппаратни, математик усулларни қўллай олиш;

- Муҳандислик масалаларини математик моделлаштириш;
- Когнитив хотира (ғоя ва алгоритмик ечим учун хотира);
- Фазовий тафаккур;
- Тўғри ва тез ҳисоблай олиш;
- Муҳандислик ва математик сезги;
- Мутахассислиги бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш;
- Соҳасига оид янгиликларни изчил ва тезкор ўрганувчанлик;
- Ўз соҳаси бўйича керакли тажрибалар ва тадқиқотлар ўткази олиш;
- Лойиҳа- конструкторлик ишларини бажара олиш;
- Мутахассислиги бўйича теран ва креатив фикрлай олиш;
- Ишлаб чиқариш жараёнига тез мослаша олиш;
- Бошқарув (менежерлик) қобилиятига эга бўлиш;

Дастлабки ўн биттаси муҳандиснинг математик қобилияти компонентлари бўлса, кейингилари асосан муҳандислик қобилияти компонентлари ҳисобланади.

Олий таълимнинг муҳандислик бакалавр таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларида математика фани асосий мажбурий фан сифатида белгиланган. Талабанинг олган математик билимлари умумқасбий, мутахассислик ва бошқа табиий-илмий фанларни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш-техник соҳа бакалавр таълим йўналишларида “Олий математика” фанининг талабаларга ўқитилишидан мақсад – талабаларни муҳандислик, технологик, иқтисодий масалаларни таҳлил қилиш, моделлаштириш ва ечишда ёрдам берадиган зарур математик билимларга эга бўлишига ва бу билимларни ўз соҳасига тадбиқ эта олишга эришишидан иборатдир. Шунингдек, талабаларни логик ва алгоритмик масалаларни ечиш, текшириш усуллари қилиш, ўзининг математик билимини мустақил ошириб бориш ва муҳандислик, технологик ҳамда иқтисодий масалаларни тадбиқий математик таҳлил қилиш ва ечиш малака ҳамда кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Қуйида муҳандислик таълимида муҳим ўрин тутувчи математика фанининг ўқитилиши борасида муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомида аниқланган айрим муаммолар ва фанни ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича инновацион ёндашувлар, ўтказилган педагогик синов-тажриба натижалари ҳақида фикрлар билдирилган. Бизнинг тажрибаларимиз кузатув ва ўрганишлар ҳамда таҳлилларимиз натижасида қуйидаги муаммолар аниқ бўлиб қолмоқда:

- муҳандислик ишлаб чиқариш, техник соҳаси бакалавр таълим йўналишларида таълим олувчиларнинг катта қисмини ўрта таълим математик билимлари даражаси паст;
- ўрта таълим битирувчиларида олий таълимга кириш тестларига тайёргарлик кўриш, тест вариантларини ечиш яъни тестга тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган ва жавобни тез топишга ўрганишган. Математик исботлаш, муҳокама қилиш, мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, ностандарт фикрлаш қобилиятлари ривожланмаган;
- ўрта таълим ўқитиш технологияси билан олий таълимдаги ўқитиш технологияси орасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, биринчи курс талабаларининг олий таълимни ўқитиш технологияларига адаптация қилиниши (мослашуви) узоқ муддат давом этади ва биров кийин кечади;
- ўрта таълим битирувчиларида мустақил таълим олиш кўникмалари яхши шаклланмаган;
- ўрта таълим математикаси билан “Олий математика” курси ўртасида узвий боғланиш йўқ, маълум бир узилиш бор;

- Ўзбекистонда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосига ўтганлиги сабабли талабанинг мустақил таълим олишига қулай бўлган лотин имлосидаги ўқув адабиётлари етишмайди;
- муҳандислик таълимида “Олий математика” фанини ўқитиш жараёнида асосий эътибор назарий билим ва кўникмалар беришга қаратилади. Фанни ўқитиш давомида унинг амалий татбиқларига кам эътибор берилади. Дарсликларда ҳам, амалий машғулотлар учун ўқув қўлланмаларда ҳам тадбиқий масалалар кам;
- талабаларнинг аксарият қисми ўзларининг математик билимларини мутахассислик соҳаси масалаларини ечишга татбиқ эта олмайди;

Аниқланган муаммоларга ечим топиш, муҳандислик таълимида математика фанини ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Олий математика» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Математика фундаментал фан ҳисобланиши билан у табиатда ва жамиятда содир бўлаётган жараёнларни ифодалаш, шу сабабдан ҳам математика фанининг кенг тадбиқларга эга эканлиги олимлар томонидан кўп бор эътироф этилган ва амалда тадбиқлари кенг миқёсда кўрсатилган.

Математика инсоннинг мантикий муҳокама қобилиятини ўстира боради. Мантикий тафаккур малакасига эга бўлган кишига ҳар қандай фан билан шугулланиш учун мустаҳкам замин вужудга келади. Шу сабабли математиканинг маълум таърифларини, теоремаларини, қондаларини ёки формулаларини назарий ўрганиб олишнинг ўзи етарли эмас. Фанни ўрганиш жараёнида унинг кўпроқ тадбиқий томонига эътибор қаратиши муҳим ҳисобланади. Математик билимлар талабанинг ўзини англашда, илмий дунёқарашининг ўсишида, интеллектини тарбиялашда, ақлий қобилиятини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон, Россия, Белорусия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг муҳандислик таълимида математика фанининг ўқитилиши таҳлил қилиб ўрганилди. Ўрганилган мамлакатларнинг муҳандислик таълимида “Олий математика” курси ҳажми ва мазмуни бўйича бир-бирига жуда яқин дастур асосида ўқитилади. Фанни ўқитиш давомида одатда талабаларга маъруза дарсларида назарий билимлар берилади ва назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулот дарсларида маъруза дарсида ўтилган мавзуларга мос мисоллар ва машқлар бажарилади. Амалий машғулот дарсларида талабаларга таълим олаётган йўналишининг умумқасбий, мутахассислик фанлари ёки соҳага оид масалаларга ўрганилаётган мавзунинг тадбиқлари ҳақида жуда кам билимлар берилади. “Олий математика” курсидан амалда фойдаланилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам ишлаб чиқариш-техник соҳа таълим йўналишларининг умумқасбий, мутахассислик фанлари ёки соҳага мос тадбиқий машқлар жуда кам. “Олий математика” курси ёки унинг бўлимлари бўйича муҳандислик, ишлаб чиқариш, техника, технология, иқтисодиёт каби соҳалари тадбиқларига доир талабаларга мўлжалланган ўқув қўлланмалар деярли йўқ. Натижада кўпчилик талабалар ўзлари мустақил равишда математик билимларини ўзи таълим олаётган соҳага оид масалаларни ечишга тадбиқ эта олмайдилар. Таълим олаётган соҳасига оид тадбиқий масалаларни бажаришга қийналадилар. Бу эса талабаларнинг ижодий фаоллиги, фаол мустақил таълим олиши, ўз мутахассислиги соҳасига математик аппаратларни қўллай олиш кўникмалари етарли эмаслигини кўрсатади. Кузатишлар натижасида уларнинг кўпчилигида ижодий дунёқарашининг шаклланиши паст даражада эканлиги сезилмоқда. Санаб ўтилган ҳолатлар юқорида

кўрсатилган компонентларга эга бўлган, юқори салоҳиятли муҳандис кадрлар тайёрлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, “Олий математика” дарсларида талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, фаол мустақил таълим олиш ҳамда ўз мутахассислиги соҳасига математик билимларини қўлай билиш кўникмаларини ривожлантириш, натижада талабаларда фаол ижодий дунёқарашини шакллантириш зарур.

Тажриба:

Юқорида келтирилган долзарб муаммоларнинг ечимини излаш, маълум даражада ҳал қилиш шунингдек, муҳандислик таълимида математика фанини ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб кафедрамизда “Олий математика” курсини талабаларга турлича инновацион ёндашувлар асосида ўқитиш бўйича илмий-методик, педагогик тажриба-синовлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган тажриба-синовлардан бири – “Олий математика” курсини мутахассисликка йўналтириб ўқитишдир. Бу йўналишда педагогик тажриба-синов ўтказиш учун 2018-2019 ўқув йилидан Энергетика факультетининг “Энергетика”, “Электр энергетикаси”, Машинасозлик факультетининг “Автомобилсозлик ва тракторсозлик”, “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналишларининг 1-курс академик гуруҳларидан талабаларнинг математик билим даражаларининг яқинлиги меъзони асосида гуруҳлар танлаб олинди. Янгича ёндашув асосида ўқитиладиган гуруҳлар тажриба гуруҳи(Т), анъанавий усулда ўқитиладиган гуруҳлар назорат гуруҳлари(Н) деб белгиланди. Педагогик тажриба-синов 1,2 ва 3-семестрлар давомида олиб борилди. Тажриба-синовда қатнашган гуруҳ талабаларининг кейинги семестрлардаги мутахассислик фанларидан ўзлаштириш кўрсаткичлари ва бошқа ўқув ҳамда илмий, ижодий жараёнлари билан боғлиқ ҳолатлари ҳам мунтазам ўрганилиб, мониторинг қилиб борилмоқда.

Тажриба-синов ўтказилаётган таълим йўналишларининг умумқасбий ва мутахассислик фанларининг дастурларида ўрганилаётган мавзуларнинг мазмуни ва уларга математиканинг тадбиқ этилиши мумкин бўлган бўлимлари, мавзулари ва тушунчалари тегишли кафедраларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилди. Мутахассисликка доир масалалар тегишли манбалардан ўрганилди ва «Олий математика» фани мавзуларига мослиги бўйича ажратилиб, масалалар гуруҳларга бўлиб чиқилди. Тажриба-синов асосан, амалий машғулот дарсларида ўтказилиб, унда машғулот давомида мавзунинг таълим йўналишининг умумқасбий, мутахассислик фанлари ва соҳага оид масалаларни ечишга тадбиқларига доир машқларни кўпроқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Тажриба гуруҳлари талабаларига бериладиган мустақил ишлари таркибига таълим йўналишига мос амалий масалалар киритилди. Тажриба гуруҳларининг икtidорли талабаларига математиканинг тадбиқий мавзуларида маърузалар берилиб, талабалар илмий анжуманларида уларнинг маърузалари эшитилди.

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг жорий назорат, оралик назорат ва якуний назоратларидаги ўзлаштиришлари натижалари мониторинги олиб борилди. Ўтказилаётган тажриба-синов натижаларининг таҳлиллари кафедранинг илмий-методик семинарларида, турли илмий анжуманларда муҳокама қилиниб борилди.

Тажриба-синов ўтказилган гуруҳларда талабаларнинг “Олий математика” фанидан ўзлаштириши натижалари амалдаги усуллар билан статистик таҳлил

қилинди. Баҳонинг ўртача қиймати “Энергетика” таълим йўналишининг тажриба гуруҳларида 3.51 ни, назорат гуруҳларида эса 3.15 ни ташкил қилиб, самарадорлик 1.11 га тенг бўлди. Худди шунга ўхшаш баҳонинг ўртача қиймати “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналишининг тажриба гуруҳларида 3.35 ни, назорат гуруҳларида эса 3.04 ни ташкил қилиб, самарадорлик 1.10 га тенг бўлди.

“Олий математика” фанини янгилаш ёндашув асосида ўқитишда таълим самарадорлиги ошиши билан бирга қуйидаги ижобий натижаларга эришилиши ҳам кузатилди:

- талабаларда математиканинг кенг амалий тадбиқларга эга эканлиги тўғрисида тушунчалар пайдо бўлиб, уни ўрганишга қизиқишлари ортди;
- фанлараро алоқа яхшиланади ва натижада умумқасбий ҳамда мутахассислик фанларини ўрганилиш сифати ва самарадорлиги ошди;
- талабалар умумқасбий ва мутахассислик фанларини ўзлаштиришда, курсиши (к/л), битирув малакавий ишлари, илмий-тадқиқот ишларини бажаришда математик аппаратлардан фойдаланиш кўникмалари ортди;
- талабаларни фаол мустақил таълим олиш кўникмалари ривожланди;
- талабаларнинг ижодий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Хулоса ва таклифлар:

Тадқиқотларимиз асосида қуйидаги таклифларни берамиз:

- ўрта таълим математика фани билан олий муҳандислик таълим математикаси ўртасида узвийликни таъминлаш;
- ўрта таълимда ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш;
- «Олий математика» курсидан таълим соҳаларига мўлжалланган замонавий дарсликлар ва математика соҳаларининг амалий тадбиқларига оид ўқув қўлланмалар яратиш;
- «Математика» бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабаларига математиканинг амалий тадбиқлари бўйича тегишли билимлар бериш;
- «Олий математика» курсини ишлаб чиқариш, техника, технология, иктисодиёт соҳалари таълим йўналишларида ўқитиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 18-сон, 313-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 30-сон, 729-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 йил, 23-сон, 474-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 йил, 41-сон, 765-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 йил, 28-сон, 504-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2020 йил, 18-сон, 192-модда.
9. Кудрявцев Л.Д. Современная математика и её преподавание. Москва-1980.
10. Гненденко Б.В. С.Х. Сирожиддинов. Университеты и научно-технический прогресс. Сборник научно-методических статей по математике. Москва-1987. 11.Т.Н. Қори – Ниёзий. Ҳаёт мактаби. Тошкент – 1970.
12. Рождественская Е.А. «Модель математических способностей инженера и ее реализация в процессе обучения высшей математике» Молодой учёный. 2010. №1-2(13). Т.2. С.292-295.

13. Юсупов А.И. Ҳозирги замон математика фанини ўқитишда амалий тадқиқларига эътибор қаратиши ҳақида. “Академик Қори – Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзусидаги чет эл олимлари иштирокида илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент – 2017.

14. Юсупов А.И., Абдикайимова Г.А. Мухандислик таълим йўналишларида “Олий математика” курсини ўқитишда технологик ёндашув ҳақида. Материалы Республиканской научной конференции “Современные проблемы теории вероятностей и математической статистики” Тошкент-2019.

15. Юсупов А.И., Эргашев Ж.Ж. Мухандислик таълимида “Олий математика” фанининг ўрни ва уни ўқитишга янги ёндашув ҳақида. ЎзМУ хабарлари. 2019 й., 1/2/1. 252-256 б.

16. Юсупов А.И., Пирматов Ш.Т. Олий таълимнинг ишлаб чиқариш, техник билим соҳаси таълим йўналишларида математика фани ўқитилишининг баъзи жиҳатлари ҳақида. “Глобаллашув даврида математика ва амалий математиканинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари тўплами. II қисм. Тошкент-2021.

17. Юсупов А.И., Эргашев Ж.Ж. Мухандислик таълимида математика фанининг ўрни ва уни ўқитилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида. «Замонавий таълимда математика, физика ва рақамли технологияларнинг долзарб муаммолари ва ютуқлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Чирчик, 2021й.

РЕЗЮМЕ

Мақолада глобаллашув даврида малакали муҳандис кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда ҳозирги замон муҳандисида мужассам бўлиши зарур бўлган қобилият компонентлари, шунингдек, муҳандислик таълимида математика фанининг ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ фикрлар келтирилган. Мухандислик таълимида математика фанининг ўқитилишини илмий, педагогик ва методик ўрганиш жараёнида аниқланган айрим муаммолар ва математика фанини ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ва унинг натижалари таҳлили ҳамда хулосалар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены конкретные представления о потребности в квалифицированных инженерных кадрах в эпоху глобализации и о компонентах способностей, которые должны быть воплощены в современном инженерере, а также о роли и значении математики в инженерном образовании. Описаны некоторые проблемы, выявленные в процессе научно-педагогического и методического исследования преподавания математики в инженерном образовании, а также экспериментальной проверки, проведенной по повышению качества и эффективности преподавания математики, анализа ее результатов и выводов.

SUMMARY

The article presents specific ideas about the need for qualified engineering personnel in the era of globalization and about the components of abilities that should be embodied in a modern engineer, as well as about the role and importance of mathematics in engineering education. Some of the problems identified in the process of scientific-pedagogical and methodological research of teaching mathematics in engineering education, as well as experimental testing carried out to improve the quality and efficiency of teaching mathematics, analyzing its results and conclusions are described.

MATEMATIK FANLARINI O'QITISHDA AMALIY DASTURLARDAN SAMARALI FOYDALANISH

Usmonov B. Z.

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti “Matematika va Informatika” fakulteti “Matematika o'qitish metodikasi va Geometriya” kafedrası katta o'qituvchisi

Atenov J. D.

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti “Matematika va Informatika” fakulteti magistranti

Tayanch so'zlar: axborot texnologiyalari, dastur, Maple, Desmos, Geogebra, grafik, funksiya.

Ключевые слова: информационные технологии, программное обеспечение, Maple, Desmos, Geogebra, графика, функция.

Key words: Information technology, program, Maple, Desmos, Geogebra, graphics, function.

KIRISH. Bugungi kunning asosiy talablaridan biri - zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llagan holda ta'limni boshqarishni avtomatlashtirish va har tomonlama tahlil qilib borish tizimini yaratish, elektron resurslar va masofaviy ta'limni yanada rivojlantirishdir.

Doimiy ravishda ortib borayotgan axborotlar ko'lamini o'quvchilarning intellektual axborot madaniyati - qobiliyatini yanada tarbiyalashga undaydi. Shuningdek, faqatgina o'quvchilarning emas, balki o'qituvchilarning ham kompyuter dasturlari va ularni ifoda etish vositalarini, multimedia texnologiyalarini qo'llash malakalarini yanada faollashtirishni taqozo etadi. Bu bilan esa darslarning amaliy samaradorligini yanada oshirish imkoniyatlari ochiladi.

Ta'lim tizimiga yuqori samarali xalqaro amaliyotni joriy etish, Respublika ta'lim tashkilotlarini nufuzli xalqaro reytinglarga kiritish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Matematika fanlarini o'qitishga yangi texnik vositalar, shu jumladan, kompyuter va boshqa axborot texnologiyalarining jadal kirib kelayotgan hozirgi davrida fanlararo uzviylikni ta'minlash maqsadida informatika fani yutuqlaridan foydalanish dolzarb masalalardan biridir. Kompyuter texnikalarini ta'lim muassasalariga tatbiq etish, o'qitish jarayonini optimallashtirishga keng yo'l ochib beradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA. Hozirda, ayniqsa matematik ta'limning zamon talablariga javob berishining zaruriy shartlaridan biri axborot texnologiyalarining ilg'or resurslaridan samarali foydalanishdir.

Bu sohada bir qator ishlarda, masalan dars jarayonida axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanishni to'g'ri tashkil etish, uning g'oyalari to'g'risida, shuningdek ba'zi mavzularni o'qitish uslublari haqida ijobiy fikrlar bildirilgan.[1]-[5]

MUHOKAMA VA NATIJALAR. Ushbu maqolada matematikadan amaliy mashg'ulotlar mazmunini yanada chuqurlashtirishga xizmat qiluvchi, matematikaning asosiy tushunchalariga oid tipik masalalarni Maple, Desmos, Geogebra kabi kompyuter dasturlarini qo'llab yechishga na'munalar, hisoblash qoidalarini va tegishli yo'llanmalari keltiriladi.

1- masala. $y = 2 - \left(\frac{1}{3}\right)^x$ funksiya grafigini chizing.


1) Geogebra dasturini faollashtiramiz, agar bu dastur o'rnatilmagan bo'lsa, Internetdan online usulda ishlatish mumkin;


2) Bu funksiya grafigini **Geogebra** dasturidan foydalanib chizamiz.

Geogebra bosh menyusida "Vid'Polotno 3D" ni tanlaymiz;

3) komandalar kiritish paneliga $f: y = 2 - \left(\frac{1}{3}\right)^x$ ni kiritamiz;

4) "полотно 3D"da funksiya grafigi hosil bo'ladi.







Bunday dasturlardan foydalanish orqali o'quvchilarni ko'rsatgichli funksiya grafini chizish va tasavvur qilish, ko'z oldiga keltirishlariga ham yordam beradi. Bundan tashqari o'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshirishimiz mumkin.

2-masala. Asosining koordinatalari $A(-2,0,0)$, $B(0,-2,0)$, $C(2,0,0)$, $D(0,2,0)$ va uchining koordinatasi $E(0,0,3)$ bo'lgan piramidani chizing.

- 1) Piramidani GeoGebra dasturidan foydalanib online tarzda chizamiz;
- 2) GeoGebra bosh menyusida "Vid/Polotno 3D" ni tanlaymiz;
- 3) **Инструменты** bo'limidan piramidani tanlaymiz;
- 4) Komandalar kiritish paneliga koordinatalarini yozamiz;
- 5) "полотно 3D"da asosining koordinatalari $A(-2,0,0)$, $B(0,-2,0)$, $C(2,0,0)$, $D(0,2,0)$ va uchining koordinatasi $E(0,0,3)$ bo'lgan piramida hosil bo'ladi.







Bunday dasturlardan foydalanib geometrik shakllarni tezda chizib olishimiz va o'quvchilarni tasavur qilish qobiliyatlarini oshirishga yordam beradi. Bundan tashqari esa bizga vaqtdan unumli foydalanishimizga yordam beradi.

3-masala. $y=x^2-4x+4$ funksiya grafigini chizing.

- 1) Bu masalani grafigini **GeoGebra** dasturidan foydalanib chizamiz;
- 2) GeoGebra bosh menyusida "Vid\Polotno 3D" ni tanlaymiz;
- 3) Komandalar kiritish paneliga $y=x^2-4x+4$ ni kiritamiz;
- 4) "полотно 3D"da funksiya grafigi (parabola) hosil bo'ladi.





Bunday dasturlardan foydalanish orqali o'quvchilarni kvadrat funktsiya grafigini chizish va tasavvur qilish, ko'z oldiga keltirishlariga yordam beradi.

Hozirgi kunda axborot texnologiyalari, zamonaviy dasturlar nafaqat o'quvchilar uchun balki, o'qituvchilar uchun ham juda foydali. Chunki axborot texnologiyalari zamon talabiga aylanib ulguragan.

XULOSA. Xulosa qilib aytganda bugungi o'quvchilar masalalarini tez va sifatli yechishni hohlaydi. Oliy o'quv yurtlarida, maktablarda matematika fanini o'qitishda axborot texnologiyalarini qo'llab o'qitish yaxshi samara beradi. Dunyoga e'tibor beradigan bo'lsak nazariy ta'limdan amaliy ta'limga o'tish shiddat bilan rivojlanayotganiga guvoh bo'lamiz. Shunday ekan, oliy o'quv yurtlarida, maktablarda matematika fanlarini o'rgatishda amaliy mashg'ulotlar samaradorligini oshirishda axborot texnologiyalaridan foydalanishga katta e'tibor qaratish kerak bo'ladi. Bunda bizga maple, geogebra, desmos dasturlari yordam beradi. Matematika barcha mutahassisliklarni mukammal o'rganishning asosi ekanligiga talabalarda qiziqish uyg'otishda juda ham qo'l keladi.

Adabiyotlar:

1. U.J.Begimqulov. Pedagogik ta'limda zamonaviy axborot texnologiyarini joriy etishning samarali ilmiy-amaliy asoslari. T.: "Fan", 2007.
2. D.X.Turdiboyev "Geometriyada o'quv mashg'ulotlarini axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib loyihalash" //Informatika va energetika muammolari jurnali. Toshkent, 2011.
3. В.З.Аладьев "Системы компьютерной алгебры" Maple. Искусство программирования (2-изд. 2007).
4. Jo'raqulov, R., Toshpo'latov, D. S. (2021). Matematika fanini o'qitishda ajdodlar merosi. Academic research in educational sciences.
5. ST Iskandarov, DS Toshpolatov Assessment of Economic Efficiency of Vegetable Production in Greenhouses. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 2020.

РЕЗЮМЕ

Maqola matematikadan amaliy mashg'ulot darslarning samaradorligini yanada oshirish maqsadida zamonaviy axborot texnologiyalari vositalaridan maqsadli foydalanish, xususan, matematik paketlarni qo'llashga doir namunalarga bag'ishlangan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются примеры целенаправленного использования современных средств информационных технологий, в частности, использование математических пакетов для дальнейшего повышения эффективности уроков математики.

SUMMARY

The article discusses examples of the purposeful use of modern information technology tools, in particular, the use of mathematical packages to further improve the effectiveness of mathematics lessons.

ДВУХФАЗНЫЕ ПОТОКИ В НЕОГРАНИЧЕННОМ ПРОСТРАНСТВЕ В УСЛОВИЯХ ТЕПЛООБМЕНА

Хусанова Д.К.

Чирчикское ВТКИУ доцент кафедры «Общетехнических дисциплин»

Таянч сўзлар: ikki fazali oqimlar, qaynatish, bug'lanish, suyuqlikning haddan tashqari qizishi, qabariq rejimi, kino rejimi.

Ключевые слова: двухфазные потоки, кипение, парообразование, перегрев жидкости, пузырьковый режим, пленочный режим.

Key words: two-phase flows, boiling, vaporization, liquid overheating, bubble mode, film mode.

Рассмотрим физические основы процессов парообразования в неограниченном пространстве. Кипение – процесс парообразования в объеме жидкости, перегретой относительно температуры насыщения, с образованием паровых пузырей. Кипение возможно при всех температурах между тройной и критической точками. Оно может происходить на твердой поверхности, к которой извне подводится теплота в объеме перегретой жидкости. При подводе теплоты слой жидкости, прилегающий к поверхности нагрева, имеет температуру выше температуры насыщения (перегрев жидкости). Наличие перегрева – одно из условий, необходимых для начала кипения. Характер распределения температур по высоте столба жидкости и режимы кипения показаны на рис. 1. В начальной стадии жидкость нагревается по всему объему, но не достигает температуры насыщения (см. рис. 1). При достижении в пристенном пограничном слое перегрева $t_{\text{ст}} - t_{\text{н}}$ на поверхности нагрева образуются паровые пузыри, которые поднимаются вверх в слое перегретой жидкости. В остальном объеме жидкость еще не догрета до температуры насыщения и паровая фаза конденсируется, а кипение в недогретых слоях прекращается (см. рис. 1, б). Считаем, что молекулярный пристенный слой жидкости имеет температуру стенки $t_{\text{ж}} = t_{\text{ст}}$. Когда весь объем жидкости полностью перегрет – $t_{\text{ж}} > t_{\text{н}}$ (см. рис. 1, в), кипение становится развитым. Паровая фаза выходит на поверхность жидкости. При определенных условиях паровые пузыри, образовавшиеся на греющей поверхности, сливаются между собой. Жидкость отделяется по твердой поверхности паровой фазой, и наступает пленочный режим, который характеризуется резким повышением температуры стенки. Переход от пузырькового режима к пленочному режиму часто называют кризисом кипения (рис. 1, г).




Рис. 1 Режимы кипения: $t_{\text{ж}}$ – температура жидкости;

$t_{\text{ст}}$ – температура стенки; $\delta_{\text{пер}}$ – толщина пограничного слоя; $t_{\text{н}}$ – температура насыщения; а – свободная конвекция; б – поверхностное неразвитое кипение; в – развитое кипение; г – пленочное кипение

Итак, наличие перегрева является первым условием, необходимым для начала пузырькового кипения. Вторым условием является наличие центров парообразования. Такими центрами могут быть микрошероховатости (например, микроуглубления). Схема зарождения, роста и отрыва парового пузыря, зародившегося в микроуглублении, показана на рис. 2. Паровой пузырь зарождается в пограничном слое перегретой жидкости (рис. 2, а). Минимальный радиус парового зародыша – $R_{\min}$. Паровой пузырь растет в объеме, окруженный перегретым слоем жидкости (рис. 2, б). Достигнув величины отрывного диаметра d_0 (рис. 2, в), пузырь всплывает (рис. 2, г), унося на своей поверхности сильно перегретую жидкость $t_{\text{ж}} \approx t_{\text{ст}}$. При всплытии пузыря возникают встречные потоки жидкости, что обуславливает сильную турбулизацию объема.




Рис. 2 Схема роста и отрыва парового пузыря: а – прогрев пограничного слоя; б – рост парового пузыря; в – момент отрыва парового пузыря; г – всплытие парового пузыря

Интенсивность теплообмена в двухфазных потоках в значительной степени определяется механизмом пузырькового кипения, а также режимными и геометрическими параметрами процесса [3]. К микрохарактеристикам процесса относятся критический радиус пузыря, отрывной диаметр, скорость роста, частота отрыва. Режимные и геометрические параметры включают скорости потока, размеры, форму и ориентацию канала, а также свойства кипящей жидкости. Минимальный радиус парового пузыря в момент зарождения $R_{\min}$ называется также критическим радиусом. Условия механического равновесия сил для парового пузыря определяется уравнением Лапласа

$$\Delta p = p_1 - p_0 = \frac{2\sigma}{R_{\min}}. \quad (1)$$

При $\Delta p > \frac{2\sigma}{R_{\min}}$ паровой пузырь развивается; при $\Delta p < \frac{2\sigma}{R_{\min}}$ конденсируется.

Как было сказано, условием образования пузырька с радиусом $R_{\min}$ является наличие перегрева $\Delta t = t_{\text{ж}} - t_0$. Температура пара в пузыре $t_{\min}$ с критическим радиусом $R_{\min}$ должна равняться температуре окружающих слоев жидкости $t_{\text{ж}}$. Таким образом, $t_{\text{ж}} = t_{\min}$ может быть вычислена приближенно (без учета кривизны поверхности раздела жидкость–пар) как температура насыщения, соответствующая давлению пара внутри пузыря:

$$\begin{aligned} p_1 &= p_0 + \Delta p \\ p_1 &= p_0 + \Delta p, \end{aligned}$$

где p_0 – давление насыщения.

Отсюда следует, что связь между Δp и Δt определяется формулой

$$\Delta p = p_1 - p_0 \sim p \cdot \Delta t. \quad (2)$$

По уравнению Клайперона–Клаузиуса производная от давления по температуре на линии насыщения

$$p' = \left(\frac{\partial p_0}{\partial t} \right)_0 = \frac{r \rho' \cdot \rho''}{t_0 \rho' - \rho''}. \quad (3)$$

С учетом (1) и (3) формула для нахождения $R_{\min}$ приобретает вид

$$R_{\min} = \frac{2\sigma_0}{r \rho' t_{ж} - t_0}, \quad (4)$$

где имеется ввиду, что $t_{ж} = t_{ст}$.

Из анализа зависимостей могут быть сделаны следующие выводы. С увеличением перегрева, плотности пара и теплоты парообразования размер пузырька $R_{\min}$ уменьшается, что сопоставимо с величиной шероховатости, которая может служить центром парообразования. Иначе говоря, снижение $R_{\min}$ способствует созданию более благоприятных условий для начала пузырькового кипения.

К наиболее благоприятным условиям образования пузыря относятся условия, при которых затрачиваемая работа будет минимальной [4]. Затрачиваемая работа на образование пузыря в объеме жидкости выражается зависимостью

$$L = -\Delta p V + \sigma F, \quad (5)$$

где V и F – объемы и поверхности пузыря; ζF – работа образования межфазной поверхности с площадью F . Чем меньше работа, тем больше вероятность вскипания [3].

Объем и поверхность пузыря, соответственно, составляют $\frac{4}{3}\pi R_{\min}^3$ и $4\pi R_{\min}^2$, с учетом этого формула для определения величины работы имеет вид

$$L = \frac{4}{3}\pi \sigma R_{\min}^2 = \frac{16\pi \sigma^3}{3\Delta p^2} = \frac{16}{3} \frac{\pi \sigma^3}{r \rho'^2} \left(\frac{t_0}{\Delta t} \right)^2. \quad (6)$$

Очевидно, что вероятность вскипания увеличивается с ростом перегрева Δt и уменьшением $R_{\min}$. Наибольший интерес для условий холодильной техники и энергетики представляет кипение на твердой поверхности. В этом случае молекулярное сцепление твердое тело–жидкость ослаблено по сравнению с объемным вскипанием. На рис. 3 показана схема образования и роста парового пузыря на твердой поверхности нагрева.




Рис. 3. К определению минимального радиуса парового пузыря $R_{ж}$ и краевого угла смачивания $\theta_{кш}$.

P_0 – давление насыщения; P_1 – давление внутри пузыря

В случае кипения жидкости, смачивающей твердую поверхность, краевой угол кипения $\theta_{кш} < \pi/2$; при кипении жидкости, не смачивающей твердую поверхность, $\theta_{кш} > \pi/2$. Полная поверхность пузыря

$$F = F_{ж-ж} - F_c,$$

где $F_{ж-ж}$ – поверхность соприкосновения пара и жидкости;

F_c – поверхность основания пузыря, или площадь контакта пара и твердой поверхности.

Работа, затраченная на возникновение парового пузыря,

$$L = F_{\text{ж}} \sigma_{\text{ж-п}} + F_{\text{с}} \sigma_{\text{п-с}} - \sigma_{\text{ж-с}}, \quad (7)$$

где $F_{\text{с}} \sigma_{\text{п-с}}$ – работа, затраченная на возникновение поверхности раздела;

$F_{\text{ж}} \sigma_{\text{п-с}} - \sigma_{\text{ж-с}}$ – работа, затраченная на замещение жидкости паром при образовании пузыря.

Согласно рис. 2.1, $\sigma_{\text{п-с}} - \sigma_{\text{ж-с}} = \sigma_{\text{ж-п}} \cos \Theta_{\text{жпп}}$; опустив в дальнейшем индексы «ж, п, кип», получим зависимость

$$L = -\Delta p V + F \sigma \left[1 - \frac{F_{\text{с}}}{F} 1 - \cos \Theta \right]. \quad (8)$$

Отношение $F_{\text{с}}/F$ характеризует долю поверхности пузыря, по которой пар контактирует с поверхностью нагрева. Величина $F_{\text{с}}/F$ характеризует размер шероховатостей на теплопередающей поверхности.

Анализ зависимости (8) позволяет сделать два важных вывода, связанных с направлением интенсификации процесса кипения:

1. С ростом $F_{\text{с}}/F$ и увеличением θ , т. е. с ухудшением смачиваемости, уменьшается работа образования граничных поверхностей. Иначе говоря, повышается вероятность возникновения паровых пузырей, что связано с интенсификацией процесса кипения. Шероховатости могут быть в виде углублений и впадин как следствие качества обработки теплопередающей поверхности, а могут создаваться специально как метод интенсификации. В последнем случае размер шероховатости должен быть соизмерим с геометрическими характеристиками зарождающегося пузыря $R_{\text{мин}}$.

2. С другой стороны, снижение давления приводит к уменьшению абсолютной величины первого слагаемого, что при прочих равных условиях увеличивает работу образования поверхности раздела. Иначе говоря, уменьшение давления сдвигает начало парообразования в область больших перегревов.

Литература:

1. Данилова Г.Н. Теплообменные аппараты холодильных установок. – Л.: Машиностроение. Ленингр. отделение, 1986. – 303 с.
2. Малышев А.А., Мамченко В.О., Киссер К.В. Теплообмен и гидродинамика двухфазных потоков хладагентов: Учеб.-метод. пособие. Университет ИТМО, 2016. 116 с.
3. Малышев А.А., Киссер К.В., Омелечко С.Е. Перспективные направления исследований теплогидродинамических характеристик кипящих хладагентов в стесненном пространстве // VII Международная научно-техническая конференция «Низкотемпературные и пищевые технологии в XXI веке»: Материалы конференции. 2015. Ч. 1. 159 с.
4. Малышев А.А., Большакова А.С., Киссер К.В. Исследования режимов течения двухфазных потоков хладагентов в горизонтальных трубах // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия: Холодильная техника и кондиционирование. 2014. № 3(16). 61 с.

РЕЗЮМЕ

Maqolada quvurlarda cheksiz bo'shliqda ikki fazali sovutgich oqimlarining bug'lanishi va qaynashi jarayonlarining jismoniy asoslari ko'rib chiqiladi. Quvurlardagi sovutgichlarni qaynatishda issiqlik va gidrodinamik jarayonlarni har tomonlama o'rganish texnikasi keltirilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены физические основы процессов парообразования и кипения двухфазных потоков хладагентов в неограниченном пространстве в трубах. Приведена методика комплексного исследования теплогидродинамических процессов при кипении хладагентов в трубах.

SUMMARY

The article considers the physical foundations of the processes of vaporization and boiling of two-phase refrigerant flows in an unlimited space in pipes. A technique for a comprehensive study of thermal and hydrodynamic processes during the boiling of refrigerants in pipes is given.



БАСЛАЎИШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТЎРБИЯ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суюнов Д.А.

*Термиз давлат университети Бошланғич таълим
кафедраси эркин тадқиқотчиси*

Таянч сўзлар: бошланғич синф, ўқувчилар, табиат, мутафаккир, табиатшунослик, дарс, таълим, шакл, метод, фаолият, мерос, манба, аямажуз, ўқитиш, маълумот, фойдаланиш.

Ключевые слова: начальные классы, учащиеся, природа, мыслитель, естествознание, урок, образование, форма, метод, деятельность, наследие, аямаджуз, обучение, информация, использование.

Key words: elementary school, students, nature, thinker, natural science, lesson, education, form, method, activity, heritage, ayamajuz, learning, information, use.

Дархақиқат, Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид меросларидан фойдаланиш дастлаб узлуксиз таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган бошланғич таълимдан бошланади. Бу ёшдаги ўқувчилар атроф-муҳит, табиат билан бевосита боғланганки, улар ўрганадиган материаллар асосида мутафаккирларнинг асарларидаги табиат ва уни асраш билан боғлиқ бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади. Шу сабабдан бошланғич синф ўқитувчиси моҳир педагог ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг асоси бўлган атроф-муҳит, табиатга оид чуқур билим, қўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак.

Қуйида бошланғич 4-синф табиатшунослик дарслигидаги “Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш” мавзуси бўйича ташкил этилган дарсда Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид меросларисан фойдаланиш ва бу жараёнда қўлланилган самарали шакл, метод ва воситалар тўғрисида батафсил сўз юритилади.

Ўқувчиларни мавзуга тааллуқли асосий маълумотлар билан таништиргач, иқлим тўғрисида Ўрта Осиё мутафаккирларининг фикрлари қўшимча сифатида берилади. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг иқлимни талқин этувчи назарияси бўйича, ҳавонинг ҳолати, ... мазкур жойнинг табиатига, унинг тоғларда ёки денгиз бўйида турганлигига, жойнинг баланд - пастлигига”, шунингдек:

- ер юзаси, тупроғи, ўсимликларига;
- тоғларга ёки океанга яқинлигига;
- океан сатҳидан неча метр баландда ёки пастда турганлигига;
- қайси географик параллелда ўрнашганлигига боғлиқ. Бу ғоя замон илмий хулосалари билан тасдиқланганлигига урғу берилгач, мутафаккирнинг “Охирги совуқ” назарияси ҳақида ҳам тушунча берилади.

Мазкур назариянинг моҳияти қуйидагича: “Қиш охиридаги совуқ қаттиқ бўлади. Бу ҳодиса иссиқликка ҳам ҳосдир”. Айни ўринда ўқувчиларга халқ орасида кенг қўлланилувчи “Аямажуз” тушунчасининг моҳияти ёритилади ва бу ўринда Абу Райҳон Беруний томонидан берилган маълумотлар берилади. Яъни “Аямажуз олти кун, қаҳрланса қаттиқ кун” мақолини эслатиб, бундаги “Аямажуз” сўзининг луғавий маъноси “Айём ажуз” бўлиб, қишнинг охирги ҳафтаси шундай деб аталади. Кабиса йилида февралнинг охирги тўрт куни билан мартнинг дастлабки уч куни, оддий йилларда эса февралнинг охирги уч куни билан мартнинг дастлабки тўрт куни аямажуз ҳисобланади.

Шунингдек, ўқитувчи “Кабиса йили” ва “Оддий йиллар” тушунча-ларининг мазмунини ҳам очиб беришга эътиборни қаратиш лозим. “Кабиса (тўлиқ) йили” да йилнинг давомийлиги 366 кун ва феврал 29 кундан иборат бўлади, “Оддий йил” да эса бир йил 365 кун, феврал эса 28 кундан ташкил топади.

Юнон олими Эротосфеннинг асарида ер юзасида жойлашган минтақалар иқлим хусусиятларига кўра етти гуруҳга бўлинганлиги тўғрисида маълумот берилади. Аслида бу ҳолат юнонлардан аввал Хуросон аҳолиси учун маълум бўлганлигини Абу Райҳон Беруний ўз асарларида ёзиб қолдирган.

Ушбу маълумотлар билан ўқувчиларни таништириш чоғида мутафаккирнинг “Қонуни маъсудий” асарида келтирилган иқлим минтақа-лари (етти иқлим) ни ёритувчи жадвални XIV асрда Сирдарёлик олим Фахриддин Банокатий томонидан асосланган етти иқлим схемасига қиёслаб кўргазмани намойиш қилинади.

Шунингдек, ўқитувчи “Етти иқлим” нинг энг қулай ва одамлар яшовчи қисмлари қадимдан “Маъмура” (“Обод”) ёки “Рубъи масқун” (“Тўрт чорак”) бир чораги (бўлаги) обод бўлган, одамлар яшайдиган жой) деб атаб келганлиги ҳам ўқувчиларнинг эътиборини тортади.

Иқлимнинг Республика экологик муҳитига таъсирини Орол денгизи ва Жиззах вилоятида жойлашган Арнасой қўллари ҳамда уларнинг экотизимга таъсири мисолида ҳам тушунтириш мумкин.

Мавзунини ёритишда ўқувчиларни Оролнинг ҳозирги салбий экологик ҳолати, унинг сабаблари, ҳудуддаги ўзгаришларнинг Сирдарё вилояти иқлимига таъсири, яъни намлиқнинг ортиши, ернинг шўрланиш даражаси кучайганлиги ҳақидаги маълумотни бериш мақсадга мувофиқ саналади.

Жумладан, эрамининг биринчи минг йиллигида (унинг иккинчи ярмида) иқлим анча қуруқ ва иссиқ бўлгани учун Каспий денгизи сатҳи кучли пасайиб, Орол денгизи қуриб қолган, XIII-XIV асрларда иқлим яхшиланиб яна ўз ҳолига келган, XV асрга келиб Каспий денгизи 7 метрга кўтарилган ва Орол денгизи тошиб Ўзбой ўзани орқали Каспий денгизига оқа бошлаган.

“Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш” мавзусини ўрганишда Орол денгизининг ҳозирги экологик салбий ҳолати, сатҳи пасайиши сабаблари, унинг Сирдарё вилояти иқлимига таъсири хусусида ҳикоя қилувчи видеофилмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Дарсни маълумотларга бой, қизикарли, кўргазмани ташкил қилиш ўқитувчидан

педагогик маҳорат ва тинимсиз изланишни талаб қилади, албатта. Шубҳасиз, бунинг учун мактаб ўқитувчиларининг бўш вақтини тўғри уюштириш, керакли восита ва кўргазмали материаллар билан таъминлашга эътибор бериш лозим. Шундагина ўқувчиларда табиатдаги ҳақиқий манзарани ҳис қилиш, ундаги нохуш ҳодисаларга чидаб туrolмаслик ва табиатга нисбатан шафқатли бўлиш, бир сўз билан айтганда, экологик маданиятнинг шаклланиши самарадорлиги юқори бўлади.

Шунингдек, бошланғич 4-синф табиатшунослик дарслигидаги “Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш” мавзусини ўрганишда ўқувчиларга қуйидаги маълумотларнинг берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир: қадим замонлардан бери одамлар ҳамма нарсани табиатдан олганлар. Бироқ одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қайғурмай, унинг неъматларидан доимий равишда истемол қилиб келишлари натижасида бир қанча ўсимликлар ва ҳайвонлар бутунлай йўқ бўлиб кетган ёки йўқолиб бормоқда (Республика “Қизил китоби”га киритилган ва йўқ бўлиб кетган ёки йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларнинг расмлари, фотосуратлари намойиш этилади).

Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ёритилган ўлка табиати тасвирига оид қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: “Сайхун дарёсининг Аҳси тарафи даштгур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жалгалдур. Буғу-морал, кирғовул ва товушқони кўп топилур”. Ўқувчилар ушбу маълумот билан танишганларидан сўнг, буғу, кирғовул, товушқон қанақа бўлишини эслаб кўриш таклиф этилади. Маълум бўлишича, ўқувчиларнинг кўпчилиги улар билан таниш эмаслар, шу сабабли уларнинг расмларини намойиш этиш мақсадга мувофиқдир.

Табиатга бўлган нотўғри муносабат туфайли у кўп талофат кўрди, ўз навбатида инсонлар ҳам ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган айрим омилардан маҳрум бўлдилар. Шу сабабли табиатни ҳимоя қилиш, асраш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу фикрларни билдириш чоғида ўқувчилар Амир Темурнинг қуйидаги фикрлари билан таништириладилар: “Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса ёки бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йил ундан ҳеч нарса олинмасин, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонунга риоя қилган ҳолда солиқ олинсин”.

Дарс сўнггида ўқувчилар томонидан Ўрта Осиё мутафаккирларининг ўлка табиати, уни асраш ва юртни обод қилиш ҳақидаги қарашлари моҳиятининг қай даражада англаганлигини ўрганиш мақсадида ўқувчиларга “Жамият ва табиат” ҳамда “Табиат ва жамият” кичик иншо ёзиш вазифаси топширилади. Улар томонидан топшириқ бажарилгач, топшириқларда баён этилган мулоҳазалар асосида қуйидаги жадвал яратилади (1- жадвал).

1-жадвал

№	Жамият ва табиат	№	Жамият ва табиат
1	Инсон ва табиатсиз ер юзида ҳаёт бўлмайди.	1	Табиатга инсон керак.
2	Мен табиат бўлса яшайман.	2	Инсонларсиз табиат бундай гўзал бўлмайди.

3	Фойдали-мен ҳар баҳорда кўчат экаман.	3	Фойдали - инсонлар эҳтиёжи учун ҳаддан ташқари кўп фойдаланишади.
4	Оқ кийик, бугу-морал, кирговул ва товущонни асрайман.	4	Инсонлар таъсирида жуда кўп жониворлар йўқ бўлиб кетган.

Бошланғич 4-синф табиатшунослик дарслигидаги “Хариталар” мавзусида ҳам Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид қарашларини бошланғич синф ўқувчилари орасида тарғиб қилишда ўзига хос имкониятларга эга.

Унда мавзу бўйича суҳбат ташкил этилиб, уй қуриш, сугориш канали қурилиш лойиҳасини аввал қоғозда тасвирлаб олиш кераклиги ўқувчиларга тушунтирилади. Ўқув материаллини ҳикоя қилишда ўқувчиларга уй қуриш чоғида инсон саломатлигини таъминлашга ёрдам берувчи жиҳатларни инобатга олиш зарурлиги, бунда уй ҳолати муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу сабабли уйларнинг лойиҳасини яратишда айрим шартларга амал қилиш кераклиги таъкидланиб, Абу Али ибн Синонинг бу борадаги табиатга оид қарашлари баён этилади.

Ўқувчиларни мутафаккирнинг табиатга оид қарашлари билан таништиришда бу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолганлигига ургу берилади. Бинобарин, қуёш нури старлича тушган хоналарда болалар рахит касаллигига чалинмайди. Бироқ баъзи ҳудудларда замонавий кўп қаватли уйларни қуришда Абу Али ибн Сино томонидан билдирилган тавсияларга унчалик риоя қилинмаганлиги ачинарли ҳолатдир.

Мутафаккир, яна, шунингдек, уй қуриш мақсадида танланган ер сувнинг сифати, унинг таркиби, истеъмолга яроқлилиги, яқин атрофдаги инсонлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган ботқоқлик, ахлатхона, кон каби ифлослантирувчи манбалар мавжуд эмаслигини аниқлаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтган.

Бошланғич 4-синф табиатшунослик дарслигидаги “Глобус-ер шарининг модели” мавзусида Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид қарашлари билан бошланғич синф ўқувчиларини самарали таништириш имкониятига эгаллиги билан эътиборга лойиқ ҳисобланади. Мавзу бўйича ташкил этилган дарсда ўқувчилар қуйидаги маълумотлар билан таништирилади: одамлар узоқ вақт давомида ернинг шар шаклида эканлигини билмаганлар. Улар ер-текислик ёки қавариқ доира шаклида бўлиб, “Ернинг атрофини денгиз ўраб олган, устига эса биллурий осмон қопланган”, деб тасвур қилганлар. Денгиз атрофида яшовчи халқлар “Ерни учта қатта балиқ кўтариб турибди, балиқлар қимирлаганда зилзила рўй беради”, деб ўйлашган. Ҳиндистон халқлари “Ерни баҳайбат филлар кўтариб турибди”, Ўзбеклар эса “Ерни ҳўкиз шоҳида кўтариб турибди”, деб ҳисоблаганлар.

Ҳаёт тақозаси билан саёҳатга чиқа бошлаган одамлар бутун ер юзини айланиб чиқишди. Бунинг натижасида ерни ҳеч қандай балиқ ёки филлар ва ҳўкиз кўтариб турмаслигига, ернинг чеки йўқлигига ва думалоқ эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Олимлар махсус асбоблар ёрдамида Ернинг ўлчовларини ҳисоблаб чиқишди ва унинг нухаси-глобусни яратишди. Ер шари жуда улкан бўлиб, уни бир марта айланиб чиқиш учун 40 минг километр йўл босиш керак. Шунинг учун нухса олишда ўлчовлар бир неча миллион баробар кичрайтирилади. Бу ўринда ўқувчиларнинг диққати глобусга қаратилади ва қуйидаги маълумотлар қўшимча

қилинади. Абу Райҳон Беруний қадимги юнон олимларининг ер шарининг шакли ҳақида фикрларни ўрганади ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб унинг кичик нуسخаси - глобусни яратади. Кейинчалик мутафаккирнинг ишини Мирзо Улуғбек ва Ҳожи Юсуф каби олимлар давом эттирганлар.

Ўқув жараёнида бошланғич 4-синф дарслигидаги “Сув ҳавзалари” мавзуси бўйича дарсларни таҳкил этишда Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид меросларидан самарали фойдаланиш учун дидактик шароит мавжудлиги аниқланди. Дастлаб мавзу бўйича суҳбат ташкил этилиб, ўқувчиларга сув ҳавзалари табиатининг гўзал кўринишларига бўлиб қолмай, инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эгалиги, сув ҳавзаларини қўриқлаш, эҳтиёт қилиш юзасидан дунё миқёсида қатор ишлар амалга оширилаётгани тушунтирилади.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино сувнинг хусусияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган: “Тоza сув мазасиз ва ҳидсиз” бўлади. Оқар сув энг тозадир, унинг тоза ердан оққани энг тоза бўлади. Баландликдан шарқираб оқаётган сув бошқа сувларга нисбатан сифатли бўлади. Қуёш яхши ёришиб, шамол эсиб турган ва тоза ерда оққан сув истеъмол учун фойдалидир. Лойқа сув - тоғ устидан оқаётган сувдан тоза бўлади, чунки лойқа сувда лойқа зарралари сувни турли зарарли аралашмалардан тозалайди. Агар қуёшга қараб оқса (шарқдан ғарбга томон) бошқа сувлардан яхши, ғарбга ёки жанубга қараб оқаётган бўлса ёмон, айниқса, жанубий шамол эсаётган жанубга қараб оқаётган сув сифатсиз бўлади. Қудуқ ва ер ости сувлари ер юзасидаги оқар сувларга нисбатан ёмондир, чунки улар жуда кўп вақтлар чиринди зарралар билан аралашиб ер остида қолиб кетган. Ботқоқ сувлари жуда зарарлидир. Қандай бўлмасин окмаган сув зарарлидир”.

Ўқувчилар Абу Али ибн Сино сув узатиш масаласига ҳам эътибор берганлигидан хабардор қилинадилар. Олимнинг фикрича, қўрғошин қувурлар орқали ўтадиган сув жуда зарарлидир, чунки у қўрғошиннинг “Қучи” ни олган. Бундай сувни ичган киши ичак яралари хасталигига дучор бўлиши мумкин. Темир қувурларидан оқиб “Темир қучи” ни олган сувлар фойдалидир. Ундан ички аъзолар мустаҳкамланади.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, буюк мутафаккирлар бундан минг йиллар олдин сувнинг ифлосланиши натижасида инсон организмга етадиган салбий таъсирни илмий - амалий асослаб берган, шунингдек, уларнинг табиатга онд ижобий ғоялари билан суғорилган илмий хулосалари ҳозирги кунда ишлаб чиқилган табиатни муҳофаза қилиш ва инсон экологияси қонунларига асос солган.

Адабиётлар:

1. Ахлок - одобга онд ҳадис намуналари. -Тошкент: Фан, 1990.- Б.172.
2. Атроф-муҳитни асранг. Бошланғич синф ўқувчилари учун қўлланма.- Қарши: Насаф, 2004.-30 б.
3. Bahramov A., Sharipov Sh., Nabiyeva M.Tabiatshunoslik darsligi 4-sinf. T:“Sharq”nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasibosh tahririyati.2020. - 120 b.
4. Баҳодиров О. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, аллома, адиблар).-Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999,-392 б.
5. Розиков К.Х. Муҳит ва инсон экологиясининг муаммолари. -Т.:Ўзбекистон, 1993. -32 б.
6. Сино, Абу Али Ибн. Тиб қонунлари. II жиддик сайланма/Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев.-Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996, -542 б.
7. Тўхтаев А., Ҳамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994.- 160 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошлангич синф табиатушунослик дарсларида Ўрта Осиё мутафаккирлари меросидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг шакл ва методлари, назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек, Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиатга оид меросларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларининг атроф-муҳит ва табиат билан бевосита боғлиб, улар ўрганадиган материаллар асосида мутафаккирларнинг асарларидаги табиат ва уни асраш билан боғлиқ бўлган манбалар ўз максини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются свособразные особенности использования наследия мыслителей Средней Азии, а также эффективное использование наследия,относящиеся к природе, непосредственная связь учащихсся сокружающей средной и природной, отряжены источники связянные сохранением природы, которые отряжены в их произведениях на основе изучаемых материалов.

SUMMURY

The article discusses the specific features of using the heritage of the thinkers of Central Asia, as well as the effective use of heritage related to nature, the non-surgical connection of students with the surrounding environment and the natural, sources related to the conservation of nature, which are ordered in their works on the basis of the studied materials.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA TARBIYACHINING KITOB BILAN ISHLASH SHAKLLARI

O'razova N.G.

Urganch davlat universiteti bosqich tayanch doktoranti

Tayanch so'zlar: maktabgacha ta'lim tashkiloti, kitob bilan ishlash, shakl. tarbiyachi, hikoya, ertak, topishmoq.

Ключевые слова: дошкольная образовательная организация, работа с книгой, форма. воспитатель, рассказ, сказка, загадка.

Key words: preschool educational organization, work with a book, form. educator, story, fairy tale, riddle.

Mamlakatimizda kitobxonlik davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Prezidentimiz tomonidan 2019 yilda ma'naviy-ma'rifiy sohalarida ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbus zamirida ezgu maqsadlar mujassamligini to'rtinchi tashabbus yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgani ham yaqqol namoyon etadi.

Yangi O'zbekistonning dasturilamal hujjati - Taraqqiyot strate-giyasi beshinchi yo'nalishining 72-maqsadida aholiga axborot-kutubxona xizmatini ko'rsatishni yanada rivojlantirish, kitobxonlikni keng ommalashtirish hamda «Kitobsevar millat» umummilliy g'oyasini ro'yobga chiqarish belgilangani yurtimizda kitobxonlikni umumxalq harakatiga aylantirishga xizmat qiladi.

Hozirgi vaqtda pedagogikada aniq estetik yo'nalishga ega bo'lgan nutq faoliyatini aniqlash uchun «bolalar badiiy va nutq faoliyati» atamasi qabul qilingan. O'z mazmuniga ko'ra, bu adabiy asarlarni idrok etish va ularni ijro etish, shu jumladan og'zaki ijodning boshlang'ich shakllarini (hikoya va ertaklar, topishmoqlar, qofiyalar o'ylab topish), shuningdek, tasviriy va ifodalilikni rivojlantirish bilan bog'liq faoliyatdir. Ko'rinib turibdiki, bu tushuncha izchil natqni shakllantirish, lug'at bilan ishlash kabilarni ham o'z ichiga oladi. Bolaning asarlar mazmunini o'zlashtirishini, ularni to'g'ri tushunishini ta'minlash muhim vazifadir. Tarbiyachi bolalarda adabiy asarni idrok etish qobiliyatini rivojlantiradi.

Kattalar uchun tavsiyalar:

Tarbiyachilar:

- 1) har kuni bolalarga dasturda belgilangan adabiyotlarni o'qish;
- 2) yuz ifodalari, imo-ishoralar, ovoz tembridagi o'zgarishlar yordamida o'qish bilan o'ziga jalb qilishga harakat qiling;
- 3) o'qish paytida ifodali tasvirlar va belgilarni yaratishga hissa qo'shing;
- 4) uyda bolalarga o'qish uchun kitob olib boradigan kutubxona tashkil qiling;
- 5) bolalarga kitobga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish odatini shakllantiring.

Ota-onalar:

- 1) o'qishni bolalar bilan jiddiy va muhim mashg'ulot sifatida qabul qiling;
- 2) tinglash uchun sharoit yaratib, bolani chalg'itmang;
- 3) ifodali o'qish, bolaning o'qishga qiziqishini keltirib chiqaring;
- 4) eshitganlarini muhokama qiling, rasmlarga qarang.

«Kitob bilan ishlash» mavzusida tarbiyachilar bilan seminar o'tkazish.

Maqsad: Maktabgacha yoshdagi bolalarni badiiy adabiyot bilan tanishtirish uchun tarbiyachilarning bilimlarini mustahkamlash.

Dars rejasi

Guruhda kitob burchagini tashkil etish.

Kitob bilan ishlash usuli.

Tarbiyachilarning badiiy adabiyot bilan tanishish metodikasi bo'yicha bilimlarini tekshirish uchun tarbiyachilar uchun test.

MTTda kitob burchagi.

MTTda bo'lish davrida bo'lajak o'quvchilar ko'plab ertaklar, hikoyalar, she'rlar tinglaydilar va takrorlaydilar. Shu bilan birga, inson ongining eng katta yutug'i- bolalarning diqqat-e'tibori doimo kitobning o'ziga tortiladi. Kitobga hurmat bilan munosabatda bo'lishni tarbiyalash juda erta yoshdan boshlanadi, kattalar bolalar kitobini ehtiyotkorlik bilan olib, bolalarga o'qib berishadi. Kitobga loqaydlik, hurmatsizlik farzand tarbiyasiga katta zarar yetkazayotgani qayd etiladi.

Kelajakdagi kichkina kitobxon hamma narsada kattalarga taqlid qiladi. Tarbiyachining kitobni ochishdan oldin qo'llarini yuvayotganini, hech qachon bukmasligini, varaqlab, ajin, bo'yalganlarini uchratib, noroziligini bildirayotganini ko'rsa, bolaning o'zi asta-sekin kitob himoyachisiga aylanadi.

Bola hali ham qanday o'qishni bilmaydi, lekin unga nafaqat kattalar bilan birga, balki mustaqil ravishda ham kitoblarga munosabat o'rgatiladi. Yosh bolalar kitoblar bizning do'stlarimiz ekanligini allaqachon o'rganishlari kerak. Pedagog kitobni javondan qanday qilib olishi, uni to'g'ri tekshirish va o'z joyiga qo'yishni sabr-toqat va matonat bilan o'rgatadi. Asta-sekin bolalar quyidagi so'zlarni o'rganishadi: bog'lash, qopqoq, sahifa va birozdan keyin. Bolalar kitobi - bu inson tajribasi, bilimlari, his-tuyg'ularini uzatish shakli, uchta san'atning sintezi: so'z san'ati, rasm va dizayn.

Dizayner kitoblari: yostiqli kitoblar, o'yilgan kitoblar, o'matilgan qismlarga ega o'yinchoq kitoblar, teatr kitobi, panorama kitobi, bolalar kitoblari, karton kitoblar (elermanlar), rang berish kitoblari, hikoya kitoblari (komplekslar), ovoqli kitoblar (kasetlarda), video kitob, ekranli kitoblar (qopqoq).

MTTning har bir yosh guruhida kitob burchaklari tashkil etilgan. Maxsus yengil va chiroyli javonlarda yoki shkafalarda shu yoshdagi bolalar uchun tavsiya etilgan, mavzui jihatidan yaqin va foydalanish mumkin bo'lgan kitoblar qo'yilgan, qoida tariqasida, bu kitoblar illyustrasiyaga boy va yaxshi holatda.

Yosh guruhlarda bolaning kitobni idrok etishi: kitob - bu kattalar ishlaydigan madaniy ob'ekt (10-20 kitob). Ishlaydigan ikkita kitob va bitta yangi. Kitobning turi - rasmi (80-90% rasm), o'yinchoq kitoblari (jingalak kontur, kitob-o'yin). Bitta asarning shakli va mazmuni

bo'yicha kitoblarni solishtirish. Bolalar kitobi madaniyat ob'ektidir. Bu uchta san'atning sintezidir: - so'z, rasm (illyustratsiya), dizayn (bezatish).

Kitoblar turli formatlarda bo'ladi, yupqa (32 varaqqacha bosilgan), qalin kitoblar (100 betdan ortiq) mavjud. Kitobni bargga bo'lish mumkin - varaq kitobga bog'lashni, ba'zan gapiradigan va gapirmaydigan, titul varag'iga - barcha ma'lumotlarni (nom, janr, rassom, nashriyot) o'z ichiga olgan kitoblarning titul varag'iga mahkamlaydi. Orqa varaqda o'quvchi toifasi va muallifning to'liq ismi ko'rsatilgan. Sarlavha sahifalarida muqaddima va keyingi so'zning izohi mavjud. Oraliq varaqlarda muallifning portreti, kitobning bir qismi joylashgan.

O'rta guruhdagi kitoblar. Bu yosh faoliyat turidagi kitoblarga to'g'ri keladi: o'yinchoq kitobi, teatr kitobi, rang berish kitobi (albom kitobi), hikoyalar kitobi (komikslar, kitob filmi), siz syujet yaratishingiz mumkin bo'lgan bir qator rasmlar (20- 30 kitob). Xalq og'zaki ijodi, she'riyat ustunlik qiladigan kitoblar kerak.

Katta guruhdagi kitoblar (30-40 kitob). Bolalar uchun maxsus yaratilgan asarlar va umumiy adabiyot asarlari mavjud klassik kitoblar. Turli janrdagi asarlar, badiiy va ilmiy-kognitiv, badiiy alifbolar. Kitob mazmuniga ko'ra, ular beshta dunyoni ifodalashi kerak: 1) bolalik dunyosi, 2) kattalar dunyosi va atrof-muhit, 3) tabiat dunyosi, 4) ijtimoiy munosabatlar olami, 5) fantaziya olami

Kitob bilan ishlash usullari.

3 yoshdan 5 yoshgacha.

Bola tomonidan kitobni idrok etish tushunchasi: kitob vizual-majoziy taassurotlar, lug'at va nutq manbai, o'yinlar, dam olish va mashg'ulotlar tashkilotchisi (adabiy dars - haftasiga 1 marta)

Kitob bilan muloqot qilish maqsadi: kitobga bo'lgan qiziqishni shakllantirish (qiziqish - bu ob'ekt bilan ehtiyojni qondirish); aqliy jarayonlarni rivojlantirish: (tasavvur, xotira, fikrlash, nutq).

O'qish diapazonini aniqlash: asarlar, kitoblar, turli format va mazmundagi to'plamlar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun bolalar adabiyoti klassikasi, bu yerda folklor va she'riyat ustunlik qiladi.

Bolalarning o'qish faoliyati:

- tinglash (3-7 daqiqa);
- jonli tasvirlarni ijro etish: rollarni baholash, qahramonlar qo'shiqlarini takrorlash;
- kitobning rasmlari va dizayn elementlarini ko'rish;
- albom kitoblarida rasmlarni bo'yash;
- kichik matnlarni, alohida iboralarni va satrlarni yodlash;
- kattalar tomonidan tayyorlangan uy qurilishi kitoblarini o'qish.

Nutq o'stirish faoliyati (15-20 daqiqa).

1-bosqich:

- o'qishdan oldin kitob bilan ishlash.
- muqovaning kirish tekshiruvi
- nimani ko'rasiz, kimni ko'rasiz; chegarada ko'rish
- rasmlardan tarkibni kutish.

2-bosqich:

Tarbiyachi tomonidan matnni ifodali o'qish. Bolalar auditoriyasi bilan faol muloqot.

3-bosqich:

O'qishdan ishlash:

- qayta o'qish, rollarga ovoz berish, qahramonlar qo'shiqlarini takrorlash;
- kitobning rasmlari va dizayn elementlarini ko'rish.

- albom kitoblari rasmlarni bo'yashi;
- kichik matnlarni, alohida iboralarni va satrlarni yodlash.

5 yoshdan 7 yoshgacha.

Bola tomonidan kitobni idrok etish tushunchasi: kitob - bu dunyo tasvirlari manbai, tasvirlar ko'rinishidagi bilim manbai, o'z-o'zini rivojlantirish vositasi.

Kitob bilan muloqot qilishdan maqsad: har xil turdagi va janrdagi adabiyotga qiziqishni oshirish, kitob haqida to'liq tasavvurni shakllantirish.

O'qish to'garagi: turli jild va janrdagi badiiy va o'quv adabiyotlari, o'tmish va bugungi kundagi mahalliy va xorijiy adabiyotlar asarlari, badiiy alifbo, ensiklopediya, o'quv kitoblaridan iborat.

5 olam: bolalik olami, kattalar olami, tabiat olami, insoniy munosabatlar olami, fantasiya olami. Bolalarning o'qish faoliyati:

- tinglash (5-15 daqiqa);
- illyustratsiyalar tavsifi;
- rasmdan va xotiradan kitob o'qish;
- hikoyalar, epizodlarni sahnalashtirish;
- dramatisatsiya yoki rolli o'yinlarni takrorlash;
- tarkibning barcha komponentlari (komponent - mavzu, muammo (qahramonlar qanday savollarni hal qiladi), tasvirlar, syujet, kompozitsiya (asosiy epizod qanday boshlanadi, qanday tugaydi), janrlar, til (qanday so'zlar) bo'yicha o'qilganligi haqida suhbatlar. kayfiyatni yaratdi, qiyin so'zlar, asosiy so'zlar), g'oya (ertak nimani o'rgatadi, qahramonga qanday maslahat beramiz);
- xayol qilish - yozish;
- mavjud bo'lgan asarlarni yodlash;
- uy qurilishi kitoblarini tayyorlash;

Kitob, uning mualliflari, qahramonlari bilan «suhbat» (kitob bilan yolg'iz qolgan bola 2 ta savol beradi: «Kitob, men sizni taniymanmi yoki yo'qmi?», «Menga nima haqida aytmog'chisiz?»)

Kitobni ko'rib chiqish qoidalar.

Biz muqovani o'rganamiz, kitobni «shaxsan» yodlaymiz (kitobni eslab qolish uchun biz 3 ta diqqatga sazovor joyini taqqoslaymiz), biz o'qish mavzusini o'z zimmamizga olamiz.

Tarbiyachining o'zi kitobning kirish varaqlaridan ma'lumotlarni o'qib chiqishi lozim.

Kitobni sahifama-sahifa ko'rib chiqish, rasmlar va sarlavhalar mazmunini taxmin qilishi zarur.

Biz nima tanish, tushunarli va nima yangi, noma'lum ekanligini hal qilamiz. O'qish uchun sabab qidiramiz.

Tarbiyachilarning badiiy adabiyot bilan tanishish metodikasi bo'yicha bilimlarni tekshirish uchun tarbiyachilar uchun test.

Tarbiyachi to'liq ismi sharifi. _____

Yosh guruhi _____

1. Bolalar badiiy adabiyot bilan tanishganda qanday bilish va nutq qobiliyatlari rivojlanadi?

2. Maktabgacha yoshdagi bolalarning kitobga qiziqishini saqlab qolish, unga qiziqish va muhabbatni rivojlantirish uchun qanday metodik usullardan foydalanasiz? _____

3. "Yakuniy qog'oz" nima? _____

4. Kitoblarning dizayn turlarini sanab bering. _____

5. Yosh guruhingizdagi kitob burchagi mazmunini tavsiflab bering

6. Kitob bilan muloqot qilishdan maqsad (sizning yosh guruhingizdagi bolalar uchun)

7. Yosh guruhingizdagi bolalarning o'qish faoliyati elementlarini sanab o'ting _____
8. Yosh guruhingizda qanday ertaklardan foydalanasiz _____
9. Yosh guruhingiz mavzusidagi har qanday dasturni 2 tasini sanab o'ting.

«Qish»: _____

«Bahor»: _____

«Yoz»: _____

«Kuz»: _____

Xulosa o'rinda aytish joizki, kitob bilan ishlash turli xil jihozlar va ko'rgazmali materiallarni talab qiladi, ular MTT tarbiyachisi xonasida tizimli shaklda bo'lishi kerak. Eng avvalo, katalogli bolalar badiiy adabiyoti kutubxonasi bo'lishi kerak. Tarqatma materiallar to'plami ham taqdim etilib, bir xil kitoblar, turli xil rasmlar va bolalar kitoblari syujetlari asosidagi bolalar rasmlari. Pedagog-metodist tarbiyachilarni bolalar adabiyotidagi eng so'nggi yangiliklar bilan o'z vaqtida tanishtirishi haqida g'amxo'rlik qilish kerak.

Adabiyotlar:

1. 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi (O'zR Prezidentining 28.01.2022 y. PF-60-son Farmoniga 1-ilova)
2. Алексеева М. М., Яшина В. И. Рассказывание по восприятию. Хрестоматия по теории и методике развития речи детей дошкольного возраста: Учеб. пособие для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений [Текст] / М. М. Алексеева, В. И. Яшина. - М.: «Академия», 2009. - 173-175 с.
3. Гурович, Л. М. Ребенок и книга [Текст] / Л. М. Гурович. - Детство: Пресс, 2004 г. - 158 с.
4. Тихеева Е. И. Развитие речи детей. [Текст] / Е. И. Тихеева. - М.: Просвещение, 1972. - 280 с.
5. Ушакова О. С. Развитие речи дошкольника. [Текст] / О. С. Ушакова. - М.: Изд-во института психотерапии, 2011. - 23 с.
6. Ушакова О. С., Струнина Е. М. Методика развития речи детей дошкольного возраста: Учеб.- метод. пособие для воспитателей дошкол. образоват. учреждений. [Текст] / О. С. Ушакова. Е. М. Струнина. - М.: Владос, 2009. - 228 с.
7. Флерина Е. А. Рассказывание в дошкольной практике // Хрестоматия по теории и методике развития речи детей дошкольного возраста: Учеб. пособие для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений [Текст] / Е. А. Флерина. - М.: «Академия», 2009. - 191 с.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotida kitob bilan ishlash shakllari va tarbiyachining kitob bilan ishlashi haqida fikr yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются формы работы с книгой в дошкольной образовательной организации и работа воспитателя с книгой.

SUMMARY

This article discusses the forms of working with a book in a preschool educational organization and the work of a teacher with a book.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК СПОРТ МУРАББИЙЛАРИНИ СПОРТЧИЛАР ГУРУҲИДАГИ ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Ибрахимов С.У.

ЎзПФТИИ докторанти,

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: маънавий-ахлоқий тарбия, принцип, касбий педагогика, акмеологик ёндашув, педагогик зиддият, касбий билим, бўлажак спорт мураббийси, кўникма, малака.

Ключевые слова: духовно-нравственное воспитание, принципы, профессиональная педагогика, акмеологический подход, педагогический конфликт, профессиональные знания, будущий спортивный тренер, умения, квалификация.

Key words: spiritual and moral education, principles, professional pedagogy, acmeological approach, pedagogical conflict, professional knowledge, future sports coach, skills, qualifications.

Бўлажак спорт мураббийларида касбий маҳоратни ривожлантириш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг алоҳида таркибий элементлари эмас балки, мазкур фаолиятга хос бўлган яхлит шахсий сифатларни таркиб топтириш назарда тутилади. Бунинг учун бўлажак спорт мураббийларининг мотивацион соҳалари, эҳтиёжлари, касбий маҳорат сирларини эгаллашга бўлган интилишлари тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

Акмеологик ёндашув асосида бўлажак спорт мураббийларини касбий ривожлантиришнинг барча компонентлари яхлит тарзда амал қилишига эришиш назарда тутилади. Бўлажак спорт мураббийларига педагогик таъсир кўрсатишнинг ранг-баранг турлари мавжуд. Маълумки, спорт мусобақаларига спортчи ўқувчи ва талабаларни тайёрлашнинг турли-туман усуллари, мазкур жараёнда фойдаланиладиган машқларни ишлаб чиқиш, улар орасида соғлом маънавий муҳитни таркиб топтириш методикаларини такомиллаштириш педагогика фанининг долзарб масалалари сира-сига киради.

Спортчиларнинг руҳий фаолиятини ривожлантиришнинг монофронталь (ягона фронталь) йўналиши кенг тарқалган. Ушбу йўналиш доирасида талаба бўлажак спорт мураббийси сифатида ўзининг шахсий фаолиятини ривожлантиришга ҳараткат қилади. Шунингдек, бўлажак спорт мураббийларининг руҳий фаоллиги бифронталь элементга эга бўлиб, мазкур йўналишда талабалар ракибларининг ҳаракатларини мута-зам назорат қиладилар, мусобақа вазиятларини ўзгаришини кузатиб унга мувофиқ келадиган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Бир туркумдаги машқлар, жумладан, жуфт-жуфт бўлиб бажариладиган машқлар,

жамоа бўлиб бажариладиган машқлар жараёнида спортчилар орасида тез-тез зиддиятли вазиятлар вужудга келади. Шундай вазиятларни ҳисобга олган ҳолда бўлажак спорт мураббийларини тайёрлашда уларга зиддиятларни бартараф этиш ҳақида маълумотлар бериш ва уларни олдини олиш методикалари билан қуроллантириш лозим. Талабаларнинг руҳий фаоллиги бифронтал характерга эга.

Спортда машқларни жамоа бўлиб бажариладиган турларида мураббийлар ҳам спортчилар ҳам ўз руҳий фаолликларини кўпроқ намоён қилиш имкониятига эга бўладилар. Чунки бундай машғулотларда турли хил ҳаракатлар амалга оширилади: дастурлаштирилган ҳаракатлар, спортчининг индивидуал ҳаракатларини назорат қилиш, жамоа ичида гуруҳли ҳаракатларни амалга ошириш, спортчиларнинг машғулотлардаги қийинчиликларини ва улар орасидаги зиддиятларни бартараф этиш, шу билан бир қаторда рақобатлашаётган жамоа аъзоларини ҳам қийинчиликлари бартараф этиш ва уларни соғлом рақобат муҳитига олиб кириш. Мазкур жараёнда спортчиларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш ҳамда уларга ижтимоий-маданий таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутиш лозим. Спорт мураббийлари худди мана шундай ижтимоий – маданий фаолиятга олий таълим муассасаларида тайёрланиши лозим. Бўлажак спорт мураббийлари спортчи ўқувчи ва талабаларнинг психологик ҳолатлари мазмуни ва таркиби ҳақидаги билимларга чуқур ўзлаштиришлари алоҳида аҳамиятга эга.

Бўлажак мураббийларнинг алоҳида спорт турига ихтисослашуви улар олдида айнан шу тур билан боғлиқ педагогик-методик талаблар қўяди. Шу билан бир қаторда уларнинг ҳаракат сифатлари ва морфо-функционал хусусиятларини ривожлантириш билан боғлиқ аниқ талаблар белгилаб берилади. Спортнинг қўллаб турлари билан шуғулланадиган спортчиларнинг психологик хусусиятлари ўзаро қиёсланади, улар орасида вужудга келадиган эҳтимолий қарама-қаршиликлар башорат қилинади ва талабаларга уни бартараф этиш методикалари ўргатилади. Мазкур методикалар уларнинг мойиллиги ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Спортчи ўқувчи ва талабалардаги эҳтиёжлар уларнинг муайян ҳаракатларини фаоллаштиришга хизмат қилади. Бўлажак спорт мураббийларида шакллантирилган билимлар бундай спортчиларни танлаш, машғулотларга йўналтириш, уларнинг характерли хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Бўлажак мураббийлар спортчи ўқувчи ва талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга ижтимоий-маданий, ахлокий-руҳий таъсир кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлишлари керак. Бўлажак спорт мураббийлари техник, жисмоний, тактик кўникмаларни эгаллаб, спортчи ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнида ушбу тажрибаларни самарали қўллай олишлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса тактик кўникмалар спортчи ўқувчи ва талабалар орасидаги зиддиятли вазиятларга мақбул ечим топишда самарадорликка эришиш имконини беради.

Ҳар бир бўлажак мураббий спортчиларнинг шахсий ривожланиш жарёнларини аниқ лойиҳалаштириш тажрибасига эга бўлиши ва уларнинг ҳаракатларини самарали бошқариши лозим. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бўлажак спорт мураббийларини спортчи ўқувчи ва талабалар билан ишлашга тайёрлаш жараёни уларнинг шахсий имкониятлари, характерли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш компетенцияларини шакллантиришга қаратилиши лозим. Бўлажак спорт мураббийлари спортчи ўқувчи ва талабаларнинг психологик функцияларини ҳам яхши билишлари талаб этилади. Айнан спортчиларнинг психологик функциялари мусобақалар жараёнида уларнинг муваффақиятлари иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилади.

Бўлажак спорт мураббийсининг илмий билимлари ва амалий тажрибалари спорт-

чиларнинг имкониятлари, жисмоний куч-қувватлари, ишчанликлари ва шахсий сифатларини аниқлаган ҳолда уларнинг фаолият натижаларини муносиб баҳолашга хизмат қилади. Спортчиларнинг ғалабага интилиши, иродаси, фавқулотда ҳолатлардаги барқарорлиги, ахлокий-психологик сифатлари уларнинг шахсий сифатларига боғлиқ. Маълумки, жисмоний фаолият махсус ташкил этилган машғулотлар ва мусобакаларда намоён бўлади. Машғулотлар ва мусобакалар жараёнида спортчиларда қуйидагилар шакллантирилади:

- характерининг ўзига хос жиҳатлари;
- қатъиятлилиқ;
- ташаббускорлик;
- ўз мавқеини мустаққалашга интилиш кабилар.

Спортчининг ушбу жиҳатлари ҳаракат сифатлари билан боғлиқ. Спортнинг ҳар бир муайян тури спортчиларга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиши, уларда аниқ сифатларни ривожлантиришга хизмат қилишини бўлажак спорт мураббийлари яхши билишлари ва мусобакалар жараёнида спортчиларга шу нуқтан назардан ёндашиш кўникмасини эгаллаган бўлишлари лозим. Спортчиларнинг фаолияти ўз рақиблари устидан ғалаба қозонишга йўналтирилганлиги учун ҳам, улар орасидаги шахслараро муносабатларни барқарорлаштириш, гуруҳ аъзоларида толерантлик сифатларини шакллантириш, рақибга ҳурмат назари билан қараш сифатларини таркиб топтириш мураббийнинг маънавий-тарбиявий функцияси асосини ташкил этади. Мураббий спортчиларда босқичма-босқич асосий ҳолатларга нисбатан мойиллик сифатларини таркиб топтириши лозим. Ҳар бир спортчида ўз мағлубиятини мардона тан олиш кўникмасининг шакллантирилиши муҳим аҳамиятга эга. Спорт мусобакаларидаги ўзаро курашлар жараёнида спортчилар орасида объективликни тарғиб қилиш мураббийнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки объективлик қарор топган жойда турли зиддиятлар вужудга келмайди.

Ақсарият спортчиларда ўзига нисбатан юқори даражадаги ишонч таркиб топган бўлади. Бундай ишонч баъзан мағрурлик, такаббурликка ҳам олиб келади. Натижада улар “мен зўрман” деган фикрда ўз рақибларини, ҳатто гуруҳдошларини ҳам ҳурмат қилмай қўядилар. Натижада турли зиддиятлар вужудга келади. Бундай спортчилар ноаниқ вазиятларда ўзларини жуда эркин тутадилар. Уларда айбдорлик ҳисси етарлича шаклланмаган бўлади.

Бўлажак спорт мураббийларида шакллантириладиган ўз кучларини сафарбар қилишга йўналтирилган интеллектуаллик ва лаёқатлилиқ уларда масъулият ҳиссининг ривожланишига хизмат қилади. Бўлажак спорт мураббийлари учун қулай ривожланиш даражаси уларнинг ютуқлари ва сезгирликларида ўз ифодасини топади. Жамоавий мусобакалар спортчилар учун психологик жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бундай мусобакаларда спортчи ўқувчи ва талабаларда масъулиятлилиқ ҳисси ортади. Улар жамоа учун ҳаракат қилиш, қатъиятлилиқ, тоқатлилиқ, интизомлилиқ сифатларини намоён этадилар. Энг ноқулай, мураккаб вазиятларда ҳам жамоа шарафини ҳимоя қилиш учун курашадилар. Машқ бажариш ва мусобақа жараёнлари спортчиларга комплекс таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Ушбу жараён спорт мураббийлари учун ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириш имкониятини беради. Улар олий педагогик жараёнида эгаллаган билимларини спорт тўғрақларида ишлаш жараёнида такомиллаштирадилар. Маънавий-ахлоқий тарбия воситалари ёрдамида спортчиларга таъсир кўрсатадилар.

Бўлажак спорт мураббийларини амалий педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабаларни жисмоний, руҳий, шахсий сифатларини бир йўла ривожлантириш ўқув жараёнининг мазмуни ва таркибини яхлит тарзда белгилаш имконини беради. Маълумки шахс таракқиётининг дастлабки босқичида ирсий жиҳатдан қатъийлашган

жараёнлар амалга ошади. Ривожланишнинг навбатдаги босқичларида эса ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия билан боғлиқ шарт-шароитлар устуворлик қилади.

Спорт педагогикасида ўқув машқлари жараёнида бўлажак мутахассиснинг касбий ривожланишиги устувор ўрин ажратиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бўлажак мутахассиснинг спортга оид фаолияти унинг шахсий-касбий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бунда акмеологик ёндашувга эътибор қаратиш ўзига хос имкониятларни вужудга келтиради. Бўлажак мураббийнинг спорт фаолияти унинг индивидуал ҳамда касбий жиҳатдан ривожланишини таъминлайди. Агар акмеологик ёндашув асосида бўлажак спорт мураббийлари учун ўзига хос таълимий муҳит яратилса, уларнинг шахсий-касбий ривожланиши жадаллашади. Бўлажак спорт мураббийларининг касбий тараққиёти учун, ижтимоий ривожланиш даражаси етакчи омил сифатида хизмат қилади. Бўлажак спорт мураббийсининг ҳар тамонлама ривожланиши учун унинг жисмоний спорт фаолияти билан чуқур шуғулланиши билан бир қаторда тарбиявий жараёнларга жалб этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак спорт мураббийларини маҳорат чўққисини эгаллашида жисмоний педагогик фаолият билан бир қаторда профессор ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бу жараёнда бўлажак спорт мутахассислари билан профессор ўқитувчилар биргаликда қуйидаги вазифаларни амалга оширадilar:

Ҳар томонлама ривожланган, рақобатбардош, спорт мураббийларини тайёрлаш;

Жисмоний тарбия ва спортнинг муайян турида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган маҳоратли мураббийларни етиштириш ва уларда юксак шахсий сифатларни таркиб топтириш;

Бу вазифаларни амалга ошириш учун профессор ўқитувчилар педагогик жараёнинг объектив қонуниятлари ҳамда уни ташкил этиш принципларини аниқ ҳисобга олган ҳолда ўқув воситаларини танлашлари ва лойиҳалаштиришлари талаб этилади. Шунга кўра бир қатор принципларни ажратиб олдик.

1. Ёшларини тарбиялашда жимоний тарбия ва спортнинг истикболли кадрият сифатида эътироф этилиши. Ушбу принцип доирасида спорт шахс маънавиятини юксалтирувчи, унда ижобий, инсоний сифатларни шакллантириш омили сифатида оммалаштирилишига эътибор қаратилади.

2. Шахс тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш муҳимлиги принципи. Ушбу принципга асосланган ҳолда юкломаларнинг характери, таркибий тузилиши, спортчи ўқувчи ва талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларни этишга йўналтирилади. Уларнинг ўзлари бажараётган иш ва ўз-ўзларига бўлган тизимли муносабатлари таркиб топтирилади. Бу муносабат ўз навбатида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу жараёнда ёшлар жисмоний тарбия ва спортга кадриятли муносабатда бўлган ҳолда турли машқлар ва жисмоний ҳаракатларни амалга оширадilar.

3. Бўлажак спорт мутахассисларини акмеологик ёндашув асосида шахсий ёндашувнинг ҳисобга олинганлиги принципи. Бунда спорт мураббийларининг спортчи ўқувчи ҳамда талабаларга кадриятли муносабатда бўлишлари назарда тутилади. Ушбу ёндашув ёшга кўра имкониятларни ҳисобга олиш ва индивидуал ёндашувлардан фарқ қилади. Мазкур ёндашув нафакат билимларни ўзлаштиришни назарда тутди, балки, ривожланишнинг ёш билан боғлиқ меъёрларини ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади. Бунда спортчиларнинг темперамент хусусиятлари ва характери билан боғлиқ жиҳатлари ҳам ҳисобга олинади. Мазкур ёндашувлар спортчиларнинг билим даражаси билан бир қаторда шахсий сифатларини ҳам ривожлантириш жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаш имконини беради. Спортчиларда босқичма-

босқич ўз касбий фаолиятларига хос сифатлар ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг муайян соҳаси билан боғлиқ фаолият тажрибаси таркиб топтирилади.

Спортчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун бўлажак спорт мураббийлари тарбиявий ҳаракатларнинг иккиёқлама характер касб этишини таъминловчи воситалар ва усулларни ўзлаштиришлари лозим. Спорт мураббийлари билан спортчилар орасидаги ўзаро ҳамкорликни асосий шакли сифатида диалогни кўрсатиш мумкин. Тарбиявий жараён субъектлари орасидаги диалог спорт мураббийлари билан спортчилар, спортчилар билан спортчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини юзага келтиради. Ҳамкорлик принципини амалга ошириш натижасида спорт мураббийсининг ўз тарбиячилари билан биргаликда амалга оширадиган фаолияти характерини ўзгартиради.

4. Ҳамкорлик принципи билан педагогик ёрдам ва қўллаб қувватлаш принципи ўзаро алоқадорликда амал қилади. Спорт мураббийсининг спортчиларга ёрдам кўрсатиши ва уларни қўллаб-қувватлашидаги энг аҳамиятли жиҳати турли тўсиқлар ва шахслараро муносабатларда вужудга келадиган зиддиятларни биргаликда бартараф этишдан иборат. Бундай тўсиқлар ва зиддиятларга спортчилар мунтазам дуч келадилар. Бу улар орасидаги ўзаро муносабатлар, мулоқот ва машқлар жараёнида яққол намоён бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотида тарбиявий жараёнларни бошқариш ўзига хос характерга эга бўлиб, мазкур фаолиятга тайёрлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

5. Спортчиларнинг гуруҳларида тарбиявий жараёнларни педагогдан алоҳида касбий лаёқат, маҳоратни ва сезгирликни талаб қилади.

Бўлажак спорт мураббийларини тайёрлашда тизимлилик принципига таяниш ҳам алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Чунки спортчилар билан амалга оширадиган тарбиявий жараёнлар қўлланиладиган восита, усул ва методларни тадрижийлик асосида тизимлаштиришни талаб қилади.

Мазкур восита, усул ва методлар босиқичма-босиқ интеграциялаштирилган ҳолда тарбиявий жараён лойиҳасига айлантирилади. Чунки спортчилар билан амалга ошириладиган тарбиявий жараёнлар яхлит ижтимоий тизим лойиҳаси ҳисобланади. Бунда тарбиявий жараённинг асосий компонентлари ўзаро алоқадорлик асосида тизимлаштирилади. Мазкур компонентлар сирасига жараён субъектлари, унинг мақсади, мазмуни ҳамда спорт фаолиятини амалга ошириш усуллари киради. Улар ўзаро интегратив характерга эга бўлади. Спорт жамоасининг фаолият ва ҳаёт тарзи, ундаги психологик муҳит тарбиявий фаолиятни самарали ошириш имкониятини беради. Тарбиявий тизим самарали фаолият кўрсатишининг воситалари ва шартлари билан ҳам бўлажак спорт мураббийларини яқиндан таништириш назарда тутилиши керак. Тарбиянинг шакли сифатида мураббий билан спортчилар орасидаги ўзаро муносабат аа ҳаракат шакллари назарда тутилади. Шунга қўра маънавий-ахлоқий тарбиянинг шакллари ўзаро фарқланади ва жисмоний тарбия ва спорт фаолияти билан боғлиқ тарбиявий тизимнинг таркибий қисми сифатида қуйидагиларни ўзлаштириш назарда тутилади:

- ахлоқий тарбиянинг мунтазам давом этадиган жараён сифатида ҳар бир машғулотида амалга оширилиши;
- мураббийларнинг бевосита ва билвосита спортчиларга педагогик таъсир кўрсатиши, улар орасида вужудга келадиган зиддиятларнинг олдини олиши;
- спортчиларни маънавий ахлоқий тарбиялаш мураббий фаолиятида етакчи ўрин эгаллаши;
- спорт мураббийлари спортчиларда меҳнатсеварлик, ишчанлик, машғулотларга кизиқиш, хорижий тилларни ўрганишга эҳтиёж, санъат ва адабиётни севиш каби сифатларни шакллантира олиши;

- спорт мураббийлари спортчиларга вазиятдан келиб чиққан ҳолда педагогик таъсир кўрсата олишлари лозим. Бунда спортчилар орасидаги мураккаб ҳамда кундалик одатий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тарбия воситалари ва усулларини танлашлари муҳим аҳамиятга эга;
- спортчиларга кўрсатиладиган педагогик таъсир воситалари анъанавий, инновацион ва креатив характерга эга бўлиши талаб қилинади;
- бўлажак мураббийлар ахлокий тарбия воситаларининг мунтазам ҳамда вазиятга қараб қўллаш қўникмаларини эгаллашлари зарур;
- бўлажак спорт мураббийлари спортчи ўқувчи ҳамда талабалар билан доимий тарзда ахборот алмашиш, мулоқот вазиятларини ташкил этиш компетенциясини эгаллашларини ҳам назарада тутиш лозим;
- бўлажак спорт мураббийлари спортчилар билан индивидуал, гуруҳли шаклларда маънавий-ахлокий тарбия вазиятларини ташкил этиш тажрибасини ҳам ўзлаштиришлари назарда тутилади;

Хулоса қилиб айтганда бўлажак спорт мураббийларини тайёрлашнинг таркибий қисми сифатида уларни спортчилар билан амалга ошириладиган индивидуал иш шакллари билан қуроллантириш мақсадга мувофиқ. Улар спортчи ўқувчи ҳамда талабалар билан суҳбатлар, диолог, савол-жавоблар, маслаҳатлашув, ўзаро фикр алмашиш, ёрдамга муҳтож спортчиларга қўмаклашиш, муайян иш турларидан фойдаланиш, муаммоларга биргаликда ечим топиш методлари билан қуроллантирилишлари муҳим педагогик аҳамиятга эга. Бўжак мураббийнинг асосий вазифаларидан бири спортчиларнинг мавжуд билим, тажрибаларига таянган ҳолда уларнинг яширин имкониятлари ва иқтидорларини кашф эта олишга оид қасбий маҳоратни эгаллашдан иборат. Улар спортчиларнинг шахсиятига хос бўлган барча аҳамиятли жиҳатларни кашф эта олишлари лозим.

Адабиётлар:

1. Крюкова Е.А. Личностно-развивающие образовательные технологии: природа, проектирование, реализация. Монография. – Волгоград: Перемена. 1999. – 196 с.
2. Кудинов С.И., Кудинов С.С. Психодиагностика личности: учебное пособие / С.И.Кудинов, С.С.Кудинов. – Тольятти: ТГУ. 2012. – 270 с.
3. Кудрявцев С.В. Конфликт и насильственные преступления / С. В. Кудрявцев. - М. : Наука, 1991. - 174 с.
4. Кузнецова Н.И. Преодоление конфликтов между учителем и учащимися при организации образовательного процесса в условиях инновационного поля: Дисс. ... канд. пед. наук. – Тюмень. 1997. – 23 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада акмеологик ёндашув асосида бўлажак спорт мураббийларини спортчилар гуруҳидаги зиддиятларни бартараф этиш хусусиятлари ва принциплари ҳақида фикрлар келтирилган бўлиб, спорт фаолияти жараёндаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзига хусусиятлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены взгляды будущих спортивных тренеров на особенности и принципы разрешения конфликтов в группе спортсменов, основанные на акмеологическом подходе, и описана специфика спортивной деятельности, направленной на разрешение конфликтов в процессе.

SUMMARY

This article presents the views of future sports coaches on the features and principles of conflict resolution in a group of athletes, based on the acmeological approach, and describes the specifics of sports activities aimed at resolving conflicts in the process.

БЎЛҒУСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Матвонаев А.Ғ.

Урганч давлат университети, таянч докторанти

Таянч сўзлар: спорт, касбий компитентлик, когнитив компетенция, автометодик, эдукологик интеграция, жисмоний тарбия.

Ключевые слова: спорт, профессиональная компетентность, познавательная компетентность, автометодология, эдукологическая интеграция, физическое воспитание.

Key words: sport, professional competence, cognitive competence, automethodology, educological integration, physical education.

Жаҳонда жисмоний маданиятнинг инсон ва жамиятни такомиллаштириш омили сифатидаги роли сезиларли даражада осхиб бормокда. Соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт бирлаштирувчи куч ва миллий ғояга айланиб, кучли давлат ва соғлом жамият ривожига хизмат қилади. Шунга қўра, жамият томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасига хизмат кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш сифатида, уларнинг касбий малакаси даражасига қўйиладиган талаблар ортиб бормокда шу жумладан уларнинг касбий компитентлигини ривожлантириш орқали олий талим муассасалари фаолиятини рақобатбардошлигини таъминлаш ва таълим сифатини ошириш замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади. Агар илгари мутахассис тайёрлашнинг асосий мақсади технологик ўсиш бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг асосий касбий малакаларини узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш давлатимизнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Таълим тизимига дунё тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Уни такомиллаштириш ва сифатли ташкил қилиш, таълим олувчиларга кафолатланган билимлар бериш механизмларини ўқув-машғулотлар жараёнига жорий этиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Республикамизда инновацион технологияларни кенг ривожланганлигини инобатга олиб ундан олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини оптималлаштиришга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўрганиш зарур. Кўпгина олий таълим муассасаларида фанларни ўзлаштиришни енгиллаштириш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш тобора кучайиб бормокда. Аммо “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда ахборот коммуникация технологияларидан, хусусан, мобил технологиялардан фойдаланиш йўллари ва унинг самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш масалалари тадқиқ қилинмаган ва айнан шу шу йўналишдаги изланишларнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизнинг қатор олимлар О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиевлар[1] масофавий таълим технологияси ва масофавий таълимнинг дидактик таъминотини, И.А.Эшмаматов[2] замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини шакллантиришни. Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов[3], Л.П.Матвеев, Ю.Д.Железняк[4], В.Н.Платоновлар[5] жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида жисмоний сифатлар билан тафаккур ривожланишини чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблашган.

Хорижий олимлардан таълим жараёнида ахборотлашган тизимларни яратиш,

хусусан мобил иловалардан фойдаланиш масалалари A.Victor, L.Dias, B.J. Retos, D.Parsons, P.Yang, H.Xue, P.Aubusson, S.Schuck, K.Burden, J.Wishart, P.Palička, L.Jakubec, J.Zvoníček, I.M.Poluliaschenko лар томонидан тадқиқ қилинган. Мазкур илмий изланишларда педагог кадрларни тайёргарлигининг турли жиҳатлари, яъни инновацион ва педагог фаолиятга тайёргарлиги, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида жисмоний ва тафаккур ривожланишида техник, тактик ёндашувлар, педагогик жиҳатлар, таълим методлари ва касбий фаолият таҳлили, касбий маҳоратни ривожлантиришнинг аҳамияти, маънавий кадриятлардан фойдаланиш йўллари ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилган. Лекин, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари касбий компетентлигини ривожлантиришда янги усул ва услубларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш масалалари деярли тадқиқ этилмаган.

Бўлғуси жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий компетентлигини ривожлантириш учун ўргатиш тизимининг педагогик асослари қуйидагича:

талабаларнинг когнитив компетенциялари муайян социал ва шахсий аҳамиятли соҳада ўқувчи фаолияти тажрибаси билан шартланган кадриятли маъноли йўналганлик, билим, кўникма, малака, қобилиятлар шахсий хислатлари йиғиндиси репродуктив ҳамда продуктив жараёнларни асосий мутахассислик фанлари мазмунига сингдириш;

талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни мотивациявий, ахборотли, тезкорлик ва баҳоловчи компонентлари мустақил таълимда когнитив компетенциянинг автоматодик таркиби орқали эдукологик интеграцион таъсир кўрсатиш механизмларига таъсир этувчи ички ва ташқи педагогик омилларни аниқлаштириш асосида такомиллаштириш;

талабаларнинг касбий компетентлигини педагогик, эвристик масалаларнинг имитациявий, тузилмавий-функционал ва интегратив-рефлексив турларини мустақил таълим технологиялари ҳамда ижодий-интеллектуал топшириқлар мажмусини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлаштириш модели рефлексив фаолиятли шаклларни идентив мақсадлар билан ички интеграллашув даражасига ҳамда интеграция жараёнларида қайта алоқани таъминлаш шартлари бўйича ташкилий-педагогик, функционал ва фаолиятли ёндашув орқали такомиллаштириш.

Ушбу йўналишда олиб борилган изланишлар натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг кенг дунёқарашга асосланган касбий компетентлигини ривожлантириш механизмлари ва ноанъанавий услублари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу услублар бўлажак спорт мутахассисларида дарс, амалий машғулот жараёнларидаги фаолиятларини такомиллаштириш, кенг мулоҳазага таянган ҳолда ҳаракат қилиш тизимини яратиш, мавжуд муаммоларга нисбатан креатив ёндашув қобилиятини ошириш имконини берди.

Юқоридаги фикрларни тизимли таҳлил қилиб хулоса қиладиган булсак, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўқитувчиларида ўқув-билиш фаолияти жараёнида мустақил билим, малакалар ва тажрибани мустақил эгаллаш қобилиятларини ривожлантириш зарурияти асосланган. Жисмоний маданият назарияси ва услубияти фанини ўқитиш жараёнида жараёнида бўлажак математика ўқитувчиларида когнитив компетенцияни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Хусусан, касбий компетентлигини ривожлантиришнинг босқичлари (мустақил олдиндан айта олиш, мустақил лойиҳалаштириш, мустақил таълим) когнитив компетенция даражалари – меъёрий, конструктив ва истикболи бўйича ажратилган. касбий компетенцияни ривожлантириш воситалари ҳамда турли даражали имитациявий, тузилмавий-функционал ва интегратив-рефлексив каби эвристик жисмоний тарбия назарияси масалалари аниқланган ва ҳал қилинган.

Шундай экан, демак “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” курсини

ўрганишда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида эвристик жисмоний тарбия ва спорт масалалар, касбий компетенцияни ривожлантириш хусусиятлари ва бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашга талабаларни танлаш тамойилларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида турли даражали масалаларни ечиш лозим. Жисмоний тарбия воситалари фаолият мақсадини алмаштириш ва аҳамиятли шартлар моделини қуриш жисмоний ҳаракатлар аҳборотни ўзгартариш, қуниқма ва малакаларни масалани ечиш бўйича ижро этиладиган ҳаракатлар дастурини тузишда бажариладиган ҳаракатларнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини асослаш, хатоларни излаш ва уларни тузатиш малакалари орқали ўқув-билиш фаолиятини мустақил бошқариш тажрибасини бойитиб, касбий компетенция таркибий қисмларини ривожлантиришга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Рахимов О.Д., О.М.Тургунов, Қ.О.Мустафоев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2012 й., -111 б.
2. Эшмаматов И. А. “Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий педагогик асосларини шакллантириш” 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018 й., -48 б
3. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.:Издательский центр «Академия», 2000. - 480 с.;
4. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – М.:Физкультура и спорт, 2000. – 331 с.; Железняк Ю.Д. Теория и методика обучения предмету «Физическая культура»: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений /Ю.Д.Железняк, В. М. Минбулатов. — М.: Издательский центр «Академия», 2004. — 272 с.;
5. Платонов В.Н. Адаптация в спорте. - Киев, 2013. — 216 с..
6. A.Victor, L.Dias Teaching and Learning with Mobile Devices in the 21st Century Digital World: Benefits and Challenges. // European Journal of Multidisciplinary Studies.- 2017. Volume 2, Issue 5. P-339-344.
7. B.J.Retos Oportunidades de la tecnologia móvil en la educación física. Challenges and opportunities of mobile technology in physical education. Retos: nuevas tendencias en educación física, deporte y recreación. 2020. www.researchgate.net/publication/334625774.
8. D.Parsons The Future of Mobile Learning and Implications for Education and Training, Chapter: 16. Publisher: Commonwealth of Learning Press. 217-229 pp. (2014).
9. P.Yang, H.Xue Research and application of mobile teaching platform. IOP Conf. Series: Journal of Physics: Conf. Series 887 (2017) Beijing Polytechnic, Beijing., P.Aubusson, S.Schuck, K.Burden Mobile learning for teacher professional learning: benefits, obstacles and issues, ALT-J, 2009.-P.233-247.,
10. J. Wishart Use of mobile technology for teacher training. In Mobile learning: Transforming the delivery of education and training, ed. M. Ally, 2009. –P.265–278.
11. Edmonton, Canada: Athabasca University Press., P.Palička, L.Jakubec, J.Zvoníček. Mobile apps that support physical activities and the potential of these applications in physical education at school. 10th INSHS International Christmas Sport Scientific Conference, International Network of Sport and Health Science. Szombathely, Hungary. Volume 11. 2016. S176.
12. I.M.Poluliaschenko. (2020) Professional Training of Future Teachers of Physical Culture as an Important Component of Patriotic Education. International Journal of Innovative Technologies in Social Science. 6(27). doi: 10.31435/rsglobal_ijits/30092020/7175.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада бўлғуси жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий компетентлиги, когнитив компетенциялари аўтометодик таркиби орқали эдукологик интеграцион ривожлантириш учун ўргатиш тизимини педагогик асослари ва креатив ёндашув қобилиятини ошириш имконини берувчи маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлена информация о педагогической основе системы подготовки и возможности творческого подхода к развитию профессиональной компетентности, познавательных компетенций будущих специалистов физической культуры и спорта через аутометодическую композицию педагогической интеграции.

SUMMARY

This article provides information on the pedagogical basis of the training system and the possibility of a creative approach to the development of professional competence, cognitive competencies of future specialists in physical culture and sports through the auto-methodological composition of pedagogical integration.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3/1-1**
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 29.06.2022. Форматы 60x84^{1/16}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51